

Умурзаков Э.У.

ТАМАКИ (*Nicotiana tabacum* L.)
ФИТОПАТОГЕНЛАРИ ВА
УЛАР МИҚДОРИНИ
БОШҚАРИШ



ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ОЗИҚ – ОВҚАТ
ХАВФСИЗЛИГИ ИНСТИТУТИ

Умурзаков Э.У.

**ТАМАКИ (*Nicotiana tabacum L.*)
ФИТОПАТОГЕНЛАРИ ВА УЛАР
МИҚДОРИНИ БОШҚАРИШ**

Монография

Самарқанд – 2023

633.7:632.7

У 52

УДК: 632.7+633.7

Умурзаков Э.У. Тамаки (*Nicotiana tabacum L.*) фитопатогенлари ва улар микдорини бошқариш. Монография. – Самарқанд: “СамДЧТИ” нашриёти, 2023. – 241 бет.

Монографияда тамакидаги касалликлар, уларнинг қўзгатувчилари, турлари, тарқалиши ареали, биоэкологик ҳусусиятлари, касаллик симптомлари тўлиқ ёритилган. Касаллик қўзгатувчиларни тамаки барг таркибидаги оқсил, углевод ва бошқа моддаларга таъсири келтирилган. Фитопатогенлар микдорини бошқаришида замонавий уйғунашган усулиари кенг ёритилган.


Китоб қишилоқ хўжалиги мутахассислари, агрономлар, амалий ишчи-хизматчилар, агрономия ва ўсимликларни ҳимоя қилиши йўналишларида таҳсил олаётган магистр ва бакалавр талабалари ҳамда илмий ходимларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

Кишлок хўжалик фанлари доктори, профессор Р.А.Гулмуродов

Кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор А.Р.Анорбоев

Кишлок хўжалик фанлари доктори, профессор Ф.Ҳ.Ҳошимов



© Умурзаков Э.У., 2023

UDK: 632.7+633.7

Umurzakov E.U. Phytopathogens of tobacco (*Nicotiana tabacum* L.) and management of its quantity. - Monograph. – Samarkand: Publishing “SamSIFL”, 2023. 241 p.

The monograph highlights tobacco diseases, types, area of their distribution, biological characteristics, symptoms of diseases. The influence of pathogens on the content of protein, carbohydrates and other substances in tobacco leaves is given. Issues of integrated tobacco disease control are widely covered.

The book is intended for bachelors, masters, agronomists, scientists and production specialists.

Тақризчилар:

The doctor of agricultural science, professor **R.F.Gulmurodov**

The doctor of agricultural science, professor **A.R. Anorboev**

The doctor of agricultural science, professor **F.H.Hoshimov**

633.7:632.7

У

УДК: 632.7+633.7

Умурзаков Э.У. Фитопатогены табака (*Nicotiana tabacum L.*) и управления его количеством. Монография. – Самарканд: Издательство “СамГИИЯ”, 2023. – 241 стр.

В монографии освещены болезни табака, типы, ареал их распространения, биологические особенности, симптомы болезней. Приведены влияние возбудителей болезней на содержание белка, углеводов и других веществ в листьях табака. Широко освещены вопросы интегрированной борьбы с болезнями табака.

Книга рассчитана для бакалавров, магистров, агрономам, научных работникам и специалистам производства.

Рецензенты:

Доктор сельскохозяйственных наук, профессор Р.А.Гулмурадов

Доктор сельскохозяйственных наук, профессор А.Р.Анорбоев

Доктор сельскохозяйственных наук, профессор Ф.Х.Хошимов

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
I-боб. ТАМАКИЧИЛИК ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ ...	8
1.1-§. Тамакининг систематикаси, ботаник тавсифи ва унинг биологик хусусиятлари.....	8
1.2-§. Тамаки етиширилаётган табиий худудлар шароитларининг ўсимлик касалликларининг ривожланишига таъсири	28
1.3-§. Тамакичилик соҳасининг ҳозирги ҳолати, иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари	36
II-боб. ТАМАКИ ФИТОПАТОГЕНЛАРИНИ ЎСИМЛИКГА ТАЪСИРИ	41
2.1-§. Тамаки ўсимлиги биокимёвий жараёнларига ва кимёвий таркибига фитопатогенларни таъсири	41
2.2-§. Патоген қўзғатувчиларини моддалар энергия алмашинувига таъсири	51
III-боб. ТАМАКИ ҲОСИЛИ ВА СИФАТИНИ КАСАЛЛИК ТАЪСИРИДА КАМАЙИШИ	63
3.1-§.. Тамаки маҳсулдорлигини касалликлар туфайли камайиши ва иnobud бўлиши	63
3.2-§. Тамаки касалликларининг ташқи белгилари	72
IV-боб. ТАМАКИ ФИТОПАТОГЕНЛАРИ ТАЪРИФИ	93
4.1-§. Тамакининг юкумсиз касалликлари	93
4.2-§. Тамакини юкумли касалликлари	93
4.2.1-§. Замбуруғли касалликлар	93
4.2.2-§. Тамакининг вирусли касалликлари	142
4.2.3-§. Тамакининг бактерияли касалликлари.....	171
V-боб. ТАМАКИНИНГ ПАРАЗИТ БЕГОНА ЎТЛАРИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ	183
5.1-§. Шумгия	183
5.2-§. Зарпечак	214
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	225

КИРИШ

Янги Ўзбекистон Республикаси кишилук хўжалигини ривожлантиришда инновацион технологияларни кенг жорий қилиш асосида экинларни ҳосилдорлигини ошириш асосий йўналишлардан бири хисобланади. Ушбу асосий вазифани бажариш учун ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган оқилона ва самарали тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқаришга кўллаш катта аҳамият касб этади.

Ўсимлик касалликларига қарши амалий жиҳатдан замонавий ва самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш учун касалликлар турини аниқлаб ва унга аниқ ташхис қўйиш мухим ҳисобланади. Ушбу масалада мутахассисларнинг экинлар касалликлари тўғрисидаги назарий билим ва амалий қўнікмалари касалликларга қарши тадбирларни белгилашда асосий мезон бўлиб хизмат қиласди.

Кишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари турли табиий худудларнинг, хусусан Ўзбекистоннинг тупроқ ва иқлим шароитлари негизида турлича намоён бўлиши мумкин. Шу сабабли, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш тадбирлари экин тури, худуднинг табиий шароитлари ва касалликини биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Кишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истикболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг мухим вазифалардан саналади.

2016-2020 йилларда пахта хом ашёси етиштириладиган майдонларни 170,5 минг ва суғориладиган фалла майдонларини 50 минг гектарга қисқартириш ҳисобидан картошка майдонини 36 минг, сабзавотлар майдонини 91 минг, интенсив боғлар майдонини 18 минг, озуқа экинларини 50,3 минг, мойли экинларни 14 минг ва узумзорларни 11,2 минг гектарга кенгайтириш билан боғлик экин майдонларини янада оптималлаштириш ишлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда экинларга ишлов беришнинг илфор агротехнологияларини, юкори унумдорликка эга техника ва машиналарни ҳамда суғоришнинг замонавий усусларини кўллаш

натижасида экинлар ҳосилдорлигини картошкада 218,9 дан 230,5 ц/га (+11,6), сабзавотларда 277,1 дан 294,0 ц/га (+16,9) ошириш күзде тутилган.

Экинзорлардаги мавжуд экологик шароиттинг тубдан ўзгариши, яъни тупроқда, ўсимлик катламида ва барча микроорганизмлар таркибидаги ўзгаришлар экинлар ҳосилини пасайишига, маҳсулот сифатининг ёмонлашишига олиб келмоқда. Улар орасидаги ракобатлар тупроқдаги минерал, органик моддаларга, сувга ёргуликга бўлган эҳтиёжи асосида вужудга келиб қолмасдан, балки турли касаллик ва ҳашаратларнинг сақланишида, тарқалишида, ҳамда янги ареалларини ҳосил қилишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан экологик соғозик овқат маҳсулотларини етиштиришга, экинларни касалликларга кириши самарали қураш чораларини жаҳон андозалари асосида ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган.

Бунинг учун қишлоқ хўжалигига барча агротехника ва агрокимё чора-тадбирлари илм-фан тавсияномаларига ва илғор тажрибаларга мувофиқ ўtkазиш, бегона ўтларга, зараркунанда ва касалликларга кириши қурашиш чораларини жорий қилиш муоммоларини ечиш мутлоқо янгича ёндошув бўлиши кераклигини тақозо қиласди. Ўсимликларнинг ҳосилдорлигини кутариш, касалликларга чидамли индивидуални яратиш, маҳсулот сифатини яхшилаш асосида жаҳон андозалари талаби даражасига эришиш вазифаси белгилаб берилган.

I-боб. ТАМАКИЧИЛИК ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ.

1.1-§. Тамакининг систематикаси, ботаник тавсифи ва унинг биологик хусусиятлари.


Систематикаси. Тамаки (*Nicotiana tabacum* L.) итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб бўлиб, систематик жиҳатдан картошка, қалампир, помидор, бақлажон каби маданий ўсимликлар ҳам шу оила вакилларидир. *Nicotiana* авлодига мансуб ўсимликлардан факат иккитаси – тамаки - *N. tabacum* L. (1-расм) ва маҳорка - *N. rustica* L., (2-расм) маданий турлар бўлиб, чекиши материаллари тайёрлаш учун хом ашё етиширишда фойдаланилади, қолган етмишга яқини ёввойи турлари бўлиб, саноат аҳамиятига эга эмас. Уларнинг кўпчилиги бир йиллик ўсимлик бўлиб, факат айримларигина (*N.geauca* ва бошқалар) кўп йиллик ҳисобланади. *Nicotiana* авлодига кирадиган *N.alata*, *N.sandere* ва бошка айрим турлар манзарали ўсимлик сифатида экилади. Ёввойи турларнинг айрим вакиллари (*N.glutinosa*, *N.goodspeedii*, *N.debneyi* ва бошқалар) касаллик ва зааркунандаларга жуда чидамли бўлиб, селекцияда тамакининг асосий касаллик ва зааркунандаларига қарши иммунитетга эга бўлган навлар яратишда фойдаланилади.

Бутунrossия тамаки ва маҳорка экинлари ИТИ профессори М.Ф.Терновский тамакининг вирусли мозаика, уншудринг, бактериал рябуха ва бошка касалликларга чидамли навларини яратишда *N.glutinosa*, *N.longifeora* каби ёввойи турларидан фойдаланди ва бу соҳада турлараро чатиширишнинг аҳамияти катта эканлигини исботлади.

Тамаки турларини дастлаб С.А.Эгиз (1913) ва М.Нестеровлар (1928) классификациялаган ҳамда мавжуд навларни таърифлаганлар. Е.Н.Писарева тузган тамаки турлари классификацияси ҳозирги пайтда тамакичиликда энг муқаммал систематик маълумот ҳисобланади. Бу классификация халқаро илмий тамакичилик ассоциацияси “Coresta” терминологияси асосида тузилган бўлиб, унга тамаки ўсимлигининг келиб чиқиши ва морфологик белгилари асос қилиб олинган.



1-расм. Тамаки (*Nicotiana tabacum* L.): 1,2 – ўсимлик, гуллаш даңрида; 3 – түнгүли ва учки барглари; 4 – күсакчаси; 5 – уруғи (катталаштирилган).



2-расм. Махорка (*Nicotiana rustica* L.): 1,2 – үсимлик, гуллаш даврида; 3 – тұпгули ва учки барглари; 4 – күсакчаси; 5 – уруғи (катталаштирилган).

Иқлим шароит, күлланилган агротехника, дурагайлаш ва бошқа тадбирлар таъсирида ҳар хил агроэкологик типга мансуб бўлган тамакининг навлар гурухи шаклланган. Навлар гурухи ёки агроэтилар қаерда вужудга келган бўлса, кўпинча ўша жойнинг иоми билан юритилади. Масалан, Самсун, Дюбек, Виржиния ёки Виргиния, Гавана ва бошқалар.

Проф. А.Ф.Бучинский тамакининг мавжуд ҳамма агроэкологик типларини уч гурухга бўлади: I - папирос тайёрланадиган шарқий гурух тамакилар (бу группага Европанинг ўрта қисмида тарқалган навлар гурухи ҳам киритилади). II- америка папирос тамакилари; III- сигарабоп тамакилар.

Папирос тайёрланадиган шарқий тамакилар гурухи Кичик Осиё ва Болқон ярим оролида жойлашган мамлакатларда тарқалган бўлиб, иккими иссиқ ва куруқ ҳамда тупроқ унумдорлиги паст бўлган шароитда шаклланган. Бу гурухга мансуб тамакиларнинг сербарзилиги, баргнинг поядга зич жойлашиши, кургокчиликка чидамлидиги, эрта (ёки ўрта) пишарлиги, ўта хушбўйлиги ва хом анибонининг ўткирлиги уларга хос белгиларидир.

Бу гурухга мансуб навлар икки кичик гурухга ажратилади: Ултирик баргли (барг бандисиз) ва барг бандли тамакилар.

Ултирик баргли тамакиларнинг асосий типларига кўйидагилар юрадид: Басма, Смирна, Дюбек, Американ, Герцоговина, Маловата, Наратик.

Баргли бандли кичик гурухга мансуб бўлган тамакилар ҳам кўйидаги асосий типларни ўз ичига олади: Самсун, Персичан, Трапезонд, Береговой (Трапезонд береговой), Кохетин тамакиси (кохетин трапезонди), Шимолий Кавказ кам баргли тамакиси ва Шимолий Кавказ сербаргли (ёки тикқулок) тамаки.

Американ папирос гурухига мансуб тамакилар Жанубий Американинг иссиқ ва нам иқлимли шароитида шаклланган бўлиб, ширин барглидиги, поясининг баланд бўлиб ўсиши ва намга ўта тадаборчилиги билан тавсифланади. Бу гурухга кўйидаги асосий агроэкологик типлар: Виргиния (Виржиния) ёки Брайт, Мереленд ва Бердей тамакиси киради.

Сигара тамаки турухига мансуб агроэкологик типлар эса ўта сернам ва иссиқ иқлимли шароитда сигарабоп хом ашё олиш мөккебидиа тамаки навларини танлаш натижасида яратилган. Бу гурухга Бразилия, Гавана, Суматра асосий агроэкологик типлар киради.

Жаҳон тамаки чилигига Америка папирос тамаки гурухига мансуб Виржиния ва Берлей агроэкотипидаги навлар кенг тарқалмокда. Бунинг асосий сабаби бу типдаги тамаки навларининг механизация ёрдамида ўстиришга қулайлиги ва олинган хом ашённинг технологик хусусиятлари ва кимёвий таркибининг чекиш материаллари тайёрлаш учун мослигидир. Шуни ҳисобга олиб, кейинги йилларда Узбекистонда мазкур типдаги тамаки навларини ўстиришга киришилди. Хозирги пайтда Виржиния типдаги навлар мамлакатимизда катта майдонларда экиб, синааб кўрилмокда.

Ботаник тавсифи. Тамаки биологик хусусиятига кўра бир йиллик ўсимлик. Лекин тропик худудларда ва иссиқхоналарда иккичу йил ва ундан ортиқ вақт ўстирилиб, хар йили янги барг ва новда ҳосил қилиши мумкин.

Илдиз тизими асосий ва ён илдизлардан ташкил топган бўлиб, кўчати кучириб ўтказилганидан кейин жуда кўплаб кучли иккинчи ва учинчи тартиб ён илдизлар ҳосил килади. Суғориладиган шароитда тупроқ намлигига қараб асосий илдиз 1,5-2 м ва ундан чуқурроқ қатламда, унинг асосий қисми эса (80% и) ернинг ҳайдалма қатламида жойлашади.

Тамаки уругини бевосита далага экиб ўстирилганда унинг илдиз тизими бошқачароқ шаклланади. Бунда илдиз кўпроқ ён томонга эмас, балки пастга қараб ўсади. Ён илдизлар ҳам кучли ўсиб, ернинг чуқур қатламига таралади. Уруғидан ўстирилганда илдиз бўғзидан чикадиган таянч илдизлар деярли ҳосил бўлмайди ва ернинг ҳайдалма қатламида илдиз ҳажми нисбатан кам бўлади. Бироқ, ўсимлик илдиз тизимининг ўзига хос бу хусусияти уни тупроқ курғочилигига чидамлигини оширади.

Тамаки илдизининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, у ўсимликнинг ер усти органларига сув ва ундан эриган минерал тузларни ўтказишдан ташкари, ўзи ҳам органик моддаларни синтез қилади. Баргда тўпланадиган наркотик модда – никотин илдизда ҳосил бўлади.

Тамакининг пояси тик ўсади, у тукчалар билан қопланган. Оддий шароитда ён новдалар факат поянинг учки қисмida ҳосил бўлади. Поя механик шкастланганда унинг пастки қисмидан кўплаб бачки новдалар ўсиб чиқади. Поянинг йўғонлиги ўсимликнинг ўсиш шароитига ва қўлланиладиган агротехникага қараб 18-35 мм гача бўлади. Йирик баргли тамаки навларининг пояси одатда йўғон бўлиб, баъзан 35-40 мм га етади. Ўсимликнинг бўйи ҳар бир навнинг

ўзига хос белгиси бўлиб, ўртача паст бўйли навларда 80-100, баланд ўсадиган навларда эса 170-200 см ни ташкил қилади. Лекин сугориладиган шароитда ўсимлик етарли даражада намлик ва озиқ билан таъминланса, баланд бўйли навларда поянинг узунлиги 3-3,5 м гача етади.

Ўсимликнинг шакли баргни пояга туташиш бурчагига қараб ўзгаради. Барг пояга ўткир бурчак ҳосил қилиб туташган бўлса, ўсимликнинг ташки қўриниши цилиндр шаклида бўлади. Барг поянинг ўрта қисмida пояга яқин жойлашса, унда ўсимликнинг ташки қўриниши тухумсимон, остки барглари ўтмас бурчак ҳосил қилиб, юкориги барглар пояга яқинлашган бўлса, ўсимликнинг шакли конуссимон шаклда бўлади. Ўсимлик ташки қўринишининг бу шакли Виржиния типидаги тамаки навларига хос белги хисобланади.

Тамаки барги пояди кетма-кет (навбатлашиб) жойлашади, у банди, бандсиз, тукли ва қирраси текис бўлиб баргнинг пояга биринсан жойидан барг қулоқчasi ўсиб чиқади. Унинг шакли ва ҳисми ўсимлик навга қараб турличадир. Барг қулоқчasi йирик баргли навларда пояни тўлиқ ўраган, кичикларида эса ярим ўраган бўлади.

Барг пластинкасининг шакли навига қараб овалсимон, ғаниетсимон, кенг овал ёки юмалок шаклларда бўлиши мумкин.

Барг сатхининг шакли ҳам текис ёки бўртиқ (тўлқинсимон, паст-банд) бўлади. Баргнинг ранги ташки шароитга қараб ўзгарувчан, яни тўк яшилдан то сарик яшил сарик ёки сарик ранггача ўзгаради. Барг турди навларда пояга ҳар хил катталикдаги бурчак ҳосил қилиб биринсан бўлади, бу ўсимликнинг шаклини (габитусини) белголайди. Шунга кўра, ўсимлик шакли: тескари конуссимон, конуссимон, овалсимон, цилиндрсимон ва эллипс шаклида бўлади.

Баргнинг пояди тўғри жойлашиши уни механизация ёрдамида ўнро тереб олинида аҳамияти катта.

Баргининг шакли навнинг асосий белгиларидан бўлиб, у ташки шароит ва агротехника таъсирида кам ўзгаради.

У ўзбекистонда ўстириладиган шарқ нав гуруҳига мансуб тамаки навларида барг овалсимон ёки эллипссимон бўлади. Мазкур навларда барг сатхи дастлабки шаклланиш даврида нисбатан текис, яни ўнни жижитдан етила борган сари у қалинлашиб, юзаси бужмая бораади.



3-расм. Тамаки барги
пояда кетма-кет
(навбатлашиб)
жойлашиши.

Барг пластинкасининг қалинлиги ҳам навнинг ўзига хос белгиси бўлиб, шароитга ва ўсимликнинг ривожланиш фазасига қараб ўзгаради. Барг техник жихатдан етилган даврида бу кўрсаткич энг катта бўлади. Барг этининг қалинлиги ўсимлик навига қараб 200 дан 400 микронгача ўзгаради. Баргнинг қалинлиги энг муҳим технологик хусусиятлардан ҳисобланади.

Бир туп ўсимликда неча дона барг бўлиши экиладиган навларга қараб бир-биридан кескин фарқ қиласди. Масалан, айрим навларда 16-20 тагача барг бўлгани ҳолда, баъзи навларда бу кўрсаткич 40-50 ва ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Бир ўсимликда неча дона барг бўлиши навнинг ўзига хос белгиси бўлиб, ташки шароит таъсирида у кам ўзгаради. Аммо баргнинг ҳажми эса жуда ўзгарувчан бўлиб, маълум шароитда ҳосилдорликни кўрсатувчи белги ҳисобланади. Барг ҳажмига кўра экиладиган тамаки навлари икки группага бўлинади: майда баргли ва йирик баргли навлар. Майда баргли навларда баргнинг узунлиги оддий шароитда 15-20 см, йирик барглиарникоц эса 40-50 см ни ташкил қиласди. Ўсимлик қулай шароитда ва юқори агротехника асосида парвариш қилинганда эса барг фақат узунасига эмас, балки энига ҳам ўсади. Шунинг учун ҳам у ёки бу нав қандай шароитда ўстирилишидан қатъий назар барг бўйининг энига нисбати кўпинча бир хил бўлади.

Булардан ташқари, барг тұқимасининг эгилувчанлиги ва қалинлиғи каби мухим белгилари борки, улар баргнинг анатомик түзилиши билан бөлгілік ҳолда технологик хусусиятларига ҳам тәсір қилади. Үсімлік иссік өсімдіктерде куруқ иқлим шароитида үсгандан барг ұхжайралары кичик булып, уннинг структурасы зич булады ва тұқимаси қалинлашады. Барг қалинлиғи тамакининг ботаник түрларига күра 200-400 микронгача булиши мүмкін. Барг қалинлиғи уннинг техник жиһатдан етилған даврида әнд үюкори күрсаткычға етады. Шунинг учун ҳам баргның айни шу даврда йиғиб олиш тавсия киленеді.

Тамаки гули рұвак булып, гул тұпламында бириккен. Гул тұпламининг шакли навига ва экологик группасында күра, юмалок, ұзын пирамидасынан өки ёйік булиши мүмкін.

Гултож баргнинг ранги экологик группаларни бир-биридан фарқылы белгисі булып, оч пушти, пушти, қызил ва оқ булады. Экологияның тамаки навларининг күпчилик гултож барглары пушти өки оқ пушти ранглайды.

Тамаки гули иккі жинсли бешталик типта булып, бешта гултож барг бирикіп, воронкасынан шакл қосыл қилады. Чанғчилары бир хил өки ҳар хил узунликта булып, чанғдонлары оналик түмишүқасынан үюкорида жойлашған. Оналик түгунчаси иккі уяли, уннинг ости қысмі доирасынан нектарниклар билан үралған.



4-расм. Тамаки рұвак ва гул тұплами.

Меваси иккі уяли, күп уруғлы құсак, пишиб етилғанда чатнаб дриләди. Уруғи овалсынан, түқ жигар рангли. Маданий әкіндерде тамаки әнд майда уруғлы әкін қисобланады. 1000 дона урганнинг массаси 0,06 г дан 0,12 г гача келади. Ҳар бир құсакта ишида 2 мингдан 4 минггача уруғ жойлашады.

Тамакининг биологияк хусусиятлари. Тамаки оддий шароитда бир йиллик ўсимилик бўлиб, кишда унчалик совук бўлмайдиган шароитда баҳорда янги новда чиқариб, яна уруғ ҳосил қилиши мумкин. Тамакининг вегетация даври шартли равишда икки боскичига бўлинади. Биринчиси унинг кўчатхонада ўсиш ёки кўчат даври. Бу давр уни ўстириш шароитига қараб 45-60 кун давом этади. Иккинчиси далада ўсиш даври. Бу давр кўчат далага ўтказилганидан, то кўсакчалар пишиб етилгунгача бўлган даврни ўз ичига олади ва экиладиган навнинг хусусиятига қараб 60-150 кунгача давом этади.

Кўчатлик даври: ургнинг униб чиқиши, майсалаш, майсанинг илдиз олиши ва кўчатнинг шаклланиши каби даврларга ажратилади.

Ургнинг униши. Тамаки уруғи униб чиқиши даврида намлик ва иссиқликка жуда талабчан бўлади. Ургнинг униб чиқиши учун $25-28^{\circ}\text{C}$ энг қулай ҳарорат ҳисобланади. Ҳарорат $10-11^{\circ}\text{C}$ гача пасайса, уруғ унишдан тўхтайди.

Тамаки уруғи ўзига намликни тез шимиб олади. Уруғ таркибидаги намлик миқдори $65-70\%$ га етганда (бу давр бир сутка давом этади) унишга тайёрланиш даври бошланади. Бу давр $25-28^{\circ}\text{C}$ ҳароратда $1-1,5$ кун давом этади. Агар шу даврда ҳарорат $17-18^{\circ}\text{C}$ гача пасайиб кетса, унишга тайёрланиш даври $5-7$ кунга чўзилиши мумкин. Шунингдек, ҳарорат $28-30^{\circ}\text{C}$ дан ошса, ургнинг униши секинлашади, 35°C дан юкори ҳароратда эса унаётган уруғ униб чиқиши қобилиятини йўқотади. Кўчатхонада доимий равишида $25-28^{\circ}\text{C}$ ҳароратни сақлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тамаки уруғи дастлаб маҳсус хоналарда ёки термостатларда ундирилиб, сўнг кўчатхонага сепилиши тавсия қилинади.



5-расм. Тамаки кўчатларини униб чиқиши.

Майсалаш. Тамаки ууруги ундирилиб күчатхонага сепилганды кулай шароитда ($25-28^{\circ}\text{C}$ ҳароратда намлик етарли бўлмайди) 4-6 кунда униб, майса ҳосил бўлади, шундан 6-8 кун ўтгач биринчи чинбарг ва биринчи тартиб ён илдизлар чиқа бошлайди. Бу даврда ўсимликнинг илдиз тизими ҳали ривожланмаганлиги сабабли, күчатхонада доимий равишда намлик сақлаш талаб қилинади. Бу даврда ўсимлик майсалари тупроқда минерал тузлар миқдорининг ошишига ўта сезувчан бўлади, шунинг учун күчатни минерал ўғитлар билан озиқлантириш тавсия қилинмайди.

Майсанинг илдиз олиши. Ўсимлик биринчи чинбарг чиқаргандан сўнг ҳар 4-5 кунда навбатдаги барглар чиқа бошлайди. Бу даврда илдиз тез ўсади ва жуфт чинбарглар чиқкан даврда 15 см чукурликкача таралади. Ривожланишнинг бу даври майсанинг илдиз олиши (томирланиш) даври деб аталади. Бу даврда майсаларнинг ёргулук, намлик ҳамда озик моддаларга бўлган талаби ошади. Майсаларни фосфор ва қалийли ўғитлар билан озиқлантириш унинг илдиз тизими яхши ривожланишини таъминлайди. Азотли ўғитлар бу даврда майсаларнинг эҳтиёжига қараб берилади. Чунки бу даврда ўсимликка бериладиган азот миқдорини ошириб юбориш илдиз чириши касаллигининг ривожланишига олиб келиши мумкин. Ўсимлик ривожланиши нинг бу даврида күчатхона юзасини вақтвакти билан куритиб туриш ҳам илдиз тизимининг кучли ривожланишини ва күчатларни бақувват бўлиб ўсишини таъминлайди.

Күчатнинг шаклланиши. Күчатхонага сепилган уруғдан иккисулоқ бўлиб майсалар чиқади ва күчатларда ён илдизчалар пайдо бўлади. Ана иш даврда и майсалар то 5-6 та чинбарг чиқаргунгача ўтилган давр уларни шаклланиш даври дейилади. Бу давр күчатхона на күчатни и арвариши қилиш шароитига қараб 20-25 кун доймади. Ривожланишнинг шу даврида күчат кўпроқ азотли ўғитлар билан озиқлантиришни талаб қиласиди. Бу тадбир майсаларни тозусиб ошишини таъминлайди. Күчатнинг бўйи 7-8 см га етиб, 5-6 та ривожланган чинбарг чиқаргандан кейин уни далага ўтқазиш мумкин. Стандарт кўча тининг бўйи ва барг сони Вирджиния навида тозиблича 15 – 20 см ва 10 – 12 та бўлиши мумкин.

Тамаки күчатини далага кўчириб ўтқазилганидан сўнгги

Известные маркеты
государственных магазинов
Inv № 343-190

Күчатнинг илдиз олиши. Күчат далага ўтқазилганидан сўнгги дастлабки даврда унинг ер усти кисми жуда суст ўсади, илдиз тизими эса тез ўса бошлайди. Бу давр күчатнинг илдиз олиши (томирланиш) даври дейилади ва одатда 10-15 кун давом этади. Ёш ўсимликнинг илдиз тизими жойлашган тупроқ катламида намликнинг етишмаслиги күчатларнинг илдиз олишига салбий таъсир килади. Шунинг учун күчат ўтқазилиши биланоқ дархол суғориш зарур.



6-расм. Күчатхонада етиштирилаётган тамаки күчатлари.

Ўсимликнинг далада шаклланиши. Күчат ўтқазилганидан 10-12 кун ўтгач, ўсимликнинг ер усти органлари шакллана бошлайди. Күчатнинг учки баргларини тўқ яшил тусга кириши унинг ер усти органларида озиқ моддалар оқимининг тезлашганини ва ўсимлик шаклланиш даврига кирганлигини кўрсатувчи белги ҳисобланади. Бу даврда ўсимлик бўйига тез ўсиб, янги-янги барглар чиқаради, ғунчалаш олдидан эса ўсиш маълум вақтгача секинлашади ва яна тезлашади. Ўсимлик гул тўпламида марказий гуллар очилганда ўсиш янада жадаллашади. Шундан 8-10 кун ўтгач, ўсимликнинг ўсиши бирдан секинлашади. Унинг шаклланиш даври кўпчилик навларда 40-50 кун давом этади. Бу даврда ўсимликнинг тупроқ намлигига ва озиқ элементларига талаби анча ошади.



7-расм. Басма навининг далага ўтқазилганидан кейинги ривожланиши.

Гуллаш. Ўсимлик ғунчалай бошлаганидан 8-10 кун кейин дастлаб гул тўпламининг ўртасидаги марказий гул очилади. Шундан сўнг ҳар 1-3 кунда унинг атрофидаги гуллар очила бошлади. Гунчалашдан то гул очилишигача тамакининг навига қараб 12-18 кун вакт ўтади. Гуллай бошлаганидан то охирги ғунчалар гуллаб бўлгунича 30-35 кун ва ундан ҳам кўпроқ вакт ўтади.

Урганинг шаклланиши ва етилиши. Гуллашнинг узок муддатданом этиши уруғининг пишиб етилишига ҳам таъсир қиласди. Тамаки гуллаб бўлгач, кўсакчаларнинг тўлик етилишигача 20-22 кун ўтади. Гул тўпламининг марказидаги кўсакчалардаги уруғлар этишиб бўлган даврда унинг атрофида жойлашган кўсакчаларда уруғиди шакллана бошлаган бўлади. Шунинг учун ҳам уруғликка кратилган майдонларда гул тўпламига шакл бериш тавсия кинаниди. Бунда гул тўпламининг марказидан энг узокда жойлашган ғунчалар чилпиб ташланади ёки кимёвий йўл билан (этрелнинг 0,2 % ли эритмаси билан) тўқтирилади. Бу тадбир уруғ массаси ҳамда унинг унувчанлиги ошишини таъминлайди.

Баргларнинг шаклланиши ва етилиши. Тамаки ўсимлигига жўнати барглари ва чинбарглар фарқ қиласди. Дастлаб чинбаргларнинг шаклланишини кўчат давридаёқ бошланади ва далага кўчириб ўтқазилганидан сўнг бу барглар ўсишни давом эттиради. Ўсимлик ғунчалаб бўлганига қадар ҳар 1-2 кунда навбатдаги барглар чиқиб туради. Гунчалашга 5-10 кун қолганда 3-5 та барг бир вактда ўсиш

нүктасидан тўп бўлиб ўсиб чикади. Бу поянинг ўсиш конусида гул тўплами шаклланиши бошланганинги ва ёруғлик стадияси ўтиб бўлганлигидан далолат беради. Барг чиқиб то тўлиқ шаклланишингача 25-30 кун ўтади. Барг ўсишидан тўхтаганидан сўнг ҳам унда тўқималар 25-30 кун тириклигича туради, кейин барг курий бошлайди.



8-расм. Тамаки баргларнинг шаклланиши ва етилиши.

Барг ўсиши жараёнида унда органик моддалар ҳам тўпланиб боради. Ўсиш секинлашганидан сўнг органик моддаларнинг тўпланиши янада ортади ва шу даврнинг охирига бориб энг юқори кўрсаткичга етади, барг қалинлашиб, унинг ҳом ашё боплиги ошиб тўплаган заҳира моддалар камая бошлайди, яъни баргда синтезланадиган органик моддаларга нисбатан уларнинг сарфи ортиб боради. Шунинг учун ўсимлик бу даврга ўтмасдан поядан баргни узиб олиш керак.

Тамаки барги ундан олинадиган асосий ҳом ашё ҳисобланади. Шунга кўра баргда кимёвий, физиковий ва технологик сифатларнинг шаклланиши мухим аҳамиятга эга. Бу сифатларнинг шаклланишига баргнинг поядаги ўрни, у ривожланаётган шароит ҳамда етилиш даражаси сезиларли таъсир қиласи.

Ўзбекистонда етиштирилоётган тамаки навлари. Морфологик белгилари, биологик хусусиятлари ва олинадиган ҳом ашёнинг типига кўра бир – бирига яқин бўлган тамаки навлари алоҳида нав типларини ташкил қиласи.

Дюбек типидаги навлар Крим, Ўрта Осиё республикаларида кенг тарқалган. Тупи цилиндр ёки эллипс шаклида, барги бандсиз.

Майды баргли бўлганлиги сабабли кўчати қалин – бир гектарга 120 – 140 минг ва ундан ҳам ортиқроқ ўтқазилади. Типик ва оч тусли бўз тупрокларда ҳамда тоғ олиди туманларида тошлоқ ерларда хушбўй типдаги хом ашё беради. Чиринди миқдори кўрп бўлган уннимдор тупроқли шароитда ҳамда азотли ўғитлар билан юқори нормада ўғитланган скелет типида ёки ярим хушбўй типдаги хом аниё беради. Бу типга кирувчи Дюбек-44, Дюбек-2898, Дюбек- 44-07 наилари Кримда ҳамда Урта Осиё республикаларида кенг тарқалган.

Дюбек-2898 нави ВИТИМ нинг Фрунзе тажриба стансиясида селекционер К.Ф.Качан томонидан Остроконец 45/1906 ва Дюбек-262 наиларини дурагайлаш йўли билан яратилган. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ҳамма тамакиличик туманларида экиласди. Тупининг бўйи ўртacha, агротехника шароитида парвариш килинганда 2 м га, барглари эса ўртacha йирик, узунлиги 23-25 см, поининг ўртacha қисмидаги барглар эса 28-30 см га етади. Асосий поинда 28-30 та узуб олишга яроқли барглар бўлади. Шакли әллепсесимон, ёйсимон эгилган ва ўткир учли, пояга бандсиз биринсан. Барг сатхи нотекис, майда бўртикли. Барги қуритилганда сарич рангли хом ашё беради. Кўчати далага ўтқазилганидан то поининг эиг учли қисмидаги баргларнинг пишиб етилишигача 127 – 150 кун ўтади. Ҳосидорлиги гектарига ўртacha 32-34, юқори агротехника шароитида эса 40 – 45 ц га етади. Қурғоқчиликка, замбуруғли ва бактериали касалликларга чидамли нав.



9 рисм. Тамакининг Басма наvida олиб борилаётган тажрибаларда фенологик кузатувлар ўтказиш жараёни.

Измир нави тамакининг Шарқ гурухига мансуб. Ушбу гурухга оид тамакилар иккими иссик ва куруқ ҳамда тупрок унумдорлиги наст бўлган шароитда шаклланган. Бу гурухга оид тамакилар сербарглиги, баргининг поядা зич жойлашиши, курғокчиликка чидамилиниги, эрта ёки ўрганишарлиги, ўта хушбўйлиги, баргининг кичинчилиги на баргни зич томирланиши ҳамда жадал ўсиш хусусиятлари билан тавсифланади. Измир нави Туркия тамакиси агротехнологик гурухига оид. Ушбу нав Туркия мамлакатида кенг тарқалган. 1998 йилдан Ўзбекистон республикасининг тамакичилик худудларида районлаштирилган.

Ўсимлик тури эллипсизмон шаклда, бўйи тавсия этилган агротехникада парвариш қилинганда 80–100 см, барги бандсиз, кичик, поянинг ўрта қисмида баргларнинг узунлиги 10–12 см, эни эса 4–6 см. Асосий поядা 25–30 та ўзиб олишга яроқли барглар бўлади. Барг шакли эллипсизмон, ёйсимон эгилган ва улар поядা кўтарилиб, ярм вертикал ҳолатда туради. Барг сатхи дастлабки шаклланиш даврида нисбатан текис, пиша борган сари у қалинлашиб, юзасида кичик бўртиклар ҳосил бўлади. Барг структураси зич ва тўқимаси қалин.

Тавсия этилган шароитда барг ранги оч яшил тусда шаклланади. Айрим тупрокларда тўқ яшил тус олади. Барги куритилганда сарик рангли (лимон тусли) хом ашё беради.

Измир нави уруги кўчатхонада жуда тез униб чиқиши, кўчатининг қулай шароитда 45–50 кунда етилиши, далага ўтказилган кўчатлар 5–7 кунда томир олиши билан тавсифланади. Ушбу нав тезпишар хисобланади. Кўчати далага ўтказилгандан то поянинг энг учки қисмидаги баргларнинг пишиб етилишигача 90–95 кун ўтади. Кўчат далага ўтказилгандан 40–45 кундан сўнг гуллай бошлайди ва 50–55 кунда қийғос гуллаш даврига киради.

Гул тўпламиининг шакли қалқонсимон бўлиб, гултоҷ баргининг ранги оқ пушти рангда бўлади. Нав ўта курғокчиликка чидамли, унумдорлиги паст, қумоқ, тошли тупрокларда ҳам ҳосил бериш хусусиятига эга. Ҳосилдорлик гектарига ўртacha 0,7 – 1,2 тоннани ташкил қиласи. Тавсия этилган шароитда етиштирилганда ўзига хос ўта хушбўй хом ашё беради.

Тамакининг Измир навини Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди худудларининг лалми ва шартли суғориладиган майдонларида экиш тавсия этилади.



10-расм. Тамакини Басма нави.

1-жадвал

Басма навининг тавсифи

Курслитичлар	Тавсифи
Үсимилик шакли	Цилиндрик ва эллипссимон
Гул түйдамишининг шакли	Юмалоқ, зич, киска
Баргининг пойдаги ҳолати	Қутарилган
Барг шакли	Эллипс, барг бўлаги тенгсиз
Барг яоси ва уни пояга бирикиши	Бандсиз,барг қулокчasi ярм ўралган
Барг учининг шакли	Барг учи ўтмас, бироз эгилган
Барг юзасининг тузилиши	Майда бўртикли,кучсиз тўлкинсимон
Барг сони, дона	30–35
Үсимилик бўйи,см	100–120
Барг узунлиги,см	10–20
Барг эни, см	6–10
Вегетация даври, кун	90–100
Касалликка чидамлилиги	Чидамли
Зараркунандалар билан зарарланиши	Ширинча, кузги тунлам, трипс
Барг ранги	Оч яшил, тўқимаси калин
Кургокчиликка чидамлилиги	Чидамли
Хом ашё ранги	Кизгиш сарик, тўқ сарик, оч яшил
Барг эластиклиги	Ўртача
Барг ашёлиги	Ўртача
Барг ўзагининг фоизи	12–15
Барг ҳосили, кг	1000–1200
Хушбуйлиги	Ўта хушбуй

Басма. Бритиш Американ Табакко Ўзбекистон Кўшма корхонасида чет эл навлар гурухини дурагайлаш йўли билан яратилган.

2005 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган. Ҳосилдорлиги гектаридан 12,4 ц. Биринчи нав чиқиши 10,3ц. Униб чиққандан то охирги барглар ўзиб олингўнгача 83 кун.

Бритиш Американ Табакко Ўзбекистон Кўшма корхонаси Ургут филиалида барг ҳосилдорлиги 12,3 ц. Биринчи нав чиқиши 6,1 ц. Униб чиққандан то охирги барг узиб олингунгача 75 кун.

2-жадвал

Дюбек нав типининг тавсифи

Кўрсаткичлар	Дюбек 2898	Дюбек 44-07
Ўсимлик шакли	Цилиндрик	Овал
Гул тўпламининг шакли	Калконсимон, ўртacha зинч	Калконсимон, зинч
Баргининг поядаги холати	Кучли кўтарилган, ярм вертикал холатда	Кучли кўтарилган, ярм вертикал холатда
Барг шакли	Овал эллипсоид, барг бўлаги тенгсиз	Кенг овал
Барг асоси ва уни пояга бирикиши	Бандсиз, барг кулокчи ярм ўралган	Бандсиз, барг кулок – часи ярм ўралган
Барг учининг шакли	Ўткир учли	Ўтмас учли
Барг юзасининг тўзилиши	Майда бўртикли, кучсиз тўлкинсимон	Майда бўртикли, барг ёни тўлкинсимон
Барг сони, дона	30–35	30–35
Ўсимлик бўйи, см	140–160	140–180
Барг узунлиги, см	20–25	25–27
Барг эни, см	9–12	12–15
Вегетация даври, кун	110–120	110–120
Касалликка чидамлилиги	Чидамли	чидамли
Зааркундалар билан заарланиши	Ширинча, кузги тунлам	Ширинча, кузги тунлам
Барг ранги	яшил, тўқимаси юпка	Оч яшил, тўқимаси ўртacha калинликда
Курғокчиликка чидамлилиги	Чидамли	Чидамли
Хом ашё ранги	Саргиш, оч яшил	Тўк сарик, оч яшил
Барг эластиклиги	Ўртacha	Ўртacha
Барг ашёлиги	Ўртacha	Ўртacha
Барг ўзагининг фоизи	18–20	18–20
Барг хосили, кг	2000–2200	2000–2200

Дюбек 44 – 07. Бритиш Американ Табакко Ўзбекистон Ургут бўлими томонидан яратилган. 1999 йилдан Самарқанд вилояти бўнича Ҷавлат реестрига киритилган. Ҳосилдорлиги гектаридан 41,3 ц. Биринчи нав чиқиши 40,2 ц. Униб чикқандан то охирги барглар ўзб олингўнгача 135 кун.

Бритиш Американ Табакко Ўзбекистон Қўшма корхонаси Ургут филиалида барг ҳосилдорлиги 30,6 ц. Биринчи нав чиқиши 11,0 ц. Униб чикқандан то охирги барг ўзб олингунгача 103 кун

Тамакининг ташқи мухитга талаби.

Ёргулликка талаби. Тамаки ёруғсевар ўсимлик. Уруғи кўчатхоналарда униб чиқиб, ўсимлик дастлабки чибарг чиқаргандан то барглар етулганча бўлган даврда ёргулкни жадал, тушиниши талаб қиласди. Кўчатхонада ўсаётганда ёш ниҳолларга куёш нурининг тик тушиши уларни нобуд қилиши мумкин. Шунинг учун одатда кўчатхоналдаги майсалар то дастлабки чинбарг чиққан ширгича уларнинг устини эрталаб ва кечки пайтларда очиб, бошқа ваклир соялатиб қўйиш керак. Чинбарглар тик ўса бошлаган даврдан тадбироран эса улар кун бўйи очиб қўйилади. Бу тадбир тамаки кўчатларининг ташқи шароитга чиникишини таъминлайди.

Кўчатхонага уруғ сепишда экиш меъёрини тўғри белгилаш, майсаларни вақтида ўтоқилиш ва кўчатлар қалин бўлган жойлардауларни сийраклатиш кўчатхонада ёргулк режимини таъминлайдиган асосий тадбирлардан хисобланади. Шунингдек, кўчатхоналарни далага маълум қалинликда ўтқазиш, экин каторларининг йўналишини тўғри белгилашҳам кун бўйи ўсимликка кўши нури тушиб туришини ва ундан яхши фойдаланишини таъминлайди.

Кўчатларнинг экиш қалинлигини белгилашда экиладиган биологик хусусиятларини хисобга олиш айникса муҳимdir. Нирик баргли Вирджиния типига мансуб навлар ўта қалин ошганда қуёш нуриниг остки ярудаги баргларга яхши тушмаслиги натижасида улар юпқалашиб ўзининг хом ашебонлигини йўқотади. Аксинча, майда баргли Дюбек, Басма, Измир типларига мансуб навлар сийрак ўтқазилганида уларнинг барги Нириклашиб, дағаллашади ва хушбўйлигини йўқотиб, скелет тандаги хом ашё беради.

Иссикликка талаби. Тамаки иссиқсевар ўсимлик. Уларни ўсиб ривожланишини учун қулай ҳарорат $25 - 28^{\circ}\text{C}$. Ҳаво ҳарорати $10 - 12^{\circ}\text{C}$ тага пасайини ва 35°C дан ошганида ўсимликнинг ўсиб ривожланишини кескин сусаяди.

Тамаки ууруги оддий шароитда жуда секин унади. Шунинг учун маҳсус иссиқхоналарда ёки термостатларда $27 - 28^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ундирилади. Шунда урғ $4 - 5$ кунда күчтөхона экишга тайёр бўлади. Урғни униши (нишлаши) кечиктирилганда ҳарорат $2 - 3^{\circ}\text{C}$ гача пасайтиради. Бунинг учун ундирилган урғ музлатгичларга солиниб, шундай ҳароратда сакланади.

Күчтөхонага ундирилиб экилган урғнинг униб чиқиши учун энг кулай ҳарорат $17 - 18^{\circ}\text{C}$ ҳисобланади. Ҳарорат бундан ошса, тупроқ юзаси куриб, ёш ниҳоллар илдиз тизимининг ривожланиши учун кулай шароит туғилади, паст бўлганида эса күчтат етишириш кечикиб, уни кулай агротехника муддатларида далага чиқарилиб ўтқазиш имконияти бўлмайди. Шунингдек, күчтөхонада ҳарорат паст бўлиб, намлик юқори бўлганида күчтларда илдиз чириш, қорасон касалликларнинг авж олишига шароит туғилади.

Турли типга мансуб навларнинг иссиқликка талаби ҳам бир хил эмас. Дюбек, Басма, Измир каби типларга мансуб навлар йирик баргли Америка типига кирувчи тамаки навларига қараганда анча иссиққа талабчан ва тупроқ ҳамда ҳаво қургоқчилигига чидамли бўлади.

Тамаки ўсимлигининг кулай ўсиб ривожланиши учун йилига ўртacha ҳарорат йифиндиси күчтат далага ўтқазилганидан то барглари етилгунга қадар ўтган даврда экилган навга қараб $2000 - 2800^{\circ}\text{C}$ ни ташкил киласди. Барглар етилиши даврида суткалик ўртacha ҳароратнинг 20°C дан паст бўлиши уларнинг пишишини кечиктиради. Бу даврда $24 - 25^{\circ}\text{C}$ ҳарорат энг кулай ҳисобланади.

Тамаки ууругини күчтөхонага экиш ва күчтени далага ўтқазиш муддатларини тўғри белгилаш ўсимликни иссиқлиқдан яхши фойдаланиши таъминлашда асосий агротехник тадбирдардан ҳисобланади.

Ҳаво ҳароратининг кескин ($- 2^{\circ}\text{C} - 3^{\circ}\text{C}$ гача) пасайиши ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келади, ўсимталар – 4°C гача совуққа чидай олади.

Ўзбекистон шароитида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ($40 - 45^{\circ}\text{C}$ гача) тамаки ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Тамаки плантациясида ҳаво ҳароратини нормал ҳолатда сақлаб туришида экинларни сугориш яхши омил ҳисобланади.

Намлика талаби. Тамаки ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишида ҳамда унда юқори ва сифатли ҳосил олишда намлик катта аҳамиятга эга.

Тамаки ўсимлиги 1 кг қурук модда ҳосил қилиш учун 500 кг сув сарғыллади. Тамаки курғокчиликка чидамли ўсимлик бўлсада, ўсув даврида намликтинг камайиши, унинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қиласди. Айниқса ўсув даврининг бошланишида ўсимлик намликтинг етишмаслигига жуда сезувчан бўлади. Шунинг учун кўчатларни кўчатхоналардан олиш даврида уларни ташки мухитта чиниктириш айниқса муҳимдир.

Тамаки ўсув даврида жуда кўп миқдорда сув талаб қиласди. Масалан, Ўзбекистон шароитида тамаки гектарига 6000 – 8000 м³ сув сарғфлайди. Бу кўрсаткич турли нав ва тамакичилик худудларида турлича бўлиб, тупроқ ва иқлим шароитига кўп жиҳатдан боғлик.

Тамакини ўсув даврида бир неча марта сугоришга тўғри келади. Бундай шароитда барча агротехник тадбирлар сувдан унимли фойдаланишига қаратилиши лозим.

С.Х.Хушвақтов (1990) ва Э.У.Умурзоқов (1999) тамакини турли даврида сувга бўлган талабни нормал қондириш учун қуйидаги схемани тавсия қиласди: майсалар илдиз олгандан сўнг сув билан ўртаки тамиллаш; интенсив ўсув даврида қондириб сугориш ва барслар стила бошлашдан то охиригача яна ўртacha таъминлаш.

Тупроқка талаби. Тупроқнинг кимёвий ва механик таркиби билди боғлик бўлган ва бир қатор кўрсаткичлар тамакидан юқори ва ёланӣ исталиган типга кирувчи сифатли ҳосил олишда асосий рол уйнафиди,



Ил рисм. Тамаки стинтирилайдиган хўжаликларини тупроқ ҳолати.


Механик таркибига кўра енгил ва ўртача оғир тупроқларда тамакидан юқори сифатли ҳосил олиш мумкин. Кам чириндили кумли тупроқлар, шунингдек, механик таркибига кўра оғир тупроқлар хушбўй тамаки етиштириш учун кулагай ҳисобланади. Тамакидан мўл ҳосил етиштирадиган унумдор ерларда чиринди миқдори 1 – 1,5 % бўлиши керак.

Чиринди миқдори кам бўлган оғир ва ўртача механик таркибли тупроқларда ҳам тамакидан сифатли ҳосил етиштириш мумкин. Лекин бундай ерларда ҳосилдорлик бирмунча паст бўлади.

1.2-§. Табиий шароитларниң ўсимлик касалликлари ривожланишига таъсири.

Тамаки етиштириладиган худуднинг табиий шароитларини, хусусан иқлим ва тупроқ шароитларини ҳисобга олмасдан касалликларга қарши самарали уйғунлаштирилган кураш тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Самарқанд вилоятининг тамакичилик худудининг тупроқ ва иқлим шароитини баҳолашда бир қатор таҳлиллар ўтказилди ҳамда худудий гидрометеобсерваториядан олинган натижалардан фойдаланилди.

Маълумки, Ургут тумани Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Чакирикалон ва Қоратепа тоғларининг ён бағирларида, денгиз сатҳидан ўртача 1000 м баландликда жойлашган. Шарқий, жанубий ва ғарбий қисмлари паст-баланд текислик бўлиб, бир қанча сойликлар бор.



12-расм. Ургут туманининг тамаки етиштириладиган хўжаликларини навлар бўйича жойлашиш харитаси.

Тамаки етиштиришга чукур ихтисослашган Самарқанд вилояти Үргут туманининг ер фонди 112 минг гектарни ташкил этади. Шундан 9 минг га ерга тамаки, 14,8 минг га ерга эса ғалла экинлари, 1,2 минг га ерга картошка, 145 га ерга сабзавот ва полиз экинлари, 2,9 минг га ерга ем-хашак экинлари етиштирилади. 1,4 минг га ер боф ва тоқзорлар билан банд, 46,8 минг га ер яловдан иборат (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-том, 119-120 бет).

Умумий ер фондининг 42% и яловдан иборат эканлиги экинлар иғробиоценозида заарли организмлар билан бирга фойдали ҳашаротларни кўп микдорда бўлишидан дарак беради.

Тамакичилик худудлари шартли равишда учта табиий қисмга, ўзни тог, тоғ олди ва текислик қисмларга бўлинади. Тамаки қисмларини жойлаштиришда ушбу худудларнинг табиий шароитлари ҳисобга олинади. Текислик майдонларида сув билан таъминланishi копицарли бўлганлиги учун ўсув даврида сувни кўп талаб қиласиган Нанлар, тоғ ва тоғ олди худудларида эса қурғокчиликка чидамили ва ўсув даврида сувни кам талаб қиласиган навлар етиштирилади.

Ўзбекистоннинг тамаки етиштириладиган худудларида оч тусли бўз тупроқлар, типик бўз тупроқлар, тўқ тусли бўз тупроқлар ва ўтолқ бўз тупроқлар учрайди (Хушвактов, 1990, Умурзоқов, 2019).

Оч тусли бўз тупроқлар – тоғ тизмалари қияликларининг қўйи қисмларида, тоғ этагидаги қия текисликларда ва адирларда тарқалдиган. Механик таркиби – ўртача қумоқ, ғовак. Озиқ моддалар билан кам таъминланган. Чиринди микдори жуда кам (0,5-0,7%).

Типик бўз тупроқлар – асосан тоғ этагидаги текис, сугориладиган майдонларда тарқалган. Лалми майдонларда ҳам учрайди. Механик таркибига кўра оғир қумоқ бўлиб ҳисобланади. Айрим жойларда чириндininнинг микдори 0,6-1,0% гача етади.

Тўқ тусли бўз тупроқлар – тоғ олди, қия текисликларнинг қўйи қисми, тоғ оралиқларидаги текисликларда жойлашган майдонларда учрайди. Рельефи мураккаб ва эрозияга учраган жойлар. Механик таркиби – оғир, ўрта ва енгил қумоқ тупроқлар. Тупроқ таркибидаги чиринди микдори 0,9-1,3 % гача бўлиши мумкин.

Типик бўз тупроқлар чиринди микдори тупроқ қатламлари бўйича бир текис тарқалганлиги билан фарқланади. Бошқа тупроқлардаги каби чиринди, азот ва фосфор микдори пастки қатламларга борган сари камайиб бориши кузатилади.

Тупроқнинг ҳайдалма қатламида (0 – 25 см) чиринди (гумус) монитори 0,95% ни, умумий азот 0,173% ни ташкил қилди ва бу

кўрсаткичлар кейинги чуқур қатламларда камайиб бориши қайд қилинди. Тажриба майдонларининг тупроғи фосфорга анча бой: ялпи фосфорнинг микдори 0,130 дан 0,165% гача бўлганлиги аниқланди. Ялпи калий микдори нисбатан кўп бўлиб (0,870 – 1,187%), унинг микдори ҳам тупроқ қатламлари бўйича ўзгариб боради.

Тамакичилик худудларининг агрометеорологик омилларини ҳар томонлама тўлиқ ҳисобга олмасдан туриб, касалликларга қарши самарали ва уйгунлаштирилган курашиш мажмуасини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш мумкин эмас.

3-жадвал

Ургут тумани бўз тупроқларининг айрим агрокимёвий кўрсаткичлари

Тупроқ катлами, см	Гумус, %	Ялпи микдори, %			Харакатчан микдори, мг/кг		
		азот	фосфор	калий	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
0 – 25	0,95	0,173	0,165	0,870	10,33	17,8	121
26 – 35	0,81	0,092	0,142	0,943	6,42	13,4	139
36 – 65	0,62	0,073	0,130	1,187	3,17	11,6	157

Тамаки Ургут туманининг тоғ ва тоғ олди худудларида ўзига хос микроклим шароитида етиширилади. Бу худудда ўсув даври давомийлиги 200 – 220 кунни (харорат +10⁰С дан юқори бўлган кунлар йиғиндиси) ташкил этади. Уртacha йиллик ҳарорат 12 – 14⁰ С ни ташкил қиласи. Ҳаво ҳарорати энг иссиқ кунларда 38 – 40⁰ С гача кўтарилса, совук кунлари эса – 18 – 20⁰ С гача тушади. Одатда март ойининг охирларида ҳам совук кунлар бўлади, кузги дастлабки совук кунлар эса октябр ойидан бошланади.

Тамаки ўсув даврида атмосфера ҳавосининг нисбий намлиги 45 – 50 % атрофида бўлиши кузатилади. Тамаки баргларининг шаклланиш даврида (май-июн ойларининг бошларида) ҳаво намлигининг бирмунча юқори даражада бўлишлиги ўсимликда 25 – 30 донагача баргларни хосил қилиш имконини беради. Июн ойидан бошлаб ҳаво ва тупроқ ҳароратининг кўтарилиб бориши иссиқсевар касалликларни ривожланишига қулай шароит туғдиради.

Ургут туманининг тоғ ва тоғ олди худудларида ёғингарчилик микдори ўртacha 350-450 мм ни ташкил киласи. Айрим йиллари ёғингарчилик микдори 500 мм дан ҳам ошиши кузатилади. Кўпчилик йилларда ёғингарчиликнинг асосий қисми (60% ортиги) кузги – қишки даврга тўғри келади.

Тамакичилик худудларининг тупрок-иқлим шароитлари рафоилаштирилган тамаки навларидан юқори сифатли ҳосил олиш имконини беради. Шу билан бирга, тамаки агробиоценозидаги зарарли организмларнинг ривожланиши учун ҳам қулай шароит яратади.

Кинилок хўжалик экинлари касалликлари, уларнинг тарқалиши, ривожланиши ва заар қелтириш даражаси маълум жойнинг табиий шароитлари – иқлими, тупроғи, флора ва фауна дунёси, рельефи ва ёнини етиштириш агротехникасига ҳамда етиштирилаётган экин турита, навига боғлиқидир. Шу билан бирга, касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши табиий шароитларга боғлиқ бўлмай, балки уларнинг патогенези, патологик шароит ва бошқа бир қатор табиат ҳодисаларига ҳам боғлиқидир. Шунингдек, касалликлар маълум турининг патологик ривожланиши учун маълум миқдорда фаол ҳарорат йигинидиси ва намлик керак бўлади.

Табиий худудлар бир-биридан геоморфологик ҳусусиятлари, тупроқ на ўсимлик катламлари, геологик тузилиши, гидрологик ва иклим ҳусусиятлари билан фарқланади. Шу билан бирга, ҳар бир табиий худудда тамакини касалликларнинг тури ва уларнинг тарқалиши, ривожланиши ҳамда заар қелтириш даражаси ҳам турлича бўлади. Ургут туманининг табиий шароити тамаки ўсимлиги билан боғлиқ ҳолда Э. Умурзоқов ва Н.Қўчқоров (1995) тарбомонидан ҳам ўрганилган.

4-жадвал

Ургут туманида тамаки етиштирилаётган худудларнинг табиий шароити тўғрисидаги маълумот

Тамаки етиштирилаётган табиий худудлар	Денгиз сатҳидан баландлиги, м	Тамаки ўсув давридаги ўртача ҳаво ҳарорати, °C	Тамаки ўсув давридаги ўртача ҳаво намлиги, %	Фаол ҳарорат йигинидиси, °C (10°C дан юкори)
Тоф	1000 м дан баланд	19,2±0,5	67,3±2,6	3810±54
Тоф олди	700-1000	20,3±0,3	55,7±1,7	4108±43
Геномик	450-700	21,1±0,4	43,1±2,1	4442±57

Самарқанд вилояти Ургут туманининг тамаки етиштирилаётган худудлари шартли равишда учта табиий, яъни тоғ, тоғ олди ва геномик худудларига ажратилади (4 - жадвал).

Тамаки касаллуклари Ургут туманининг тоғ, тоғ олди ва текислик худудларида тамакининг навларида ривожланиши борасида тадқикотлар олиб борилди. Вирус касаллукларнинг дастлабки тамаки ўсимлигига зарари кўчатхонадан бошланади. Олинган натижаларга кўра, тамаки кўчатхонасида вирус касаллуклар билан заарланиши тамаки етишириладиган табиий худудларга чамбарчас боғлиқлиги аниқланди. Тамаки вирус касаллуклари билан кўчатни шкастланиши энг кўп миқдорда текислик худудида кузатилди. Фикримизча, бу текислик худудийнинг табиий шароитига боғлиқ.

Ушбу кўрсаткич замбуруғ касаллуклари бўйича олинган маълумотларда ҳам кузатилди. Хусусан тамаки текислик майдонларда ҳам кўпроқ замбуруғ споралари билан шкастланиши аниқланди.

Албатта бу кўрсаткичлар назорат йилларида турли рақамли кўрсаткичларда бўлганлиги қайд этилди. Масалан, 2018 йилда кўчатхонадаги вирус касаллуклар сони 2020 йилдагига қараганда барча худудлarda кўп миқдорда қайд этилди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, тамаки ўсимлигини вирус билан шкастланиши тоғ худудида камроқ учрайди, айниқса текислик худудида вирус билан шкастланиш анчайин кўп миқдорда бўлишилиги кузатилди.

Тамаки трипсининг тоғ ва тоғ олди тамаки майдонларида кам учраши балким майдон атрофи ва майдондаги зааркунандаларнинг кўп бўлишилиги билан изохланади.


Текислик худудларида тамакини сўрувчи зааркунандаларининг миқдорий сонини ошиши билан вирус шкастлаган ўсимликлар сони кескин ошганлиги кузатилди.

Замбуруғ касаллуклари ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан анча ошди ва ўсимликка таъсири зарари ҳам анча кучайганлиги кузатилди. Бундай йўналишдаги маълумотлар барча худудларда кузатилди. Лекин, олинган рақамли маълумотлар турлича бўлишилиги тасдиқланди.

Тамаки вирус касаллуклари билан шкастланган ўсимликлар миқдорий сони текислик худудида тоғ худудига нисбатан 5-6 марта кўп бўлишилиги аниқланди. Бу эса касалликнинг ривожланиши, худуднинг табиий ҳолати ва сўрувчи зааркунандалар (шафтоли бити ва трипс) миқдори билан тушунтирилади.

Төг ва төг олди худудларыда текислик кисмга қараганда ҳаво ҳарорати ўртача $1-2^{\circ}\text{C}$ га паст бўлади ва нисбий намлиги 10-15% га юкори бўлганлиги турли касалликларнинг ривожланиши ва тиркадинига салбий таъсир кўрсатади.

Тамакини текислик майдонларида етиштирилганда касалликлар тури ёнг кўп миқдорда бўлишлиги кузатилди. Бу худудда тамаки касалликларини кўпайиши ва ривожланиши бошқа худудларга қараганда анча жадал бўлишлиги билан тавсифланди.



Гурасм. Төг олди худудларидаги етиштирилган тамаки даласи.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, 2018 йил об-ҳаво шароити сохта ўн шудрининг тамаки майдонларида ривожланиши учун қулай келгандигини қайд этиш жоиз. Шу сабабли 2020 йилда тамаки майдонларида касалланган ўсимликлар кўп бўлганлиги кузатилди.

Кўчкат касалликлари тамаки кўччатхонадаги ривожланиши мозлум йилдаги ёғингарчилик миқдорига боғлиқлиги кузатилди. Бахорги ёғингарчилик кўп бўлган йиллари кўчкат чириш келгандигининг кўп бўлишлиги аниqlанди.

Тамаки кўчатлари далага асосан апрел ойи охири ва май ойи бошларидаги ўтқазилади. Вирус касалликларини ташувчи бўлган зарарсунандалар тамаки трипси ва шафтоли бити бу давргача асосан далиятрофидаги бегона ўтларда ҳаёт кечира бошлайди.

Шу сабабли сўрувчи зааркунандаларга карши кураш тизимини ишилаб чикишда дала атрофидаги бегона ўтлардаги касалликларга қарши курашиш самарали тадбир хисобланади.

Тамакичилик худудларидағи бегона ўтлар таркиби хилма – хиллиги билан ажралып туради. Худудда 25 ботаник оиласынан 85 турдаги бегона ўтлар учраши адабиётларда көлтирилген (Рахимов, 1987; Хушвақтов, 1990).

Тамаки ўстириладиган худудларда тамаки ўсимлигининг тамаки трипсі ва шафтоли бити билан заарланиш даражасынан дала атрофи ва чеккаларидаги бегона ўтларнинг тури ва уларни сўрувчи зааркунандалар билан заарланиши 5 - жадвалда көлтирилген.

5-жадвал

Тамаки майдони атрофларида кўп учрайдиган бегона ўтлар ва уларда вирус ташувчи сўрувчи зааркунандаларнинг учрашуви

Табиий худудлар	Тамаки майдони атрофларида кўп учрайдиган бегона ўтлар тури	Бегона ўтларда сўрувчи зааркунандаларнинг учраши	
		тамаки трипсі	شاфтоли бити
Кўп йиллик			
Шўра	+	++	
Аччикмия	-	-	
Баргизуб	+	++	
Дала қирқбўғими	-	+	
Окбош	-	-	
Икки йиллик			
Каррак	-	+	
Қашкарбеда	+	++	
Бир йиллик			
Бўзтикан	-	+	
Бўритарок	+	-	
Ёввойи арпа	-	+	
Буғдойик	-	+	
Лолакизгалдок	+	++	
Ялтирибош	-	-	
Қўнгирбош	-	-	

Күп йиллик		
Ажрик	-	
Баргизуб	+	+
Дала кирқбұғими	+	+
Ялпиз	-	+
Қакра	-	-
Оқбош	-	
Саломалайкум	-	+
Икки йиллик		
Куртэна	+	+
Каррак	-	
Бир йиллик		
Бангидевона	++	++
Бурчок	-	
Ёввойи гултожихұroz	+	+
Жағ-жағ	+	+
Итузум	+++	+++
Лолақызығалдок	+	+
Оқ шұра	-	++
Ялтиробаш	-	
Күп йиллик		
Баргизуб	+	+
Саломалайкум	-	+
Тизимгул	++	++
Ялпиз	-	
Ғумай	-	
Икки йиллик		
Куртэна	++	++
Бир йиллик		
Бангидевона	+++	+++
Ёввойи гултожихұroz	+	++
Жағ-жағ	+	++
Итузум	+++	+++
Исмалок	++	++
Қуйтикан	-	+
Қуйпекақ	+	++
Олабута	+	++
Оқ шұра	++	+++
Семизүт	+	+

Тог олди

Текислиқ

Сўрувчи зааркунандалар дала атрофидаги бегона ўтларнинг аксарият қисмида учрайди. Тоғ худудидаги бегона ўтларда сўрувчи зааркунандалар жуда кам миқдорда учрайди, текислик худудидаги бегона ўтларда зааркунандалар жуда кўп миқдорда учраши кузатилди. Шафтоли битидан фарқ қилиб, тамаки трипси ҳамма турдаги бегона ўтларда учраши кузатилди ва бу ҳолат фикримизча, зааркунандаларнинг экологияси ва табиий энтомофаглар миқдори ҳамда бегона ўтнинг биологик хусусиятлари билан тушунтирилади.

Бу ҳолат тамаки майдонларида вирус касалликларини кўпайиши ва тарқалишига замин яратади.

Шундай қилиб, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида тамакини тоғ, тоғ олди ва текислик худудларида етиштиришда тамаки ўсимлигининг замбуруғ ва вирус касалликлари билан шакастланиши турили даражада бўлишлиги ва касалликнинг кўпайиши ҳамда ривожланиши худуднинг табиий шароитлари ва сўрувчи зааркунандаларга боғлиқлиги аниқланди. Тамаки павларини жойлаштиришда ва касалликларга қарши кураш мажмуасини ишлаб чиқишида албатта тамаки етиштириладиган табиий худуднинг шароитлари ҳисобга олиниши ва сўрувчи зааркунандаларга курашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1.3-§. Тамакичилик соҳасининг ҳозирги ҳолати, иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари.

Тамаки бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари каби етиштириш жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга. Бошқа экинлардан фарқли равишда аниқ агротехник, тупрок, технологик ва ташкилий-иктисодий талабларни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Зарафшон водийси жуда кўп экинларни, жумладан тамакини етиштириш учун табиий қулайликларга эга.

Тамакичилик Самарқанд вилоятининг Ургут тумани фермер хўжаликларининг инфраструктурасида муҳим аҳамиятга эга соҳа ҳисобланади. Тамаки етиштириш соҳаси мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, кўп меҳнат русурсларини талаб қиласиди. Бошқа томондан эса тамакичиликда мураккаб техника ва технология ёрдамида технологик жараёнларни бажариш учун маълум тажриба ва қўнимка зарур бўлади.

Тамакичилик дунёнинг жуда кўп мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш соҳасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Тамаки дунёнинг 124 мамлакатида етиштирилади (Шулика, Галоматин, Шульга, 2010).

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида тамаки 1929 йилдан бері етиштирилиб келинади. Туманда етиштирилган тамаки хом айға үзига хос технологик ва кимёвий хусусиятлари билан фарқ қиласы. 1980 йилларда Ургут туманида 10 минг га тамаки экилиб, ундан 40 минг тоннадан зиёд хом ашё ишлаб чиқарилган.

Лекин, қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислоҳатлар, фемер хўжалигини ривожланиши ва ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда уни барқарорлигини мустаҳкамлаш натижасида кейинги йилларда тамаки майдони 9,2 мартаға ва уни шибни чиқариш 5,2 мартаға камайди (Умурзаков, Жалилов, 2019). Годиллар шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда тамакичилик соҳасида 8-10 миннгача киши шуғилланмоқда, бу рақам умумий қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ кишиларнинг 10-12,5 % ни ташкил қиласы.

Туманда 600 дан зиёд фермер хўжаликлари тамаки етиштириб майдонда. Ҳозирги вақтда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 1,9 %-ни үсимлик маҳсулотининг 7 % тамакичилик соҳасини улусига түгри келади.

Ўзбекистон Республикасининг Зарафшон водийсини чап көрготи Помир-Олой тоғларига туташган худудида тамакичилик майдонлари жойлашган. Бу худудда тупроқ унумдорлиги юқори 600 милилиги сабабли қадимдан дәхқончилик қилиб келинади.

Ўзбекистоннинг тамаки етиштириладиган худудларида оч тусли бўз тупроқлар, типик бўз тупроқлар, тўқ тусли бўз тупроқлар ва утлоқ бўз тупроқлар учрайди (Умурзаков, 1999).

Оч тусли бўз тупроқлар – тоғ тизмалари қияликларининг қуий тарасидан, тоғ этагидаги қия текисликларда ва адирларда тарасидан. Механик таркиби – ўртача қумоқ, ғовак. Озиқ моддалар билан кам таъминланган. Чиринди миқдори жуда кам (0,5-0,7%).

Тамакичилик худуди учта табиий геоморфологик бўлимдан, ёни тоғ, тоғ олди ва текислик қисмлардан иборат. Улар бир бирдан табиий шароити кўрсатгичлари бўйича кескин фарқ қиласы (б. жадвали).

Типик бўз тупроқлар – асосан тоғ этагидаги текис, қуториладиган майдонлarda тарқалган. Лалми майдонларда ҳам учрайди. Механик таркибига кўра оғир қумоқ бўлиб ҳисобланади. Айрим жойларида чириндининг миқдори 0,6-1,0% гача бўлади.

6-жадвал

Ўзбекистон тамаки худудларининг табиий тавсени

Табиий худуд	Денгиз сатҳидан баландлиги, м	Тупроқдаги чиринди миқдори, %	Суғориш имконияти	Экиладиган экин тури
Текислик	500-600	1,2-1,7	Суғориш канали оркали	Сабзавот, донли экинлар, тамаки
Тоғ олди	600-900	0,7-1,1	Суғориш насослари ёрдамида	Донли ва дуккакли экинлар, тамаки, ток
Тоғ	900 дан баланд	1,6-1,8	Булок сувлари	Донли ва дуккакли экинлар, тамаки, ток

Тўқ тусли бўз тупроқлар – тоғ олди, қия текисликларнинг қўйи қисми, тоғ оралиқларидағи текисликларда жойлашган майдонларда учрайди. Рельефи мураккаб ва эрозияга учраган жойлар. Механик таркиби – оғир, ўрта ва енгил кумоқ тупроқлар. Тупроқ таркибидаги чиринди миқдори 0,9-1,3 % гача бўлиши мумкин.

Тамакичилик худудларининг агрометеорологик омилларини ҳар томонлама тўлиқ ҳисобга олмасдан турив, зарарли организмларга қарши самарали ва уйғунлашган курашиш мажмуаси яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш мумкин эмас.



14-расм. Тамаки навларини апробацияси.

Тамаки Ургут туманинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ўзига хос микронидим шароитида етиширилади. Бу ҳудудда ўсув даври давомийлиги 200 – 220 кунни (харорат $+10^{\circ}\text{C}$ дан юкори бўлган кунлар йигинидиси) ташкил этади. Ўртacha йиллик харорат $12 - 14^{\circ}\text{C}$ ни ташкил килади.



15-расм. Шарқ типдаги тамакини қуёшда қуритиши.



16-расм. Вирджиния тамакиси бўйича ўтказиладиган тажриба майдони.

Ҳаво ҳарорати энг иссиқ кунларда $38 - 40^{\circ}$ С гача күтарила, совук кунлари эса – $18 - 20^{\circ}$ С гача тушади. Одатда март ойининг охирларида ҳам совук кунлар бўлади, кузги дастлабки совук кунлар эса октябр оидан бошланади.

Тамакини ўсув даврида атмосфера ҳавосининг нисбий намлиги $45 - 50\%$ атрофида бўлиши кузатилади. Тамаки баргларининг шаклланиш даврида (май-июн ойларининг бошларида) ҳаво намлигини бирмунча юқори даражада бўлишлиги ўсимликда $25 - 30$ донагача баргларни ҳосил қилиш имконини беради. Июн оидан бошлаб ҳаво ва тупрок ҳароратини кўтарилиб бориши иссиқсевар зараркунандаларни ривожланишига қулаг шароит туғдиради.

Ургут туманининг тоғ ва тоғ олди худудларида ёғингарчилик микдори ўртacha $350-450$ мм ни ташкил қиласди. Айrim йиллари ёғингарчилик микдори 500 мм дан ҳам ошиши кузатилади. Кўпчилик йилларда ёғингарчиликнинг асосий қисми (60% ортиғи) кузги – қишки даврга тўғри келади.

Тамакичилик худудларининг тупроқ-иклим шароитлари районлаштирилган тамаки навларидан юқори сифатли ҳосил олиш имконини беради. Шу билан бирга, тамаки агробиоценозидаги зарарли ва фойдали ҳашаротларнинг ривожланиши учун ҳам қулаг шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг тамакичилик худудининг табиий шароити тамакининг шарқ ва америка нав типларига оид хушбўй ва скелет типдаги хом ашё берувчи навларни етиштиришга мос келади.

Ургут туман фермер хўжаликларида тамакини шарқ навларидан Дюбек 44-07, Измир, Басма навлари ва америка нав типидан Вирджиния нави етиштирилади.

II-боб. ТАМАКИ ФИТОПАТОГЕНЛАРИНИ ҮСИМЛИКГА ТАЪСИРИ.

2.1-б. Тамаки үсимлиги биокимёвий жараёнлари ва кимёвий таркибига фитопатогенларни таъсири.

Биология ва фитопатологиянинг ҳозирги даврдаги ривожланиши физиологик ва биокимёвий жараёнларни молекуляр ва суб молекуляр қонуниятларини таҳлил қилиш имконини беради. Бу пўналишдаги илмий тадқиқотлар шу билан асосланадики, ҳар қандай касаллик ўзига хос молекуляр асосга эга эканлиги билан тушунтирилади.

Паразит билан хўжайнин үсимлик хужайраси билан ўзаро таъсири ҳар қандай касаллик ёки паразит бўлмасин улар хўжайнин үсимлик паразит тизимидағи моддалар ёки молекулаларининг ўзаро таъсирига бориб тақалади.

Патогенезнинг молекуляр асосини ўрганиш касалликни табиатини ўрганишга, унинг сабаблари, механизмини чукур ўрганиш асосида фитопатоген қўзғатувчиларига чидамлилик механизмини тушуниш имкониятини беради ва касалликларга кўрни самарали ҳамда оқилона кураш усулларни аниқлаш, шу билан бирга турли касалликларни олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиши имконини беради.

Фитониммунологиянинг марказий масалаларидан бири турли фитопатоген қўзғатувчиларга үсимликни чидамлилик табиатини тушуниш ва хўжайнин-үсимликни ҳимоя реакциясини молекуляр асосини ўрганиш ҳисобланади.

Тамаки үсимлиги жуда кўп турдаги патоген қўзғатувчиларга – замбурууглар, бактериялар, вируслар, микоплазмаларга хўжайнин ҳисобланади. Шу сабабли ушбу үсимлик вирозлар, бактерозлар, замбурург касалликларни ўрганиш учун қулай объект бўлиб келган.

Ҳозирги вақтга келиб тамакида паразитлик қилувчи фитопатоген қўзғатувчилари, уларни хўжайнин үсимлик хужайраси билан ўзаро таъсири тўғрисида жуда кўплаб илмий тадқиқотлар алмадига оширилган (Асатрян, 1965; Рубин, 1971; Бучинский, 1941; Половинский, 1958; Горленко, 1968; Грушевской, 1959; Ладыгина, 1970; Иваненко, 1985; Шмук, 1948; Яковук, 1970).

Мисъумки, патогенез жараёнида турли хил модда алмашинув тарбияларида жуда катта ўзгаришлар содир бўлади. Бу факт

ўсимлилк ҳужайрасига маълум кимёвий таркибга эга бегона моддаларни (токсинлар, оқсиллар, ферментлар ва бошқалар) кириб келиши билангина эмас, балким хўжайнин ўсимликнинг энергетик ва пластик моддаларини фитопатоген қўзғатувчилари томонидан йиртқичларча фойдаланиш натижасидир. Ўсимлик паразит учун инерт яшаш муҳити эмас, ундаги ўсиш ва ривожланиш жараёнларини таъминловчи физиологик ва биокимёвий жараёнлар узлуксиз давом этади.

Хўжайнин ўсимликни модда алмашинув жараёнини ўсиш суръати патогенез жараёнини ривожланишини белгилайди. Ўсимликни инфекцияга чидамлилик даражаси унинг генетик, морфологик ва физиологик ҳамда биокимёвий хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Фитопатогенларни ўсимликда углеводлар алмашинувига таъсири. Турли хил фитопатоген қўзғатувчилари тамаки ўсимлигига углевод алмашинувини кучли ўзгартириш ҳақида жуда кўп илмий тадқиқотлар эълон қилинган (Володарский, 1961; Грушевой, 1956; Dienet, 1963).

Тамаки ўсимлигининг фитопатогенлар таъсирида кимёвий таркибининг ўзгариши чидамли ва чидамсиз шакилларида турлика кечади. Хусусан, тамаки мозаика вируси билан заарланганда фотосинтез фаоллигини пасайиши умумий углеводлар миқдорини камайишига олиб келади. Аммо, сарғайиш касалликларида ўсимликда углеводлар миқдори ошганлиги аникланган.

Ўсимликларнинг фотосинтетик фаолиятини пасайиши ва бунда углеводларни ўсимликда тўпланиш ходисаси пластик моддаларни камайиши оқибатида келиб чиқади. Углевод алмашинувини нормал кечишини бузилишини намоён бўлиши крахмал синтез ва гидролиз ферментларини фаоллигини камайиши хисобланади.

Тамакини мозаика вируси билан муайян жойдаги шкастланган жойларида, яъни некрозларда крахмал бўлмайди ва радиоактив глюкоза тўплланмайди, лекин некроз атрофларида углеводларни тўпланиши ва крахмал чўқиндилари ҳосил бўлиши кузатилади.

Ассимилянтларни заарланган жойда тўпланиши нафас олиш жараённада электронларни транспорти жадаллашишига олиб келади, бу эса унга мутаносиб бўлган энергетик жараёнларни ҳам тезлаштиради, шакар концентрациясини ошиши нафас олиш жадаллигини оширади, бунинг натижасида ўсимликни ҳаётни

жараёнлари учун зарур бўлган энергия ажралиб чиқади (Ладыгина, 1971).

Жуда кўп ҳолларда, ўсимлик облигат паразитлар билан касалланганда шкастланган тўқималарда захира шаклларда углеводлар тўпланиши кузатилади. Хусусан, буғдой барги уншудринг билан касалланганда нишонланган C^{14} ни заарланган шебда тўпланиши аниқланган, бу шундан далолат берадики, углеводларни инфекция тушган жойда йигилиши баргдан паразит замууруг колониялари олиб ташлангандан кейин ҳам давом этган. Бу ҳол шу билан тушунириладики, инфекция тушгандан кейин захира шаклдаги углеводлар бир жойга тўпланиши ўсимликда модда алмашинуви билан боғлик бўлади ва баргларда моддаларни сингдирилиши билангина эмас, балким уларни барг тўқималарида кайта тақсимланишига боғлик бўлади.

Углеводларни касалликларга чидамли ўсимлик шаклларида тўпланиши сунъий юқтирилган облигат паразитларни ўзига хос ҳусусияти бўлиб, касалликни дастлабки даврларида паразитни топорасланиши учун зарур бўлган модда алмашинув жараёнларини кучайиниши натижасидир.

Бактериал риябуха билан шкастланиш жараёнида углеводларни камайиниши кузатилади, бунда *Pseudomonas tabaci* токсинларини таъсири натижасида тамаки баргларини хлорози пайдо бўлади, бу яна фотосинтетик жараёнларни бузилишига олиб келади, пировард натижада бу жараёнда ўсимликда углеводлар миқдори камаяди. Бунда паразит томонидан углеводларни ўзлаштириши ҳам муҳим ажомиятга эга (Грушевой, 1956).

Ўсимлик факультатив паразитлар билан шкастланганда улардиги гидролитик ферментларини таъсири натижасида ўсимликни шкастланган тўқималарида одатда углеводларни захира шаклларни парчаланиши кузатилади.

Шундай қилиб, фитопатоген қўзғатувчиларини углевод алмашинувига таъсирини ўрганиш айрим хulosаларни қилиш имконини беради, яъни ўсимликни ҳар қандай касалликга чалиниши углевод сарфини кучайиши билан боғлик бўлади, бу ҳолат ўсимликни нафас олиш жадаллигин ошиши ва паразитни ҳам топорасланиши учун углевод сарфлаши билан боғлик.

Одатда, турли касаллик қўзғатувчилар келтириб чиқарадиган патогенез жараёнида фақат углеводлар миқдорини камайиши эмас, балким уни сифат кўрсатгичларида ҳам ўзгаришлар бўлиши

аниқланған. Углеводларни сифат үзгаришлари (бир шаклдан бошқа шактіга үтиши) тұғридан-тұғри касаллық құзғатувчилар ёки уларни токсинлари ёрдамида амалға ошиши мумкин. Углеводларни үзгариши модда алмашинув жараёнларини бузилиши оқибатида ҳам содир бўлади. Айрим ҳолларда, касаллық құзғатувчилар маҳсус ферментлар ишлаб чиқиб, полимер углеводларни оддий углеводларга, яъни осон үзлаштирадиган шаклларгача парчалайди (Ладыгина, 1971).

Патогенез жараёнида углевод алмашинуvidаги үзгаришларнинг натижаси турлича бўлиши мумкин, чунки үзгаришлар тавсифи бир қатор омилларга, яъни үсимликни чидамлилик даражасига, хўжайнин үсимлик ва паразитни биологик хусусиятларига, касаллық даври ва заарланиш даражасига, ташки ва ички муҳит шароитларига ва бошқаларга боғлик ҳолда кечади. Бу ҳолатдан шундай хулоса қилиш мумкинки, касалланган үсимликда углеводларни үзгариши жуда кўп ва турлича омилларга боғлик ҳолда үзгариши мумкин, улар турлича тус олиши, айрим ҳолатларда тескари тавсифга ҳам эга бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, умумий йўналишда касалланган үсимликларда углевод миқдори камайиб кетади ва углеводларни мураккаб шаклдан оддий шаклларга парчаланиш жараёни (деполимеризация) устунлик қиласи. Ушбу хулосани турли фитопатоген қўзғатувчиларида углевод алмашинуви йўналишидаги илмий-тадқиқотлар ўтказган олимлар ҳам тасдиқлашган (Володарский, 1960; Ладыгина, 1971; Рубин, 1973).

Кўлгина ҳолатларда патогенезда углеводлар миқдорини касалланган үсимликларда үзгариши тұғридан-тұғри углевод алмашинувига боғлик бўлмасдан инфекцияни үсимлик ҳаётини фаолиятини бошқа жиҳатларига таъсирида (фотосинтезда углеводларни қайта ҳосил бўлиши, углеводларни ҳаракатланиши, сув алмашинуvidаги үзгаришлар ва бошқалар) ҳам бўлиши мумкин.

Оксил ва азотли бирикмалар алмашинуvidаги үзгаришлар. Турли авлодга мансуб фитопатоген қўзғатувчилар таъсири хўжайнин – үсимлик тўқималарида оксил ва азотли бирикмаларни метаболизми муҳим аҳамият касб этади, чунки заарларни организмлар ривожланиши хўжайнин үсимлик хужайрасида азотли бирикмаларни меъёрий метаболизмни ишдан чиқаради ва бузади.

Инфекция тасирида үсимликтин азот барқарорлигини бузилиш қонуниятлари худди углевод алмашинуvidаги үзгаришлар каби кечади. Фитопатоген микроорганизмлар азотли бирикмаларни ҳам

микдорига, ҳам сифатига таъсир күрсатади. Шунга мувофик шкастланган ўсимлик тўқималарида оқсил ва углеводлар ўртасида турли хиз ўзаро боғлиқликларни кузатиш мумкин, бироқ патоген органнинглар аксарият ҳолатда азотли бирикмалар микдорини камайтиради, чунки фитопатоген қўзғатувчилари ўз организмини тиклани учун шкастланган ўсимлик тўқималаридан азотли бирикмаларни сўриб олади (Володарский, 1958).

Ўсимликда вирус оқсилини йигилиши унинг меърий ҳаёт жараёсларининг ўзгаришига олиб келади. Вирус хужайрасидаги оқсилини синтези хўжайнин ўсимликдаги оқсил микдори ва унинг синтезига таъсир кўрсатиши олимлар томонидан аниқланган. Турли вирус касалликлари ўсимликдаги азот алмашинувига турлича таъсир кўрсатиши ҳақида жуда кўп илмий тадқиқот материаллари мавжуд (Ладыгина, 1971; Сухов, 1965; Witestun, Lech, 1962; Рубин, Аксенова, Ладыгина, 1965).

Dieser (1983) вирус касалликларида азотли моддаларни ўзарини тўғрисидаги тажриба материалларини таҳлил қилиб, ўсимликда вирусни жуда кўплаб тўпланиши одатда оқсилсиз азотли микдорини камайтириш билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди, лекин бу ҳодиса ҳамма вирус касалликларида ҳам кузатилмайди.

Вирусларни патогенлигининг намоён бўлиши ўсимликдаги азот балоинини бузилишини келтириб чиқаради. Касалланган тамаки ўсимлигига оқсилнинг умумий миқдори соғлом ўсимликга нисбатан яна юкори бўлишлиги аниқланган, лекин ушбу оқсилнинг 80 % вирус оқсилига тегишли эканлиги аниқланган. Шу билан биргаликда, вируснинг кўпайиши кўп жихатдан хўжайнин ўсимликни азот озиқланишига боғлиқ, вирус заррачаларини шакилланиши учун асосий материал касалланган ўсимликларни азотли бирикмалари кисобланади.

Вирус инфекциясида оқсил синтез бўлиши мумкин, лекин у вирусники эмас, деган фикрни айтган япон олимлари Такахashi ва Иши ўз тадқиқотларда исботлашган. Улар тамаки ўсимлиги тамаки мозикаси вируси сунъий юқтирилганида унда ҳосил бўлган оқсил соғлом ўсимликникидан тузилиши жихатдан фарқ қилган.

Бутуниттифок (ҳозирги Бутунrossия) тамаки ва махорка экиншари илмий тадқиқот институти маълумотларига кўра, томакининг иммунли тури *Nicotiana glutinosa* вирусларига жавобан оқсил (митохондрия) синтез қилиш хусусиятига эга. Ўсимликни индимсиз турлари эса бундай хусусиятга эга эмаслиги аниқланган

(Рубин, Аксинова, Ладына, 1976). Бундан ташқари, тамакиди чидамсиз турларида вирус инфекцияси ўсимликни ўсишини сусайтиради (Грушевой, 1956) ва хужайранинг таркибий қисмларини бузилишига олиб келади (Зайтлин, Ягендари 1969).

Митохондриал таркибни янгидан синтез бўлиши шундан гувоҳ берадики, оқсил структурасини янгидан ҳосил бўлиши билан бирга фосфолипидлар, нуклейин кислоталар ва бошқа митохондриал мембрана таркибига кирувчи ҳамма кампонентлар янгидан ҳосил бўлади. Бундан ташқари вирус инфекцияси таъсирида чидамли ўсимликлар тўқималарида ферментатив оқсил янгидан ҳосил бўлиши мумкин.

Вирус оқсил пероксидазасини янгидан ҳосил бўлишига имконият яратади (Фаркаш, Стаман, 1966).

Маълумки, ўсимлик тўқималарида ферментлар жуда кўп микдордаги изозимларга эга бўлиши мумкин, уларнинг таркиби, ёши, озиқланиши, касалланишига боғлиқ. Изозимлар инфекцияга қарши қурашда мухим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикрлар айтилган (Kawashina, Uritani, 1963).

Изозим таркибини ўзгариши ва оқсилни янгидан ҳосил бўлиш жараёни жадал энергия алмашинуви билан ўтади, чунки синтетик жараёнлар энергетик алмашинув билан ҳамоҳанг равишда кечади.

Стаман ва Уритаки олимларни фикрича, ўсимликни чидамлилиги уларни оқсил метаболизмини ўзgartириш хусусияти билан коррелятив равишда ўзгаради. Бу эса уларни инфекцион агентга таъсир даражасини белгилайди. Оқсил алмашинувини ўзгариши ўзига ҳос оқсилни синтези билан ифодаланади. Шундай килиб, ўсимликларни чидамлилиги фаол жараён хисобланади, бу эса хўжайн ўсимликни оқсил алмашинувини ҳам ўз ичига олади. Таъсирчанлик тезлиги ва даражаси хўжайн ўсимликни инфекцияни бошланишига чидамлилиги ёки сезгирилигини белгилайди.

Замбуруг касалликларида, бир қатор олимларни фикрича, облигат паразитларга (ун шудринг) ўсимликларини берилувчанлиги паразитни озиқланиши учун зарур бўлган маҳсус оқсилни бўлиши туфайлидир. Бошқа муаллифлар тўғри эризифозларни ўрганиш асосида уларни жуда кисқа ихтисослигини аниқлашган. Паразитнинг жуда кўп физиологик расаларини ўрганиш асосида, ихтисослик оқсил табиатли моддаларга боғлиқ эканлиги исботланган (Ладыгина, 1971).

Айрим муаллифларнинг фикрича, оқсилнинг бу тури озиқ оқсил ўзиқ антитоксик аҳамиятга эга, улар замбуруғ томонидан ишлаб тикиниги токсикларга боғлиқ бўлиши мумкин (Zeitlin, Jagendorf, 1960).

Физиологияв замбуруғлар томонидан чакирилган турли хил ғасалликга мойил ўсимликларда оқсил микдорини камайиши билан шаклдаги азот микдорини (аминокислоталар микдори ҳисобига) онгандилиги кузатилган (Кокин, 1958; Рубин, Арциховская, 1978). Бунда ўсимлик касаллик билан қанча кучли заарланган бўла, оқсилли азот микдорини пасайиши ҳам шунча кўп бўлиши кузатилган. Микроорганизмлар томонидан жуда кўп микдордаги азот ўзлаштирилади, шу сабабли инфекция кучли ривожланган заарланган тўқималарда аминокислота микдори камаяди. Хўжайнин – ўсимлик таркибидаги азотли моддаларни таркибини ўзгаришининг муким омили патоген микроорганизмлар тамакидан ишлаб чиқардиган протеолитик ферментлар ҳисобланади. Бундан ташкири, оқсилни парчаланишида ва аминокислоталарни туплиниши хўжайнин – ўсимлик таркибидаги протеаза ҳисобига ҳам бўлини мумкин, протеаза фаоллигини паразит токсинлари оширади.

Облигат паразитлар билан заарланганда азотли моддалар метаболизмидаги ўзгаришлар хўжайнин – ўсимликларни чидамлилик дарёжасини белгилайди (Рубин, Арциховская, 1978). Бироқ, азотли моддаларни ўзгариши бошқа йўналишда бўлганлиги таъкидлаб үтиш лозим. Касалликга мойил навлар заарланганда инфекцияни ривожланиш даврида умумий, оқсилли ва эрувчан азотнинг микдори ошиади, шу билан бирга эрувчан азотнинг эримайдиган азотга муносабат кўрсатгичи ҳам кўпаяди. Оқсил ва эркин аминокислоталар микдори бир неча маротаба ортади (Showa, Golotelo, 1961). Касалликга чидамли навларда эса аксинча, азот фрикционяларини микдори, шу жумладан оқсил азоти ҳам камаяди. Касалликга чидамли ва чидамсиз шаклдаги ўсимликларни бундай реакцияси облигат паразитларни ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Касалланган ўсимликларнинг азот алмашинувига углевод машинуви ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Касалланган ўсимликда углевод микдори камайиши фотосинтез жараёни бузилиши, углеводларни паразит гифалари ўзлаштириши, шубхасиз пафас олишида оқсил сарфланишига олиб келади, бунда эса оқсил парчаланиши кузатилади. Бундай ўзгаришга протопласт таркибини

паразит таъсирида ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади, бу холат протеолитик жараёнларни фаоллашувига олиб келади.

Оқсилни нарчаланишида жуда кўп натоген замбуруғлар ажратиб чиқарадиган аммиак мухим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, касалланган ўсимлик ҳужайраларида ҳам аммиак ажралиб чиқади. касалланган ўсимлик баргларинда аммиакни кўп булиши чидамли навларга хос хусусият булиб, бу ходиса бир қатор ферментлар иш жараёнини бузилиши натижасидир (масалан, амидаза). Аммиак аминокислоталарни α - аминокислота оксидазаси таъсирида чидамли шаклдаги ўсимликлар касалланганда ҳам ҳосил бўлади (Рубин, Иванова, 1959).

Ўсимликларни чидамли навлари касаллик билан шкастланганда одатда оқсил миқдори ошиши кузатилади. Бу холат асосан касалликни дастлабки даврида энергия алмашинувини кучайиши хисобига амалга ошади.

Ўсимликларни чидамли навлари касалланганда оқсил миқдори ошиши янгидан ферментатив оқсилни синтези билан боғликлигини бир қатор олимлар аниқлашган (Kawashima, Uritani, 1973; Рубин, Иванова, Давидова, 1975).

Тамаки шумғия билан зааррланганда соғлом ва зааррланган ўсимлик илдиз тизимида азот ва кул моддаларини миқдори деярли ўзгаришсиз қолганлиги аниқланган. Лекин, кулнинг таркибий кисмларида шумғия билан зааррланган ўсимликларда сезиларли ўзгариш кайд этган (7 - жадвал).

Бу маълумотлар шундан далолат берадики, шумғия таъсирида азотли бирикмалар сифат жиҳатдан катта ўзгариш содир бўлади, бунда умумий азот баланси ўзгаришсиз қолади.

Бактерияли касалликларда, хусусан бактерияли рябуха касаллигига бактериядан ажралиб чиқадиган токсин метиониннинг бошқа кўриниши ҳисобланади.

Бактериал рябуха ва унинг қўзгатувчиларини узоқ вақт Ўрганган Браун (1970) ушбу холосани биринчи марта кайд этган.

Браун (1970) томонидан қўйидаги фикр, яъни *Pseudomonas tabaci* токсини *Fusarium lycopersici* токсини ликоморазмин сингари заҳар таъсирига эга, шундай қилиб ўсиш омилининг мухим антиметаболитларидан ҳисобланади. Олим томонидан бир қатор моддалар синааб кўрилганда, фақат метионин *P.tabaci* токсинини нейтраллаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Унинг яратган

гипотезасига күра, бактериал рябуха токсинини таъсири метионинга карши йўналтирилган бўлиб, хўжайин-ўсимлик таркибида аминокислотани етишмаслиги сабабли келиб чиқади. Метионин антиметаболитининг сунъий (масалан, метионин сульфоксимиин) йўл билан олиниб, уни тамаки баргидагина синалганида, худди типик бактериал рябуха сингари белгиларни берган.

7-жадвал

Паразит бегона ўт-шумғия ва унинг хўжайин ўсимлик тукималарида кул моддаларининг таркибини ўзгариши (азот ва кул қуруқ модда ҳисобида, %; кулнинг таркибий қисми кул мөкдорига нисбатан % да) Ладыгина, 1971

Гўқима	Азот	Кул	P ₂ O ₅	K ₂ O	CaO	MgO
Шумғия	15,8	9,3	6,5	37,2	1,4	2,0
Тамакининг заарарланган илдизида	21,6	16,3	2,2	18,2	20,4	5,1
Тамакининг соглом илдизида	21,8	16,7	3,2	22,7	14,3	4,2

Psedomonas tabaci токсини ҳақиқатан ҳам метионинга ўхаш юнилигини си nab кўриш мақсадида уни кимёвий йўл билан ажратиб олинган.

Кристал ҳолатдаги, нисбатан кичик молекуляр оғирликга эга – $\text{C}_{11}\text{H}_{16}\text{O}_2\text{N}_2$ формуладаги модда ажратиб олинаган. Унинг 0,05 грамми тамаки баргини *P. tabaci* касаллигини типик белгиларни берди.

Тамаки ўсимлигини бактериал рябуха билан касаллангандаги ташки белгилари сунъий метиониннинг антиметаболити билан бир юринишга эга бўлди, бу эса ишончли равишда бактериал рябуха касаллиги метионин моддасини етишмаслигидандир ва бу холат хўжайин-ўсимлик оксил алмашинувини ўзгаришига олиб келиши юниланган. Бактериал рябуха токсинини сунъий равишда юқтириш ўсимлик мухим моддалари таркибида метиониннинг етишмаслиги ҳисобланади. *P.tabaci* токсини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг антиметаболити ҳисобланади, хўжайин – ўсимлик мухим моддалари таркибида киради. *P.tabaci* ажратиб олинган токсинлар метионин таркибида киравчи бирикмалар инифрасига қарама – қарши хусусиятга эга бўлади (Грушевой, 1956).

Pseudomonas tabaci токсини ва унинг метионин аналои (метионин сульфоксимин) таъсирини ўрганиш шу нарсан аникладики, улар глутанин синтетазани фаоллигини сусайтириши ишботланган (Sinden, Durbin, 1968).

Метиониннинг иккала аналиги ҳам бактериал рябух касаллигига хос бўлган хлорозни келтириб чиқаради. Муаллифларнинг тахминича, *P.tabaci* токсинини ўсимликтадастлабки таъсири глутаматсингтетазанинг трансфераз фаоллигини камайтиришдан иборат бўлди, бунинг натижасида ҳужайралардуроралик токсинлар – нитратларни метаболизм маҳсулотлари йиғилади. Бинобарин, *P.tabaci* чақирадиган касалликни ривожланиши аминокислота алмашинувидағи ферментлардан бирини йўқотишдан иборат бўлади.

Шундай қилиб, бактериал касалликлар азотли бирикмалар алмашинувининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришига аҳамиятли таъсири кўрсатади. Бу ўзгаришлар бир томондан умумий характеристига эга бўлиб, азотли бирикмалар миқдорини камайтиради, иккинччи томондан ўзига хос хусусият бўлиб, *P.tabaci* касаллигини ташки белгиларни келтириб чиқирадиган токсинлар фақатгина ушбу қўзғатувчига хос бўлиб, бошка патоген қўзғатувчиларида учрамайди.

Касаллик тамаки ўсимлиги тўқималарида азотли бирикмаларнинг миқдори бошқа бир қатор биотик ва абиотик омилларга боғлиқ бўлади. Хусусан, касалланган тамакини ҳужайраларида протоплазманинг ҳолати ва ҳужайра таркибидаги азотли бирикмаларнинг миқдорига таъсири кўрсатади. Айрим касаллик қўзғатувчилари азотли ва бошка бирикмаларни протоплазма ва ҳужайра таркибидан танлаб ўтказувчанлик хусусиятини оширади, бу эса протопластдан азотни чиқиб кетишини тамилайди (Гойтман, 1974).

Кўпинча илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, тамакини замбуруғ, вирус ва бактериал касалликлари ўсимлиқдаги азот ва бошқа бирикмалар, углеводлар алмашинуви, протоплазма таркибий кисмларида, ўсиш жараёнида бузилишлар ва ўзгаришлар содир килади (Рубин, Арциховская, 1968; Грушевой, 1950). Бу шундан дарак берадики, ўсимлик ҳужайрасига фитопатоген қўзғатувчиларини кириши ҳўжайн – ўсимлик организмидаги умумий моддалар алмашинувида мураккаб ўзгаришларни келтириб чиқаради.

2.2-§. Патоген құзғатувчиларини моддалар энергия алмашинувиға таъсири.

Патоген құзғатувчилари үсимликтегі жағдайда күп қирралы ва қорынаб бўлиб, унда унинг энергия алмашинувиға таъсири алоҳида ошилалайди.

Хўжайин – үсимлик баргларидаги барча модда алмашинувидаги гормонлар, айниқса турли хил синтезлар, шунингдек парчаланиш гормонлари кўпинча энергетик жараёнлари ўзгаришга ва электронлар ҳаракатига боғлиқ бўлади. Бу жараёнлар эвазига, ғайралар энергия ва пластик моддалар билан таъминланади.

Шу сабабли, электрон ҳаракатига ва у билан боғлиқ энергетик гормонларига иммунитетнинг ҳимоя реакцияси ва патоген гормонларда моддалар алмашинуvida катта аҳамиятга эга. Бундан ошарни, вирус нуклопротеиди ва фитопатоген организмларни оши ҳамда ривожланишида энергия алмашинуvida муҳим аҳамиятга эга.

Вирус тирик организм ва молекуланинг ўзаро чегарасида бўлиб, ошакил модда алмашинувиға ва энергия манбаига эга эмас, яйин – үсимликнинг пластик моддалардан ва энергия манбаидан ойдаланиб вирус заррачаларини пайдо килади (Молдаван, 1980).

Патоген замбуруғ ва бактериялар метаболизм жараёнига эга будада, уларда кечадиган моддалар алмашинув жараёни анча олдалашган, чунки патоген микроорганизмларни барчаси паразит тарзига тўлиқ мослашган, улар хўжайин – үсимлик метаболизми ва каталитик тизимидан фойдаланилган ҳолда ўзининг инклини яратади. Фитопатогенларнинг ферментатив тизими (идролаз типдаги ва бошқ.) асосан хўжайин – үсимлик моддаларни парчалашга каратилган бўлиб, парчаланган моддаларни ўзининг инни ва ривожланиши учун фойдаланиш уларнинг асосий ҳаёт тарзи исобланади.

Үсимлик хўжайраси энергетик марказларига, уларнинг вазифаси ва таркибиға инфекция томонидан қўзғатилган патоген үзарнишларни батафсил баён этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фитопатоген қўзғатувчиларини митохондриал аппаратнинг инфицирли митохондрияларни таркиби ҳиссеси таъсири. Фитопатоген организмларни хўжайин – үсимликнинг нафас олиш занжирида электронларни кўчиришга таъсири бўйича бир қатор илмий – талқинотлар бажарилган.

Кўпгина илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, патоген қўзғатувчилари шкастлаган ўсимлик тўқималарида оксидланиш – кайтарилиш жараёнларини йўналиши бузилади.

Тамаки ўсимлиги мозаика билан касалланганда нафас олиш жадаллиги 32 % га ошганлиги тадқиқотчи олимлар Вуудс ва Дюбуа (1942) томонидан аниқланган.

Нафас олиш жадаллигини ўзгариши билан ферментлар тизимида катта ўзгаришлар ҳам юзага келган. Маълум фаоллик бошқа томондан сустликни, яъни уларни батамом фаолиятини тўхтатиб кўйиш мумкин. Кўпгина манбаларда инфекция томонидан келтириб чиқарадиган ўзгаришлар хўжайин – ўсимликни чидамлилик дараражасига чамбарчас боғлиқ (Рузанов, 1930; Вагер, 1955; Вердеревская, 1964).

Тамаки вирус мозаикаси билан инокуляция қилинганидан кейин (24 ва 48 соатдан кейин) дегидрогеназа, пиroxидаза, аскорбиноксидаза ва бошқа ферментларни фаоллигига ўзгаришлар қайд этилган (8 - жадвал).

8-жадвал

Тамакининг турли хил чидамлилига эга бўлган турларида тамаки мозаикаси вирусининг нафас олиш ферментларининг фаоллигига таъсири (соғлом ўсимлик фаоллигига нисбатан % хисобида, М.Е.Ладыгина маълумоти).

Фермент	<i>N. glutinosa</i>		<i>N. tabacum</i>	
	инокуляциядан кейинги вақт, соат			
	24	48	24	48
Дегидрогеназа	85	78	226	240
Полифенолоксидаза	115	115	84	82
Аскорбиноксидаза	75	154	93	98
Цитрохромоксидаза	129	211	123	123
Пероксидаза	126	98	82	91

Бу ўзгаришлар мураккаб жараёнларни қамраб олади. Масалан, тамакининг вирусга чидамсиз тури *Nicotiana tabacum* (Трапезонд 93 нави) тўқималарида дегидрогеназа ферментининг фаоллиги кескин ошиб кетди, чидамли тури *Nicotiana glutinosa* эса унинг тескариси, яъни фаоллиги сусайди. Маълумки, полифенолоксидазани фаоллиги ва дегидрогеназани сусайиши некрозни келтириб чиқаради. Полифенолоксидаза касалликга чидамли навларда фаоллашади ва чидамсиз навларда эса унинг фаоллиги сусаяди. Умуман

Үсімліктарда оксидланған феноллар тиқланмайды, натижада үсімлік тұқымаларида заһарлы метаболизм – хинонлар түпланади. Биобарин, вирус инфекцияси таъсирида некрозларни ҳосил бўлиш физиологик механизми патоген замбуруғлар таъсирида уларни ҳосил бўлиш механизм билан ухшаш. Вирус инфексиясига чидамлилиги турлича бўлган тамаки турларида бошка ферментларни фаоллигига ҳам (аскорбиноксидаза, цитохромоксидаза, пероксидаза) турлича таъсир кўрсатади (Ладыгина, 1971).

Нафас олиш жараёнини бошқарувчи ферментлар фаолиятини булиши ушбу жараённинг энергетик самарадорлигига таъсир үзказмай қўймайди. Инфекциянинг үсімлікнинг нафас олиш алмашинуви энергетикасига таъсири бўйича адабиётларда мальумотлар етарли эмас.

Тамакини мозаика вируси инфекцияси органик кислотада зрийдиган фосфор микдорига таъсир кўрсатмайди (Sasaki, 1961). Касалланған баргларда фосфор ҳосил бўлишига динитрофенол таъсир кўрсатсада, лекин тамаки мозаикаси вирусини кўпайишига ким микдорда таъсир кўрсатади. Вирус таъсирида касалланған үсімлік организмидә фосфатоза ва апираза ферментларининг фаоллигиги ошганлигини тадқиқотчи олимлар Esanu (1968) кўрсатиб ўтган.

Бутуниттифок (ҳозирги Бутунrossия) тамаки ва махорка үсімлары илмий тадқиқот институти (Краснодар ш.) олимлари томонидан тамакини вирусга чидамли (*Nicotiana glutinosa*) ва чидамсиз (*Nicotiana tabacum*) турлари вирус инфекцияси үсімлік энергия алмашинуви самарадорлигига таъсири ўрганилган. Вирусга чидамли *Nicotiana glutinosa* тамаки турида вирусни инокуляцияси үсімлікдаги энергия тўплаш жадаллигини сақлаб қолади ёки кучайтиради. Митохондрияда цитохромоксидаза ва сукциноксидаза ферментлари фаоллашгани, митохондрий ҳужайраларида янги ҳосил бўлган энергия марказлари ҳосил бўлиши бунга далолатdir. Тамакини вирус мозаикасига чидамсиз турида эса вирус инфекцияси таъсирида энергия тўплаш жараёни сусаяди. Ҳусусан, митохондрия орқали аниорганик фосфорни сингдириш жараёни тўхтайди, тамаки вирусга чидамли типида бу жараёнга инфекция таъсир кўрсатмайди (Модлован, 1978).

Институт олимлари томонидан үсімліктарни тамаки мозаика вируси инокуляция қилиниб үсімлік ун шудринг билан

заарлантриилганида митохондриядаги АТФ микдорига таъсири тўғрисидаги маълумотлар олинган.

Тамаки мозаикаси вируси ўсимликларни заарланиши билан хўжайин ўсимликнинг ҳимоя реакцияси учун кўшимча энергия зарур бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, вирус ва замбуруғ инфекциясини ўсимликга таъсири нафас олиш энергиясидан инфекция тушган ҳужайранинг фойдаланиш самарадорлик жараёнини бузилиши ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида тўқималарни холдан тойдириади. Шу билан боғлик ҳолда, ўсимликни инфекцияга қарши ҳимоя тизимида митохондрийни фосфорланиш оксидлаши жараёнлари даражасини сакланиш ёки унинг фаоллаши муҳим аҳамиятга эга.

Бутиниттифоқ (хозирги Бутунрессия) тамаки ва маҳорка экинлари ИТИ ўсимликлар ҳимояси лабораториясида тамакини мозаика вирусига чидамсиз турида энергияни заҳира қилиш жараёнини ингбирлаш механизмини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва митохондрияда ўзгаришлар унинг таркиби ва вазифаси билан чамбарчас боғлик эканлиги аниқланди. Митохондрийни ҳажми, таркиби ва шакли нафас олиш занжирида электрон ва энергия ҳаракати билан боғлик. Тамакини иммунли ва иммунсиз типларида митохондрийни ўрганишда шу аниқландики, иммунсиз шаклдаги тамаки турини нафас олиш энергетик самарадорлигини камайиши (уртacha 35 % га) митохондрийни вирус таъсирида бўлади. Бўртиш митохондрия мембранныни ўтказувчанлик хусусиятини оширади. Бу эса ўз навбатида митохондриал АТФ ни киришига имкон беради ва органоидлардан чиқиб кетишига йўл очади.

Иммунли касалликларга чидамли *N.glutinosa* турида аксинча митохондрияга вирус узоқ вақт таъсир кўрсатсада у бўртмайди, яъни ўзгармайди. Мембрана ўтказувчанлигига ҳам ўзгариш бўлмайди, яъни АТФ ни йўқолиши кузатилмайди.

Кўпгина муаллифларнинг кузатишича, митохондрийни мослашувчанлик (бўртиш - қисқариш) ўзгаришларидан энергияга бой оралиқ бирикмалар фойдаланади, улар АТФ бўлгунча нафас олиш реакция занжирида синтез қилинади.

Вирусга чидамсиз тамаки типа митохондрийни қисқариши шуни кўрсатдики, анорганик фосфор ёки АТФ ни қўшимча қўшиш билан митохондрийни қисқариши назоратга нисбатан камайган ёки тўхтаган. Бу ҳолат вирусни таъсир этиш муддатига боғлик бўлмади.

Шундай қилиб, тамаки мозаикаси вируси иммунсиз, яъни вирусга чидамсиз тамаки типа макроэнергетик интермедиат тарсиби пасаяди, бу ҳолат митохондрийни қисқаришга олиб келади. Бундай вазият иммунли тамаки навларида кузатилмайди.

Nicotiana glutinosa тамаки турида (вирусга чидамли) митохондрийни қисқариш даражаси тажриба ва назорат тарзида анорганик фосфор ва АДФ қўшилганда ҳам бир бир даражада сакланди ва бу кўрсатгич вирусга чидамсиз тур *Nicotiana tabacum* га нисбатан тескари ўзгаришда бўлганлигини таъсикотчилар қайд этишган.

Шундай қилиб, тамакини вирус мозаикаси тамакининг митохондрийсини патологик ўзгаришларга олиб келади. Ушбу Унтишларнинг йўналиши хўжайн – ўсимликнинг вирус патогенинга нисбатан чидамлилигини белгилайди.

Тамакини вирус мозаикасини митохондрийни энергия алмашинувига таъсир этиш механизмини ўрганиш кўйидаги зулосани, яъни тамакини чидамсиз турлари тўқималарида энергия тушуниш жараёнини ўлдирувчи таъсири вирус нуклеопротекди фосфорсиз макроэнергетик интермедиатига боғлиқлиги аниқланди. Кўнгина илмий манбаларда митохондрийни энергияси вирус нуклеопротекди синтезига сарф бўлиши тўғрисидаги маълумотлар белтирилган (Hiral, Tokachaski, 1977; Relf, clarck, 1976).

Митохондрий миқдорини камайиши, фосфорланиш оксиди бўлишни пасайиши, АТФ миқдорини камайиши муҳитнинг ўтириши, митохондрийда АТФ ни қисқариши, уни фаоллигини камайиши, эркин радикаллар концентрациясини камайиши каби куратгичлар энергия алмашинувининг турли қирраларини таисифлайди ва бу тамакининг касалликларга чидамсиз турларида энергетик жараёнларни пасайишидан далолат беради. Энергетик алмашинувини фаоллиги ёки уни барқарорлиги тамакини касалликларга чидамли турларида намоён бўлиши қайд этилади.

Ладыгина, Балнокин (1967) томонидан вирус инфекциясини нафас олиш энергетик марказининг ультраструктураси ўрганилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, иммун бўлмаган чидамсиз үнтишларнинг митохондрияси ҳажми кучли катталашган, шишган, үзунлиги ҳам соғлом ўсимликнидан фарқ қиласади. Бундай ҳолат бошқа ўсимликлар вирус касалликлари билан (дуккакли ўсимликлар) ҳам шкастланганда ҳам кузатилган (Weintraub, Ragetli, 1976).

Бутуниттифок (ҳозирги Бутунрессия) тамаки ва маҳорка экинлари ИТИ олимлари тамакининг иммун типларининг митохондрийсини ақволини бутунлай бошқача тавсиф қилган. Уларнинг митохондрийси метаболик жиҳатдан соглом ўсимлик митохондрийсига қараганда фаолрок эканлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, бундай тавсифга эга митохондрий жуда кўп нафас олиш бирлигига эга бўлиши табиий. Бундан ташқари, ҳужайрада митохондрий сони ҳам ошади. Бу хулоса кейинги йилларда ўтказилган тажрибалар хулосаларига мос келади, яъни иммун тиддаги тамаки *Nicotiana glutinosa* ҳужайрасига тамакининг мозаикаси таъсири натижасида бир қатор нафас олиш ферментларининг фаоллиги ошади. Шундай килиб, митохондрий таркиби билан ўсимликдаги функционал ўзгаришлари ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжудлиги исботланган. Бу ўзгаришлар ҳўжайн – ўсимликнинг касалликларга чидамлилик даражасига боғлиқ бўлади.

Фитопатоген қўзғатувчиларини хлоропластларни функционал ва таркибий ҳусусиятларига таъсири. Ҳўжайн ўсимлик тамаки ва фитопатоген қўзғатувчилари ўртасида ўзаро муносабат физиологиясида вируснинг яшил ўсимликлар АТФ генерацияси маркази – хлоропластларга таъсири алоҳида ўрин тутади. Бир қатор илмий тадқиқотларда тамакининг вирус мозаикасига чидамсиз навлари вирус билан зааралланганда хлорофилл миқдори камайган, Хилл реакцияси жадаллиги ва фосфорланини ошган (Zeitlin, Jagendorf, 1970).

Патогенларни хлоропластдаги хлорофилл миқдорига таъсирини Ладигина (1971) томонидан ўрганилиб, тамакини вирусга чидамсан турларида айрим ҳолатларда инфекция тўқималарда хлорофилл миқдорини оширишга олиб келади, вирусга чидамли иммун тамаки турларида эса хлорофилл миқдори аксинча камайган (9-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлар билан фотофосфорланини маълумотларини билан тақослагандага вирус мозаикаси билан юқтирилган ва ун шудринг билан зааралланганда баргларда ҳар бир бирлик хлорофиллни самарадорлиги оширган, иммун тамаки (*Nicotiana glutinosa*) баргларида хлорофилл миқдорини камайшини фотосинтетик фосфорланишни кучайиши билан уйғунлашган.

Бутунрессия тамаки ва маҳорка экинлари илмий тадқиқот институти олимлари тамакини касалликларга чидамли ва чидамсан турлари ҳамда навларида (*Nicotiana tabacum*, *Nicotiana glutinosa*)

чидамлилиги турли хил бўлган турлар ва Самсун 4-28 ва Самсун 1073 – чидамлилиги турли хил бўлган навлар) хлоропластларда фотосинтетик фосфорланиш жараёни ўрганилган.

9-жадвал

Тамаки хлоропластидаги хлорофилл миқдорига

патогенларнинг таъсири

(20 дискга мг δ = 18 мм; Ладыгина, маълумоти)

Тажриба шароити	Инокуляция-дан кейинги вакт, соат	<i>Nicotiana tabacum</i>		<i>Nicotiana glutinosa</i>	
		мг	%	мг	%
Соғлом		0,236	100	0,370	100
Мозаика вируси	24	0,355	150	0,304	82
Соғлом		0,362	100	0,410	100
Мозаика вируси	48	0,447	123	0,320	78
Соғлом		0,212	100	0,306	100
Уи шудринг	24	0,248	117	0,305	97
Соғлом		0,204	100	0,451	100
Уи шудринг	48	0,225	100	0,413	92

Уининг натижасига кўра хўжайнин – ўсимлик тамакининг вирус инфекциясини кириш реакцияси (акс таъсири) турли тип ва навларда бер хил йўналишда, яъни чидамлилигига мос келади. Ўсимликнинг инфекцияси (чидамсиз) турлари тўқималарида вирус мозаикаси (тиббий) турларида фотосинтетик фосфорланиш секинлашади, иммун (тиббий) турларида эса аксинча фаоллашади. Хлоропластларни ҳолатидаги бундай йўналишдаги ўзгаришлар тамаки инфекцияни чидамли ва чидамсиз турлари тўқималарида (тиббий) инфекцияни чидамли турларни аниқлаш натижалари далолат беради (10-жадвал).

Чидамлини касалликларга чидамли турлари тўқималарида алмашинувни кучайиши хлоропластларда АТФ синтезини ошиши хам бундан далолат беради. Бу ҳолат вирус ва инфекциялари таъсирида юз беради.

**Тамаки тұқымаларида фотосинтетик фосфорланишга үн шудринг касаллигини таъсири
(Ладыгина, 1970)**

Тажриба шароити	Инокуляциядан кейинги вакт, соат	<i>Nicotiana tabacum</i>		<i>Nicotiana glutinosa</i>	
		P/хл	%	P/хл	%
Соғлом		84,5	100	65,5	100
Ун шудринг	24	53,4	48	130,6	209
Соғлом		122,4	100	34,5	100
Ун шудринг	48	92,4	75	54,2	164

Худди шундай натижалар тамаки вирус мозаикаси билан заарланғанда унинг таъсирида фотосинтетик занжирида электронларни ташиш тезлигіда ҳам кузатилди, буни Хилл реакциясини фаоллигидан ҳам билиш мүмкін.

М.Е.Ладигина маълумотларини таҳлили шуни күрсатадыки, иммунли тамаки типлари инфекция тушган барг хлоропластларидан феррицианиднинг тикланиш тезлигі инокуляциядан кейинги дастлабки соатларда ошган. Тамаки вирус мозаикаси билан инокуляциядан 7-9 кун үтгандан сүнг баргларни одатда ҳамма қисми некроз билан қопланғанлығы билан таъкидланади. Бу барглардагы хлоропластлар фитокимёвий фаоллиги назорат вариантига нисбатан пастлиғи билан тавсифланади. Чидамли тамаки типи баргларидан электронларни ҳаракат тезлигі ҳам камаяди, айникса бу үсимлиқдан вирус олиб ташланғандан яққол кузатилади (заарланғандан 15-20 кундан сүнг барг бутун некроз билан қопланади, сүлиб түкілади). Бу ҳолатни тадқиқотчи тамаки үсимлигини инфекция таъсирида күчизланғанлығы ҳисобига, деб баҳолайди.

Шундай қилиб, вирусни үсимликтегі дастдабки даврда таъсири чидамли тамаки типлари баргидан вирус инфекцияси таъсирида хлоропластларини фотосинтетик занжирида электронларни ташиш фаоллашади, бу ходиса чидамсиз типлар хлоропластларидан пасайиши кузатилади.

Касалликта чидамсиз тамаки турларыда вирус инфекциясини хлоропластларни энергия алмашинувига таъсири асосида улар таркибида аста секинлик билан үзгаришлар содир бўлади. Касалликта чидамли навларда эса факат некрозлар пайдо бўлгани

Барында таркиби бузилади. Худди шунга үхшаш маълумотлар Бутунтифок (хозирги Бутунрессия) тамаки ва маҳорка экинлари туринде тадқикот институти профессори М.Ф.Терновский тамакидан турини кил чидамлиликга эга бўлган тамаки навларида (иммунли Самсун 3073 ва иммунсиз Самсун 4-28) кузатилган. Касалликга чидамсиз навларида инфекция тушиши фотофосфорланиш вариантига кучли таъсири ўтказган.

Иммунли тамаки турларида эса некроз пайдо килган баргларни (15-20 кундан сўнг) тўкилиши билан феррицианитни тикланиш тезиги назорат варианти даражасига этади. Академик Рубин, Кропелева, Бистрих (1968) тажрибаларига кўра, касалликга чидамли тамаки турлари инфекция билан заарланганда узун тулонини фотокимёвий реакция фаоллашади, чидамсиз навларда вирус инфекцияси таъсирида бу жараён сустлашади бундан ташкири, иммунли *Nicotiana glittinosa* турли тамакида ситохром компонентларни оксидланиши *Nicotiana tabacum*га нисбатан кўпроқ кузатилади. Хлоропластлардаги электронларни кўчиш ахволини ташкириши энергия самарадорлигига ҳам таъсири кўрсатади.

Тамакини касалликга турли чидамлиликга эга бўлган турларини, вирус мозаикаси юқтирилганидаги хлоропластларни функционал ташкиришидаги патологик жараёнлар уларни ультра структурасидаги ташкишлар билан ҳам боғлиқ. Бунда вирусни узоқ вақт ўсимлик ташкирасига таъсири этиши тамакини чидамсиз турлари хлоропласт ультраструктурасида катта ўзгаришларга олиб келади. Бу ташкишларни моҳияти хлоропластларни тилаксид тизимини сустлашганлигидан далолат беради. Буни Ладигина, Рубин, Тукеева (1967) тажрибаларига хлорофилл – оқсил комплексини ташкишидан ва хлорофил бирлигидаги энергия самарадорлигини ташкишидан ҳам кўриш мумкин.

Тамаки вирус мозаикасини ўсимликга узоқ вақт таъсири ташкиасида кўпгина хлоропластлардаги крахмал доначаларини сони ва ўлчами ҳамда осмиофил липоидларни ошганлиги хлоропластларни қариш жараёнини бошланганлигидан далолат беради (Фрей – Висслинг, Мноллеталер, 1968). Шундай қилиб, вирус инфекцияси хлоропластнинг онтогенетик ривожланишини туддатидан илгари тўхтатилишига олиб келади.

Вирус инфекцияси хлоропластларни фермент тизими ва метаболитларидан фойдаланиб, хўжайнин – ўсимлик хлоропластларидаги метаболик механизмни тезда ишдан чиқаради.

Маълумки, факат тұлиқ функционал фаолиятга эга бўлган хлоропластларгина ўзига хос тартибли структурага эга бўлади. Тамакининг иммунли типларида хлоропласт структураси некрозланган тўқималарда жуда катта ўзгаришларга учрайди (одатда некрозлар вирус юқтирилганидан 48 соатдан кейин пайдо бўлади).

Некроздан ташқарида жойлашган ҳужайра тўқималаридаги хлоропласт ультраструктурасида вирус таъсирида некроланиш даври мобайнида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Вирусга чидамли ўсимликларда некрозга учраган баргларни тўқилиши билан улар инфекциядан қутиласди ва тўқима структураси ҳамда соғлом ўсимлик фаолияти қайта тикланади.

Шундай қилиб, тамаки ўсимлигига вирус ва замбуруг инфекцияларни таъсирида хлоропластларнинг функционал ва структуравий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади, бу эса ўз павбатида пигментлар миқдори, фотосинтез жадаллиги ва унинг энергетик самараадорлигини пасайтиради.

Ҳужайра ядро аппаратига инфекциянинг таъсири. Фитопатоген қўзғатувчилар ҳужайранинг таркибий ва функционал ҳолатига таъсири физиологик жиҳатдан муҳим энергия генератори ядрони ҳам четлаб ўтмайди. Вирус репродукцияси ва уни ҳужайрада жойлашишини ўрганган қатор тадқиқотчилар вирус заррачаларининг компонентлари ядрода синтез бўлишини таъкидлайдилар (Смит, 1963). Вирус инокуляциясининг дастлабки соатларида вирус мозаикаси ядрода пайдо бўлганлиги қайд этилган, кейинчалик цитоплазмада топилган (Hirai, 1964). Вирус оқсили ядрода синтез бўлиши аниқланган (Rediy, 1964). Тамаки вирус мозаикаси таркибий қисмлари - оқсил ва нуклеин кислоталар ядрода синтезланади. *Nicotiana tabacum* барглари тамаки вирус мозаикаси билан зарапланишини дастлабки соатларида ядро билан бошқа ҳужайра қисмлари ўртасида функционал боғлиқлик борлиги аниқланган. Бу даврда ядро юзасида хлоропласт ва митохондрийлар жадал йигилади, цитоплазманинг ҳаракатини кучайиши кузатилади, вирус инокуляциясидан 2 соат ўтиб, ядро мембранныдан ядро материали ажралиб чикади. шундай қилиб, бу натижалар асосида ядро метаболизмидаги ўзгаришлар ва ядро модда алмашинуви жараёнда митохондрия ҳамда хлоропластларни фаол катнашиши ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Кўпгина илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, турли хил фитопатоген қўзғатувчилари ҳўжайин – ўсимлик физиологик

хусусиятларига турлича таъсир күрсатади, лекин хўжайин – ўсимлик моддалар алмашинуви жараёнига таъсир йўналиши бир хил бўлиши мүнкланди. Бироқ инфекцияга ўсимлик тўқималарининг жавоб реакцияси хўжайин – ўсимликни чидамлилик даражасини мүнклайди. Турли хил патогенлар билан инфекцияланган иммунларни жавоб реакциясини ўхшашлиги ўсимлик хужайраси энергия аламашинуви генераторлари, яъний митохондрий, хлоропласт ва ядрони функциясидаги ўзгаришларни намоён бунишидадир.

Тамаки ўсимлигига турли хил инфекция таъсирида қўйидаги ундишишлар содир бўлади:

- нафас олиш ва фотосинтез жараёнида электрон харакатини муддатлашишига таъсири;
- ферментлар жадаллигини ўзгариши натижасида нафас олиш инфатига таъсири;
- митохондрия ва хлоропластлардаги энергиядан фойдаланиш ва махиралаш жараёнларига таъсири;
- пигментлар миқдори, ўсиш ва турли синтетик жараёнларда оқсил ва углеводларни ўзгариши.

Ушбу таъсирлар натижасида шундай хулоса келиб чиқадики, ўсимликни иммунитети касалланган организмда энергетик тараёнларни саклаб колиш ва кучайтириш қобилияти билан ташбарчас боғлиқ. Чидамлилик хусусияти бўлмаган иммунсиз тингдаги тамакида эса энергетик алмашинув жараёни сусаяди.

Тамакини касалликларга чидамли турларида патоген билан муносабатда биосинтетик жараёнларни кучайиши кузатилади, оксил, фосфолипидлар ва каталитик фаол оқсил (пероксидаза ва бинка фермент ва изозимлар) синтези кучаяди.

Хўжайин – ўсимликни химоя реакцияси учун метаболик ресурсларни мобилизацияси натижасида полимер бирикмалар миқдорни ошиши катта аҳамият касб этади. Иммунсиз типларда патогенез жараёнида тўқималарда азотли моддалар ва углеводлар миқдори камаяди, иммунли навларда эса аксинча бу моддалар миқдори ошади.

Шу билан бирга, айрим гурух фитопатогенлар хўжайин – ўсимликдаги моддалар алмашинувига ўзига хос хусусиятда таъсир кўрсатади. Хусусан, бундай хусусият облигат паразит, ун шудрингни углевод ва азот алмашинувига таъсирида кўриш мумкин.

Бактериал паразитлар токсини аминокислоталар алмашинувига таъсирида ҳам бирдай ўзига хос ихтинослик намоён бўлади.

Масалан, бактериал рябуха токсин сифатида метионин аналогидан фойдаланади. Фитопатоген құзғатувчиларини хұжайин – үсимликтік моддалар алмашынуга таъсири күп қирралы ва мураккаб бўлиб, унинг ҳали үрганилмаган йұналишлари жуда кўп, лекин фитоиммунитетнинг умумий конуниятларини алоҳида фитопатоген құзғатувчиларига ишлаб чикиш билан бирга замбуруғ, вирус, бактерия, микоплазма ва вирозлар құзғатувчиларига қарши комплекс иммунитетни шакллантиришга қаратилган илмий тадқиқотларни янада кўпайтириш долзарб ҳисобланади. Бу масалалар нафақат тамаки фитоиммунитетига доир бўлмай, балки бутун кишлөк хўжалик үсимликлари иммунитети фанинг яқин келажақдаги бош вазифасидир. Бу масалаларни долзарблиги шундаки, битта турдаги үсимликни бир неча паразит билан бир вактнинг ўзида зааррланиш ҳолатлари (масалан, вирус мозаикаси, ун шудринг) учрайди. Үсимликларни табиати турли хил касаллик құзғатувчиларга комплекс чидамлилик шаклларини чиқариши зарур.

Ушбу йұналишдаги муаммоларни ҳал қилишда фитопатоген құзғатувчиларидан үсимликни химояланиш реакциясини ва чидамлилик механизимини илмий жиҳатдан асослаш пойдевор ҳисобланади. Ушбу йұналишдаги илмий ва амалий ишлар Булуниттифок (Бутунrossия) тамаки ва маҳорка экинлари илмий тадқиқотлар институти профессори атоқли селекционер олим М.Ф.Терновский томонидан бошланган. Олим фитопатологлар И.П.Худина ва С.Е.Грушевойлар билан ижодий ҳамкорликда узок формаларни чатишириш усулидан фойдаланиб тамаки вирус мозаикаси ва ун шудринг касалликларига чидамли ёввойи турдаги тамаки тури *Nicotiana glutinosa* маданий тамаки *Nicotiana tabacum* туридан навлар билан чатиширган. Ушбу селекцион йўл билан дунёда илк бор тамакининг тамаки мозикаси ва ун шудринг касалликларига комплекс чидамли навлар – Дюбек 7, Дюбек 566, Трапезонд 161, Американ 28700, Самарий 3073 ва бошқа навлари яратилди. Сунъий касаллантирилган фонда чидамли үсимликлар ичидан алоҳида үсимликларни танлаш йўли билан қора илдиз чирини (*Thielaviopsis busicola* Ferr.) ва тамаки мозаикасига иммунли навлар Трапезонд 295, 288, 36 ва Самсун Т – 13 яратилган. Ушбу навлар ҳозирги кунда фойдали белгиларга эга бўлган янги навларни яратишда дастлабки селекцион материал сифатида фойдаланилмоқ.

III-боб. ТАМАКИ ҲОСИЛИ ВА СИФАТИНИ КАСАЛЛИК ТАЪСИРИДА КАМАЙИШИ.

3.1-§. Тамаки маҳсулдорлигини касалликлар туфайли камайиши ва нобуд бўлиши.

Самарқанд вилоятининг Ургут тумани фермер хўжаликларида тамаки экини кариийиб 100 йилдан бери етиштирилиб келинмоқда. Тамаки етиштириладиган худуд Зарафшон дарёсининг чап кирғоги тамонида Помир-Олой тоғ тизимиға киравчи Зарафшон ва Туркестон тоғ тизмаларининг тоғ ва тоғ олди ҳамда текисликларида жойдиган. Зарафшон тоғ тизмаси Ўзбекистон худудида кичик ёномдан (100 км га яқин) иборат бўлиб, Самарқанднинг жанубий-арбий қисмида жойлашган Кешқўтон тоғ массиви билан тугайди.

Кинилок хўжалик экинларини ҳосилдорлигини касалликлар туфайли нобудгарчилик даражасини тўғри аниқлаш касалликларни беради ва шу асосда уларга қарши самарали курашнинг тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Натижада касалликлар туфайли бўладиган нобудгарчиликни камайтириш ва уни бошқариш имконияти туғилади.

Тамаки ҳосили ва ҳом ашё сифатининг касалликлар туфайли бевосита нобуд бўлиши. Тамаки ҳосили касалланган үсимликнинг бутунлай ёки унинг баргларини қисман қуриб қолиши ва баргларнинг сони ҳамда оғирлигини камайиши билан ифодаланади. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида айрим бирори тамаки кўчатхонасида кўчатлар 50-60 фоизгача, туманинг бирори худудларида ун шудринг касаллиги туфайли ҳосилни бутунлай нобуд бўлганлиги кузатилган. Тамаки майдонларида оғироруғ ва вирус касалликлари туфайли баргларни нобуд бўлиши ва материаллигини камайиш ҳоллари кўп учрамоқда. Бундан бирори, тамаки үсимлиги ҳосил микдори ва сифатига паразит ўтлар – шумғия ва зарпечак катта зарар келтириши монанди. Кўпгина ҳолатларда касалланган үсимликлар нобуд бўлмайди ва уларни ўсиш ҳамда ривожланиши суст бўлиши, барг материаллиги (материаллиги) пасайиб кетиши оқибатида унинг инсондорлиги камаяди.

Ўзбекистон шароитида тамакининг асосий касалликлари топтириладиган нобудгарчилик микдорини аниқлаш бўйича бир қатор

илмий ва амалий ишлар бажарилган. Тамаки күчатхонаси ва майдонларида илдиз чириш касалликлари жуда кенг тарқалган ва уларнинг зарар келтириш коэффициенти районлаштирилган навлар бўйича 0,30 дан 0,50 ни ташкил қилди. Ушбу ҳолатни хисобга олган ҳолда касаллик келтирган зарарни хисоблаш мумкин. Бу ҳолатда зарарланганлик коэффициенти ўртача навлар бўйича 0,4 ни ташкил килади. Агар касаллик илдиз тизимини 50 % ни заарраган бўлса, унда касаллик туфайли 20 % ($0,4 \times 50$) ҳосил камайиши мумкин.

Бутунrossия тамаки ва маҳорка илмий тадқиқот институти маълумотларига кўра, тамаки ўсимлиги ўрта қават баргларини йиғиш даврида мозаика билан 1% шкастланса ҳосилнинг 0,5% и камаяди ва маҳсулот сифатини пасайишини хисобга олганда ҳосилнинг умумий қийматининг 1% и камаяди. Шу билан бирга, институт олимлари томонидан тамаки вирус касалликлари билан шкастланганда унинг ҳосилини камайиши аниқланган. Бунда оқ доғланиш билан шкастланганда умумий ҳосил 40% га, бодринг мозаикаси 31% га ва томат бронзаси 19% га камайтириши аниқланган. Агар баргнинг юзасини 25% дан ортиқ майдони ун шудринг билан шкастланган бўлса, бундай барглар яроксиз хисобланади. Бунда баргнинг оғирлиги жуда камайиб кетади. Касаллик айникса пастки қават баргларини кучли, қисман юкори қават баргларини шкастлайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир ўсимлик ун шудринг касаллиги таъсирида ўртача 50% гача ҳосилини йўқотиши мумкин. Агар барг юзасида бактериал рябуха доғлари ёки бошқа касаллик аломатлари бўлса, қабул қилинган стандартга кўра хом ашё пастки навларга қабул қилинади. Ургут туманида экилиб келинаётган тамакининг Вирджиния, Измир ва Басма навлари барги юзасида турли касаллик доғлари бўлишилиги аниқланган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, агар тамаки барглари юзасида турли касаллик доғлари бўлса, унда ҳосилнинг 20-30 % гача микдори йўқотилган бўлади.

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори Э. Умурзаков ва бошқаларнинг Самарқанд вилояти Ургут тумани фермер хўжаликларида ўтказган илмий тадқиқотларида, тамаки майдонларида паразит бегона ўт шумғия таъсирида ҳосилнинг камайиши тамакининг Вирджиния навида ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, битта ўсимликга тўғри келадиган шумғия 0,1 дона бўлса, ҳосилнинг 7,1 %, 0,3 донада - 10,6%, 0,4 донада - 14,5%,

0,5 донада - 17,8%, 0,7 донада - 33,6%, 1,0 донада - 48,6%, 1,5 донада - 51,0% гача ҳосил йўқотилиши аниқланган. Тамаки ҳосилини шумгия таъсирида камайиши Абхазия шароитида заарланиш оракасига қараб 39,5 % дан 55,2 % ни, Крим тамаки майдонларида яна бу кўрсатгич 44,5 – 67,8 % ни, Россиянинг Краснодар ўлкаси тамакичилик хўжаликларида эса ҳосилнинг 61,7 % дан 75,4 % гача бўлган миқдорда бўлиши қайд этилган (С.Е.Грушевой маълумоти). Бутун Россия тамаки ва махорка илмий тадқиқот институти Крим токриба станцияси маълумотларига кўра, тамакининг ёш үснмилклари паразит бегона ўт - зарпекач билан заарланиш оқибатида ҳосил 41,6 % га камайганлиги аниқланган. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори Э.Умурзаковнинг (2019) кўп йиллик маълумотларига асосан, тамаки хом ашёсининг қиймат ифодасининг касаллик ва паразит бегона ўтлардан нобудгарчилиги катта суммани ташкил қилди, жумладан нобуд бўлган хом ашё қийматининг 40% ун шудринг, 30% вирус, 20% илдиз чириш ва 10% паразит бегона ўтларга тўғри келади. Россиянинг Краснодар ўлкаси шароитида тамаки хом ашёсининг умумий қийматининг касаллик туфайли нобуд бўлган қисмининг 40% вирус касалликларига, 35% кора илдиз чириш касаллигига, 25% бактериал рябуха ва шумгия паразит бегона ўтига тўғри келган. Россиянинг Крим шароитида тамаки ҳосилига паразит бегона ўт шумгия, ун шудринг ва тамаки мозаикаси касалликлари катта зарар келтирган (Оказов, 1990). Абхазияда тамаки майдонларида асосий катта суммада зарар келтирувчи касаллик – тамаки мозаикаси ҳисобланган. Қирғизистон тамаки майдонларида тамаки ҳосили қийматининг камайиши ун шудринг, тамаки мозаикаси касалликларига ва шумгия паразит бегона ўтига тўғри келади (Смаилов, 1999).

Тамаки хом ашёсининг сифат кўрсатгичларини касаллик ва паразит бегона ўтлар таъсири оқибатида пасайиши қуйидагича ифодаланади:

- барг материаллигини (маълум бирликдаги баргнинг оғирлиги) пасайиши – ун шудринг, илдиз чириш, сўлиш касалликлари ва паразит бегона ўтлар - шумгия ва зарпекач пайдо бўлиш оқибатида;
- тамаки хом ашёсининг барг рангини ўзгариши (лимон сарик, тўқ сарик ранглар ўрнига яшил, тўқ яшил, қўнғир рангларни бўлиши) – вирус касалликлари, азотли ўғитларни меъёрдан кўп берилиши, айрим микроэлементларнинг етишмаслиги;

-барг юзасида турли хил рангдаги ва катталикдаги доғларни пайдо бўлиши – бактериал рябуха, оқ доғланиш, халқали доғланиш, кўнгир доғланиш касалликлари;

-барг эластиклигини пасайиши – некротик доғлар, тамаки мозаикаси, калий ва магний етишмаслиги;

-баргни технологик кўрсатгичларини камайиши – вирус касалликлари, ун шудринг, паразит бегона ўтлар – шумғия ва зарпечак босгандা;

-баргни хушбўйлиги ва таъмини пасайиши – вирус касалликлари, ун шудринг, оқ пестрица билан касалланганда;

-баргни кимёвий таркибини ўзгариши – вирус касалликлари, ун шудринг, паразит бегона ўтлар билан заарлаганда;

-маҳсулотни ёнувчанлигини пасайиши – калийни етишмаслиги ёки хлорни кўп берилиши;

-тамаки хом ашёсини могорлашга чидамлилигини камайиши – хўл монтар, кул ранг ва оқ чиришда.

Тамаки уруғ ҳосили ва сифати. Тамаки уруғ ҳосили ва унинг сифати вирус, хўл монтар ва ун шудринг касалликлари билан шкастланганда кескин пасаяди. Бунда тамаки ўсимлигига репродуктив органлар тўлиқ шаклланмайди ва ҳосил бўлган уруғларни сифати паст бўлади. Одатда тамаки ўсимлигининг ўсиш ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган барча касалликлар унинг репродуктив органларини шаклланнишига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида ҳосил бўлган уруғларнинг сифат кўрсатгичлари пасаяди, униб чиқиш қобилияти стандарт талабларга жавоб бермайди. Айрим тамаки касалликлари ўсимликни ўсиш ва ривожланишига унча катта таъсир кўрсатмасада, унинг уругининг ҳосил ва сифатига маълум даражада таъсир кўрсатади. Тамакини кўчкат касалликлари (қора илдиз чириш, поя чириш, кул ранг илдиз чириш) бунга мисол бўла олади.

Профессор А.С. Яковук (1989) маълумотларига кўра, уруғлик тамаки майдонларида уруғлик ҳосил ва сифатига вирус касалликлар (асосан томат бронзаси, бодринг мозаикаси), халқали доғланиш, оқ пестрица, переноспориоз, кора ва поя чириш, ун шудринг, хўл монтар, бактериал рябуха каби касалликлар ва паразит бегона ўт – шумғия кабилар таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тамакининг касалликлари оқибатида унинг ҳосили ва сифатини билвосита нобуд бўлиши. Тамаки майдонларида касалликларни пайдо бўлиши ва авж олиши одатда агротехник

тәрбияларни, жумладан күчат етиштириш, дала парвариши, йигиш
жобой тадбирларни ўз вақтида сифатли бажарилмаслиги оқибатида
бәзм бўлиши мумкин. Ҳар бир агротехник тадбирни маълум
проектда белгиланган муддатдан кечикмасдан бажарилиши унинг
жобой ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, бу эса ўз
навбатида ўсимликда касалликларни ривожланишига маълум
тарижада салбий таъсир кўрсатади. Тамаки маҳсулдорлигини
касалликлар таъсирида билвосита камайиши кўчат етиштириш
муддати кечикган ҳолларда яққол кўзга ташланади.

Самарқанд вилоятининг Ургут тумани фермер хўжаликларида
кўчатининг замбуруғ касалликларини ривожланишига қулай шароит
найдо бўлганида (ёингарчилик меъёрдан кўп бўлиши, кўчатхонага
уругни меъёридан кўп сепилиши, кўчатхонага чиримаган гўнгни
юнатилиши, кўчатхонага ноқулай ер танланиши, кўчатхона
майдонини кўп йиллар бир жода бўлиши ва бошқалар)
кўчатхонадаги аксарият барча кўчатлар нобуд бўлганлигини
такидлаб ўтиш ўринли. Бундай ҳолатда кўчатхоналарга қайтадан
уруг сепиб кўчат етиштириш кўчатларни кечки муддатларда далага
утқазишга сабабчи бўлади. Бу эса ўз навбатида тамакини далада
парваришлиш жараёнларини ҳар бирини кечикишига олиб келади ва
бу назият кўпгина касалликларни ўсимликда ривожланиши учун
қулай шароит туғдиради. Тамакини кўпгина касалликлари
юсимликни ўсиши ва ривожланишини маълум муддатга
кечиктиради, жумладан кўчатларни далага утқазишни. далага
утқазилган кўчатларни илдиз тутишини камайтиради ва майдондаги
туп сонини камайишини, плантациядаги ўсимликни ҳар хил
юшинга олиб келади, баргларни пишиб етилишини кечиктиради,
юсимликларни заараркунданалардан кўп зааррланишига олиб келади.
Бу эса ўз навбатида хосил сифати ва микдорини билвосита нобуд
бўнишига олиб келади.

Тамаки кўчатлари қора илдиз чириш (қорасон) билан
зааррланганда кўчат нобуд бўлмайди, унинг ўсиши секинлашади ва
кўчатларни далага утқазиш кўпинча 10-15 кунга кечикади. Одатда
кечикиб экилган кўчатлар шафтоли бити ва тамаки трипси билан
кучли зааррланади (Ахмедов, Умурзоков, 2019). Ўсимликда
баргларни пишиб етилиши кечикади, айниқса юқори терим барглари
(тумумий хосилнинг 30%) об-ҳавонинг ноқулай даврида
шингиштирилиб олинади ва бундай шароитда баргларни куритиш
жараёнларини давомийлиги чўзилиб кетади. Натижада хосил

камайиб, барг сифати кескин пасайиб кетиши оқибатида олинадиган даромад 50% гача камайиб кетиши аниқланган.

Тамакичилик фермер хұжаликларида картошка, помидор, қалампир, полиз экинларидан кейин тамаки екиш ҳоллари учраб туради. Бундай тамаки майдонларида ун шудринг, переноспориоз, вирус касалликлари билан касалланган үсимликлар күп учрайди. Айникса паразит бегона ўт – шумғия жуда күпайиб кетиши натижасида үсимликни үсиши ва ривожланиши сусаяди, пировард натижада билвосита нобуд бұладиган ҳосил миқдори ошади.

Ўзбекистон шароитида тамакичиликта касалликлар томонидан ҳосилнинг миқдори ва сифатининг билвосита йўқотилиши экилаётган навларга ҳам боғлиқ эканлиги исботланган. Тамакининг Ургут туманида районлаштирилган шарқ навтипи киравчи ва хушбўй хом ашё берувчи Дюбек 44-07, Басма ва Измир навлари гектарига 120 мингдан 250 минггacha ўтказилади. Майдондаги кўчатларни қалинлиги бир қатор замбуруғ ва вирус касалликларини тарқалиши ва ривожланиши учун кулаги шароит туғдиради. Айникса, тамакининг сўрувчи зааркунандалари (тамаки трипси, шафтоли бити), яъни вирус касалликлари инфекциясини ташувчи ҳашаротлар кўпайиб кетади ва натижада вирус касалликлари тамаки ҳосили ва хом ашё сифатига жиддий зарап келтиради.

Тамаки ҳосили ва хом ашё сифатининг касалликлар туфайли билвосита камайиши алмашлаб екинда экинларни нотўғри танланиши оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Алмашлаб екин схемасини тузишда ва тамаки учун ўтмишдош экин танлашда шуни ҳисобга олиш керакки, бир майдонга сурункасига тамаки экилаверса ҳар хил касаллик ва зааркунандалар, паразит бегона ўтлар билан кучли заарланади. Айникса, майдонлар турли касаллик келтириб чиқарувчи паразитлар ва паразит бегона ўтларни уруғлари билан ифлосланган майдонларда тамаки экилиши үсимликнинг үсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, паразит бегона ўт шумғия билан кучли заарланган экин майдонларига бир неча йил тамаки ўстириш учун тавсия этилмайди. Тамаки учун бошокли дон экинлари яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Фалла экинларидан бўшаган майдонларга тамаки екин заарли организмларни кескин камайтиради. Маккажӯхори, лавлаги, бир йиллик ҳашаки ўтлар ҳам тамаки учун яхши ўтмишдош бўла олади. Тамакини помидор, бодринг, картошка, пиёз, карам, кунгабоқар, қалампир экинларидан сўнг жойлаштириш тавсия қилинмайди. Чунки бу экинлар ҳам

тамаки билан умумий бўлган касалликлар билан зараланади. Адмашлаб экиш схемасида бир далага икки йилдан ортиқ тамаки ошиш тавсия этилмайди. Тамакини кузги-қиши оралиқ экинлардан келини экиш ҳам майдонлардаги заарли организмларни замайтиришда катта аҳамият касб этади. Оралиқ экинлар экиладиган майдонлар кузда 25-30 см чукурликда ҳайдалади, ўсимликлар ўсувчирида бир неча марта суғорилади ва озиқлантирилади, бу эса ўзнибатида майдондаги турли хил заарли организмларни нобуд булишига олиб келади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда районлаштирилган тамакининг вирик баргли америка нав типига мансуб Вирджиния навлари (90×60 см схемада экилади ва гектарига 18,5 минг дона кўчат сарф бўлади) замбуруғ касалликлари, жумладан ун шудринг билан кам шараланади, лекин вирус касалликлари билан кўп шкастланади. Окибатда хом ашё сифати кескин пасайиб кетади. Айниқса, тамаки майдонларида айрим вирус касалликлари билан заарланганда ўсимликни бўйи ўсмай қолиши ва тезда гуллай бошлиши ҳосил микдорини камайишига олиб келади. Шу сабабли, вирус касалликлари, айниқса тамаки мозаикасини тамаки касалликлари орисида ҳосилни нобуд килювчи даражасига кўра рўйхатни олдинги ўринларидан бирини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тамаки ўсимлигининг турли касалликлардан ҳосилини нобуд булишини нисбий микдорини аниқлашда фақат ҳозирги даврдаги тарарини аниқлаб қолмасдан, балким касалликни биоэкологик хусусиятлардан келиб чиқган ҳолда унинг тарқалиш ареали ва профдаги ёки ўтмишдош экинларга зарар келтириш даражасини кам ҳисобга олиниши мумкин. Масалан, паразит бегона ўт – кирпечак (*Cuscuta pentagona*) тамаки заарли организмлари томонидан йўқотиладиган ҳосилнинг 0,5 – 0,7% ни ташкил қилади. Лекин, унинг деярли барча маданий ва ёввойи ўсимликларда паразитлик қилиши, кўп уруғ ҳосил қилиши, уруғини кўп йиллар тупроқда сақланиши ва уруғини ер юзасида жойлашиши каби биологик хусусиятлари уни тамаки заарли организмлари биринчи рўйхатга киритиш мумкин.

Тамаки касалликларини Россиянинг Краснодар ўлкаси шароитида ўрганган профессор С.Е.Грушевой тамаки касалликларини заарланганлик даражасига караб қуйидагича рўйхат тузган: қора илдиз чириш, ун шудринг, бактериал рябуха, шумгия. Ушбу касалликлар ёғингарчилик кўп бўладиган қора

тупрок шароитида тамаки ҳосили ва сифатига таъсир кўрсатадиган заарли организмлар жумласига киради.

Ўзбекистон шароитида айрим йиллари тамакининг касалликлари эпифитотияси кузатилади, масалан 2011 йили Ургут туманида ёгингарчилликни кўп бўлиши (апрель ойида кўп йиллик ёгингарчиллик микдоридан 2 баробар кўп бўлганлиги қайд этилган) кўчатнинг замбуруғ касалликлари, хусусан илдиз чириш касаллиги деярли ҳамма кўчатхоналарда пайдо бўлди, кўпгина кўчатхоналарга уруғ қайтадан сепилди. Албатта, бу ҳолат кўчатларни далага 15-20 кун кечикиб далага ўтказилишига сабабчи бўлди.

Тамакини альтернариоз касаллигини олсан, ўсимликни ўсув даврида касаллик жуда тез тарқалишига қарамасдан экин ҳосилига деярли таъсир кўрсатмайди. Касаллик одатда пишиб ўтган поядга куриган баргларни заарлайди. Тамаки баргларини ўз вактида техник пишган даврда узиб олиниши ушбу касалликни бутун майдон бўйлаб тарқалишини олдини олади. Ўзбекистонда тамакини кенг тарқалган касалликларидан бири ҳалқали доғланиш бўлиб, уни томат бронзаси вируси келтириб чирабади. Унинг вирусини тамаки трипсси сўрувчи зааркунандаси оркали ўсимликга юади.

Професор М.Я. Молдован ўзининг “Тамакини вирус касалликлари” монографиясида томат бронзаси вируслари совукка чидамсиз эканлиги, киш даврида уларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб кетиши оқибатида уларнинг экинга зарари камайиб кетишини таъкидлаган. Об-ҳавонинг иссиқ ойларида эса уларни тарқалиши учун нокулай шароит пайдо бўлади.

Вирус касалликларидан бодринг мозаикаси ўсимликни буралиши ва карлик бўлишига (бўйини ўсмай қолиши) олиб келади ҳамда бу касалликни ҳам сўрувчи зааркунандалар – шафтоли бити ва тамаки трипсси тарқатади.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида 2009 йилдан бери экилиниб келинаётган тамакининг америка нав типига мансуб йирик баргли Вирджиния навларининг ўсув даврининг давомийлиги 140-150 кунгача бўлганлиги сабабли, вирус ташувчилар - шафтоли бити ва тамаки трипсси учун қулай об-ҳаво шароитида (сентябрь –октябрь) ҳам ўсимлик ўз ўсув ва ривожланиш даврини давом эттиради. Тамакининг Вирджиния навини вирус касалликлари билан кучли заарланиши қисман шу ҳолат билан изоҳланади. Бундан ташқари, навнинг вирус касалликларига чидамлилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда тамаки ўсимлигини ўстиришда ширус касалликлари ҳосил миқдори ва ҳом ашё сифатига сезиларли таъсир кўрсатмасада, доимо назорат кузатув ишларини олиб бориш ва унинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик шарт-шароитларини кўриш лозим.

Бутуниттифоқ (ҳозирги Бутунrossия) тамаки ва маҳорка илмий таддикот институти ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори, профессор Б.Г.Иваненко (1997) маълумотларига кўра, тамакининг сферопсидал замбуруғлари – филлостика, аскохита, кабилар билан жуда кам заарланиши қайд тилган. Ушбу замбуруғлар билан тамаки ўсув даврида кам шарпланишининг асосий сабаби уларни ривожланиши ва споралар ҳосил қилиши ҳосил қилиши даврида улар учун нокулай шароитни пайдо бўлишидадир, деб олим изоҳ беради. Улар асосан тамакини настки кўчат баргларини заарлайди ва кўчат барглари эса баргларни биринчи узув баргларини узишдан олдин кўчат баргларини тозалаш жараёнида узуб ташланади.

Кул ранг ва оқ чириш касалликлари асосан қуриган тўқималарда ривожланади. Улар асосан тамакининг уруғлик майдонларидағи баргларда (уруглик ўсимликларда ўрта ва юқори барглари уруғ нишгунча узилмайди ва уларни бир қисми пояларда қуриб қолади) ва қуритиш bogунларидағи қуриган қолдиқ баргларда ривожланади. Шу сабабли, тамаки майдонларидағи ўсимликлар кул ранг ва оқ чириш касалликларига чидамли деб ҳисобланади (С.Е.Грушевой, 1970).

Самарқанд вилояти Ургут тумани бўз тупроқлар шароитида тамакининг юқумсиз касалликлари (қўнғир доғланиш – пестрица, калий етишмаслиги) кенг тарқалган эмас ва тамаки ўсимлигига деярли таъсир кўрсатмайди. Бу шароитда тамаки майдонларида ишлов бериш технологияси ва ўғитлаш тизими ушбу касалликларни келгусида ҳам кенг тарқалишига ҳам имкон бермайди.

Тамаки касалликлари кўпгина тамаки етиштирувчи мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, Руминия, Болгария, Греция тамаки майдонларида – поянинг қарайиши, Австрия ва Германияда – церкоспориоз, Польша, Руминия, Австрияда – бактериал сўлиш касалликлари учрайди. Тамакининг кўпгина касалликлари Ўзбекистонда карантин обьекти ҳисобланади. Масалан, церкоспориоз касаллиги споралари тамаки уруғи орқали келиши

мумкин. Тамакини биз учун карантин ҳисобланган касалликлариниң карантин ташкилотлари қаттиқ назорат остига олишлари лозим.

3.2-§. Тамаки касалликларининг ташқи белгилари.

Тамакичиликга ихтисослашган фермер хўжаликларида тамаки касалликлари туфайли бўладиган ҳосил миқдори ва сифати нобудгарчилиги миқдори сезиларли даражада бўлмоқда. Шу сабабли ўсимликларни заарали организмлардан ҳимоя қилишниң техник ва иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу муаммони ҳал қилиш учун касалликларни инфекцион таркибни, патогенларни ривожланиш динамикасини ва касалликларини ташқи белгиларини билиш катта аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқадики, касалликлар тақдимот материаллари ишлаб чиқиш, маълумот буклети, илмий – оммавий атлас тайёrlаш, видеофильм ва слайдлар яратиб бундай касалликларни ташки белгиларини ривожланиши, уларни пайдо бўлиши ва табиий шароитда уларни намуналарини фермерларга намойиш қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимликларда “касаллик” тушунчаси жуда мураккаб ва кўп қиррали ҳисобланади. Ўсимликни бу ҳолатига хос бир катор хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, касаллик бу патоген жараён бўлиб ўсимликга инфекцияни кириши ва ривожланиши натижаси ҳисобланади. Иккинчидан, ўсимлик ва ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқликни бузилишини тавсифлайдиган табиий ҳодиса бўлиб, бунда ташқи муҳит ўсимлик билан касаллик қўзгатувчи ўртасидаги ўзаро муносабатни ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тамаки ўсимлик дунёсининг вакили сифатида турли патогенлар билан заарланади. Булар – замбурурглар, вируслар, микоплазма, бактериялар, нематод касалликлари, эктопаразит нематодалар, гулли паразитлар ҳисобланади. Тамакида юкумли касалликлардан ташқари бир қанча юкумсиз касалликлар ҳам аниқланган.

Тамаки кўпгина маданий ўсимликлар каби жуда кўп замбуруғ касалликлари билан заарланади. Тамакини кўчкат даври, далада ўсиш, ривожланиш ва қайта ишлашнинг хамма жараёнларида замбуруғ патогенлари пайдо бўлади ва ривожланади. Бунда улар ўсимлик организмларида турли туман ташқи белгиларни намоён қиласди.

Үсимликларда вирус касаллуклари турли хил ўзгаришларни көптириб чиқаради. Масалан, улар үсимликни ўсишини тұхтатади, инфомацияга (органларни шаклини ўзгариши) ва пигментларни ўзишига олиб келади. Вирус билан касалланған үсимлик барлықтарини ранги мозаика бўлиб тўқ яшил айрим жойларда оқиш тус болып алмашып туради.

Тамаки мозаикаси вируси (TMB) жуда кенг тарқалған ва ҳамма тамаки вируслари (*Nicotiana virus I S*) орасыда энг кўп зарар көптирадиган ҳисобланади.

Бундан ташқари, бодринг мозаикаси вируси (*BOM – Cucumis virus I Smith*), картошканинг У – вирус (*Solanum virus 2 Smith*), томат броңза вируси (*Lycopersicum virus 3 Smith*), тамакининг безакли (бринировка) вируси (*Etch - TEV*), тамаки ўзагининг ола-чипор вируси (*Tobacco vein mottle – TYMV*) ва бошқа вируслар заарлайди.

Тамакида вируслардан ташқари, бошқа табиатта эга бўлган натоғенлар – микоплазма касаллуклари учрайди. Ушбу жуда кичик микроорганизмлар ҳисобланиб, ҳақиқий бактериялардан хужайра инорининг бўлмаслиги билан фарқ қиласди. Улар бактериал физиотрдан ўтиб кетиш хусусиятига эга.

Вируслар ва микоплазмалар ўзининг ўлчами ва фильтрланиш қобилиятига кўра ўхшашиб бўлади. Вирусни микоплазмадан асосий фарқи шундаки, вируслар хужайрасида РНК ёки ДНК бўлади, вируслар фақат тирик хужайра ичида кўпайиш қобилиятига эга. Вируснинг кўпайиш жараёни заарлланған хужайранинг метаболизмига боғлиқ, бунда янги вирусларни пайдо бўлиши учун вирусларнинг дастури бўйича үсимлик хужайраси зарур моддаларни синтез қиласди.

Тамакида микоплазма организмлари көптириб чиқарадиган касаллукларининг умумий номи – сариқ астра (*aster yellow*) ёки столбур, монтар деб аталади. Тамакининг кеч пишар навлари столбур (монтар) микоплазмасига дала чидамлилиги намоён қиласди.

Тамакида жуда кўп бактерияли касаллуклар учрайди, улар үсимлик тўқималарига шкаст етказади, айримлар үсимлик гипертрофияга олиб келади. Үсимликнинг ўш тўқималари таркибида сув ва озиқ моддалар кўп бўлганлиги сабабли улар бактерияли касаллукларга чидамсиз бўлади ва жами кўп шкастланади.

Бактериали касаллуклар билан касалланған үсимлик ва унинг органларини ташқи кўриниши вирус ва замбуруғларга ўхшаб кетади, лекин уларни намоён бўлиш даражаси камроқ бўлиши билан

фарқланади. Бактерияли касаллклар паренхиматоз, томир паренхиматоз томир ва гиперпластик (шиш ва құшимчалар гурухига ажратилади.

Тамакида бактерияли рябуха (*wildfire*- ёввойи куйиш), бактериал бурчакли дөгланиш (*angulat leaf spot* – қора куйиш), бактериал сұлиш каби 12 турдаги бактериал касаллклар учраши аникланған.

Тамакида нематодалар (нематода), юмалок құртлар *Nemathelminthes* синфига оид организмлар ҳам учрайди.

Ұсимликларни нематода касаллкларини ұсимлик учун заһарлы бұлған нематодалар чақиради. Нематода касаллкларни умумий белгилар майсаны жуда суст униб чиқиши ва үсиши, кучсиз гуллаши, ұсимликнинг ёш даврида нобуд бұлиши, ҳосилни камайиши, ұсимликнинг бүтунлай нобуд бұлиши билан тавсифланади. Нематодаларни илдиз тизимига кириши уни күп шохланишига ва турли шакилдеги гулларни ҳосил бўлишига олиб келади. Бир гурух нематодалар тупроқда фаолият олиб бориб тамаки илдиз тизимига ташқи томондан таъсир кўрсатади.

Тамакининг гулли паразитлари зарпечак (*Cuscuta campestris*), стрига (*Striga gesnerioides*), алектра киркii (*Alektra Kirkii*), *Orabanche* авлодига мансуб шумғия турлари ҳам ұсимлика паразитлик қилиб яшайди.

Тамаки ұсимлигига замбуруғ, вирус, микоплазма, нематода ва гулли ұсимликлар таъсиридан ташқари бұлған касаллклар ҳам учрайди. Бундай касаллкларни экстремал об-ҳаво шароити, абиотик омиллар, физиологик ва генетик үзгаришлар келтириб чиқаради. Тамакида об-ҳаво таъсиридаги дөгланиш (*weather bleck*), барг куйиши (*leaf skald*), құш доғланиш (*Esuinea - fowlspod*), маккажұхори чанги билан баргни заарланаиши (*Corin pollen injury*), қалбаки шумғия каби юқумсиз касаллклар учрайди. Ұсимликларда гофрирофка (қашқаш бурма), баргни бужмайиши, қизил гилос, гегантизм, фасциация, генетик шишлар ва гуллар аномамияси каби генитик үзгаришлар учрайди.

Тамаки ұсимлигига макро ва микро элементларнинг етишмасли туфайли унинг органларыда турли ташқи белгилар пайдо бўлиши мүмкин. Тамаки ұсимлигига ҳамма ұсимликлар сингари касаллик белгилари касалланғандан кейин маълум вақт үтганидан кейин намоён бўлади. Касаллик ұсимликнинг анатомияси, физиологик ва биокимёвий таркибининг үзгаришларга сабаб бўлади. Шу сабабли ҳар бир касаллик тури турли хил ташқи белгиларни келтириб

төкәради. Тамаки касаллукларининг асосий симптомлари (ташқи
бонитари) күйдагилардан иборат:

1. Баргнинг яшил рангини оқариши:

- изот ёки магнини етишмаслигидан пастки қават баргларини
шорози, илдиз чириш касаллигига;
- темир, олтингугурт, марганец, қисман кальций ёки бор
элементларини етишмаслиги туфайли юқори қават ёш баргларни
шорози;
- мозаика, оқ пестрица касаллуклари туфайли барг юзасини
камма қисмини рангини оқариши;
- калий моддасини етишмаслиги туфайли баргнинг ён
қисмларидан бошлаб унинг айрим қисмларининг сарғайиши ёки
ниарган доғларни пайдо бўлиши.

2. Калий ёки фосфор элементларини етишмаслиги туфайли
баргнинг яшил рангининг тўқ яшил рангга кириши.

3. Баргларнинг мажрухлиги:

- бодринг мозаикаси билан касалланган баргларни узунчоқ
булиб ён атрофи тўлқинсимон бўлиши;
- калийни етишмаслиги туфайли баргларнинг ён атрофи пастга
караб эгилиши, хўл монтар бор элементини меъёрдан ортиқ бўлиши,
кальцийни етишмаслигидан юқори баргларини ён атрофининг
нилиши;
- борнинг етишмаслиги туфайли юқори қават барг юзасининг
буралиши;
- хлорнинг ортиқча бўлишилигидан барг юзасининг юқорига
караб эгилиши;
- калийни етишмаслиги ёки буришган карлик (пакана) туфайли
барг юзасининг буришганлиги;
- гравировка (безакли) касаллиги туфайли барг юзасининг
цийшайиши.

4. Барг юзасида турли шаклдаги доғларни, барг некрозларини
пайдо бўлиши. Бундай некрозлар тамакини бактериал рябуха,
қўнғир пестрица, алтернариоз касаллуклар туфайли пайдо бўлади.
Катор вирус касаллуклари сабабли турли хил некрозлар пайдо
бўлиши кузатилади.

5. Баргларда ғуборларни ҳосил бўлиши, улар ун-шудринг
кисаллиги билан шкастланганда пайдо бўлади.

6. Касаллуклар туфайли тамаки поясида пайдо бўладиган ташқи
белгилар:

- оқ чириш ва кулранг чириш касаллиги туфайли поянинг бутунлай чириши;
- фузариоз, фитофтороз, ризоктониоз, жануб чириш касалликлари сабабли поянинг пастки қисмини чириши;
- илдиз чириш касаллиги билан шкастланган кўчкат поясининг чириши;
- бодринг мозаикаси ва бошқа вируслар таъсирида поядга пайдо бўладиган йўл-йўл некрозлар туфайли.

7. Тамаки ўсимлигини ҳўл монтар билан шкастланиш оқибатида ўсимлик гули ва уруғ касаллигини, гул органларини мажрухлиги ва гулни ривожланмай қолиши, уруғсизлик ҳолати. Қатор юқумли касалликлар туфайли уруғ қўсагида доғли некрозлар ва губорлар пайдо бўлиши ва қўсакни чириши (бактериал рябуха, ботритис, альтернариоз).

8. Тамакини илдиз тизимидағи касаллик туфайли бўладиган ташки ўзгаришлар:

- қора ва қўнғир илдиз чириши, фитофтороз, шунингдек кальций ва бор етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар оқибатида илдизни чириши;

- фосфорни етишмаслиги туфайли илдиз тизимини қизғин қўнғир тусга кириши, калий етишмаслигида илдизни тўқ сарқ ранг олиши, илдизни қўнғир тусга кириши темир ва марганецни етишмаслиги оқибатида.

9. Тамаки фузариоз ва бактериоз касалликлари билан шкастланганда ўсимликни сўлиши.

Касалликларни ривожланишнинг турли даврларида ўсимликга турлича таъсир кўрсатиши ва ўз навбатида маълум касаллик ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишиниг ҳар хил даврларида (кўчкат, далада ўсиш, гуллаш, уруғ ҳосил бўлиш, баргларни йиғиш) ўзгача зарар келтириши мумкин. Шу билан бирга, касалликларнинг ташки белгилари кўпинча касалликлар билан заарланган тамаки органларидан жуда ўхшаш ташки белгиларни намоён бўлиши сабабли касалликни аниқлашда факат битта ташки белгига қаро аниқлаш унча тўғри бўлмайди, касалликни аниқлашда, касалликни ривожланиш даврини ҳисобга олиб, унинг бир неча белгилар орқали аниқлаш тўғри бўлади.

Касалликни ташки белгилари табиий шароитга (об-ҳаво, жой рельефи, тупрок тури, тупрок кимёвий таркиби, кимёвий моддалар билан таъминланганлиги, тупроқни ифлослангинлиги ва бошқалар)

жиготехник жараёнларни ўз вактида ва сифатли ўтказилишига, шу билди бирга ўсимлик ва унинг органлари ичига кириб унинг ҳаётий жараёнларига таъсир кўрсатувчи патогенлар фаолиятига боғлик. Шу жадидин, тамаки касалликларини пайдо бўлишига боғлик ҳолда улар инфекцион (юқумли) ва инфекциясиз (юқумсиз) гурухларга ажратилади.

Тамакини инфекцион (юқумли) касалликларини замбуруг, бактерия, микоплазма, вирус каби патоген организмлар чакиради. Улар касалланган ўсимликдан соғлом ўсимликка юқади ва уни ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Тамакини инфекцион касалликлари уни кўзғатувчи патогенларни турига қараб чичик гурухларга ажратилади:

- микозлар, кўзғатувчиси замбуруглар; - бактериозлар, бактерия билли шкастланиши натижасида; - вирозлар, кўзғатувчиси патоген вируслар; - микоплазматик, кўзғатувчиси микоплазмалар.

Тамакининг юқумсиз касалликлари тупрок ва об – ҳавонинг покурай шароитлари, тупрок таркибида макро ва микро элементларнинг етишмаслиги натижасида пайдо бўлади. Бундай тупроитдаги касалланган тамакининг ўсиши ва ривожланиши суснияди касаллик соғлом ўсимликларга ўтмайди.

Тамакининг паразит бегона ўтлари, асосан шумгия (*Orobanchе*) жарнечак (*Cuscuta*) ривожланиш шароитига кўра алоҳида кичик гурухни ташкил этади, лекин кўпгина олимлар уни таъсир доирасини юқумли касалликларга яқин деб ҳисоблайдилар.


IV-боб. ТАМАКИ ФИТОПАТОГЕНЛАРИ ТАЪРИФИ

4.1-§. Тамакининг юқумсиз касалликлари.

Тамаки ўсимлиги патоген замбуруғ, вирус, микоплазма, бактерия, нематода ва гулли паразит ўсимликлардан ташқари бошқа омиллар таъсирида ҳам касалликлар келиб чиқади. Ўсимликларда об – ҳавонинг нокулайлиги, абиотик омиллар, физиологик ва генетик ўзгаришлар таъсирида ҳам унинг ўсиш ва ривожланишида ўзгаришлар содир бўлади ва натижада ҳосил сифати ва миқдори камаяди.

Тамакини юқумсиз касалликлари асосан 2 турдаги таъсиirlар натижасида келиб чиқади: - ўсимликларни физиологик ва генетик тузилишлар натижасидаги мажрухлиги; - об-ҳавонинг яъни, ҳаво харорати, намлиги, озиқланиш тартибини бузилиши ёки етишмаслиги.


Тупроқни зичлашиши. Тупроқни зичлашиши тамаки катор ораларини ишлашда тупроқ шароитини ўзгариши, яъни тамакини кўп сугориш ва ҳаддан зиёд ёғингарчилликни бўлиши оқибатида тупроқнинг 30 – 40 см қатламида зичлашган қатламни пайдо бўлиш натижасида илдиз тизими тўлик ривожланмай колади ва бу эса ўз навбатида ўсимлик илдиз тизими қорайиб, ўсимлик баргини сўлишига олиб келади (17 - расм).



17-расм. Тупроқни зичлашишини тамаки илдизига ва ўсимлик бўйига таъсири

Баргларни қуёш куйдирниши. Тамакининг ўсуви баргларида иссик даврда қуёш нури таъсирида баргни этли қисми жигарранг тус олади ва кейинчалик қурий бошлайди. Ўсимликнинг тана қисмидаги

Баргларни намлиги юқори бўлади ва улар ҳаво намлигини пасайиши ҳамда ҳаво ҳароратини кўтарилишига чидамсиз бўлади. Улар одатда бундай шароитда сўлийди ва қуриб қолади. Бундай ҳолат жуда кам сонли баргларда кузатилади. Баргларни қуёш таъсирида ўзгариши кўпинча тупрокни зичлашиши таъсиридаги ўзгариши билан чалкаштирилади. Тупрокни зичлашиши натижасида ўсимликни илдиз тузилиши рангини ўзгаришига эътибор бериш лозим (18 - расм).



18-расм. Баргларни қуёш таъсирида куйиши.

Баргларни ҳаво таъсирида ифлосланиш доғлари. Дала шароитида агрономлар томонидан тамаки касаллик симптомлари сабабларини аниқлаш мушкул иш ҳисобланади. Айниқса ҳаво таъсирида ифлосланиш доғлари физиологик доғларга жуда ўхаш бўлади. Баргларни ҳаво таъсирида ифлосланиши ҳавонинг ифлосланишига олиб келган озон гази (O_3) томонидан рўй беради. Озон гази қуёш радиацияси таъсирида кимёвий реакциялар натижасида диокцид азот ва углеводородлар ҳосил қиласи. Ушбу моддалар ҳавони ифлослантирадиган асосий унсурлар ҳисобланади. Ҳаво таркибидаги ушбу моддалар барг оғизчалари орқали барг ҳужайрасига тушади ва мезофилга таъсир кўрсатади.

Улар таъсирида барг юзасининг учки қисмларида барг томирлари орасида унча катта бўлмаган доғлар ҳосил бўлади. Уларни ранги жуда тез жигаррангдан оқиш кулранггача ўзгаради.

Агар шкастланиш кучли бўлса, бутун ўсимлик заарланади. Одатда шкастланиш кучли ёмғирлардан кейин ва ўсимлик ўсув даврида ёш баргларда пайдо бўлади. Бундан ташқари, ҳавони бошқа турдаги ифлослантирувчилар, жумладан азот оксиди (NO_2) ва олтингугурт диоксиди (SO_2) ҳам тамакига зиён етказади. Ҳозирги вактда бу шкастланишга қарши усул йўқ (19 - расм).




19-расм. Баргларда ҳаво таъсирида пайдо бўладиган доғлари.

Тамаки илдиз бўғизини шкастланиши. Тамаки поясини асосида илдиз бўғизи шкастланиши натижасида унинг пўқакланиши кузатилади. Бунда ўсимликда қуидаги белгилар – кучсиз хлороз ва иссик даврида ўсимликни сўлиши, ўсишни секинлашиши кузатилади. Илдиз бўғзини қаттиклашуви ва чириши ҳамда ўқ илдиз тизимини ўзгариши (иккиламчи илдизларни тупроқ юза қисмида пайдо булиши) каби белгилар пайдо бўлади. Бу эса илдиз бўғзини эластиклигини йўқотишга олиб келади, натижада илдиз бўғизи кучсизланади, синувчан бўлиб, ўсимликни йиқилишига олиб келади. Бу касаллик кўпгина итузумгуллилар оиласидаги ўсимликларда (қалампир, помидор) кузатилади ва бу паразит касалликга оид эмас. Бу шкастланиши вужудга келиши тамаки кўчати экилганидан кейин бошланиб, агротехник коидаларини бузилиши, хусусан тамаки майдонларини сув босиши билан янада ривожланади (20 - расм).

Иқлим касалликлари. Тамаки абиотик касалликлари кўпинча нокулай об ҳаво шароити ёки экин агротехникасига боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Маълумки, тамаки кўчати эрта баҳорда (феврал охири – март, апрель ойларида) етиширилади. Тамаки кўчати совукка ўта таъсирчан хисобланади. Бу дарда Ўзбекистонда баҳорги совуқлар таъсирида кўчатларда турли хил ўзгаришлар – кўчатлардаги ёш

барынан ранги қисман ёки бутунлай ўзгариши (сарғайиши), күнинча уларни шакли қошиқга үхашы мүмкін. Плёнкасы очик колдирилгандай күчатларга совук шамол, кучли ёмғир ёки жала таъсир күрәтиши мүмкін.



20-расм. Тамаки илдиз бұғизи шкастланиши.

Күннинг иссік пайтлари күчатхона устидаги плёнка олиб шамоллатылмаса ёки кучли қүёш нуридан сақланмаса, ёш күчатларни күйиш холатлари ҳам учрайди (21 - расм).



21-расм. Климатик қасаллайлар

Тамакига дўл етказган жароҳатлар. Самарқанд вилояти Ургут тумани фермер хўжаликлари тоғ ва тоғ олди худудларида жойлашганлиги сабабли айрим йиллари кучли дўл ёғиш тамаки майдонларига катта зиёр етказади. Тамаки дўл таъсирида кучли шкастланадиган ўсимлик хисобланади. Кучли дўл тамаки

ўсимлигини баргларини тешиб юборади, поя ва гулларида некрозлар пайдо қилади. Айрим баргларни илма – тешик қилиб юборади.

Айрим йиллари эрта баҳорда бўлган дўл далага ўтқазилган кўчатларни қирқиб факат поясини қаламча қилиб қолдирганлиги маълум, бундай ҳолатда қатор оралари ишланиши ва минерал ўғитлаш ҳамда суғориш ўсимликни ўзини тиклаб олишга ёрдам беради (22 - расм).



22-расм. Тамакига дўл етказган жароҳатлар

Тамакига чақмоқнинг таъсири. Тоғли ва тоғ олди қия худудларида тамаки майдонларида ўсимликнинг тўсатдан сўлиши кузатилади. Агар улар дикқат билан кузатилса уларнинг поясини ўртаси қорайганлигини ва унда некрозлар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Улар худди тахлаб қўйилган дискларни эслатади. Айрим ҳолатларда поя ичидағи қисмлар йўқолиб кетади ва ўсимлик қурийди. Тамакини чақмоқ таъсиридаги жароҳати уни фитофтора касаллиги белгиларига ўхшаб кетади (23 - расм).



23-расм. Тамакига
чақмоқнинг таъсири

Тамаки поясини ёрилиши. Айрим пайтлари куннинг жуда исиб кетиши ва сув танқислиги юзага келганда тамаки пояси узунасига ёрилиб кетиш ҳолатлари учрайди. Бу жароҳатлар тезда битиб кетишини ҳисобга олганда ўсимликда жиддий зарар келтирмайди (24 - расм).



24-расм. Тамаки поясини ёрилиши.

Озиқ элементларини етишмаслиги. Тамаки ўсиши ва ривожланиши мобайнида турли минерал моддаларга талабчан бўлади. Минерал моддаларни тамаки томонидан ўзлаштирилиши мураккаб жараён ва бир қатор омилларга боғлик бўлади. Айниқса тупрок таркибидаги озиқ моддалар миқдори ва баланси, суғориш меъёрлари, тамаки нав типи ва нави, экиш схемаси ва бошқа ўсимликни ўсишига таъсир қилувчи бир қатор омилларга боғлик.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган холда, Самарқанд вилояти Ургут тумани тамаки ўстириладиган тупроқларида озиқ элементларнинг етишмаслиги кузатилади. Ушбу ҳолатлар тамаки ўсимлигига турли хилдаги симптомлар келтириб чиқаради. Уларнинг умумий белгиси ўсимликни турли органларини, шу ўмладан баргларни турли даражадаги саргайиши ҳисобланади. Симптомлар тамаки ўсимлигига озиқ элементларни етишмаслигидан физиологик ва биокимёвий жараёнларни бузиш интижасида пайдо бўлади.

Кўпгина ҳолатларда тупроқда озиқ моддалар етарли бўлиши мумкин, лекин уларни ўсимлик ўзлаштира олмаслиги мумкин. Бундай вазиятда ўсимликлар учун озиқ элементларни диагностика қилиш кийин кечади. Бундай ҳолатда озиқ моддаларни етишмаслигидан ташқари унинг ўзлаштирмаслик сабаблари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, сув меъёрини кўп ва кам бўлиши, ҳароратнинг паст ва баланд бўлишлиги, тупроқ мухити реакцияси (pH), илдиз тизими яхши ривожланмаганлиги, тупрокни физик тусусиятлари каби омиллар мухим аҳамият касб этади.

Агар тамаки майдонларида ўсимликларда озиқ моддаларни етишмаслик симптомлари пайдо бўлса, мутахассислар билан маслаҳатлашган холда тупроқ ва ўсимлик намуналарини физик ва кимёвий таҳдил қилиш керак. Кўпгина ҳоатларда тупроқни кимёвий таркибини таҳдил қиласдан, экинни ўғитлаш турли симптомларни келтириб чиқариши мумкин.

Тамакини пастки қават баргларида пайдо бўладиган симптомлар. Тамаки ўсимлигига айрим озиқ моддаларнинг

етишмаслик симптолари олдин пастки қават баргларида намоён бүлади, кейин тела қават баргларига тарқалади. Бунда иккى турдаги симптомлар кузатилади:

1. Хлороз ёки аралаш доғлар асосан пастки қават баргларида жойлашган бүлиб, некроз доғлар бүлмаган ёки қисман қуриш ҳолати кузатилади. Үсимлиқда калий (К) етишмаслиги туфайли барг учларыда хлороз кузатилади. Пастки барглар пастта қараб эгилгән бүлади. Үсимлиқда калий етишмаганда физиологик жараёнлар, жумладан үсимликни осмотик бошқаруви, хужайра мухитини (pH) бузилиш, күргина ферментларини фаоллиги, барг қалинлигини камайиши, шунингдек үсимликни касаллуклар ва стресс ҳолатларига чидамлилиги камаяди. Тамаки үсимлигидә магний (Mg) етишмаслиги кузатилганида барг юзасининг чекка қисмлари хлороз (окариши) бошланади ва барглар оқара бошлайды. Барг томирлары яшил рангини сақлаб қолади. Бунда некротик (куриган) доғлар пайдо бүлади. Магний хлорофиллнинг асосий компоненти ва күргина ферментлар таркибида мұхим ҳисобланади.

2. Тамаки үсимлигини бутинлай сарғайиши ва кейинчалик пастки баргларни қуриб қолиши.

Тамакида азот (N) танқислиги бүлганды барглар оч яшил, эски барглар сарғаяди ва некротик доғлар хосил бүлиб, барглар қурийди. Бунда азот аминокислоталар таркибида бүлгансынды сабабли хлорофил ва оксил синтезига зиён етади, ҳамда нуклеин кислоталарга таъсири натижасыда бутун метаболитик жараёнлар сусаяди.

Тамакида фосфор (P) танқис бүлганида, барглар түқ яшил тусга киради, пастки барглар сарғаяди ва қурийди. Айрим баргларнинг ўлчами кичиклашади. Фосфор энергия ташувчиларнинг таркибий қисмини ташкил қылади ва фосфор үсимлик метаболизми ҳамда мембрана фосфолипидлари учун асосий элемент ҳисобланади.

Ёш барглардаги симптомлар. Бир қатор моддалар танқислиги үсимликни юқори қисмидеги ёш баргларда намоён бүлади. Уларда қуидаги симптомларни кузатиш мүмкін:

1. Ёш баргларни деформация бүлиши ва учки қисми некрози ёки ёш баргларни асосини худди шундай ўзгариши, үсимлик учки куртагини парчаланиши кузатилади.

Үсимлиқда кальций (Ca) етишмаганида учки барглар оч сарик тус олади, хираклашади, пастта қараб эгилади ва некроз пайдо қылади. Кальций хужайра катламини асосий таркибий қисмларида

Бири бўлиб пектат ва оксалат шаклларида учрайди. Ушбу модда кайра бўлинишида ва мембрани алмашинувини бошқаради.

Ўсимлиқда бор (B) танқислигида ёш барглар ўз ҳолатини иштиради. Барг юзасини асоси оч яшил бўлиб, синувчан бўлиб қолади. Барглар кучли деформацияга учрайди ва ўсимликни учки куртаги ўсишдан тўхтайди. Бор элементи кальцийни ўзлаштиришда иштирок этади. Ушбу микроэлемент нуклеин кислотаси синтезида иштирок этади ва мембрани бутунлигини таъминлайди.

2. Ёш баргларни хлорози, барг учиди некроз доғларни пайдо бўлиши ёки барг томирларини рангини ўзгариши, бунда ўсимликни куртак қисми тирик қолади.

Марганец (Mn) микроэлементи танқислигида ёш баргларни хлорози (оқариши), бунда барг юзасида таркалган некроз доғлар пайдо бўлади, барг томирлари яшил рангини сақлаб қолади. Марганец маълум ферментларнинг фаоллигини ва хлоропласт мемброналарини бутунлигини таъминлайди. Фотосинтез жараёнида вислород ташишда иштирок этади.

Олтингугурт (S) танқислигида тамаки ўсимлигининг ёш барглари оқиши яшил тусга киради, бунда барг томирлари ҳам шу тусда бўлади. Ўсимлик пояси калта ва ингичка бўлади. Олтингугурт оқсил таркибидаги икки аминокислота таркибига киради. Кребис занжиридаги кофермент А учун иштирок этади.

Тамаки ўсимлигида темир (F) танқислигида ёш баргларни хлорози кузатилади, барг томирлари яшил рангини ўзгартирмайди, келинчалик барг ўз рангини бутунлай ўзгартириши мумкин.

Темир элементи хлорофилл синтези учун зарур бўлиб, нафасини занжирида қатнашади (21 - расм).

Зааркунанда ва қурумлар. Тамакида қурумларни пайдо бўлиши ҳашаротлар фаолияти билан бөглиқ улардан бит ва оқканот барг юзасида қора замбурургни пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Тамакида бит ва оқканот оқсил учун хужайра ширасини кўп миқдорда йигади ва бу эса уларни ортиқча шакардан қутилишига маъжбур қиласи.

Натижада барг юзасида бит ва оқканот ажратиб чиқарган ширин шудринг пайдо бўлади ва бу эса кўпгина филопланет замбуруғларга шука бўлади. Секин аста барг юзасидаги ширин шудринг қора имбуруғ (*Alternaria* spp. *Cladosporium* spp. *Capnodium* sp.) билан ишланади.





25-расм. Озиқа моддаларининг етишмаслиги натижасида ўсимликдаги ўзгаришлар.

Замбууруғ курумлари баргда фотосинтез жараёнига салбий таъсир күрсатади. Улар баргларни ифлослантиради ва уларни кимёвий таркибиغا ўзгартыради.

Тамаки ўсимлигиде бит ва оқканотлар нафакат барг юзасида қора курумлар пайдо қилишга сабабчи бўлишидан ташкари. ўсимликни ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир күрсатади. Бунда ўсимликни ўсиши сусаяди, ҳашаротлар колонияси кўп бўлганда ҳатто ўсишдан тўхтайди, баргларни ўлчами кичраяди. Бу ҳашаротлар тамакини бир катор вирус касалликларини самарали ташувчиси хисобланади.

Бошқа зааркунандалар ҳам тамаки баргига зарар келтириб турли хилдаги симптомларни келтириб чиқаради.

Барг юзаси бўйлаб кичкина оқ доғларани барг қирқар пайдо қиласди, тамаки трипси барг орқа томонида барг томири бўйлаб кумушсимон тус ҳосил қиласди, ўргимчаккана баргларда сарик кумушсимон акс эттирадиган доғлар пайдо қилиш билан тавсифланади (26 - расм).







26-расм. Зааркунанда ва қурумлар белгилари.

Генетик аномалиялар. Купгина ўсимликлар сингари тамакида ҳам генетик оғишлар кузатилади, бунда унинг вегетатив ва генератив органларининг ўзгариши кузатилади. Айниқса баргларни тұлқинсімөн жимир - жимир бұлиши, уларни бурулиши, баргларни пастта әгилиши каби ҳолаттар күп учрайди. Баргларни узунлиги ва энини ўзгариши түрли хилдагы тұлқинларни қосыл қилиши мүмкін. Уларни ранги түрли морфологиялық ўзгаришларда бұлади.

Тамаки ўсимлигінде генетик ўзгаришлар натижасыда ўсимликни бутун ўзгариши, унинг айрим органларини ранги ва шаклини ўзгариши кузатилади. Айниқса, ўсимлик баргларини шаклини ўзгариши, унинг бүйи ва энини буралиши бунга мисол бұла олади.

Баргларни қурбақа бадан күриништегі эга бўлиши ҳам генетик аномалияга киради. Бунда барглар тұқ яшил ранг бўлиб, баргни асосий ўзаги буралиб ўзгаради, ранги қурбақа терисига ўхшаб кетади. Тамаки даласыда генетик аномалиялар айрим ҳолаттарда битта ўсимликта комплекс учраши мүмкін. Бошқа генетик аномалияларнинг симптомлари тамаки мозаикаси симптомларига ўхшашиб бўлиши мүмкін (27 - расм).





27-расм. Генетик аноманиялар.

Илдиз асфикцияси. Самарқанд вилояти Ургут тумани тамаки чилик тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Тамаки майдонларининг қиялиги бир текис суғориш имконини бермайди. Бундан ташқари ёмғир сувлари ҳам эгатларни босиб кетиш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолатларда ўсимлик сув стрессига учраб, сўлиб ҳолади. Агар сув эгатларда узоқ сақланиб қолса, тамаки куриб ҳолади. Бунда тупроқ намлиги ошиб кетади, ўсимлик илдизига энслород етишмайди ва у асфиксия ҳолатига тушади, ўсимлик илдизи емирилади ва унда анаэроб микроорганизмлар ривожланиши оқибатида илдиз тизими фаолияти ёмонлашади. Натижада ўсимлик ўйни бошлайди (28 - расм).



28-расм. Илдиз асфиксияси

Тамакида кургоқчилик дөғлари. Тамаки ўстириладиган Ургут тумани тоғ ва тоғ олди ҳудудда жойлашганлиги сабабли суғориш суви асосан насослар ёрдамида етказилиб берилади. Лекин, айрим дөғларни ёғингарчилик кам бўлиб, кургоқчилик кузатиласди. Тамаки ўсимлиги, айниқса унинг Вирджиния нав типлари кургоқчиликга ҳадамсиз ҳисобланади. Бундай ҳолатларда тамаки баргларини айниқса пастки баргларида томирлар орасида қизғиш жигарранг

некрозлар (қуриган йирик доғлар) пайдо бўлади. Улар тамаки майдонининг турли жойларида пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолат ўсимлик физиологик ҳолатига, тупроқ шароитига, ўсимлик жойлашган ўрнига ва бошқа омилларга бўглиқ бўлади. Ўсимлик сув танқислигига жуда тез реакция қиласди ва сўлий бошлайди (29 - расм).



29-расм. Тамакида қурғоқчилик доғлари.

Илдиз куртаги. Айрим вактлари тамаки поясининг ўрта ва пастки қисмлар бўйлаб окиш бўртиклар пайдо бўлади. Улар очилиб ундан жуда қиска ҳаво илдизлари пайдо бўлади. Натижада поя синиб кетиши мумкин. Агар тамакининг илдиз тизими ва поясидаги жараёнлар бузилганида бундай ҳолат юз бериши кузатувлардан аниқланган.

Хўл доғланиш. Тамаки баргини орқа томонида илгари хўл доғлар кейинчалик жигарранг доғларга айланган алоҳида ёки бирлашган доғларни кўриш мумкин. Тамаки баргини орқа томони ташки таъсиirlарга жуда сезгир бўлади ва ундаги сув кўёш нури таъсирида қизиб кетиши натижасида хўл доғлар пайдо бўлади ва улар қуриганидан кейин жигаррангдаги некрозлар ҳосил қиласди.



30-расм. Хўл доғланиш.

4.2-§. Тамакини юқумли касаллуклари.

4.2.1-§. Замбуруғлы касаллуклар.

Илдиз чириши. Тамаки ва маҳоркада илдиз чиришнинг икки тиipi кузатилади: илдиз қора чириши- ҳамма жойда тарқалган ва илдиз куруқ чириши Үрта Осиё республикаларида аниқланган. Гамакини күчтат чириш касаллуклари тамакини турли навларини турлича заарлаши илмий тадқиқотларда аниқланган. Э.Умурзаков (2000) маълумотларига кўра, мамлакатнинг үрта хушбўй нави Дюбек 2898 нави кўчватларнинг илдиз чириш касаллигига сунъий юқтирилганда ҳосилнинг 8,9%, Басма навида эса бу кўрсатгич 17,3%. Измир навида 12,5%, Виржиния навида эса 23,8% ни ташкил килди.

11-жадвал

Тамакини турли навларини кўчватларини сунъий илдиз касаллуклари юқтирилиб далага ўтқазилганида ҳосилни камайиш даражаси (Умурзаков, 2002)

Тамаки навлари	Хом ашё тури	Ҳосилни камайиш даражаси, %
Дюбек 2898	Үрта хушбўй	8,9
Басма	Хушбўй	17,3
Измир	Ўта хушбўй	12,5
Виржиния	Скелет	23,8
Самсун 57	Хушбўй	38,2
Американ 5	Скелет	12,5

Албатта бу кўрсатгичлар кўчватхонадаги шароит ва кўчват иштегини касаллукларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Айниқса кўчватхоналарда намлик ошиб кетса, уруглар меъёридан кўп ишлорда сепилгандан касаллик авж олиши тажрибалардан маълум. Тамаки хом ашё турига кўра навларда фарқ сезилмади. Хулоса қилиб иштагандан, тамаки кўчватларини илдиз чириш касаллигига сунъий юқтирилганда ҳосилдорлик 8,9% дан 38,2% га камайгани иштаганган (11 - жадвал).


Тамаки кўчати илдиз чириш касаллукларининг споралари үзинча ҳолатларда органик қолдиқларда сақланади ва куляй фурсатда улар кўчватларни заарлайди.

12-жадвал

Тамаки қуритиш майдончаси ва тамаки күчатхонаси орасидаги масофани ўсимликнинг касалланиши даражасига таъсири

Куритиш майдончасидан күчатхона орасидаги масофа	Шкастланган ўсимлик сони, %	
	күчатлар	майдондаги ўсимлик
20 м гача	46,3	30,1
100 м дан 200 м гача	20,1	-
300 м	-	2,5
500 м	1,3	2,1

Маълумки, тамакини баргларини қуритиш майдончасида жуда күп куриган баргларни эзилган парчалари бўлади, бу барг колдикларида илдиз чириш споралари учун яхши муҳит хисобланади. Шу сабабли тамаки қуритиш боғунларидан күчатхона орасидаги масофа муҳим аҳамиятга эга.



31-расм. Тамаки күчатхоналарида фитосанитар назорати ўtkазиш.

Куритиш майдончасидан күчатхона орасидаги масофа қанчай яқин бўлса, күчатхоналарни касалланиши шунча кўп бўлиши тажрибаларда аникланган (12-жадвал).

Тамаки баргларини қуритиш майдончасидан тамаки күчатхонаси орасидаги масофа 20 метргача бўлганда күчатларни шкастланниши 46,3% га ва майдондан ўсимликлар эса 30,1 % га касалланган, бу масофа 100 метрдан 200 метргача бўлганда 20,1% ни

(күчатхонада) ташкил қилган. Бу масофа 500 метр бўлганда эса бу кўрсатгич тегишлича 1,3 ва 2,1% ни ташкил қилган.

Илдиз қора чириши. Асосан кўчатларда учрайди, баъзан катта ўсимликларни ҳам заарлайди. Заарланган майсаларни барглари сўлийди, саргаяди ва кўрийди, илдизлари қўнгир тусга киради ёки қораяди ва кўпинча нобуд бўлади. Катта ёшли ўсимликларда илдиз учларида қорамтири-қўнгир додлар ҳосил бўлади, барглари сўлийди ва бутун ўсимлик кучсизланган кўринишга киради.

Касаллик қўзғатувчиси - *Thielaviopsis basicola* Ferr., замбуруғи исобланади. У заарланган жойларда юзага чикиб турувчи қўнгир мицелий ҳосил қиласиди. Мицелийсида рангсиз конидияандлар ҳосил бўлади. Уларда -рангсиз, бир ҳўжайрали эндоконидиялар ($7-17 \times 2,5-4,5$ мкм), кейинроқ эса занжирларга тўпланувчи цилиндросимон ёки бочкасимон (диаметри 12 мкм гача) хламидоспоралар (артроконидиялар) шаклланади. Хламидоспоралари жигарранг-қора ёки зайдунранг-қўнгир, қалин деворли, сўгалсимон қобикли.

Замбуруғ хламидоспора кўринишида қишлияди, улар 10 дан 27°C гача бўлган ҳароратда ва 30 дан 80% гача бўлган намлиқда үсади.

Тамаки ва маҳоркада илдиз қора чириши тупроқ муҳити (pH) 6,4 ани 7 гача бўлганда кучли ривожланади. Мазкур кўрсаткич 5,5 ва 8,2 бўлганда касаллик деярли ривожланмайди.

Касалликнинг ривожланиш даражаси тупроқдаги хламидоспораларнинг микдорига боғлиқ: 1m^3 тупроқда хламидоспоралар сони 100 гача бўлганда касалланиш юзага келмайди, уларнинг микдори 4-6 минг донага етганда эса касаллик нобуд бўлишига сабаб бўлади, кучсиз кўчатлар экилганда экинларнинг сийраклашиб қолиши юзага келади.

Th. basicola замбуруғи тамаки ва маҳоркадан ташқари ғўза, яшери, ловия, мош, жут ва бошқа экинларни ҳам заарлайди, биноюқли экинлар, помидор, қалампир, бақлажон, картошка, толали наца, пиёз каби экинларни заарлайди.

Касалликнинг дастлабки даврларида кўчатларга кўчатхона қўйишмасини сепиш ва озиқлантириш ён илдизларнинг ҳосил бўлишини таъминлайди ва ўсимликлар анча соғаяди.

Тамаки кўчатхонасида бактерияли рябуха, тамаки мозаикаси ва кора илдиз чириш касалликлари билан шкастланиши натижасида

хосил сифати ва миқдори кескин камайиб кетиши аникланган. Россиянинг Краснодар ўлкасида С.Е.Грушевой тамакида ўтказилган тажрибаларида касалланган кўчат (кора илдиз чириш касаллиги) хосилни 65,7 % га камайганлиги таъкидлаган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, кора илдиз чириш касаллиги тамакичиликда жуда катта талофат келтирадиган касаллик ҳисобланади (13 - жадвал).

13-жадвал

Тамаки кўчатларини аҳволига боғлиқ ҳолда майдонда ўсимликларни турли касалликлар билан шкастланиш даражаси (С.Е.Грушевой, 1966)

Далада ўтказилган кўчатларнинг аҳволи	Далада тамакини касалланиши, %			
	Бактериал рябуха	Тамаки мозаикаси	Кора илдиз чириш касаллиги	Кора илдиз чириш касаллигидан хосилни камайтириш даражаси
Касалланган кўчат	3,9	9-10	68,7	65,7
Соғлом кўчат	1,5	0,3	44,3	35,5

Илдиз қуруқ чириши. Касаллик асосан тамакининг ёш ўсимликларида учрайди. Касаллик туфайли ўсимликнинг илдизлари ингичкалашади, буришади ва нобуд бўлади. Касаллик қўзгатувчиси – *Olpidium nicotianaе Preiss.* тубан замбуруғи ҳисобланади. Замбуруғ қалин юлдузчасимон қобиқли бўлиб, тиним давридаги шарсимон циста шаклида қишлийди. Цисталари икки ядроли. Баҳорда цистада кариогамия (ядроларнинг кўшилиши) юзага келади, сўнгра копуляцион ядро бир нечта ядрочаларга бўлинади. Ядрочалар цитоплазма билан ўралади ва бир хивчинли зооспораларга айланади. Циста ичидан чиққач, зооспоралар ўсимлик илдизчасига тушиб, ўзининг хивчинини хужайраларини унинг ичига киритади ва қобиқ билан ўралади. Сўнгра кичик ўсимта билан у ўсимлик – хужайини хужайрасини зооспора таркиби – цитоплазматик тана ўсади, қобикни шкастлайди ва зооспорангийга айланади.

Зооспорангийларда зооспоралар ҳосил бўлади. Улар чиқувчи каналча орқали ташқарига чиқиб яна ўсимликни заарлайди. Ўсимликка киргунча зооспоралар жуфт-жуфт бўлиб кўшилини

мумкин, бундай ҳолатда цитоплазматик тана тиним давридаги спора – цистага айланади.



32-расм.
Тамакини қора
сон ёки
күчатларнинг
чириши
касаллиги

Касаллик махоркага нисбатан тамакини кучлирок заарлайди. Йимбуруғ 100°C ҳароратда 45 дақиқада ҳалок бўлади. Касалликнинг тказадигин зарари күчатхоналарда күчатларнинг ялпи ётиб колиши билан ифодаланади.

Қора сон ёки күчатларнинг чириши. Касаллик тамаки ва махоркани деярли ҳамма жойда заарлайди. Ёш ўсимликлар поясининг асоси қораяди. Заарланиш кўпинча поянинг катта қисмини қамраб олади, поя ингичкалашади ва ўсимлик нобуд бўлади. Касаллик ўчок кўринишда юзага келади, аммо бъязида бутун күчатхонани қамраб олиб барча күчатларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Касаллик қўзғатувчиси – *Rhizoctonia solani* Kuehn ва *Pythium debaryanum* Hesse замбуруғлари. Биринчи замбуруғ анча юқори (20°C дан юқори), иккинчиси эса нисбатан пастроқ ҳароратларда ривожланади.

Күчатлар *Rhizoctonia solani* билан заарланганда уларнинг поясида кўнғир, кўп хужайрали, қалинлиги 7-10 ммк бўлган ва тўғри

бурчак остида шохланадиган гифалар кузатилади. Замбурут тупроқда склероций шаклида қишилайды.

Rytlium debaryanum билан заарланганда нам об - ҳавода пояларда зооспорангийли банддан иборат бүлгап оқ кигизсімөн губор ҳосил бүлади. Шохланувчи зооспорангий бандлар мицелийдан кам фарқ қиласы. Зооспорангийлари думалок (диаметри 15-25 мкм), якка, камдан - кам занжир күреништә. Шакилланиш жойида улар зооспоралы ён пулакта күренишида үсады. Үсимлик тұқымаларыда замбуруғ қишиловчи ооспоралар ҳосил қиласы.


Күчатлар сифатлы назорат қилинмаса, касаллук далага ҳам тарқалиб, үсимликларнинг ётиб қолишини келтириб чиқариши мүмкін. Корасон юқори намлык шароитларыда (сифатсын шамоллатиладиган күчатхоналарда), уругни қалин экиб юборишида азотлы ўйтлар билан бир томонлама озиқлантиришда күпрөк юзага келади.



33-расм. Тамакниң
корасон ёки
күчатларнинг
чириши касаллуги

Күчат касаллукларини келтириб чиқарадиган шароиттарда уларни зарари. Тамаки ишлаб чиқарадиган фермер хұжаликларыда тамаки күчатхоналарыда илдиз чириш касаллуги билан касалланған күчатхоналар жуда күп учрайди. Ушбу ҳолаттың күйдагилар асосий сабаблардан ҳисобланады:

- күчатхонага ишлатиладиган озиқ арапашылар;
- юқумсизлантирилмайды;
- күчатхона жойи талабга жавоб бермайды;
- күчатхона асбоб-ускуналарини юқумсизлантирилмайды;
- күчатхонада ишловчилар гигеник қоидаларға риоя қилмайды;
- одатда ҳар йили бир жойдан күчатхона майдони танланады;
- күчат етиштириш технологиясига амал қилинмайды.



34-расм. Тамаки күчатхонасида етиштирилаётган күчатлар

Илдиз чириш касалликларига карши кураш чоралари. Илдиз чириш касаллиги күпгина ҳолатларда тамаки уругини зарарсизлантириш усулларига боғлик. Чунки күчатни илдиз чириш касаллиги кўзғатувчилари хломидаспоралари ургуда бўлганлиги, у билан бирга униб чикиб күчатни заарлаши мумкин.

С.Е.Грушевой (1960) ўтказган тажрибаларда тамакини уругларини иссиқлик ёрдамида юқумсизлантирилганида петри ўшида ва қора илдиз чириш касаллигини споралари умуман униб чиқмаган. Формалиннинг 1:50 концентрацияси билан ишлаш эса ўчишега спорасини 0,7% и униб чиқганлиги тажрибаларда ўчишланган. Лекин, ушбу кўрсатгич назорат вариантидан петри ўшидан 9500 дан зиёд колониялар бўлганлиги ва уни 89,0% и униб чиқганлиги аниқланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, тамакини уругини физикавий ва биомассий усулларда заарсизлантириш тамаки күчатини илдиз чириш касаллигига карши самарали усуллардан эканлиги тажриба меълумотларидан тасдиқланди.

Тамаки күчатхонасидаги касалликларнинг жуда кўп инфекцияси тупроқда яшайди. Шу сабабли күчатхона тупроғи ва озик биомасини заарсизлантириш ва бу зарасизлантирилган тутамнинг қалинлиги муҳим аҳамият касб этади. Э. Умурзоковнинг (2002) тажрибаларини таҳлил қилганимизда, күчатхонадаги зарарсизлантирилган қатлам 3 см бўлганда қора илдиз чириш касаллиги билан заарланган күчатлар сони 30,8% ни ташкил қилинган.

14-жадвал

Урғуни турли усулларда заарсизлантиришни *Botrytis tabacum* ва *Botrytis cinerea* касаллукларига қарши курашдаги самарадорлиги (Грушевой, 1966)

Урғуни заарсизлантириш усуллари	Петрий идишида <i>B.tabacum</i> колониялар сони, дона	<i>B. cinerea</i> спорасини унib чикиш, %
Иссиклик ёрдамида	0,0	0,0
Формалиннинг 1:50 концентрацияси билан ишлаш	0,0	0,7
Назорат (заарсизлантирилмаган)	9500 дан кўп	89,0

Агар зарасизлантирилган қатлам 5 см бўлганда бу кўрсаткич 13,4%, 8 см бўлганда 3,1% ни ташқил қилган. Кўчатхонадаги қатлам умуман зарасизлантирилмаганда эса қора илдиз чириш касаллиги билан заарланган кўчатлар миқдори 90,4% ни ташқил қилган (15-жадвал).

15-жадвал

**Тамаки кўчатини қора илдиз чириш касаллиги ва
кўчатхонадаги бегона ўтлар миқдорини кўчатхонадаги
зарасизлантирилган қатламнинг қалинлигига боғлиқлиги**
(Умурзаков, 2002)

Кўчатхонадаги зарасизланти- рилган қатлам қалинлиги, см	Қора илдиз чириш касаллиги билин зарарланган кўчатлар сони, %	1 кв.м кўчатхона майдонидаги бегона ўтлар сони, дона				
		Ёввойи тарик	Шура	Гулложи хуроз	Семизут	Жами
Назорат 0	90,4	115	1112	25	1315	2567
3	30,8	48	44	8	54	154
5	13,4	13	9	8	32	62
8	4,8	5	5	2	34	46
10	3,1	3	3	0	39	45

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, кўчатхонадаги озиң аралашма ва тупроқ қатлами қанча кўп миқдорда, яъни қатлам қалинлиги қанча кўп бўлса, ушбу қатлам тулиқ заарсизлантирилса.

Чатларни қора илдиз чириш касаллиги билан заарланиши кам булишилиги тажрибалардан тұлық исботлаган. Шу билан берінше үтларнинг күчатхона майдонидаги сони ҳам шунча кам булишига қайд этилган.

Тамаки күчати етиштиришда күчатхона юзасига озиқ аралашма ишлатылади. Унинг қалинлиги 5-7 см гача булишилиги тавсия етілади. Озиқ аралашманинг нисбати 50% чириган гүнг, 25% тупроқ және 25% дарё қумидан ташкил топған бұлади. Шу сабабли, тамаки күчати етиштириш учун компост тайёрлаш мұхим ахамияттаға эга. Компост уюмини тупроққа күмиб, унинг қароратини 60⁰С гача жарыши қора илдиз чириш касаллиги билан заарланишини кескин камайтиради (16 - жадвал).

Компост уюмини куз ойлари (сентябрь, октябрь, ноябрь) устини үшін феврал ойларигача қызитиш (қарорат 70⁰С гача) қора илдиз ширини касаллиги билан шкастланган күчатлар сонини 90-94% гача камайтируди. Бу күрсатқыч заарасызлантирилмаган субстратда эса кузда компостта 54,5% ва баҳорғи компостта эса 98% ни ташкил қылди. Компост уюмини иссиқлик ёрдамида юкумсизлантириш қора илдиз чириш касаллигини 99% гача камайтирганлиги аниқланған.

Шундай қилиб, тажрибадан аниқ бұлдықи, компост уюмида максимал қарорат (70⁰С) бұлғанда 1 кв. м. күчатхонадаги берінше үтлар сони 421-621 донадан 12-66,2 донагача камайғанлиги шынылди. Бу курсатқыч иссиқлик ёрдамида компост уюми юкумсизлантирилғанда 8,0-18,7 донани ташкил қылди. Албатта, компост уюми күчатхонага ишлатыщдан олдин юкумсизлантирилиши берінше үтлар уруғини униб чиқиши көплиятини кескин камайтируди.



35-расм. Тамаки күчатларини маҳсус клеткаларда күпайтириш.

Компост уюмини заарсизлантириш самарадорлиги

№	Компост уюми субстратида максимал ҳарорат, °C	Кора илдиз чириш касаллиги билан шкастланган күчатлар сони, дона		Бегона ўтлар сони, 1 кв.м да, дона		Үтқазишга тайёр күчат сони, 1 кв.м да, дона	
		кузда	баҳорда	кузда	баҳорда	кузда	баҳорда
1.	50-69,5	5,3	8,0	12,0	66,2	3750	2353
2.	49-59,5	3,0	4,5	12,5	73,4	3607	2251
3.	41-61,0	14,0	9,5	13,4	18,4	3827	1909
4.	39-58,0	-	13,5	-	78,1	-	1975
5.	38-40,0	-	96,0	-	136,0	-	542
6.	Заарсизлантирилмаган субстрат	54,5	98,0	621,0	421,0	0,0	457
7.	Иссиклик ёрдамида юкумсизлантирилган субстрат	3,0	1,0	8,0	18,7	3531	2031

Тамаки күчатхонасига ишлатиладиган компост уюб юкумсизлантирилганда күчатхонанинг 1 кв.м.дан стандарт экишга ярокли күчатни чиши 2353-3750 донани ташқил қилди. Заарсизлантирилмаган компост уюмидан күчат етиширишда фойдаланиш 1 кв. м. 457 донана күчат чишини таъминлади. Күчатларнинг аксарият қисми илдиз чириш касаллиги туфайли нобуд бўлганлиги тажрибада қайд этилган.

Турли усулда юкумсизлантирилган күчатхона озиқли аралашмасини қўллаш баҳорда юкумсизлантирилганда кора илдиз чириш касаллиги билан шкастланган күчатлар сонини кескин камайтирди, бунда касалланган күчатлар 2,7% ни ташқил қилди. Бунда 1 кв. м. даги begona ўтлар сони 24 донани, 1 кв. м. дан стандарт экишга ярокли күчатлар сони 2672 донани ташқил қилди.

17-жадвал

Турли усулда юқумсизлантирилган күчатхона озик аралашмасини күллаш натижалари

Тажриба варианти	Қора илдиз чириш касаллиги билан шкастланган күчатлар сони, %	1 кв.м күчатхонадаги бегона үтлар сони, дона	1 кв.м дан экишга яроқли күчатлар сони, дона
Баҳорда субстрат юқумсизлантирилган	2,7	24	2672
Күчатхона озик аралашмаси күёшда юқумсизлантирилган	0,5	134	2747

Тамаки күчатхонаасида ишлатилган озик аралашма (субстрат) күнінде юқумсизлаштирилгандың қора илдиз чириш касаллиги билан шкастланган күчатлар сони 0,5% ни ташқил қилди, бунда 1 кв.м даги бегона үтлар сони 134 донани ва стандарт экишга яроқли күчатлар сони эса 2747 донани ташқил қилды (17 - жадвал).

Шундай қилиб, күчатхона субстратини, яғни күчатни үсиш мұхитини юқумсизлантириша қүёш нуридан фойдаланиш қора илдиз чириш касаллиги спораларини ва 1 кв.м. даги бегона үтлар никдорини кескін камайтиради, шу билан бирга маълум майдондаги экишга яроқли күчатлар сонини ҳам оширади. Бу усул оддий бўлиб, күчатхона озик аралашмасини юқумсизлантириш учун қўшимча наражат талаб қилмайди.

Тамаки күчатхонаасини турли хил касалликлардан асрашда бордо суюқлигини сепиш ҳам яхши самара беради. Бордо суюқлигини күчатхонага мунтазам равища касаллик пайдо бўлмасдан бир неча марта сепиш касалликларни олдини олади, бунда күчат бир хил соғлом бўлиб ўсади ва ривожланади. Акс ҳолда, касаллик пайдо бўлганидан кейин бордо суюқлиги сепилса, күчатхона майдонининг 17,6% ида касаллик пайдо бўлиб, бунда касаллик туфайли нобуд бўлган күчатлар 4,9% ни ташқил қилади. Бу ўрсатқичлар умуман сепилмаган күчатхонада тегишли равища 1,73 ва 1,63% ни ташқил қилган (18 - жадвал).

Профессор Э. Умурзаковнинг Самарқанд вилояти Ургут тумани ЎзБАТ Агрономия марказида үтказган тажрибаларда күчатхона бордо суюқлигини күчат чириш касаллигига таъсири ўрганилган ва унинг натижалари 19 - жадвалда келтирилган.

18-жадвал

Тамаки күчатини касалланиш даражасынга бордо суюқлигини пуркашни таъсири

Тажриба вариантлари	Кассаллик күчатхонанинг қанча майдонидаа таркалган, %	
	Күчатхона майдонидаа	Күчатни нобуд килгани
Мутазам сепилган, (касалликни пайдо бўлишини кутмасдан)	0,0	0,0
Касаллик пайдо бўлишидан кейин сепилган	17,6	4,9
Сепилмаган (назорат)	1,73	1,63

Бунда бордо суюқлигини күчат чириш касаллигига таъсири яққол кўрсатилган. Бордо суюқлиги сепилган күчатхонада күчатларнинг илдиз чириш касаллклари умуман учрамаган. Күчатхонага бордо суюқлиги сепилмаган варианта эса күчатхони яхши шамоллатилган бўлсада, касаллик туфайли нобуд бўлган күчатлар сони 5,4% ни ташқил қилган. Күчатхонага бордо суюқлиги сепилиб, яхши шамоллатилмаган күчатхонада эса нобуд бўлган күчатлар миқдори 7,5% ни ташқил қилганлиги аниқланган.

19-жадвал

Күчат чириш касаллигига қарши бордо суюқлигини сенинг натижалари

Озик аралашма	Тажриба вариантлари	Күчат чиришдан нобуд бўлган күчатлар сони, %	
		Яхши шамоллатилган күчатхона	Шамоллатилмаган күчатхона
Касалланмаган	Сепилган	0,0	0,0
	Сепилмаган	5,4	7,5
Касалланган	Сепилган	0,0	46,0
	Сепилмаган	27,1	100,0

Тажрибада касалланган күчатхонага бордо суюқлиги сенинг яхши шамоллатилса, күчат чириш касаллиги учрамаган, лекин шамоллатилмаган вариантда эса күчатхонанинг 46,0% и илди чириш касаллиги билан шкастланган. Бордо суюқлиги сепилмаган ва яхши шамоллатилган вариантда күчатларни 27,1% касалланган

бунда агар күчтөхона шамоллатылмаса, бу күрсаткыч 100% ни тапкил қылган.

Тамаки күчтөхонасын тупроғини күчтө чириш касаллигига қарши фундазол воситаси билан пуркаш касаллигига қарши саларали восита эканлиги Л.А. Бондаренко (1982) маълумотларидан маълум. Фундазолни 1 кв.м. күчтөхонага 3 г. сепишиң қора илдиз чириш касаллигини қорайиб 50% га камайтириб, экишга яроқлы күчтөлдерни чиқишини 100% га күпайтирган. Шу билан бирга, уни күчтөхонада тарқалишини олдини олган.



36-расм. Тамаки майдонларида кимёвий ишлов үтказиш

20-жадвал

Тамаки күчтөтини күчтө чириш касаллигига қарши фундазол воситасини самарадорлиги (Л.А.Бондаренко маълумоти)

Тажриба вариантылари	Тупрокни хламидоспора билан заарлаш, дона /см ³	Экишга яроқлы күчтө чириши,%		Кора илдиз чириш касаллигини ривожланиши, %
		дона	назоратта нисбатан, %	
Назорат (ишловсиз)	13131	875	55	68,0
Фундазол, 3 г/м ²	-	1385	100	36,0
Назорат (ишловсиз)	3000	1586	77	37,0
Фундазол, 1,5 г/м ²	-	2061	100	20,0
Назорат (ишловсиз)	13327	1348	68	78,8
Фундазол, 1,2% суспензия	-	1985	100	25,4

Күчатхонага фундазолни 1 кв.м. га 1,5 грамм сепилиши экишгі яроқли күчат чиқишини 32% га оширган, қора илдиз чириш касаллигини эса 3 марта камайтирган. Фундазол воситасин даволаш (профилактика) учун 0,2 % ли суспензиясини күчатхонага сепиш эса экишга яроқли 1 кв.м дан күчат чиқишини 1985 донани ташкил этиб, бунда қора илдиз чириш касаллигини ривожланиши 75 % га камайган, уни тарқалишини эса 50 % гача чегарагалаган.

Тамаки күчатхоналариде касалликларга қарши уйғунлашған кураш усулини техник ва иқтисодий самарадорлиги Краснодар үлкәсі шароитида С.П.Киселёва томонидан үрганилған (21 жадвал). Тажрибада күчат касалликларига қарши фундазол $4 \text{ г}/\text{м}^2$ ридомил $1 \text{ г}/\text{м}^2$ үрганилған. Этalon вариант сифатида $4 \text{ г}/\text{м}^2$ фундазол олинған.

Күчатхонани $4 \text{ г}/\text{м}^2$ фундазол ва $1 \text{ г}/\text{м}^2$ ридомил билан ишланған стандарт экишга яроқли күчатлар чиқишини 262 донадан (назорат) 420 донагача оширган. Бунда касалланған күчатлар сони 107 донадан (назорат-ишловсиз) 15 донагача камайған.

21-жадвал

Күчатхоналарда касалликларга қарши уйғунлашған усулда курашыннан техник ва иқтисодий самарадорлиги (С.П.Киселева маълумоти)

Тажриба вариантлари	1 кв.м даги ўсимлик сони, дона			Күчат чиришни ошиши, %	Касалланған күчатларни камайиши, %
	яроқли күчатлар сони, $\text{кв.м.}/\text{дона}$	касал күчатлар, $\text{кв.м.}/\text{дона}$	касал күчатлар, %		
Янги вариент (фундазол $4 \text{ г}/\text{м}^2$ + ридомил $1 \text{ г}/\text{м}^2$)	420	15,0	0	120,6	100
Эталон (фундазол $4 \text{ г}/\text{м}^2$)	362	30,6	7,7	81,0	72,0
Назорат (ишловсиз)	262	107,0	39,0	0	0

Касалланған күчатлар 100% гача камайған. Бу күрсатқышлар этalon вариантда ($4 \text{ г}/\text{м}^2$ фундазол) бироз паст күрсатқышларда

бұлғанлиги қайд этилган. Шундай килиб, С.П. Киселёва томонидан үшінші усулинин техник ва иқтисодий самарадорлиги аникланган.

Краснодардаги Бутунроссия тамаки ва махорка экинлари илмий тәжірибелердегі институти тадқықтчысы Л.А. Бондаренко тамаки үшінші усулинин техник жағдайларында илдиз чириш касалларига қарши үйрекленген күчатхонасаидаги күчат илдиз чириш касаллиги ва ундаги бегона үшінші усулинин техник жағдайларында илдиз чириш касалларига метил бромни таъсири йұналишида тәжірибелар үтказған. Тажрибада ҳар йили алмашадиган иссиқлик шамамыда юқимсизлантирилған озик аралашма эталон сифатида қабул қилингандык. Бунда күчатхонанинг 1 кв.м. майдонида 1050 дона касалланған күчатлар бұлғанлиги, соғлом күчатлар 46,8% ни ташқил етті. Қора илдиз чириш касаллиги ривожланиши 2,4% га дейінгі анықталған, бегона үт эса 1 кв.м. да 8 донани ташқил қылған.

22-жадвал

**Тамакиниң күчат чириш касаллигига ва күчатхонаның бегона үт билан ифлосланғанлигига метил бромни таъсири
(Л.А.Бондаренко маълумоти)**

Нинаш усули	Күчат чириши, кв.м/дона	Соғлом күчат, %	Қора илдиз чириш касаллиги ривожланиши, %	Ризоктониоз билан шкастланиши, %	Питиева чириш билан шкастланиши, %	Бегона-үт сони, кв.м/дона
Ҳар йили алмашадиган иссиқлик шамамыда юқимсизланған озик аралашма - эталон	1050	46,8	2,4	0	4,2	8
Иншаммаган 4-йил алмашмаган озик аралашма - назорат	340	0	19,9	15,2	42,3	104
Метил бром билан ишшанған 4-йил алмашмаган озик аралашма	1280	91,3	0,4	0	0	0

Хеч қандай ишлов берилмаган ва 4 йил алмашмаган озиқ аралашмадаги күчтөнгенде унинг хамма қисмидә күчтөнгенде чириш касаллиги борлығы аникланган, 1 кв.м. күчтөнгенде атига 340 дона (12%) күчтөнгенде чириш касаллигининг ривожланиши 19,9% га баҳоланган, 1 кв.м. күчтөнгенде 104 дона бегона ўт пайдада бўлганлиги таъкидланган.

Энг яхши натижа метил бром билан ишланган 4-йил алмашмаган озиқ аралашмада олинган. Бу вариантда күчтөнгенде чириш касаллиги 1280 донани ташқил қилган, соғлом күчтөнгенде чириш касаллигини чириш 91,3% ни ташқил қилган. Бу вариантда кора илдиз чириш касаллигини чириш 0,4 га баҳоланган. Бегона ўт күчтөнгенде умуман бўлмаган. Шундай килиб, күчтөнгенде бром метил билан озиқ аралашмани ишланавсия этилган.

Тамаки күчтөнгенде илдиз чириш касаллиги ва күчтөнгенде бегона ўт билан ифлосланганлигига дозамед препаратини таъсири Л.А. Бондаренко (23 - жадвал) томонидан ўрганилган.

23-жадвали

**Тамакини күчтөнгенде чириш касаллиги ва күчтөнгенде бегона ўт билан ифлосланганлигига дазомет препаратини таъсири
(Л.А.Бондаренко ва бошқалар маълумоти)**


Ишлаш усули	Күчтөнгенде чириш кв.м/дона	Соғлом күчтөнгенде %	Кора илдиз чириш касаллиги ривожланиши, %	Ризок- тониоз билан шкаст- ланиши, %	Питиева чириш билан шкаст- ланиши, %	Бегона ўт сони, кв.м/дона
Иссиклик ёрдамида юкумсизлантири лган озиқ аралашма - эталон	1001	81,7	12,9	5,3	6,2	25
Ишланмаган 4- йил алмашмаган озиқ аралашма - назорат	498	0,0	46,5	12,8	28,7	125
Дазомет билан ишланган 4-йил алмашмаган озиқ аралашма	10890	87,1	3,6	8,8	8,4	5

Күчатхона озик аралашмасини дозамет препарати билан соғломда соғлом күчат чиқиши 87,1% ни, қора илдиз чириши касаллигини ривожланиш даражаси 3,6% ни, 1 кв.м. күчатхонадаги сони үт сони 5 донани ташқил қилган.

Шундай қилиб, тамаки күчатхонасини озик аралашмасини дозамет препарати билан ишлаш күчат чиқиши, соғлом күчат сони, қора илдиз чириш касаллигини ривожланишини олдини олиб, пактониоз ва питиева чириш касалликларини олдини олганлиги тарабдан аниқланган.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида тамаки күчатларини шинтиришда метил бром ва дозамет препаратларини күчатхонада күлаш күчат илдиз чириш касаликларига қарши самарали восита ойнлиги ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Бутуниттифоқ (ҳозирги Бутунроссия) тамаки ва махорка индюкторлари ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораториясида ўтказилган тажрибаларда тамаки күчатхонаси озик аралашмасини ридомил ва ташигарон препаратлари билан (фунгицид) ишлаш яхши самара бўлганилиги 22- жадвалда келтирилган (Л.А.Бондаренко). Ушбу жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда күчатхонани 1 кв.м. майдонига ридомил фунгицидидан 1 г сепилганида күчатхонадан яроқли күчат чиқиши 101 % ни ташқил қилган.



37-расм.
Соғлом ва
зарарланган
күчатлар.

Күчатхонага тачигарен фунгициднини 1 кв.м. күчат майдонига 2 г. сепилиши эталонга нисбатдан яроқли күчтөнчи чиқишини 99,7% га, 1 кв. м. күчат майдонидан 1013 дона күчтөнчи чиқиб, техник самарадорлик 80,2%, иктысодий самарадорлик 1 кв. м. га 0,7 рублни ташқил этган. Бу күрсатқычлар ишланмаган (назорат) вариантауда эталонга нисбатдан 65,5 ни, 1 кв.м. дан күчтөнчи чиқиши 665 донани ташқил қылган.

Хулоса қылганимизда, тамаки күчатхонасида фунгицидлардан ридомил ва тачигарен препараллари күчтөнчи чириш касаллуктарға қарши ишлатылғанда юқори самара берганлиги аниқланған. Хозирги вактда Ургут туманида тамаки күчатхоналарда замбуруғ касаллуктарға қарши ридомил фунгициди көңгүр күлланилмоқда.

Тадқиқотчи олимлар В.А.Стацевич ва О.И.Шерстяныхлар тамаки күчатхонаси озикли аралашмасында беда (майдаланған), гүнбүгдей сомони майдаланған ва аммиакли селитраларни тупрок микроорганизмларига, хусусан *Th. Basicoba* га (илдиз чириш касаллигини келтириб чиқарувчи замбуруғ) антогонистларин таъсири ўрганилган.

24-жадия

**Тамакии күчтөнчи чириши ва күчтөнчи чириш касаллигига
ридомил ва тачигарен фунгицидларини таъсири
(Л.А.Бондаренко маълумоти)**

Ишлешусли	Яроқли күчтөнчи чиқиши		Питиева чириш билан шкастланиши, %	Техник самарадорлиги, %
	эталонга нисбатан, %	кв.м/дона		
Иссик ёрдамида ишланған озик аралашма – эталон	100	1016	16,5	52,0
Ишланмаган – назорат	65,5	665	34,4	0
Ридомил – 1 г/кв.м	101,0	1026	0	100,0
Тачигарен - 2 г/кв.м	99,7	101,3	7,0	80,2

Тажриба натижаларидан маълум бўлдики, беда, бугдой сомони гүнгүн аммиакли селитра күчтөнчи чириш касаллиги замбуруғларин антогонистларини ривожланишига қулай шароит яратади.

25-жадвал

**Күчатхона озиқли аралашмасига турли құшимчалар
аралаштиришни тупроқ микроорганизмлариға ва *Th. basicola*
антогонистлари сонига таъсири (млн/г) (В.А.Стацевич,
О.И.Шерстяных маълумоти)**

Тажриба вариантлари	Бактериялар				Пультая мухитида денитрификацияланган
	Картошка мухитида умумий сони	Антогонистлар	Жами	%	
Назорат	10,6	0,58	5,5	32,0	0,031
Эталон	10,2	1,53	15,0	32,0	0,058
Беда (майдаланган хашаги)	38,4	8,44	22,0	454,0	1,36
Бүгдой (майдаланган сомони)	26,4	2,77	10,5	74,0	0,16
Гүнг	20,8	4,15	20,0	75,0	0,075
Аммиакли селитра	11,4	1,14	10,0	31,0	0,075

Айникса, озик аралашмага күчатхонада ишлатиладиган
трапащма назарда тутилмоқда, беда майдалаб құшилса, замбуруғлар
антогонистлари 8,44 млн. ташқыл қылған, бу эса 22% ни ташқыл
қилип, пептон сувида аммонийлашган бактериялар сони 454 млн/г,
пультая мухитида денитрификацияланган 1,36 млн/га ни ташқыл
қилиши аниқланған. Худди шундай күрсатқычлар бүгдой сомони ва
гүнг ҳамда аммиакли селитра күчатхона озиқли аралашмасига
құшилғанида олинған. Лекин, рақамли маълумотлар бироз паст
ниңдорда бұлғанлиги таъкидланади (23 - жадвал).

Тамаки күчатхонасида күчат чириш касаллиғи
антогонистларини ривожлантириш учун экологик тоза құшилмалар
беда ва бүгдой сомони аралаштириш яхши самара беради.

Тамаки күчатхонаси озик аралашмасига турли құшимчалар-
майдаланган беда ва сомон, гүнг ва селитра құшишнинг тамаки
күчати узунлиғи, күчатни куруқ массаси, касалликнинг
ривожланиши ва касалланган ўсимликлар фоизига таъсири 26-
жадвал маълумотларида көлтирилған.

26-жадвал

Күчатхона озиқ аралашмасыга турли құшимчалар қүшишни күчатни қора илдиз чириш касаллиги билан шкастланишига таъсири (В.А.Стацевич маълумоти)

Тажриба варианты	Күчат узунлығы, см	Мингта күчатни курук массаси, г		Касалликни ривожланиши, %	Касалланган ўсимлик, %
		Бутун ўсимлик	Илдиз массаси		
Назорат	3,3	17	1,56	17,9	78,0
Эталон	3,6	80	4,49	2,8	14,7
Беда (майдаланган хашаги)	11,9	153	10,11	0,3	2,0
Бүгдой (майдаланган сомони)	6,4	65	4,19	10,1	63,0
Гүнг	62	68	6,56	10,8	54,0
Аммиакли селитра	4,4	26	3,05	14,2	82,0

Тамаки күчатининг узунлығи беда хашаги қўшилган варианти 11,9 см кузатилди, бу кўрсатқич сомон ва гўнг солиниб аралаштирилганида 6,4 ва 6,2 см ни ташқил қилди. Озиқ аралашмаси беда майдаланиб қўшилганида 1000 та ўсимлик курук массаси 153 г илдизи эса 10,11 г ташқил қилганлиги тажрибада аниқланган. Бундай касалликнинг ривожланиш даражаси 0,3% ни, касалланган ўсимликлар эса атига 2,0% ни ташқил қилди. Бу кўрсаткичлар назорат вариантида анча паст рақамларда бўлганлиги қайд этилган.

Олинган рақамлардан келиб чиқсан хулосаларни Самарқанд вилояти Ургут тумани фермер хўжаликларида тамаки күчатни етиширишда қўллаш күчат касалликларини камайтириб, соғломни бақкуват стандарт экишга яроқли күчат етиширишни таъминлайди.

В.А.Стацевич ўтказган тажрибаларда күчатхонада кора илдиз чириш касаллигига қарши майдонларда бедани ишлатиш меъёри муддатини аниқланган (25 - жадвал). Тажрибада тамаки күчатхонасида уруғ сепишдан 15 кун илгари 1 кв. м. күчатхонада юзасига 0,5 кг/кв.м. сепилганида касалланган күчатлар миқдори 5,1% ни ташқил қилиб, касалликни ривожланиши 0,5% даражада бўлганлиги қайд этилган. Күчатхонада уруғ сепишдан 15 кун илгари

кв. м. күчатхонага 1 кг. беда майдаланиб ишлатилса, күчатлар муман илдиз чириш касаллиги билан касалланмаганлиги тикидланган.

27-жадвал

**Тамаки күчатларини қора илдиз чириш касаллигига қарши беда (майдаланган) мөъёри ва муддатини таъсири
(В.А.Стацевич маълумоти)**

Тажриба варианtlари	Касалланган ўсимликлар, %	Касалликни ривожланиши, %
Оптимал меъёрини аниклаш		
Назорат	23,3	1,9
0,5 кг/кв.м (15кун илгари)	5,1	0,5
1 кг/кв.м (15кун илгари)	0,0	0,0
Оптимал муддатини аниклаш		
Назорат	34,4	6,4
5 кун уруғ сепишдан олдин (1 кг/кв.м)	23,5	5,1
10 кун уруғ сепишдан олдин (1 кг/кв.м)	5,4	2,8
15 кун уруғ сепишдан олдин (1 кг/кв.м)	2,0	0,5

Тажрибада күчатхонада беда (майдаланган) ишлатиш муддати аникланган. Бунда күчатхонага беда (майдалангани) 1 кв.м. майдонига 1 кг. ишлатилиб, уруғ сепишдан илгари 5, 10, 15 кун меъёрлари ўрганилган. Энг қулай муддат уруғ күчатхонага сепишдан 15 кун илгари 1 кв. м. га 1 кг сепиш яхши натижаберади. Бунда касалланган ўсимликлар 2,0% ни ва касалликни ривожланиш тражаси 0,5% ни ташкил қилган.

28-жадвал

Тамаки күчатини сифат кўрсатгичларига стерилизация усууларини таъсири

Стерилизация усули	Күчат узунлиги, см	Күчатни паясини калинлиги, см	Илдиз тизимини баҳолаш, балл
Озик аралашма: фундазол	9,1	0,32	3,5
Карбатион	10,4	0,30	3,4
Озик аралашма иссиклик ёрдамида (козонда)	9,4	0,31	3,7
Назорат	8,1	0,24	3,2

Ушбу тажрибани умумлаштириб, күчатхонага уруғ сепишдан 15 кун илгари 1 кв.м. майдонига 1 кг. беда майдалаб сепиш күчат чириш касаллигига қарши ишлатиш тавсия этилган.

Тамаки күчатхонасидаги озиқ аралашмасини фундазол, карбатион фунгицидлари билан ишлаш, озиқ аралашмани қозонда иссиқлик ёрдамида стерилизация қилинганида-хамма вариантларда назоратта нисбатан юқори күрсатгичлариде қайд этилган. Айниқса, озиқ аралашмани карбатион препарати билан ишлаганда күчат узунлиги 10,4 см, поясини қалинлиги 0,32 см ва күчатнинг илдиз тизими 3,4 баллда баҳоланган. Күчатхонада илдиз чириш касаллигига қарши фундазол препарати ишлатилганида күчат узунлиги 9,1 см, пояси қалинлиги 0,32 см ва күчатнинг илдиз тизими 3,5 баллга баҳоланди. Озиқ аралашма иссиқлик ёрдамида (қозонда) стерилизация (юқимсизлантирилганда) қилинганда күчат узунлиги 9,4 см, күчат поясини қалинлиги 0,31 см ва илдиз тизими 3,7 баллда бўлганини кайд этилган. Бу күрсаткичлар назорат вариантида, күчат узунлиги 8,1 см, күчат поясини қалинлиги 0,24 см ва илдиз тизими 3,2 баллда баҳоланган (28 - жадвал).

29-жадвал

**Күчатхона озиқ аралашмасини стерилизация
(юкумсизлантириш) қилиш усууларини яроқли күчат чиқиши
ва қора илдиз чириш касаллиги билан шкастланишига
таъсири (Е.А.Бебия, А.М.Тарба маълумоти)**

Стерилизация усули	Күчат чиқиши		Қора илдиз чириш касаллиги билан шкастланиши, %	Касалликни ривожланиш даражаси, %
	1 кв.м/дона	назоратга нисбатан, %		
Озиқ аралашма: фундазол	2928	185,3	22,7	1,2
Карбатион	2496	157,8	51,0	7,2
Озиқ аралашма иссиқлик ёрдамида (қозонда)	2560	162,0	46,0	4,7
Назорат	1580	100,0	70,0	7,9

Абхазия шароитида Е.А. Бебия, А.М. Тарбалар томонидан упазилган тажрибадан шундай хулоса қилиш мүмкінки, күчатхона олттар аралашмасини стерилизация қилиш-кимёвий ва механик усулда күчатни ўсиши ва ривожланишига, уни касалликларга чынамлилигини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бутунrossия тамаки ва маҳорка экинлари илмий- тадқиқот институти Абхазия тажриба станцияси олимлари Е.А. Бебия ва А.М., упазланган тажрибаларда күчатхонага ишлатиладиган озиқли аралашмани кимёвий усулда стерилизация қилиш (фундазол ва карбатион) ва физик усулда исисқлик ёрдамида (қозонда) стерилизация усулларини күчатхонанинг 1 кв. м. дан күчат чиқиши тоң кора илдиз чириш касаллиги билан шкастланиши ҳамда касалликнинг ривожланиш даражасига таъсири келтирилган. Озиқ аралашмани фундазол фунгициди билан стерилизация қилиш энг сомарали усул эканлиги аникланган (29- жадвал), бунда 1 кв. м.дан күчат чиқиши 2928 донани, бу эса назорат вариантига нисбатдан 185,3% га кўп демакдир. Бу вариантда күчатларни кора илдиз чириши касаллиги билан заарланиши 22,7% ни ташқил қилди, касалликларни ривожланиш даражаси эса 1,2 % ни ташқил қонганилиги қайд этилган. Бу кўрсатқичлар карбатион қуллагандан 34% дона, 157,8%, 22,7% ва 7,2% ни тегишли равишда келтирилган, күчатхона аралашмасини стерилизация қилиш күчатни илдиз чириш қасаллиги билан заарланишини камайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Күчат аралашмасини юқимсизлаштиришини (стерилизация үзини) тамаки күчатини биометрик кўрсатқичларига таъсири 30 - жадвалда келтирилган. Күчат аралашмасини барча усулларда юқимсизлантириш күчат узунлигига, күчат поясининг қалинлигига тоң унинг илдиз тизимини ривожланишига ижобий таъсири курслатган. Күчат аралашмасини фундазол ва карбатион препаратлари билан стерилизация қилиш күчат узунлигини тегишли жадвалда 9,1 ва 10,4 см, күчат поясининг қалинлигини 0,32 ва 0,30 см, бунда илдиз тизимиға 3,5 ва 3,4 балл баҳоланганилиги ушбу кўрсатқичлар назорат вариантидан анча юқори кўрсатқичларда қасаллиги аникланган.

Күчатхонада күчатлар учун замбуруғ касалликларидан ҳалос шароит яратиш унинг ўсиши ва ривожланишини нормал жадвалда давом этишини, пировард натижа унинг соғлом ҳамда ташкилларти экишга яроқли бўлиб шаклланишини таъминлайди.

Тамакичилиқда күчатни узунлiği, ундағы тұлық баргларни шаклланиши, шу билан бирға попук илдиз тизимиға эга. Чунки, далага үтказилған күчатларни тұлық томир тутиб кетиши майдондаги күчат калинлигини тулық таъминланиши келгусида ҳосилдорликни оширилишиға замин яратади.

30-жадвал

Күчат аралашмасини юқумсизлантиришни тамаки күчатларини биометрик күрсатгичларига таъсири (Бебия, тажриба маълумоти)

Күчат аралашмасини юқимсизлантириш (стерилизация)	Күчат узунлiği, см	Күчат поясининг калинлиги, см	Илдиз тизимиға берилған баҳо, балл
Күчат аралашмасини фундазол	9,1	0,32	3,5
Карбатион	10,4	0,30	3,4
Иссикликда юқумсизлантириш	9,4	0,31	3,7
Назорат	8,1	0,24	3,2

Маълумки, далага касалланған күчатларни үтқазилиши уни тезда куриб қолишиға олиб келади. Бундан ташқари, унинг инфекциялари тупроқни ифлослантирилишиға олиб келади (31-жадвал).

31-жадвал

Күчат аралашмасини юқумсизлантиришни қора илдиз чириш касаллигини ривожланишиға таъсири (Бебия маълумотлари)

Күчат аралашмасини юқимсизлантириш (стерилизация)	Күчат чириш		Зарарапланиши, %	Касалликни ривожланиш даражаси, %
	1 кв.м. дона	назораттағы нисбатан, %		
Күчат аралашмасини фундазол	2928	185,3	22,7	1,2
Карбатион	2496	157,8	51,0	7,2
Иссикликда юқумсизлантириш	2560	162,0	46,0	4,7
Назорат	1580	100,0	70,0	7,9

Күчат озиқ аралашмасини юқумсизлантиришни қора илдиз чириш касаллигини ривожланишиға таъсири 29-жадвалда

еттирилган. Ушбу жадвал маълумотларида кӯчатхона озиқ оралашмасини фундазол ва карбатион фунгициidlари билан юқумсизлантириш кӯчат ҳар бир кв.м. кӯчатхона майдонидан шетердаги кӯчат чиқишини таъминлайди. Агар кӯчат субстратини фундазол фунгициди билан юқимсизлантирилганида назоратга нисбатан ҳар 1 кв.м. кӯчатхонадан 2928 дона кӯчат чиқишини ва назоратга нисбатан 185,3% га кўп кӯчат чиқишини таъминлайди. Бунда заарланиш 22,7% ни ташкил қилган.

Бутуниттифоқ ҳозирги Бутунrossия тамаки ва маҳорка экинлари шимий тадқиқот институти томонидан (Родингин, Мусийчин маълумотлари) бир қатор ўсимлик моддаларини тамаки кӯчатларини қора илдиз чириш касалликларига таъсири ўрганилган. Бунда ортонитрофенол, паранитрофенол ва гидрохинон моддалари кшчат чириш касаллигига самарали таъсир ўтказиши аниқланган (32 - жадвал).


Ушбу жадвал маълумотларидан маълум бўлдики, ўсимликдан олинган фенол моддалари қора илдиз чириш касаллигини олдини олишида ижобий таъсир кўрсатувчи моддалар эканлиги амалда исботланган.

32-жадвал

Айрим моддаларни кӯчатларини илдиз чириш касаллигига таъсири (Родингин, Мусийчин маълумоти)

Моддалар	Тамаки кӯчатларини қора илдиз чириш касаллиги билан касалланиш даражаси		
	Дюбек 44 нави	Дюбек 33 нави	Американ 572 нави
Ортонитрофенол	2	0	0
Паранитрофенол	0	0	0
Гидрохинон	0	0	0
ТМТД	0	0	0
Малахит яшили	5	5	25
Назорат (сув)	5	10	35

Ушбу моддалар ўсимликлардан синтез қилиниб кӯчатхоналарда ишлатилиши яхши самара беришлиги тажрибаларда ўз исботини топган. Тажрибаларда ўрганилган Дюбек 44, Дюбек 33 ва Американ 572 навлари кӯчатхоналарида амалда синааб кўрилганда қора илдиз чириш касаллигига қарши ижобий натижалар олинган.



38-расм. Илдиз чириш касаллиги билан заарланган тамаки күчатлари.

Тамакини сохта ун шудринг (переноспориоз) касаллиги. Сохта ун шудринг ёки переноспороз тамакини хавфли касаллиги бўлиб, дунё тамакичилик худудларида кенг тарқалган. Касаллик 1850 йили Австралияда, 1921 йили АҚШда дастлабки марта топилган. Европада эса 1958 йили Англияда қайд этилган. 1960 йилга келиб сохта ун шудринг Россия, Украина, Молдавия, Кавказ орти мамлакатларида, Италия, Франция, Швейцария, Бельгия, Руминия, Австрия, Чехия, Словакия, Польша ва бошқа мамлакатларда тамакичилик соҳасига жиддий зарар етказади.

Ўзбекистонда переносориоз 1970 йиллари Самарқанд вилояти Ургут тумани Жартепа маҳалласи тамакичилик майдонларида қайл этилган.

Тамаки ўсимлиги сохта ун шудринг билан кўчатлик ва далага ўтқазилган кўчатларни ҳамма даврида заарланади. Кўчатхонада униб чиқган майсаларда касаллик баргларни рангини оч тус олиши ва барг атрофини пастка қараб буралиши билан намоён бўлади. Касаллик белгиларини майсаларда пайдо бўлиши кўчатни ёшига, паразитни тарқалиши учун зарур бўлган шароитга боғлиқ бўлади. Агар касаллик энди униб чиқсан майсани заарласа, майсалар нобуд бўлиши мумкин. Агар кўчат барглари кўндалангига 10-12 мм бўлганда касаллик ўчоқларида кўчат баргларини тик бўлиб сарғайиши кузатилади. Учки барглари сарғаяди, атрофи пастга қараб эгилади.

Катта ёшдаги майсалар заарланганда күчат баргларида шоротик (оқиши) доғлар пайдо бўлади ва улар бирлашиб катта сарик доғлар пайдо қиласди. Барглар пастга қараб найча шаклини олади. Найчага қайрилган баргларни орқа томонидан паразитнинг споралари бинафшасимон кулранг замбуруғ хосил қиласди. Замбуруғ кучли заарланганда барг банди ва томирларида тўқ жигар рангли доғлар хосил бўлади. Шкастланган күчат барглари тургорликни юкотиб, сўлийди, курийди ёки чирийди.

Тамаки күчати 5-6 та барг хосил қилганда шкастланган барглар арикрок тус олади, ўсишдан орқада қолади, намгарчилик широитида бутунлай нобуд бўлиши мумкин. Бунда касаллик ўсимликни ўсиш нуктасини заарлаб, уни нобуд бўлишига олиб қелади. Бу турдаги шкастланиш тизимли деб юритилади, бунда патоген тамакини ҳамма ўсувчи органлари ўсишини эрта даврларида зарярлайди.

Агар шкастланиш даврида патоген учун қулай шароит пайдо бўлиб, конидиал споралар хосил қилмай ўсимлик нобуд бўлса, унда патогенин келгуси ривожланиши тўхтайди. Тадқиқотларга кўра, күчатлар 30 кунлик бўлганда касаллик юкганидан унинг нобуд бўлишигача 30 – 40 соатгacha вақт ўтади.



39-расм. Сохта ун шудринг касаллигининг баргдаги асосий кўриниши.

Агар ўсимлик күчатини каттароқ ёшида шкастлаган тақдирда замбуруғ конидиал споралар хосил қиласди, бунда ўсимлик тақдирини ташки муҳит шароити аниқлайди: патоген учун қулай шароитида ўсимлик нобуд бўлади, нокулай шароит пайдо бўлса, у хаёт фаолиятини давом эттиради.

Касаллик қўзғатувчиларнинг биологик хусусияти шароитга қараб турлича намоён бўлади.

Сохта ун шудринг касаллик қўзғатувчиси – *Peronosporales* тартибига мансуб *Peronospora tabacina* Adam тубан замбуруғи

хисобланади. Мицелийси хужайралар оралиғида жойлашады тұқымалар юзасида эса конидиал споралар ҳосил бүлади (1 см^2 да 1 млн. гача). Конидиянанда дихотомик шохланади ва заарланиш барг оғизчалари орқали 3-5 донадан түп-түп бүлиб чикади. Уларниң узунлиги 420 дан 780 мкм гача үзгаради. Конидиялари эллипссимон ёки тухумсимон, камдан-кам думалоқ, күпинча конидиянанда бирикиш жойида кичик қавариқчага зәга. Конидияларнинг үлчамы $14-28 \times 11-21$ мкм. Конидия үсганды 1-2 дона үсімта ҳосил қиласы.

Ўзбекистонда тамаки майдонларыда соxта ун-шудрин касаллигини күзғатувчи *Perenospora tabacina Adam* патогенинин популятив тарқиби турлича. Июн ойида пайдо бүлган популяцияның агрессив хусусиятларига күра, биринчи иркга (расса) оның хисобланади.

Нам об-хавода тамакининг заарланган тұқымаларыда замбуруғ думалоқ, сарғыш-құнғир ёки қызығыш-құнғир нотекис қобиқшы ооспора ҳосил қиласы. Ооспораларнинг диаметри 22-35 мкм бүлиб, доимо оогонийнинг қолдикларини ифодаловчи юпқа рангсиз қобиқ билан үралган бүлади.

Үсімликлар вегетацияси даврида замбуруғ конидиялар ёрдамида тарқалади, улар ҳавонинг нисбий намлиги юқори бүлганды (100 % атрофида) ва ҳарорат 2 дан 28°C гача бүлганды (кулай чегараси $8-24^{\circ}\text{C}$) мүл ҳосил бүлади. Юқори ҳароратда (30°C ва ундан юқори) заарланган баргларда ғубор ҳосил бүлмайды. Ҳавонинг нисбий намлиги 80-85% бүлганды конидиал споралар ҳосил бүлиши күзатылмаган.

Конидиялари шамол оқими билан үнлаб ва юзлаб километрларға осон олиб кетилади. Ҳавонинг нисбий намлиги 20-40% бүлганды ва тик күш нурлари тушмаганда конидийларнинг хаётчанлиги иккى ойгача сақланади. Намлик 90% бүлганды улар түрт кундан сүні нобуд бүлади. Үсімликларнинг заарланиши учун қулай шароит томчи намлик ва ҳарорат 12 дан 22°C гача бүлганды юзага келади.

Конидияларнинг үсімта гифалари үсімлик тұқымаларига оғизча тиркишлари орқали ва бевосита эпидермиснинг ёнма-ён хужайраларидан киради. Заарланган баргларда мицелий асосан пұқаксимон паренхималық хужайралари оралиғида жойлашади. Палисад паренхимада гифалар жуда кам учрайди.

Ҳаво ҳароратини $27-30^{\circ}\text{C}$ дан юқори бүлиши ва паст нисбий намлики юзага келиши, шу билан бирга кимёвий воситаларни таъсири патогенни ривожланиши учун ноқулай шароит туғдиради.

Бундай ҳолатда инфекция ўсимликни ўсиш нуктасида, ёш поя ва илдиз бўғзи ҳамда илдида анабиоз ҳолатда бўлади. Агар замбуруғ кўчатни ўсиш нуктасини заарласа, ундаги жуда кичик барглар марказий томири томон қайрилади ёки найча бўлиб буралади ва унинг марказий томири катта бўлиб шаклланади. Қолган барглар эса месъёрида ривожланади. Бундай шкастланган ўсимликларни одатда бошқа касалликлар билан адаштириш ҳолатлари учрайди. Айниқса, ёш поя, илдиз бўғзи ва ён илдизларда касалликни билиш ёки фарқлаш анча қийин. Бундай ўсимликларни барг сатҳи ранги ва ўлчамида ўзгариш сезилмайди. Ўсимлик қисқа ва йўғонлашган пояга эга бўлиб, карлик (паст бўйли) кўриниш олади. Барглар поядагуж бўлиб жойлашгандай кўринади.

Пояни кўндалданг қирқимида ксилема ўтказувчи тўқималари кўнғирлашганини кўриш мумкин.

Тамаки кўчатлари далага ўтқазилгандан кейин заарланган ўсимликларда замбуруғнинг ривожланиши учун шароит яхшиланади. Анабиотик ҳолатда ривожланиб, шкастланган тўқималарда конидиал споралр ҳосил қиласи. Жуда кўп микдордаги конидиялар бутун майдон бўйлаб тарқалади ва соғлом ўсимликларга инфекция юкади. Бу турдаги заарланиш жуда хавфли бўлиб, шкастланган кўчатлар соғлом кўчатлар билан бирга далага ўтқазилиши касалликни бутун майдон бўйлаб тарқалиш манбаи бўлиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида тамаки майдонларида касаллик июн ойи охири ва июл ойи бошларида намоён бўлади, бу вактда кўпчилик ўсимликлар ғунчалаш ёки гуллаш даврида бўлиб, касаллик майдоннинг ҳар хил жойида кузатилади.

Локал турдаги шкастланишнинг хусусияти шундан иборатки, паренхима тўқимасидаги инфекция барг ва поянинг ўтказувчи тизимиға кириб бормайди, яъни ўсимликнинг бир органдан бошқасига ўтмайди. Ўсимлик ўсиши билан локал заарланиш касалликни келиб чиқиши сабаблари билан боғлиқ (этиология), турли ўлчам ва шаклдаги сарик тусдаги доғларни аниқ кузатиш мумкин. Тамакининг битта баргида бутунлай некрозга учраган (уваланиб тушиб кетадиган), кучли заарланиш билан боғлиқ бўлган доғлар (тўқималар ҳаётий фаолияти сўнмаган) ва яқинда пайдо бўлган доғлар (тўқима ҳаётий фаолияти яхши) бўлиши мумкин. Пояда локал шкастланиш пастки тупрокка яқин турган поянинг қисмида поя бўйлаб мойли ҳар хил чукурчали доғларни бўлиши

билан тавсифланади. Вақт ўтиши билан дөг қўнғир тус олади, тўқима нобуд бўлади ва пўсти тушиб кетади. Поянни жароҳатланган қисми орқали турли факултатив сапрофит тупрок замбуруғлари ўсимликга ўтиб уни чиритади.

Тамаки ўсимлиги диффузион заарланиши ҳам мумкин. Бунда мицелий барг паренхимасидан дастлаб барг япрогининг ўтказувчи наилар тизимига, сўнгра барг банди ва аста секин поя тўқималарига етиб боради.

Ўсимлик диффузион заарлганда барглар бужмаяди, уларнинг четлари пастга қараб буралади ва томирлари орасида чукурлик ҳосил бўлиб, унда намлик тўпланади. Заарлган томирлар қўнғир тусга киради ва эзилгансимон бўлиб қолади. Барг банди ва пояларда ҳам эзилгансимон жигарранг йўлаклар пайдо бўлади. Заарланиш кўпинча гулпоя, тўпгул, сўнгра эса қўсакларни ҳам қамраб олади. Заарлган кўсакларда пуч, яхши ривожланмаган уруғлар шаклланади.

Касалликнинг инкубация даври давомийлиги ўсимлик ёши на атроф-мухит шаротларига боғлиқ равишда (асосан ҳароратга) 4 дан 13 кунгача ўзгариши мумкин.

Ушбу касалликни кўзғатувчиси аникланганда унинг турли шароитларда турли навларда турлича ривожланиши кўрсатилган (Фарлов В.Г., 1885; М.Ф.Боровская, 1963). Бу тушунарли ҳол бўлиб, касалликга генетик чидамлилик унинг хўжайнли (келиб чикган) мамлакатида ҳосил бўлади, бунда паразитнинг ривожланиши эволюцияси ва адаптацияси давом етади, вирулентликлар пайдо бўлади ва хўжайн турнинг чидамлилиги ошиб боради (М.Ф.Боровская, 1960). Сохта ун-шудринг касаллигини кўзғатувчи замбуруғининг ватани Австралия эканлигини инобатга олган ҳолда, унга чидамили ўсимликларни Австралия формаларида қидириши мақсадга мувофиқ.

Ушбу фикрни жуда кўп тадқиқотчилар тасдиқлайди (С.Л. Грушевой ва бошқалар). Унинг ривожланиши учун ўртacha ҳарорат 20-25°C бўлиши керак. Ҳаво ҳароратининг ошиши билан (25-30°C) иккинчи ирқ (расса) пайдо бўлади ва улар касалликга чидамли навларни заарлайди.

А.А.Ячевский (1960) маълумотларига кўра, переноспори замбуруғларининг жинссиз ва жинсий кўпаядиганлари ўртасида антогонизм аниқланган. Ооспорани жинссиз ҳосил бўлишида ооспора кам ҳосил бўлади. Ёш ооспора ҳали қоби-

такомиллашмаганда рангиз ва донадор тузилишга эга бўлади. Қобикни пайдо бўлиши билан ооспора маркази оч сарик тусга киради, ташки қобиги тўқ рангли бўлиб, унда ковуғасимон контурлар ҳосил бўлади. Шаклланган ооспора сарик ёки тўқ сарик рангда ва тўқ қўнғир рангли қобиқга эга бўлади. Шакилланган қобиқга эга ооспора оогониал халтада бўлишини тамаки баргларини 30 кунлик ёшида заарланишдан сўнг 8–9 – куни, 60 кунлик ичнатларда заарланишдан сўнг 10 – 11 – кун илгари пайдо бўлган баргларда 20 – 28 – куни қайд этилган. Ооспора қобиги уни ташки иокулай шароитлардан химоя қилади ва уни мунтазам озуқа моддаларини билан таъминлаб туради. Бу ҳақда Blackwell (1935), Михайлова (1962), Мархасева (1964) ва бошқалар ўз тадқиқотлари натижаларида келтириб ўтган. Шаклланган ооспора тезда униб чиқмайди, чунки уни пишиб етилиши учун маълум вақт зарур бўлади. Ооспораларни жуда кам қисми (0,1 – 2%) 2 марта қишилганидан сўнг, унинг асосий қисми 3 – 4 марта қишилганидан сўнг пишиб етилади. Кўпинча ооспорадан битта мицелий ўсимтаси, нам ҳолларда иккита ва учта мицелий ўсимтаси униб чиқади.

Бутунрессия тамаки ва махорка ИТИ олимлари М.Я.Молдован, М.Ф.Боровская, К.Н.Дашкеева, М.Т.Ткач (1973) маълумотларига кўра, найча ўсимтасининг узунлиги 40 дан 270 микронгача, унинг ҳаёт давомийлиги 7 кундан ошмаганлиги қайд этилган. Ооспораларни инфекция хусусияти ва уни ҳаётчанлигини бир неча шарлавидан сакланиб қолиши ҳакида Clayton (1953), M.Urath and P.Miller (1959), Florczak (1965) каби олимлар хабар беришган.

Ооспорани униб чиқиши учун қулай ҳарорат 18–26 °C ва юқори намлик ҳисбланади. Ҳарорат диапазони 12 дан 34°C гача бўлганда ооспора униб чиқади. Пишиб етилган ооспорани инфекцион қобилияти сунъий ва табиий шароитларда аниқланган. Ўсимликларни ёш ўтиши билан заарланиш имконияти камаяди, шукубацион даври ошади. Бу ҳолат ўсимликни анатомик тузилиши ва ўсимлик иммунитети билан боғлик.

Ооспорани меъёрида униб чиқиши, гифаларни ўсиши ва тамакини заарланиши учун ҳаво кислороди, ёруғлик ва ўсимлик органларида намликни 14 – 16 соат бўлиши кифоя. Бинобарин, табиатда куйидаги шароитлар уйғунлашган бўлиши лозим: ўртача ўткалик ҳарорат 16– 22°C, ёмғирли об – ҳаво, тупроқдаги ооспораларни (камида 2 йиллиги) баргларга тушиши ва барг таркибида томчи ҳолидаги суюқ намликни камида 14 соат сакланиши ҳамда таркок ёруғлик (Боровская, 1968, 1969).

Тамаки сохта ун шудринг (переноспороз) инфекцияси манбай булиб уруғ ҳам хизмат килади. Патоген тамаки уруғларида мицелий ва ооспора шаклида сақланади.

Тажрибаларда кулай шароитда инфекция тушган уругларни униб чиқиши ва майсаларни ривожланиши учун ҳарорат $29 - 32^{\circ}\text{C}$ ҳисобланиб, бу даврда инфекция анабиоз ҳолатда, шароитни ёмонлашуви билан инфекция юзага чиқади (Боровская, 1971).

Тамакининг сохта ун-шудринг (переноспориоз) билан шкастланиши янги навларни жорий қилиниши ёки янги навларни интродукцияси билан боғлиқ булиши мумкин. Ушбу ҳолларда патогеннинг янги ирқлари пайдо бўлади.

Сохта ун-шудринг (переноспориоз) касаллигини биологияси, янги янада агрессив рассаларини пайдо булиши каби масалалар фанда ўрганилиши лозим бўлган йўналишлардан ҳисобланади.

И.О. Тихонов, В.П. Ягодкина ва М.Я. Молдованларнинг (1998) тадқиқотларида кунгабоқарнинг переноспориоз касаллиги кўзғатувчилари тупроқда бир неча йил сакланиши аниқланган.

33-жадвал

Тупроқдаги ўсимлик қолдиқлари орқали сохта ун шудринг (переноспороз) касаллигини юқиши (Б.Г. Иваненко, А.И. Назарова, 2000 й)

Тажриба варианtlари	2000			2001		
	Ўсимлик сони, дона	шундан касалланганлари	%	Ўсимлик сони, дона	шундан касалланганлари	%
Тупрок билан аралашган заарланган поя ва илдизлар	120	65	54,4	212	4	1,8
Назорат-стерилланган тупрок	65	0	0	46	0	0

В.М. Владимирской (1999) маълумотларига кўра, карамнинг переноспориоз касаллиги кўзғатувчиси илдиз қисмида қишлиб чиқиши аниқланган. А.И. Назарова ва Б.Г. Иваненко (2000) тамакининг переноспориоз касаллигини тарқалишида ўсимлик қолдиқларини аҳамиятини аниқлаш учун тажрибалар ўтказишган ва унинг натижалари 33 - жадвал маълумотларида келтирилган.

Тажриба маълумотларидан шу фикр кўриниб турибдики, переноспориоз касаллиги ўрганилган ҳамма вариантларда (назоратдан ташкари) пайдо бўлганлиги кайд этилди. Ушбу тадқиқот натижаларидан хулоса килиш мумкинки, ўсимлик қолдиклари инфекцияни асосий манбаи ҳисобланади

Тажрибадан шу фикр аниқландики, сохта ун шудринг (переноспориоз) инфекцияси тупроқда ўсимлик поя ва илдизлари орқали тупроқга тушиб, унда узоқ вақт сақланиши мумкин (тажрибада уч йил).

Уларнинг миқдорий сони йиллар ўтиши билан камайиб боради. Уч йилдан кейин ўсимлик қолдикларида патогенлар сони 52 мартаға камайганлиги аниқланди.

Тамакининг сохта ун-шудринг касаллиги билан шкастланиш даражаси Бутунrossия тамаки ва махорка ИТИ тадқиқотчилари В.А. Бицноградов ва А.И. Теренътева (1960) усулларида аниқланади.



40-расм. Тамакининг сохта ун шудринг (переноспориоз) касаллиги билан заарлаган барглар.

34-жадвал

Тамаки баргини сохта ун шудринг (переноспориоз) билан шкастланиш даражасини аниқлаш шкаласи

Балл	Тавсифи
0	Касаллик белгилари йўқ
1	Жуда кам ва кичик некрозлар
2	Барг юзасининг 1-5% шкастланиши;
3	Барг юзасининг 5-25% шкастланиши;
4	Барг юзасининг 25-50% шкастланиши;
5	Барг юзасининг 50% дан ортиқ шкастланиши

Сохта ун шудринг (переноспориоз) касаллигини ривожланиш фоизи күйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$P = a^* 100 / H^* 5$$

Бунда: а - баллар йигиндиси;

Н - ҳисобдаги барглар сони.

Касалликни ривожланиш фоизи унинг жадаллигини, инфекцион фоннинг даражаси ва барг массасининг шкастланиш ўлчамларини белгилайди.

Тамакнинг сохта ун шудринг (переноспориоз) касаллигига қарши қураш. Тамаки майдонларида сохта ун-шудринг касалликлариги қарши самарали усуллардан бири кимёвий усул ҳисобланади. Бунда дитиокарбамин кислотаси ҳосиллари-сенеб, поликарбасин, полимарсин ва бошқа препаратлар қўлланилади. Ушбу препаратлар сохта ун-шудринг замбуругини фақат конидиал даврида таъсири кўрсатиши унинг салбий томони ҳисобланади.

Сохта ун-шудринг касаллигининг конидиялари ўсимликни бутун ўсув даври давомида ҳосил бўлишини инобатга олинса, юқорида келтирилган препаратлар билан тамакини ўсув даврида бир неча марта ишланишни тақозо килади. Тамаки кўчат ўсув даврида хар 3 кунда, далада эса хар 7 кунда ишлов бериш тавсия этилади (Грушевой, 1980). Бу эса жуда кўп харажатларни бўлишига олиб келади.

Кейинги йилларда илмий тадқиқот институтларида ун шудрин ва сохта ун-шудринг (переноспориоз) касаллигига қарши 58 турдаги фуңгицидлар синаб кўрилди. Улардан энг самаралиси Швейцариядаги “Сиба-Гейги” фирмаси ишлаб чиқариладиган ридомил 50, 25, 10 % ли ҳисобланади.

Ридомил –системали фуңгицид бўлиб, жуда тез ўсимлик органларига сингади, ёмғирли кунларда ҳам унинг самарадорлиги камаймайди. Ўсимликда унинг ҳарорати акропетал бўлиб, у ўсимлик органларини ҳамма қисмларини ҳимоя қиласади. Ушбу препарат иссиконли ҳайвонлар ва инсон учун кам заҳарли.

Тамакининг сохта ун шудринг (переноспориоз) касаллигига қарши ридомил самарали препарат ҳисобланади ва ушбу препарат системали препарат ҳисобланади. Уни ўсув даврида 3 марта пуркалади. Тамаки кўчатхонасида - 25% ли ридомилни 0,02- 0,04% концентрацияда ишлатиш тавсия этилади. Уни хар 10 кунда тақорлаб сепиш тавсия этилади. Тамакини ўсув даврида 2-3 марта ишлов бериш лозим.

Бундан ташқари сохта ун шудринг касалликларига қарши қурашнинг энг асосий ва муҳим тадбирлардан чидамли навларни яратиш хисобланади. Ҳозирги вақтда тамакичиликда сохта ун шудринг касаллигига нисбатан чидамли навлар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Қўпгина тамаки навлари касалликлар билан кучли шарланади. Шу сабабли, касалликларга қарши, жумладан сохта ун шудринг касаллигига қарши ўйғунлашган кураш мажмуаси ишлаб чиқилган.

Кўчат етиштириш даврида:

– кўчатхона учун жой танлашга алохида этибор бериш керак. Улар қуёш яхши тушадиган, яхши шамоллатиш имконияти бўлган, тамаки қуритиш майдончаси ва омборхоналаридан узокроқ бўлган, шу билан бирга сабзавот экинларидан узокроқда бўлиши мақсадга мувофиқ. Совуқ, паст ва сув кўллайдиган жойлар кўчатхона учун тавсия этилмайди;

– кўчатхона озиқли аралашмасини карбатионнинг 10 % ли концентрацияси билан юқумсизлантириш керак. 1 м. куб озиқли аралашмани юқумсизлантириш учун 10 литр сувга 1 кг карбатион тартилади. Кўчатхона озиқли аралашмасини юқумсизлантириш учун 40 % формалинни 7,5 % ли эритмасидан ҳам фойдаланиш мумкин. 1 м. куб озиқли аралашмага 30 литр ишчи эритма сифрланади (28 л сув ва 2 л 40% ли формалин). Кўчатхона озиқли аралашмасини юқумсизлантиришни кузда совуклар тушмасдан ўтказиш керак. Баҳорда кўчатхона озиқли аралашмасини 7,5 ли формалин билан юқумсизлантириш мумкин. Лекин, юқумсизлантиришни кўчатхонага уруғ сепишдан 25 кун олдин тутагиши керак. Кўчатхона озиқли аралашмасини кимёвий юқумсизлантиришни механизация ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

– кўчатхона асбоб – ускуналарни ишлатишдан икки хафта олдин формалин эритмаси билан (бир қисм формалин 25 қисм сувга) 4 сутка давомида юқумсизлантириш керак;

– тамаки уругини кўчатхонага эрта муддатларда сепишиш (феврал охири март бошларида) ва шарқий навлар учун бунда 1 м.кв. кўчатхона майдонига 0,6 – 0,8 г уруғ экиш тавсия этилади. Ширдженния навлари учун 10 кв.м кўчатхона майдони учун уруғ сарғи 0,6 – 0,8 г ташкил қиласди;

– кўчатхонада переноспориоз пайдо бўлиши огохлантириш мақсадида ҳар ҳафтада уруғ униб чиқгандан кўчат саралаб олгунча

күчатларни 80 % ли цинебнинг 0,3 % ли суспензияси билан ишлани. бунда күчатни “кулоқча” давригача 1 кв.м күчатхона майдонига 0,25 л ишчи эритмаси, күчатни экишга саралаб олгунча 0,5 л ишчи эритмаси сарфланади;

– сохта ун шудрингни пайдо бўлишини ўз вақтида аниқлаш учун күчатхоналардаги күчатлар мунтазам равишда жавобгар мутахассис кузатиб бориши керак;

– күчатхонада сохта ун шудринг билан заарланган күчатлар ўчоқлари аниқланса, уни йўқотиш чорасини кўриш лозим, яъни уни тупроғи билан олиб ташлаш керак. Қолган күчатларни ҳар 3 кунда цинеб кимёвий препаратларининг эритмаси билан ишлаш керак;

– тамаки күчатларини далага экишга күчатхонадан саралаб олишдан илгари цинеб препаратларини 0,4 % суспензияси билан ишлаш керак.

Дала шаронтида переноспориозга қарши тадбирлар:

– тамакини паст ва сув тўпланадиган майдонларга экмаслик лозим. Тамакини қумоқ ва қумлоқ тупрокларга, қуёш яхши тушиадиган майдонларга экиш мақсадга мувофиқ;

– тамаки күчатини далага эрта муддатларда (20 апрель – 10 маи) ўтқазиш, бунда факат соғлом күчатларни танлаб олиш, имкони борича ўтмишдош экин донли экинлар бўлгани маъкул (переноспориоз билан шкастланмайди). Тамакини бир майдонга 2-3 қайта экмаслик керак. Майдонларда яхши шамол юриши учун ҳар 40 метрга тамакини ўтқазилганидан кейин 2 метр энлигига йўлакчи қолдириш тавсия қилинади.

– тамакичилик фермер хўжаликларида июл ойидан бошлаб ҳар ҳафтада мунтазам равишда тамаки майдонларини касалликни ўз вақтида аниқлаш мақсадида мониторинг олиб бориш мақсади мувофиқ;

– agar тамаки майдонларида айрим ўсимликларда касаллини пайдо бўлганлиги аниқланса, у ҳолда уни жойида йўқотиш (30 сафдан чуқурроқ жой кавлаб кўмиб қўйиш) керак ва бу ҳақда мутассаб ташкилотларга хабар бериш лозим;

– тамаки майдонларини касалликлардан ҳимоя қилинади ўсимликларни кимёвий препаратларини ўз вақтида ва сифати қўллаш мухим аҳамият касб этади. Бунда 80 % ли цинеб препарати 0,4 % ли суспензиясини қўллаш лозим. Кимёвий ишлашини намунавий муддатлари 33 – жадвалда келтирилган;

— тамакини Вирджиния нав типига оид навларда касаллтикни авж
билишини камайтириш мәксадида түпгулини эрта чилпиш өзүншіліктердің
пәннелерини жүктөштөрмөн көрсөткөндең касаллардың көмегінен пайдаланып
тамактың касаллардың көмегінен пайдаланып көмегінен пайдаланып

— касаллардың көмегінен пайдаланып көмегінен пайдаланып көмегінен пайдаланып
тамактың касаллардың көмегінен пайдаланып көмегінен пайдаланып көмегінен пайдаланып
тамактың касаллардың көмегінен пайдаланып көмегінен пайдаланып көмегінен пайдаланып

35-жадвал

Тамаки майдонларидаги сохта ун шудринг касаллигига қарши кимёвий ишлашының мұддатлары

Ишлаш кетма-кетлеги	Вегетация даври бошланишида күчтікхона ва далада касаллар мавжуд бүлмаган	Күчтікхонада касаллар мавжуд эмес, далага екілгандар күчтіктарни үсүв даврида касаллар пайдо бүлгандар	Күчтікхонада касаллар мавжуд
Биринчи	Июн охирида	Касаллардың дастлабки белгилари пайдо бүлиши билан	Күчтік далага үткәзилганидан 10 – 14 кундан ке йин
Иккінчи	Сохта ун шудрингни дастлабки белгилари пайдо бүлиши билан	Биринчи ишловдан 10 кундан кейин ёмғир бүлиб, касаллар мавжуд олган шароитда	Ёмғир бүлса 10 кундан кейин Июн охирида
Учинчи	Иккінчи ишловдан 10 кундан кейин ёмғир бүлиб, касаллар мавжуд олган шароитда	Иккінчи ишловдан 10 кундан кейин, ёмғир ва касаллар мавжуд олган шароитда	10 кундан кейин Далада касаллар мавжуд
Көннингилары			Ёмғирли кунлар бүлгандар ишловни ҳар 10 кунда үтказыш

– тамакичилик фермер хўжаликларида карантин қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

Ҳаво ҳарорати унча баланд бўлмай, ҳаво намлиги юкори бўлганда тамакини переноспориоздан ҳимоя қилиш учун кимёвий ишлашни кўп марта, яъни ҳар 4-5 кунда тақрорлаш керак. Ишчи эритмани сарфи ўсимликда 8-12 барг шаклланган даврда гектарига 400-500 литр, кейингиларида эса гектарига 600 – 800 л қилиб белгиланади.

Тамаки майдонларини сохта ун шудрингга қарши кимёвий препарат қўлланилганда ишчи эритмага тамаки трипси ва шафтоли битига қарши тавсия этилган препаратлардан бирини аралаштириш мумкин (аралаштириш препаратларни бир-бирига таъсир этган ҳолда).

Тамакининг ун шудринг касаллиги. Ун шудринг касаллиги тамакининг замбуруғли касалликларидан бири бўлиб, тамаки баргларида оқ унсимон губорлар пайдо бўлади. Заарланган ўсимлик баргларида оқ қуқунланувчи губор дастлаб кичик доғлар қўринишида пайдо бўлади. Кейинчалик улар ўсиб, барг япрогинин катта қисмини ёки уни бутунлай камраб олади. Тамаки ўсимлигининг ун-шудринг касаллиги билан аввал пастки барглари ва кейинчалик касаллик юкори баргларига тарқалади. Баргнинг ун шудринг билан касалланган қисми куриганидан кейин қўнғир тус олади.

Ун шудринг касаллигини – *Erysiphales* тартибига мансуб *Erysiphe cichoracearum DC. f. nicotianae Jacz.* халтали замбуруғи келтириб чиқаради. Унинг халтали даври – халтаспора ва халтали клейстотецийси жуда кам ҳосил бўлиши билан ўтади. Замбуруғ жуда кўп конидиал спора ҳосил қиласи ва бу даври *Oidium tabaci Thiel* деб номланади. Конидиялари занжир қўринишида ҳосил бўлади. Ўсимликлар вегетацияси даврида замбуруғ конидиялари ёрдамида атрофга тарқалади.

*E. cichoracearum*нинг қишлиш масаласи хозиргача яхши ўрганилмаган. Айрим бегона ўтлар патогеннинг резервацияси бўлиб хизмат қиласи. Замбуруғ мицелий шаклида қишлиди, баҳорда уларда конидиал споралар ҳосил бўлади. Касаллик кучли ривожланганда тамакининг барча ҳосили нобуд бўлишига олиб келади, чунки куритишда баргнинг губорли қисми қўнғир туси киради. Тамакининг навдорлиги кескин пасаяди.



41-расм. Ун шудринг касаллигинин г тамаки баргидаги белгилари

Ўзбекистон шароитида тамаки майдонларида ун-шудринг касаллиги кам учрайди (Умурзоков, 2012). Лекин, кейинги йилларда тамакининг Шарқ нав типларига оид навларида, яъни Измир, Басма наиларида касалланган ўсимликлар учрамоқда.

Бир кеча-кундузлик ўртacha ҳарорат юқори бўлмаганда ($16-20^{\circ}\text{C}$) иш ёмғир тез-тез ёғиб турганда ёки шудринг ҳамда туман давомли бўлганда ўсимликларнинг жадал ривожланиши даврида ун шудрингнинг ривожланиши учун қулагай шароит вужудга келади. Ҳавонинг нисбий намлиги 70% дан паст ва ҳарорат 20°C дан юқори бўлганда касалликнинг депрессияси кузатилади.

Тамаки ўсаётган ооспоралар билан хам зааррланиши мумкин, улар тупроқдан ўсимликка илдизининг зааррланган жойи оркали қиради. Замбуругнинг уруғларда мицелий ва ооспора қўринишида учраши тўғрисида хам маълумотлар мавжуд. Аммо инфекциянинг пайдо бўлиши ва юзага келишининг асосий манбай йил давомида тамаки етишириладиган жанубий мамлакатлардан ооспораларни олиб келаётган шамол оқими хисобланади.

Конидиялар конидия ташувчиларда асосан зааррланган баргларни пастки қисмида ҳосил бўлади. Конидияларни инкубацион лири, униши, ўсимликни зааррлаши ҳаво ҳарорати ва намлигига чамбарчас боғлиқ. Уларни униб чиқиши ва ривожланиши учун қулагай ҳавонинг ҳарорати $15-20^{\circ}\text{C}$ ва ҳавонинг нисбий намлиги 70 – 80 % хисобланади. Бундай шароитда 4-5 кунда замбуруғ барг

тұқымаларидан ривожланишга ва етарлы міндердә озік модда йигишиңа улгурады ва бу эса янги конидияларни ҳосил қилиш имкониятини яратади.

Об-хавонинг курук ва иссик бұлиши замбуруғ фаолиятini тұхтатиб құяды ва конидиялар ҳосил бүлмайды. Замбуруғны ривожланиши, спора ҳосил қилиши ва үсимликни заарлаши учун булатли об-хаво ва ёмғир қулай хисобланади. Очиқ күёшли кунлар конидияларни үсишига салбий таъсир күрсатади. Конидияларининг үлчами үртача 18,4x15 дан 28x17 микронгача үзгәради.

Күпгина тадқиқоттар конидияларини яшаш даври улар пишиб етилганидан кейин 2-5 кундан ошмаслигини хабар беришган (Hill, 1961; 1962; Rider, Cruickshank, Bradley, 1961). Айрим муаллифлар конидиялар узоқ вакт үз ҳаёттій фаолиятini сақлаб қолиши ҳақида хабар берғандар. Немис олим Pawlik (1998) айрим конидиялар ҳаёттій фаолиятini 117 кунгача сақлаб қолишини исботлаган.

Вегетация даврида паразитнинг асосий манбаси ва күпайиш усули конидиялар хисобланади. Тамаки баргларига тушиб намлик хисобига улар гифа үсимталари шаклида үсіб чиқади. Гифа үсимталари ҳосил қиласы да үннинг ёрдамида тамакини барг эпидермисга ёпишиб олади. Кейинчалик кутикула орқали хужайрага киради, бунда улар инфекцион иплар ҳосил қиласы, инфекцион иш нормал үлчамгача қалинлашади, гаусториялари билан бошқа хужайраларга кириб боради ва үзининг ривожланиши учун озік моддалар да сувни үзлаштира бошлади.

Паразит шкастлаган хужайрада хлорофилл бузилади ва шкастланган жойға үзігі ҳос мойли хлоротик доғлар пайдо бүләди. Агар ташқи шароит паразитни ривожланиши учун қулай бүлса, мойли доғ орқа томонида замбуруғ құзғатувчиларини конидия ташувчиларидан конидиялар ҳосил бүләди. Конидиал занжир ташқи мухит қулай бүлса жуда тез такрорланади.

С.Е. Грушевой (1980) маълумотларига күра, агар барг юзасининг 25% үн-шудринг билан шкастланса, ҳосилни 25% и нобуд бүләди ва ҳосилнинг 25% и сифати талабға жавоб бермайды. Кучли заарланганда ҳосилни ҳамма қисми сифатсиз ҳолға келиб қолади.

Үн-шудринг касаллиги билан Марказий Осиё мамлакатларидаги тамаки плантациялари кучли заарланиши олимлар томонидан зытироф этилган (В.И. Володарский, 1980, Умурзаков, 2018).



42-расм. Ун шудринг касаллиги билан шкастланган тамаки барги.

Ун-шудринг касаллиги билан одатда қүёш яхши тушмайдиган ва нам ҳаво шароитидаги барглар шкастланади. С.Е. Грушевой маълумотига кўра, ҳаво ҳарорати ва намлиги ун-шудринг касаллигини ривожланишида асосий омил эканлиги аниқланган.

Ҳавонинг нисбий намлиги 100% бўлганда тамаки баргларини ун-шудринг касаллиги шкастлайди, лекин улар ташки кўриниши бермайди. Ун-шудринг касаллигини ривожланиши учун қулай ҳарорат кечаси $16\text{--}18^{\circ}\text{C}$ ва кундузи $20\text{--}26^{\circ}\text{C}$ бўлиб, ҳаво намлиги ўртача бўлиши ҳисобланади. Ун шудринг тамаки ўсимлигини ҳамма ривожланиш даврларида заарлайдиган ҳавфли замбуруғ касаллик ҳисобланади. Эпифитотия йилларида бу касаллик орқали ҳосилнинг 50 % гача нобуд бўлиш аниқланган (Ҳасанов, 2009).

Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд вилояти Ургут туманида тамакичиликга ихтисослашган фермер хўжаликларида 2011 ва 2014 йилларда ун шудринг касаллигининг эпифитотияси кузатилган.

С.Е.Грушевой маълумоти кўриниб турибдики ҳавонинг нисбий намлиги 60-100 % бўлганда ва ҳаво ҳарорати $11,0\text{--}25,0^{\circ}\text{C}$ бўлганда ун шудринг касаллигининг оидияларни кучли ўсиши, ҳавонинг нисбий намлиги 60-75 % ва ҳаво ҳарорати $16,0\text{--}23,6^{\circ}\text{C}$ бўлганда тамакини кучли заарлаши кузатилган.

36-жадвал

**Тамакини ун-шудринг билан касалланишига ҳаво ҳарорати ва
намлигини боғлиқлиги
(С.Е.Грушевой маълумоти)**

Касалликни юқиши ва уни ривожланиши	Тамакида ун шудринг билан касалликланиш шароити	
	ҳаво ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	ҳавонинг нисбий намлиги, %
Оидияларнинг кучли ўсиши	11,0- 25,0	60-100
Тамакини кучли заарлаши	16,0- 23,6	60- 75
Оидияларни кучли ҳосил бўлиши	18,0-23,0	---
Оидияларни кучсиз ўсиши	5-8 ва 27-34	40
Тамакини кам заарлаши	16 дан паст	40-48
Оидияларни кучсиз ҳосил бўлиши	14-17 ва 25- 30	---
Оидияларни ўсиши тўхтаган	1,9 ва 41	---
Тамакини заарлаши тўхтаган	10 да кам 26,2 дан юқори	---
Оидиялар ҳосил бўлиши тўхтаган	12-14 ва 30 дан юқори	---

Ҳавонинг нисбий намлиги 40 % бўлганда ва ҳаво ҳарорати 5-8 ва 27,0-34,0 $^{\circ}\text{C}$ бўлганда ун шудринг касаллигининг оидияларни кучсиз ўсиши, ҳавонинг нисбий намлиги 40-48 % ва ҳаво ҳарорати 16,0 $^{\circ}\text{C}$ дан паст бўлганда тамакини кам заарлаши кузатилган. Ҳавонинг нисбий намлиги камайганда ва ҳаво ҳарорати 1,9 ва 41,0 $^{\circ}\text{C}$ бўлганда ун шудринг касаллигининг оидияларни ўсиши тўхтаган, ҳавонинг нисбий намлиги бўлмаган ва ҳаво ҳарорати 10,0 $^{\circ}\text{C}$ дан паст ва 26,2 $^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлганда тамакини заарланиши тўхтагани кузатилган (36-жадвал).

43-расм. Ун шудринг касаллигининг тамаки баргидагиги белгилари



Шкастланган тамаки баргларидаги доғлар жигар ранг ёки сарик тусда бўлиб, уларнинг диаметри 5-20 мм ни ташқил қиласди (Умурзаков, 2013). Шкастланган барглар юпқалашади ва улар энлиб кетишига мойиллиги ошади.

37-жадвал.

**Тамаки баргининг кимёвий таркиби ун шудринг билан заарланиш даражасини таъсири
(И.И.Дячкин, Л.В.Лысенко маълумоти)**

Ун шудринг билан заарланиш даражаси	Курук модда, 100 мг са/мг	Кимёвий таркиби, 100 мг са/мг				
		эрувчан углеводлар	азот		оксил	никотин
			умумий	оксили		
Назорат (касалланмаган)	1520	20,4	55,0	30,2	185,9	35,6
5% гача	1500	17,5	60,0	30,7	192,0	33,8
25% гача	1502	15,0	61,1	30,8	192,5	34,1
50% гача	1500	16,0	57,0	30,2	189,0	34,4
50% дан ортиқ	1445	15,5	54,4	31,4	196,0	33,0

Бутунrossия тамаки ва махорка экинлари ИТИ олимлари профессори И.И.Дячкин, Л.В.Лысенко маълумотларига кўра, ун шудринг билан шкастланган тамаки баргларида курук модда миқдори, эрувчан углеводлар ва никотин камайганлиги аниклangan. Оксил ва умумий азот миқдори ўзгармас қолганлиги аникланди.

Тамакнинг ун шудринг касаллигига қарши кураш. Ҳозирги вақтда ушбу касаллик билан шкастланиш анча камайган бўлсади, ушбу муаммо ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ун шудринг касаллигига қарши бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган, шу билан бирга чидамли навлар ҳам яратилган. Лекин тамакичиликда ҳозирги даврда ҳам ун шудринг касаллиги билан ўсимлик шкастланмоқда. Ушбу касалликлар асосан баҳор серёғин, нам кўп бўлган йилларда патогенни ривожланиши учун қулай шароит пайдо бўлиб тамаки етишириладиган хўжаликларда сезиларли даражада тамаки баргларини шкастланишига сабаб бўлмоқда.

38-жадвал

**Ун шудринг касаллигига қарши қўчатхонада қўлланилган
ридомилниң техник самарадорлиги**

(Б.Г. Иваненко, А.И. Назарова маълумоти)

Фунгицидлар	Концентрацияси таъсир этувчи модда ҳисобида, %	Касалланган қўчатлар сони, %	Касалликни ривожланиши даражаси, балл
Ридомил- 1 концентрация	0,05	0	0
Ридомил- 2 концентрация	0,033	0	0
Сенеб (эталон)	0,3	7,7	1
Назорат (сув билан ишлаш)	---	67,5	4
Ридомил- хафтасига 2 марта ишлаш .	0,02	---	---
Ридомил-10 кунда бир марта ишлаш	0,02	---	---
Сенеб (эталон)	0,3	9,1	1
Назорат (сув билан ишлаш)	---	70,1	3

Б.Г.Иваненко ва А.И.Назаровалар (1996) тамаки күчатхонасида ридомил препаратини синааб кўрган ва уларнинг тажриба натижалари куйида (38-жадвал) келтирилган.

Ушбу натижалар таҳлил килинганида, ридомил препарати тамаки күчатларини ун шудринг касаллигидан умуман ҳимоя қилинганилиги аниқланди. Бунда препаратни техник самарадорлиги 100 % ни ташкил қилди.

Б.Г. Иваненко, А.И. Назароваларнинг ун шудринг касаллигига карши күчатхонада кўлланилган ридомилнинг техник самарадорлиги ридомил препарати икки хил концентрацияда кўлланилганда ҳам касалланган кўчатлар аниқланмаганлиги тадқиқотчилар кўрсатиб ўтилган (38-жадвал).

Ун шудринг касаллигига қарши ридомил препаратини иктисодий самарадорлигини жадвалда келтирилган. Бунда назорат (ишловсиз) сенеб (80 %, 0,4 %) ва ридомил (25%, 0,4%) вариантлари ишлаб чиқариш тажрибаси қўйилган. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, тамаки майдонида ридомил препаратини ун шудринг касаллигига қарши қўллаш ҳосилдорликни оширган.

39- жадвал

Ун шудринг касаллигига қарши ридомил препаратини кўллашнинг иктисодий самарадорлиги (Б.Г. Иваненко маълумоти)

Тажриба вариантлари	Ҳосилдорлик ц/га	1 ц наў ҳосил киймати, руб	Соф фойда, га/руб
Ридомил (25%, 0,04%)	16,0	728	300,67
Сенеб (80%, 0,4%)	15,5	725	50,0
Назорат (ишловсиз)	15,0	724	0

Вегетация даврида ун шудринг ва бошқа касалликларга қарши курашиш учун ҳам ўсимликларга тўрт марта фунгицидлар билан ишлов бериш лозим. Ишлов бериш навбатдаги барг йиғишдан камида 8 кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари ун шудринг касаллигига қарши ўсимликларга коллоид олтингугуртнинг (3 кг/га) 1% ли суспензиясини пуркаш ва касаллик бошланганда биринчи ишлов беришдан 7-8 кун ўтгач майдаланган олтингу-гуртни (15-20 кг/га) чанглатиш тавсия этилади.

**Тамакининг ун шудринг касаллигига қарши курашда
қўлланиладиган препаратлар рўйхати**

Препарат номи	Сарф меъёри, га/кг ёки га/л	Препарат таркибидаги таъсир этувчи модда	Бир мавсумда кўпи билан неча марта ишлатилиди
АЗОКС 25% сус.к. (250 г/л)	0,8	Азоксистробин (azoxystrobin)	2
А-КВАДРО 25% сус.к. (250 г/л)	0,8	Азоксистробин (azoxystrobin)	2
ГРАПДРИС 25% сус.к. (250 г/л)	0,6	Азоксистробин (azoxystrobin)	2
КВАДРИС 25% сус.к. (250 г/л)	0,8	Азоксистробин (azoxystrobin)	2
АГРО- АЗОКСДЕФЕН 32,5% эм.к. (200 г/л + 125 г/л)	0,5	Азоксистробин + Дифеноконазол (azoxystrobin + difenoconazole)	2-3
АЗОКСИФЕН 32,5% сус.к. (200 г/л + 125 г/л)	0,5	Азоксистробин + Дифеноконазол (azoxystrobin + difenoconazole)	2-3
АЛТИС ПРЕМЬЕР сус.к. (37,5 г/л + 62,5 г/л)	0,5 - 1,0 - 1,5	Азоксистробин + Пропиконазол (azoxystrobin + propiconazole)	2-3
КВАДРИТ 35% сус.к. (150 г/л + 200 г/л)	0,3 – 0,5	Азоксистробин + Тебуконазол (azoxystrobin + tebuconazole)	2-3
А-БЕНОМИЛ 50% н.кук. (500 г/кг) (Б)	1,5	Беномил (benomyl)	3

Вегетация даврида ўсимликларни ўз вақтида парваришилаш, ўгитларни түғри қўллаш ва агротехникага қатъий риоя қилиш ўсимликларнинг касалликларга чидамлилигини юқори даражада оширади.

Қатор орасидаги бегона үтларни йўқотиш, суғориш режимига амал қилиш ун шудринг касаллигини камайиши ва тарқалиши олдини олади.

Тамакининг бошқа замбурургли касалликлари. Фузариз.

Айрим хорижий мамлакатларда, жумладан Абхазия ва Россиянинг Қирим вилояти ва Украинада учрайди. Касаллик поянинг пастки қисмидан пўстлогини заарлайди ва у поянинг учки қисмига ўтмайди. Касалликни *Fusarium sp.* Замбуруғи келтириб чиқаради. Касалланган жойдан турли ўлчамли микроорганизмлар ($2,5 - 4,5$ x $4,0 - 22,5$ микрон) ва хломидаспоралар топилган (И.П.Худина).

Тамакини сўлиши *Fusarium oxysporum Schlecht, wr.var.nicotianaе* таъсирида айним хорижий мамлакатларда қайд этилган касаллик ўсимликтин пўстлогини чиритмайди, асосан томир тизимини заарлайди ва натижада у сўлий бошлайди. Касаллик ўсимликтин илдизидан жароҳатлар орқали (кўчат экиш вақтида) ўтмайди. Илдиз тизимини айрим қисмлари нобуд бўлади. Илдизни кўндаланг кесимида томирларни кўнгир тус олганлигин кўрамиз, касалланган жойни босиб кўрилса ундан шиллик чиқмайди. Бундан бу касаллик бактериали сўлиш касаллигидан фарқ қиласди. Тупроқ ҳаво ҳароратини ошиши ($28-31^{\circ}\text{C}$) касалликни авж олдиради. Ҳароратни пасайиши касалликни ривожланиш даражасини камайтиради.

Бундан ташқари, тамакида *Fusarium affine Scherb.* қўзғатадиган тамаки парша касаллиги қайд этилган. Касаллик кўчатни чиришига олиб келади, даладаги ўсимликларнинг пастки баргларида доғлар ҳосил қиласди. Бу доғ очиқ кўнгир, юмалоқ бўлиб, барг юзасининг турли нукталарида пайдо бўлади.

Жанубий склероциал чириш касаллиги асосан Кавказ орти тамакичилик худудларида учрайди. Бу касаллик билан кўчат заарарланмайди. Далада асосан ўсимлик пояси ва илдизи чирийди. Барглар сўлиб курийди. Шкастланган қисмларида замбуруғнинг оқ мицелий иплари яхши кўриниб туради. Замбуруғнинг бу босқичидагиси *Sclerotium Rolfsii Sacc.*, такомиллашгани *Hypochnus centrifugus Taub.* дейилади. Шкастланган ўсимлик атрофидаги тупроқда замбуруғнинг оқ мицелийларини кўриш мумкин.

Замбуруғ ўсиши учун кулай ҳарорат 24-32⁰С. Склероциялари асосан тупроқ юза қисміда жойлашади ва бу қисміда узоқ вақт сақланади. Маълумотларга кўра, тупроқнинг юза қисмини қиздириш склероцияларни нобуд бўлишига олиб келади.

Тамакидан ташқари, сабзавот экинлари, илдизмевали ва туганак мевали экинлар, ёнғок ҳам заарланади. Бир қатор бегона ўтлар ҳам шкастланади.

Касалликга қарши кураш чоралари куйидагилардан иборат:

- Кўчатхона тупроғи ва озиқ аралашмани юкумсизлантириш;
- Алмашлаб экишдан тўғри фойдаланиш;
- Бегона ўтларга қарши кураш;
- Қатор ораларини ишлаш ва уни юза тупроғини куритиш.

Оқ чириш. Тамаки кўчачини ва даладаги ўсимликларда ҳаво намлиги юқори бўлган тамакичилик худудларида учрайди. Касаллик ёмғир кўп бўладиган унумдор тупроқларда тамаки етиштирилса авж олади. Далада ўсадиган ўсимликларда пояси ва барг банди бўйлаб оқиш кулранг ленталар пайдо бўлади, қорайиб чирий бошлайди, нам ҳавода шиллик пайдо қиласи, куруқ ҳавода эса оқиш товланади. Шкастланган поя чирийди ва ўсимлик нобуд бўлади. Касалланган поянинг ички қисми *Sclerotinia Libertiana Fkl.* (*Sclerotinia nicotianae Ould. et Kon*) замбуруғнинг оқ мицелийлари босиб кетади. Склероциялари тупроқда 3-4 йил яшайди ва улар асосан тупроқни юза қисміда (5 см чуқурлиқда) жойлашади, асосан шу қисмдаги склероций униб чиқади. Склероцийлар сумкаларида аскоспоралар ҳосил қиласи ва улар 50 метргача бўлган ўсимликларни заарлайди. Соғлом ўсимликга аскоспоралар ва мицелийлар жароҳатлар орқали ўтади.

Россиянинг Крим ўлкасида тамаки кўчачларида бошқа турдаги замбуруғ *Sclerotinia minor Ladd* топилган ва у кўчачларни чиришига олиб келади.

Қарши кураш тадбирлари тупроқни склоцийлардан юкумсизлантиришдан иборат.

Кулранг чириш. Касаллик катта ёшдаги тамаки пояси, гули ва баргини чиришига сабаб бўлади. Шу билан бирга, кўчат поясини ҳам чириши ҳам қайд этилган. Шкастланган баргларда куруқ ҳавода атрофи сариқ хошияли йирик қўнгир додлар ҳосил бўлади. Шкастланган барг ва поялар ҳўл чириш ривожланади, уларнинг юзасида *Botrytis cinerea Pers.* замбуруғнинг конидиялари кулранг губор ҳосил қиласи. Мицелий ва конидияларидан ташқари, унча

катта бұлмаган кора склероцийлар ривожланади. Склероцийлар аскоспора ҳосил қиласы. Сумкали босқичдаги замбуруғ *Sclerotinia Fuckeliana* Fuck. деб номланган.

Тамакида кулранг чириш ҳаво ҳарорати 20⁰C атрофида бұлғанда ва күп ёмғирли күнларда жадал ривожланади. Ушбу касаллик нам омборхоналарда сақлананаётган куритилған тамаки хом ашёсида ҳам пайдо бўлиши қайд этилған.

Касалланган майдонлар бир қатор Европа мамлакатларида, Қора денгиз бўйларидағи тамаки майдонларида учрайди. Кўпинча касаллик шкастланган кўчатни далага ўтқазиш орқали майдонда пайдо бўлади.

Поянинг қорайиши (Black shank). Асосан пояси ва илдиз шкастланади. Далага ўтқазилған тамаки кўчатлари касалланганда тезда чириб кетади, катта ёшдаги ўсимлик заарланганда эса сўлиб қолади, уларга поясининг пастки қисми ва илдизи чирий бошлайди. Тамаки баргларини узиш вақтида пайдо бўладиган жароҳат орқали инфекция кирганда пояни пасти ва устки қисмida чириш тарқалади. Поя ўртаси қуриб, парчаланиб кетади. Тамакининг пастки қават барглари чирийди, тепа баргларидан эса 2-5 см диаметри айлана доғлар пайдо бўлади. Доғлар пастки баргларни қуриш жараённида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Куриган доғларнинг ўлчами катталашмайди.

Касалликни қўзғатувчиси *Phytophthora nicotianae* Breda de Haan. замбуруғи ҳисобланади, замуруғ 2 типдаги, яъни зооспора ва ооспора ҳосил қиласы. Асосан касаллик жароҳатлар орқали юқади. Касаллик қўзғатувчиси кўпгина ҳолларда баргнинг орқа томонидан соглом тўқималарга ўтади. Касалликни ривожланиши учун нам ҳаво ва ҳарорат 30-35⁰C бўлиши қулай, ҳаво ҳарорати 20⁰C дан паст бўлиши инфекция учун нокулай ҳисобланади. Курук тупроқда замбуруғ нобуд бўлади.

Нам қоронғу жойларда, гўнг уюмларда замбуруғ келгуси йилгача сақланиши мумкин. Касаллик кўпгина хорижий мамлакатларда тамаки майдонларида кенг тарқалган.

Кўчат чириши. Ушбу замбуруғли касаллик қўзғатувчилари тамаки кўчатини поясини чиритади. Касаллик бошланғич даврда илдиз бўғимини заарлайди, қулай шароитда ривожланишда давом этади, поянинг асосий қисмини шкастлайди, бунда поя ингичкалашиб, кўчат ётиб қолади ва чирийди. Одатда касаллик

күчатхоналар шамоллатилмаган шароитда зич ўстирилган нимжон күчатларда пайдо бўлади. Бу ҳолат күчатларни тез ўстириш холатида күчатхонани кўп вақт плёнка билан ёпиб қўйиш ва азотли ўғитлар билан бир ёқлама озиклантириш туфайли юзага келади. Күчатлар күчатхонада меъёрида етиштирилса (1 кв.м майдонда 2,5-3 минта күчат) тўлик азот, фосфор ва калийли ўғитлар билан озиклантирилса ҳамда күчатхона вақти-вақти билан шамоллатиб турилса күчат чириш касаллиги пайдо бўлмайди. Күчат чиришини одатда ҳаво ҳарорати 20 °C дан ошганда *Rhizoctonia sp.*, ҳарорат бўлганда паст ҳароратда (16-19°C) *Pythium debaryanum* замбуруғи чакиради. Бундан ташқари хорижий мамлакатларда күчат чиришини *Pythium perniciosum Serb.* замбуруғи ҳам келтириб чиқаришлиги аникланган (И.А.Сербинов). Ушбу замбуруғни зооспорангийлари узунчоқ бўлиб замбуруғ шоҳи билан бир хил қалинликга эга бўлганлиги учун унинг давомидай тасаввур қилинади. Унинг ооспоралари бурчакли, 18-23,5 микрон диаметргача бўлади. Күчатхоналарда тайёр күчатларни экишга саралаб олишда күчат чириш касаллиги соғлом ўсимликларга юқади ва натижада улар касалланиб нобуд бўлиши мумкин. Күчат чиришини қўзғатувчилири тупроқ оркали ўтиб ҳам ёки атрофдаги күчатхоналарни шкастлаши мумкин. Бундан ташқари, күчатхонада ишловчи ишчилар ҳам күчат чиришини тарқатиши мумкин. Шу сабабли күчатхоналарда күчат чириш касаллигига қарши қўйидаги тадбирлар кўллаш тансия этилади:

- күчатхона субстратини (күчатхона юза тупроғини ва озикли аралашма) юқумсизлантирилади;
- күчатхона ҳар метр квадратга меъёрида уруғ сепишиш (шаркий навлар учун 1 кв.м га 1 гр ва Вирджиния нави учун 10 кв.м майдони 0,6-0,8 гр);
- күчатхонада күчатларни зичлигини меъёрий ҳолда ушланиш;
- күчатхоналарни мунтазам шамоллатиш;
- күчатхоналарни меъёрий миқдорда ва тўлик ўғит таркиби билан озиклантириш;
- күчатларга мис купороси, ридомил ёки бордос суюклини сепишиш;
- касаллик ўчогини йўқотиши;
- күчатхонада ишлатиладиган асбоб-ускуналар мунтазам юқумсизлантирилади;

- күчатхона ишчилари санитария – гигиена қоидаларига риоя қилиши;
- күчатхона алмашлаб экиш қоидаларига риоя қилиш (күчатхона майдонини ҳар йили алмаштириб туриш);
- күчатхона атрофини ўраш;
- күчатхонага фақат чириган гүнг ишлатиш.

4.2.2. § Тамакининг вирусли касалликлари.


Тамаки вирус касалликлари биринчи марта Д.И.Ивановский томонидан кашф қилинганд. Ўзбекистон шароитида тамаки барги чипорланиши (мозаика) вирус касаллиги тамакидан ташқари номидор, қалампир ҳамда бошқа кўпгина сабзавот ўсимликларида ҳам учрайди.

Ургут туманидаги тамаки етишириладиган хўжаликларда вирус касалликларини аниқлаш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз натижасида тамаки мозаикаси вируси касаллиги борлиги аниқланди. Тамаки мозаикаси вируси касаллигига тамаки барги рангсизланади, баргларда оч-яшил, кўпинча сарғиш доғлар косил бўлади. Бу касаллик вирус заррачалари таёқча шаклида бўлиб, қуритилган баргда ҳатто 20 йилдан ошиқ сақланиши мумкин. Шунинг учун ҳам тамаки тамаки экиладиган майдонларни кузги шудгор қилиш ҳам ўсимлик ўсаётган майдон атрофи увотларини бегона ўтлар ҳамда кўп йиллик ёввойи ўсимликлардан тозалаш шурур, чунки бу ўсимликлар вирусларни сақлайдиган манбалар бўлиб, ҳашаротлар ёрдамида ўсаётган соғ ўсимликларга ўтади.

Тамаки уруғида ҳам 5-10 фоизгача вируслар сақланади. Шунинг учун уруғни экишдан олдин формалин билан юкумсизлантирилади. Күчат тайёрланадиган жой 40-50 минут давомида 100°C қиздирилса, вирусларнинг парникларида манбаи бўлган ўсимлик қолдиқлари бегона ўсимлик уруғида сақланган вируслар ҳаётийлик фаоллигини йўқотади. Натижада нафакат вирус балки замбуруғ, инстериали касалликларини қўзғатувчилари ҳам нобуд бўлади.

Тамакини вирус касалликларининг тавсифи. Тамакини вирус касалликлари тамакичилик худудларида кенг тарқалган. Ушбу ўсимликлар, айниқса тамаки мозаикаси, хлороз ўсимликнинг инхосулдорлигига кескин таъсир кўрсатади. Вирус касалликлари

құзғатувчи вируслар тамаки үсимликларнинг хұжайра шарбати мухитидә яшайды.



44-расм. Тамаки баргининг вирусли касалліклар билан шкастланиши.

У шарбат мухити орқали жуда тез бутун үсимлик қисмларига тарқалади. Вируслар жуда кичик хұжайра бўлиб, улар 10 минг марта кўпайтириш имконияти бўлган микроскопларда кўринади. Масалан, тамаки мозаикаси вирусининг узунлиги 300 миллимикрон ва унинг калинлиги 15 миллимикрон ўлчамида бўлади.

Тамаки майдонларида кўп миқдорда вирус касалліклари билан шкастланган үсимликлар учрайди. Тамаки үсимлигига қўйидаги вирус касалліклари учрайди: хлороз (үсимлик учки баргларида); тамаки мозаикаси; бодринг мозаикаси; халқали доғланиш.

Тамаки касалліклари ва заарқунандалари ҳар йили ўртача хосилдорлик 25-30% га камайишига сабаб бўлади. Бундан ташқарни олинган маҳсулотнинг сифати пасайиб, етиштириш харажатлари тўлиқ копламайди. Үсимликлар касалліклар тури иккига бўлинади: юқумли ва юқумсиз.

Юқумли касаллиқлар тамаки үсимлигига вирус, замбуруғ ва бактериялар таъсирида пайдо бўлади. Юқумсиз касалліклар ташқи нокулай шароитлар орқали қатқалоқ, сув етишмаслиги ёки кўплиги, тупрок сув ва ҳаво тартибининг бузилишидан келиб чиқади.

Тамаки касаллікларини келтириб чиқарувчи вирус ҳар хил йўллар билан: уруғлар, парник тупроқлари, үсимлик қолдиқлари,

шилатиладиган қуроллар, ҳашаротлар, бегона ўтлар, ёрдамида тирқалади. Касалликлар нотұғри агротехника, нокулай об-жаво шароитларыда янада тезрок ривожланади. Бу вактда касалликлар иимжон, суст ривожланган үсимликларда тез ва қулагай үрнапшиб ривожланади.

Тамаки уруғлари, күчатхона тупроқлари касалликни сақловчи ва миоддан авлодга ўтказувчи восита булып хизмат килади. Шунинг учун тамаки уруғлари, күчатхона тупроқлари, иш қуроллари профилактика учун юқумсизлантирилади. Экиладиган тамаки уруғларини фунгицидли сувда ивитеш йўли билан тарагисизлантирилади. Бунинг учун формалин 1:50 нисбатда сув билан аралаштирилиб, тамаки уруғи 10 минут шу эритмада сақланади ва 15 минут оқар сувда ювилиб, соя жойда қуритилади. Кейинчалик бу уруғларни ундириб экиш мумкин.



45-расм. Тамакининг Бирдженния нав типи.

Соғлом күчат тайёрлаш учун агротехник йўллар билан ҳам курашилади. Бунинг учун, аввало, ер ости сувлари чуқур жойлашган, қуёш нури яхши тегадиган ва тупроғи шўрланмаган майдонлар танлаб олинади.

Далада тамаки ўзига-ўзи ўтмишдош бўлмаслиги керак. Уни камидан икки йилдан сўнг қайта экиш мумкин. Тамакини касалликлар ва зааркундалари бир хил бўлган ўсимликлардан 1-1,5 см узоқликда жойлаштирилади. Экиладиган далалардан тамаки колдиклари, бегона ўтлар йўкотилади. Тамакининг юлиб олинган бачки ва айрим қолган барглари келгуси йили касаллик маъбада бўлмаслиги учун чукур қазиб кўмиб ташланади.

Кўчат экиладиган кўчатхоналар тупроғи келгуси йили алмаштирилади ёки касаллик ва зааркундаларига қарши кимёвий моддалар пуркалади. Кўчатхона бутун ёз давомида куёни очик қолдирилади. Кўчатхона иш куроллари ҳам 1:1,5 нисбатда тайёрланган формалинли эритмада ишланади. Иш куролларига эритма сепилиб 3-4 сутка брезент билан ўраб қўйилади. Ҳар йил баҳорда компост тайёрланади, компост чириётган пайтда ҳарорат $45-50^{\circ}\text{C}$ га етади. Уни чиримаган от тезаги, қўй ёки эчки гўнги билан аралаштирилиб, бу аралашма устига тупроқ солинади. Бу ишлар май ойида бажарилади. Кўчатхонага сув қўйиб, юмшатиб, бегона ўтлар ундириб олинади. Ҳамма тешиклар ёпилади. 10-12 см чириндиши аралашма 50-60 кун 45°C ҳароратда қиздирилади. Мана шундай зарарсизлантириш 2-3 марта ўтказилади.

Маълумки, Ургут тумани тоғ, тоғ олди ва текислик қисмлардан иборат бўлиб, тамакининг шарқ типига оид Дюбек 44-07, Измир, Басма ва скелет типига оид Вирджиния нави фермер хўжаликларида тамаки майдонларидаги касалликлар мониторинги ўтказилган.

41-жадвал

Тамакини вирус касалликларини кўчат даврида тарқалиши

Худудлар	Текширилган майдон, га	Касалланган ўсимликлар,%		
		<i>Tobacco mosaic virus</i>	<i>Cucumbe mosaic virus</i>	<i>Solanum virus</i>
Тоғ	30	0,3	1,0	4,3
Тоғ олди	35	0,1	0,1	3,0
Текислик	40	0,2	0,1	2,5

Асосан, вирус касалликларини турлари уларнинг ташки кўринишига қараб аниқланди. Уларнинг микдори 0,1% дан 0,3 фоизгача кўчатларда учраши аниқланди. *Solanum virus* эса 2,5% дан 4,3 фоизгача бўлганлиги қайд этилди.

Ургут туманинг тамаки майдонларида вирус касалликларини тарқалиши худуднинг табий шароитига боғлиқ эканлиги 42 – кунданда кўриш мумкин. Энг кўп вирус касаллиги текислик уруиди жойлашган тамаки майдонларида учратиш мумкин.

42-жадвал

Тамаки майдонларида вирус касалликларини тарқалиши (Умурзаков, 2019)

Худудлар	Вирус касалликлари билан шкастлаши					
	Памидор бронзаси	Халқасимон дөгланиш	Оқ пестрица (дөгланиш)	Бодиринг мозаикаси	Тамаки мозаикаси	Гравировка
Тоғ олди	0	1,3	2,6	0	2,0	1,5
Текислик	7,7	1,6	0,6	0,3	8,6	0
Тоғ	2,9	0	0	0,9	1,0	0



46-расм. Вирусли касалликлар билан шкастланган тамаки майдони.

Тамаки турлари ва навларини тамаки мозаикаси вирус штаммига чидамлилиги 41-жадвалда келтирилган.

**Тамаки турлари ва навларини тамаки мозаикаси вируси
штаммига чидамлилиги
(В.Д. Сердиченко маълумоти)**

Чидамлилик даражаси ва реакция тури	Тамаки тури ва нави
Иммун: ташқи белгилари касалланишда йўқ, вирус таркибида йўқ	<i>N. glauca</i> , <i>N. Knightiana</i> ,
N. glutinosatипига чидамли: инокуляция килинган баргларда некроз, тизимли белгилар йўқ, пайдо бўлган баргларда вирус йўқ	<i>N. glutinosa</i> , <i>N. Pauciflora</i> , <i>N. rustica</i> , <i>N. tabacum</i> : Транезонд 1867, Иммун 580, Остролист 2747, Американ 287, Дюбек киргиз 2898,
Латент ташувчилар: инокуляция килинган баргларда некроз бор, касалликни белгилари йўқ, янги пайдо бўлган баргларда вирус мавжуд	<i>N. alata</i> , <i>N. sanderae</i> , <i>N. Tabacum</i> : Транезонд 3078
Чидамсиз: баргларда инколуя килинганда некроз бор, янги баргларда касаллик белгилари мавжуд	<i>N. tabacum</i> : Транезонд 41, 15, 1272 Переможец 83, Иммун 29

N. glance ва *N. knightiana* турларида вирус касалликларини ташқи белгилари умуман қузатилмаганлиги В.Д. Сердиченко маълумотларида ёритилган.

Тамакини *N. alata*, *N. sanderae*, Трапезонд 3078 тур ва навларининг вирус касаллиги юқтирилган баргларида касаллик белгилари янги хосил бўлган баргларида пайдо бўлганлиги аниқланган. Бу нав ва типларни чидамлилик даражаси ўртacha эканлиги тадқиқотчи томонидан белгиланган.

Тамаки ўсимлигининг Трапезонд 41, 15, 1272, Переможец 83, Иммун 29 навлари вирус касаллигига чидамсиз эканлиги аниқланган. Ушбу навларда инокуляция килинганида баргларда некроз бўлиб, вирус касаллик белгилари яққол намоён бўлганлиги муаллиф томонидан исботланган.

Бутуниттифок (ҳозирги Бутунrossия) тамаки ва махорка экинлари илмий- тадқиқот институти илмий ходими, қишлоқ

хұжалик фанлари номзоди В.М. Соловьевы тамакини турли агрозекотип навларини вирус касаллиги билан, хусусан помидорни бронза вируси ва тамакини мозаика вируси билан шкастланишини ўрганған. Унинг маълумотларини 42-жадвалда тақдил үчун келтирамиз.

Тамаки, помидорни бронза вируси билан энг күп шкастланиши Бразиль Бахия 1141 (46,4%) навида кузатилди. Бу күрсатқич Берлей белый навида 34,6 %, Дюбек 44 навида 28,7 %, Вирджиния Брайт навида 28,2%, Трапезонд Кубан 8 навида 23,1%, Переможец 83 навида эса 21,6%, Трапезонд Л навида 32,3%, Мариланд 1460 навида 20% бўлганлиги тадқикотчи томонидан қайд этилган. Қолган навлар 10-15% гача помидорни бронза вируси билан касалланган.

Ушбу тадқикотчи тамаки ўсимлигини тамакини мозаика вируси билан шкастланишини ўрганған ва натижада тамакини Трапезонд 1272 нави ушбу турдаги вирус билан 3,2%, Вирджиния Брайт нави 0,9 % ва Трапезонд Кубан 8 нави 0,3% шкастланганлиги аниқланган. Ургут туманида етиштирилаётган Дюбен нав типлари помидорни бронза вируси билан ўртacha шкастланади, мозаика вируси билан эса умуман шкастланмайди.

44-жадвал

Тамакини турли агрозекотип навларини вирус касаллиги билан шкастланиши (В.М. Соловьева маълумоти)

Тамаки навлари	Памидорни бронза вируси, %	Тамакини мозаика вируси, %
Дюбек 44	28,7	0
Самсун 27	13,4	0
Тик Кулок 92	12,0	0
Американ 572	13,0	0
Транезонд 1272	14,6	3,2
Трапезонд Кубан 8	23,1	0,3
Трапезонд Л	32,3	0
Переможец 83	21,6	0
Бразиль Бахия 1141	46,4	0
Вирджиния Брайт	28,2	0,9
Мариланд 1460	20,0	0
Берлей белый	34,6	0
Гавана	15,0	0
Суматра	10,0	0

Россия Федерациясининг Краснодар шаҳридаги Бутунрессия тамаки ва маҳорка экинлари илмий-тадқиқот институти, ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди С.П. Киселёва тамакини турли навларини вирус касалликлари билан шакастланишини ўргангандаги маълумотлари 43-жадвалда келтирилган.

Унинг тадқиқот натижаларини таҳлил қилганимизда, тамакини Остролист 450 нави, тамаки мозаикаси билан 0,22%, бодринг мозаикаси билан 0,21%, оқ пестрица билан 1,2%, помидор бронзаси билан 6,0% касалланганлиги келтирилган.

Тамакининг Трапезонд 219, Остролист 2747, Американ 273, Трапезонд 87 ва Самсун 959 навлари вирус касалликларини турлари аникланган. Ушбу навлар ҳўл монтарь вирус касаллиги билан умуман заарлланмаган.

45-жадвал

Тамакини турли навларини вирус касалликлари билан заарланиши (С.П. Киселева маълумоти)

Навлари	Тамаки мозаикаси	Бодринг мозаикаси	Оқ пестрица	Ҳалқасимон доғланиш	Ҳўл монтарь	Помидор бронзаси	Гравировка
Остролист 450	0,22	0,21	1,2	0	0	6,0	6,5
Трапезонд 219	0	4,5	0	4,5	0	5,0	0
Остролист 2747	0	0	3,1	5,1	0	0,5	0
Переможец 83	1,7	0	2,8	2,4	0,2	0	0,4
Американ 273	0,03	0	0	0,2	0	0,2	0
Трапезонд 87	0	0	0	0,2	0	0,25	0
Самсун 959	0,3	0,02	0	0	0	1,4	0
Иммунный 580	0,5	0	1,30	1,3	0	0,1	0,7

Демак, тамаки вирус касалликлари турлари билан заарланиши турли навларда турли хил булишлиги исботланган. Тамакини айрим навлари тамаки мозаикаси, бодринг мозаикаси, оқ пестрица,

халқасимон доғланиш, ҳұл монтарь, помидор бронзаси каби вирус касалліктерини айрим турларига чидамли эканлыги аниқлашды.

Үтмишдош экинларнинг тамаки вирус касаллиги билан шкастланишига таъсири. Тамаки үсимлигининг вируслар билан шкастланиши күргина агротехник тадбирларга ҳам боғлик. Бунда алмашлаб экишнинг аҳамияти жуда катта. Алмашлаб экишда экин турларини танлаш ва бу экинларнинг асосий экиннинг вирус билан касалланиши борасида күргина олимлар илмий тадқиқотлар үтказышган.

Тамаки вируслари билан тадқиқот олиб борган С.П. Киселёва Россия Федерацииси Краснодар үлкәси шароитида турли хил үтмишдош экинларни тамакини вирус касалліктери билан заарланишига таъсири үрганған ва тадқиқот натижалари 44-45 - жадвалларда көлтирилған. Бошоқли дон экинларини үтмишдош экин сифатида күрилганида тамаки барглари вирус касалліктери билан турлича заарлланғанлыгини күриш мүмкін. Бунда айниқса сұдан үтидан кейин экилған тамаки барглари вирус касалліктери, хусусан тамаки мозаикаси (1,6%), халқасимон доғланиш (0,8%) ва помидор бронзаси (0,3%) билан кам касалланғанлыги аниқланған.

Бұғдой баҳорғи экилған бұлиб, у тамакига күзги бұғдойға қараганда вирус касалліктери билан кам шкастланғанлыги аниқланған. Бу холатда тамаки вирус касалліктери билан, жумладан тамаки мозаикаси ва помидор бронзаси билан умуман шкастланмаган, оқ петрица билан 4,3% га, халқасимон доғланиш билан эса 2,4% га шкастланғанлыги қайд этилған (46 - жадвал).

Умуман олганда, тажрибадан шу фикр аниқланғанки, үтмишдан экин сифатида тамакини вирус касалліктери билан заарланиши нұқтаи назардан сұдан үти күлай үтмишдош, бұғдойни эса баҳорда экилгани яхши үтмишдош ҳисобланади.

Қатор ораси ишланадиган экинлар-маккажұхори, картошка, бодринг, лавлаги, тамаки каби экинлар үтмишдош экин сифатида қаралғанда тамакини үтмишдош экинлар-қатор ораси ишланадиган экинларни вирус касалліктери билан заарланишига таъсири 45-жадвалда көлтирилған. Ушбу экинлар үтмишдош бұлғанда, тамаки вирус касалліктери билан турлича заарлланғанлыги жадвал маълумотларидан күриниб турибди. Үтмишдош экин сифатида маккажұхори бұлғанда тамакини вирус касалліктери тамакини мозаикаси 2,2%, халқасимон доғлар 0,5%, оқ петрица 0,5%, помидор бронзаси умуман бұлмаганлығы кузатилди.

46-жадыл

Үтмишдош экинлар (урұғ ёппасиға әкиладиган) тамакини вирус касаллукларига таъсири (С.П. Киселева маълумотлари)

Үтмишдош экинлар	Тамаки мозаикаси	Оқ пестицида	Халқасимон доғланиш	Помидор бронзаси
Бұғдой (кузги)	2,0	6,0	4,0	0
Бұғдой (баҳорғи)	0	4,3	2,4	0
Сүдан ўти	1,6	0	0,8	0,3

Барча үтмишдош экинларда помидор бронзаси тамаки жаргларыда учрамади. Лекин, тамаки тамакига томонига үтмишдош экин бұлғанда помидор бронзаси 0,3% учраганлиги тадкиқот әтижаларидан аникланган. Бундан шундай хулоса килин мүмкінки, тамаки үрнига тамаки әкиш вирус касаллукларини сұпайишига олиб келар экан. Лекин, тамаки үрнига тамаки әкилганида бошқа турдаги вирус касаллуклари, жумладан оқ пестицида, халқасимон доғ ва тамаки мозаикаси кам учраши аникланди.

Үтмишдош экинлардан битта ботаник оиласа мансуб экинлар бұлғанда, масалан картошка, бодринг кабилар вирус касаллуги күп учраши аникланди.

Шундай килиб, үтмишдош экинлар тамакини вирус билан касалланишига таъсир күрсатиши исботланди. Тамаки учун әнд кулай үтмишдош экин ғалла экинлари хисобланиши үз тасдигини топди.

47-жадыл

Тамкини вирус касаллуклари билан шкастланишига үтмишдош экинлар (қатор ораси ишланадиган экинлар) таъсири (С.П.Киселева маълумоти)

Үтмишдош экинлар	Тамаки мозаикаси	Халқасимон доғлар	Оқ пестицида	Помидор бронзаси
Маккажұхори	2,2	0,5	0,5	0
Картошка	4,4	1,9	8,6	0
Бодринг	4,8	1,0	9,0	0
Лавлаги	0	9,2	5,9	0
Тамаки	3,0	1,5	1,0	0,3

Тамакининг асосан қуйидаги вирус касалларни кучли шарлайды: томат бронзаси, картошканинг у-вируси ёки оқ пестрица, тамаки мозаикаси, бодринг мозаикаси ва бошқалар.

Томат бронзаси. Ушбу касаллик барча тамаки экиладиган шинтакаларда кўп учрайди. Бу касаллик билан ўсимлик барча ўсиш даврларида касалланади, айниқса, ўсув даврининг бошида ниҳоятда кавфли бўлиб, ўсимлик нобуд бўлади ёки ҳосилдорлик 80-90 % га камаяди, ғунчалаш даврида касаллик бошланса 40-50%, гуллаш даврида бошланса 10-12 % ҳосил нобуд бўлади.

Ўзбекистонда тамаки майдонларида пакана бўйли ўсимликлар, айниқса Виржиния нави майдонларида кўп учрайди. Тамаки ва маҳоркада уни кўпинча учки хлороз деб аташади. Заарланган ўсимликлар ўсишдан тўхтайди, уларнинг учи оч тус олади, ёш таргларда мозаик тус ёки тўр кўринишида хлоротик безак пайдо бўлади. Барг япрогининг асосида ҳар хил шаклдаги жуда кўп майда некротик доғлар ҳосил бўлади, улар кўшилиб кетиб, бутун барг япрогини нобуд қиласди. Касаллик бирмунча кучсизрок ривожланганда барг нобуд бўлмасада, хунук кўриниш олади.

Ўсимлик ғунчалаш даврида учки хлороз билан касалланганда бўғим ораликлари кўпинча яхши ривожланмайди ва ўсимлик учи тўпбарг шаклига киради. Кўпинча деформацияга учраган доғли ён повдалар кўп пайдо бўлади. Бундай ўсимликлар хурпайгансимон кўринишга киради. Касаллик ёш ўсимликларда кучлироқ ривожланади.

Томат бронзаси касаллигини – *Tomato spotted wilt virus* (*Lycopersicum virus 3 Smith*) вируси келтириб чиқаради. Унинг вирионлари изометрик, диаметри 80 нм атрофида. Тамаки трипси унинг ташувчиси хисобланади. Вирус механик йўл билан хам берилиши мумкин. Касаллик кучли заар келтиради. Заарланган кўчкатлар бутунлай нобуд бўлади. Ўсимликлар тўпбарг ёки ғунчалаш даврида заарланганда ҳосил 70-80% гача пасаяди, гуллаш даврида заарланганда эса – 10-15% гача камаяди.


Томат бронзаси вируси тамакининг ҳамма даврларида шкастлаши мумкин. Лекин тамакини касалликга мойиллиги уни ўсиш даврларига боғлиқ эканлиги аниқланган. Тамакининг ёш кўчкатлари касалликга мойил бўлади. Одатда кўчкатлар 5-6 та барг чиқарганда шкастланса улар нобуд бўлади. Ўсимликлар биринчи ўзув қават баргларини узиш даврида вирус билан шкастланса ўсимлик ўсишдан анча орқада қолади, ўсмай барглари тўлик

паклланмай қолади ва пировард натижада ҳосили соғлом үсимликга ишбаттан 2-3 мартаға камайиб кетади ва аста секин үсимлик сұлиб әнбұд бұлади. Тамаки үсимлиги ғунчалаш даврида касалликта бироз идамли бұлади.

Томат бронзаси вируси билан касалланса күйидаги ташки белгилар билан фарқлаш мүмкін. Үсимликтар үсиш даврида вирус билан заарланса юкорида жойлашған ёш үсуви баргларининг әнги очиқ рангга киради ва аста секин сарғая бошлайды, улардаги барг томирлари сарғайиб тұрсымон күриниш олади. Барг сатхи үйлаб ва унинг асосида оқ нақшы доғлар ҳосил бұлади. Бу доғлар әекинлик билан катталашади, құнғирлашади ва бирлашиб некроз үйларға айланади ва провард натижада барг тұқымасини куришига әлиб келади. Некротик доғлар асосан барг үзаги ва томирлари үйлаб жойлашади ва күп ҳолларда баргни бутунлай нобуд үлишига сабабчи бұлади, бундай бурглар худди күйгандың барг каби өзжираб қолади.



47-расм. Тамаки баргларыда томат бронзаси касаллиғи натижасида ҳосил бұлған некротик доғлар.



48-расм. Тамакининг томат бронзаси вируси билан зарарланиши.

Касалланган ўсимликларнинг учки кисмидаги баргларда касалликга хос бўлган белгилар пайдо бўлади, яни ўсимлик сарғиш бронзасимон тус олади. Ўсимлиқда томат бронзаси вируси билан касалланган ўсимликларда янги пайдо бўлган барглар қалин, дағал, кичик, шакли ўзгарган бўлади, улар бужмайган ҳолатга келиб колади. ўсишдан тўхтайди, уларнинг барг оралиғи қисқаради, барг учи қийшайиб барг бир томонга оғиб қолади. Вирус ўсимликтин ўсиш нуктасига ва илдиз тизимиға кириб олиб, уларда ҳам некроз ҳосил қиласи, натижада уларни нобуд бўлишига олиб келади. Бундай ўсимликлар ўсишдан тўхтайди. Айрим ҳолатларда касалланган ўсимликлар ўсишда давом этади, бундай ҳолатда ички барглар кичик бўлиб, шакли ўзгарган мозаика рангли, барг сатҳи тўқ яшил ранг оқиши ранг билан алмашиб барг рангининг ўзгаришига олиб келади. Бундай барглар тўлиқ шаклланмай қолади.

Одатда ўсимликтин пастки баргларида касаллик аломатлари кучли намоён бўлмайди, асосан юқори ва учки баргларида морфологик ўзгаришлар содир бўлади, бунда некротик белгилар, нақшлар томат бронзасига хос бўлади ва учки нукта, яъни ўсиш нуктаси ўсишдан тўхтайди. Касалланган ўсимлиқдан бир ёки икки узув қават барглари узиб олинади ва шу билан ўсимлик қуриб қолади.

Касалликнинг биринчи даврида баргнинг юқори қисми сал буришиб, ўзига хос шаклга киради, барглар тортилган ҳолатда бўлади. Касаллик давом этгандан сўнг, барглар мутлақо буришиб, дўмбоқчалар ҳосил қиласи, сарғиш рангга киради ва фақатгина барг томирларида яшил ранг қолади.




49-расм. Тамаки барглари асосий томирларини томат броизаси вируси билан заарланиши.

Ўсимлик ўсишдан тұхтайди, юкори кисми пастга әгилиб қүнғир рангга киради ва қурийди. Иккінчи даврда барглар кичрайиб, ғадир будир бұлади, пояда 3-4 та тұқ яшил рангли баргчалар қолади, ўсимлик ўсишдан тұхтайди. Учинчі даврида баргларда сарық дөглар күпайиб, ўсимлик қурийди.

Бу вирусли касаллук атрофға тамаки трипсі орқали тарқалиб, касаллук құзғатувчининг штамми тамаки трипсларининг танасида сақланади, тамаки трипслар касаллук чақи्रувчи манба ҳисобланади. Трипс личинкаси тамакини шарбатини сұрган пайтида вируслар унга үтиб олади ва шу йүл билан тарқалади. Трипс баргда бир неча сония бұлишлігі унга вирус касаллигини юқтириш учун етарлы ҳисобланади. Вируслар 3 кун личинкада яширин пайтини үтайды, сұнг соғлом ўсимликларни заарлайды.

Касаллук пайдо бұлиши жуда оддий, касаллук чақирувчи трипс қиңда тупроқда ёки бегона үтлар орасида кишлиайды. Эрта баҳорда ҳаво ҳарорати күтәрілгандан сұнг трипслар кишилаган жойидан чиқиб бегона үтларга озиқланиш учун үтади. Бегона үтлар орқали маданий ўсимликларга ва ниҳоят тамаки даласига ёки құчатхоналарга тарқалади.



50-расм. Тамаки пояси ва ўтказувчи түқималарини ^{тамат} бронзаси вируси билан заарланиши.

Тамаки ўсимлиги трипслар учун эң яхши озука хисобланади. Кейинги ҳаётида трипслар тамаки далаларидан бошқа ўсимликларга таркалиб кетади. Ёз мобайнида трипс 8-10 авлод беради.

Трипс вирусларини йўкотиш учун 40% ли фосфамид билан кўчатлар униб чиқмасдан кўчатхона туроригига ишлов борланган Дастребки пайтда тамаки майдонларида трипс билан зарур ўсимликлар бўлса, улар юлиниб йўқ килинади.

Томат бронзаси вируси уруғ ва касалланган ўсимлик қодикларидан орқали таркалмайди. Вирус тамаки трипси орқали таркалаб, ушбу сўрувчи ҳашарот вирусни кўпайтиради, юқтиради ва унга ҳаёти давомида сақлайди.

Томат бронзасига қарши кураш чоралари: 1. Тамаки кўчатхоналари ва баргни куритиш боғулари тамаки майдонларидан 300 м узоқликда жойлаштирилиши лозим. Кўчатхона майдонлари бутун ёз мобайнида бегона ўтлардан тоғий ишлов сақланиши ва кузда ҳамда баҳорда кўчатхона атрофи кимёвий курашга берилиши лозим. Кўчатхоналарда тамаки трипсига қарши ўтибор қаратиш лозим;

2. Тамаки кўчатларини далага эрта муддатларда ўтазиц ва бўлиши бунда ўтмишдош экин вирус билан касалланмайдиган

муҳим, тамаки экилған майдонга тамаки экиш мақсадга мувоғиқ әмас;

3. Тамаки күчати далага ўтқазилганидан 10-15 кундан сүнг биринчи кимёвий препарат билан (конфидор билан) ишлов беріши керак, бу вактда тамаки ўсимлигіда қишлоң тамаки трипсі йигилган бўлади;

4. Дала шароитида тамаки трипсига қарши мунтазам равишда кимёвий ишлов бериш лозим;

5. Тамаки баргини қуритиш майдончалари, күчатхона ва унинг атрофидаги ҳамда тамаки майдонидаги бегона ўтларни мунтазам равишда йўқотиш керак;

6. Тамаки майдонидан касалланган ўсимликларни йўқотиш (юлиб ташлаш) ва дастлабки касалланган ўсимликларни йўқ қилиш керак;

7. Тамаки баргларини ўз вақтида йигиштириб олиш, касалланган майдонлардан тамаки поясини йигиштириб ва уни йўқотиш чорасини кўриш керак.

Тамакида картошка У-вирози. Кейинги йилларда Самарқанд вилоятининг Ургут тумани тамакичилигига ихтисослашган фермер хўжаликларида қўзғатувчиси картошка У-вируси деб номланган вирус касаллиги кенг тарқалган.

Вирусологик усуулларда олиб борилган тадқиқотлар эътироф этишича, касаллик асосан 2 турдаги штамм яъни некротик ва оддий штаммлардан иборат бўлишилиги аниқланган. Бу икки штаммдан некротик штамми катта заар келтиради. Вирус заррачаси шакли ипсизон бўлиб, 750 миллимикрон узунликга эга.

Картошка У-вирозини картошка У-вируси (*Solanum virus 2*) келтириб чиқаради. Бу гурӯх, вирусларининг шакли узунчоқ, узунлиги 750 нм, криптограммаси R/1; 3,5/5; E/E; S/Ap.

Дала шароитида некротик штаммнинг белгилари турлича намоён бўлади. Тамакининг ёш барглари вирус билан заарланганда унинг томирлари оқаради, унинг учлари мозаика тусга киради. Тамакининг ўрта кават баргларида илгари сарғиши яшил доғлар пайдо бўлади ва кейинчалик улар некрозлар ҳосил қиласди. Некроз доғларининг ўлчами ва шакли турли хил бўлади. Кўпгина ҳолларда касаллик ўлчами 2-3 мм айланана некроз кўринишида намоён бўлади. Касаллик ривожланиши учун қулай шароитда некроз доғлар 5-10 мм гача бўлиши мумкин ва касалланган барглар сўлиб кўриб қолади. Некроз доғларнинг ранги очиқ ёки оқ рангдан то тўқ жигарранггача

Үзгариши мүмкін. Күпгина ұлларда некротик дөглар очық оқранғда бүлгансылығы сабабли бу касаллик “оқ пестрица” номини олган.



51-расм. Тамаки баргларидан картошканың Y-вирусінің симптомлары.



52-расм. Картошканың Y-вирусі билан шкастланған тамаки.

Касалланған барглар қовжираб қуриб қолади ва улар йиғишиңде яроқсиз хисобланади, шу сабабли тамаки ҳосили ва сифати кескин


пасайиб кетади, хом ашёни технологик күрсатгичлари пастки нағыз оид бұлади.

Картошка У – вирусининг оддий штамми эса нисбатан кам зарарли. Шкастланган баргларнинг ўрта ўзаги оқаради ва үсуви ёш баргларнинг учларида енгил мозаика пайдо бўлади. Шакилланган баргларда эса 2 – 3 мм катталикдаги кўп сонли доғлар ҳосил бўлади, улар одатда барг томирлари орасида жойлашади. Кўпинча барг сатхидаги ушбу кичик доғлар бирлашиб, катта очик яшил майдончани ташкил қиласи. Улар меъёрий яшил ранг билан алмашиб, худди мозаика каби таркиб ҳосил қиласи. Айрим пайтлари барг атрофидаги некроз доғлар юпқа оқ ҳалқа, ярим ҳалқа, узинчок кўринишларда бўлиши мумкин.



53-расм. Тамаки навларини картошка У-вируси зарарланиш типлари.

Шу нарса аниқланганки, У – вирус штаммлари картошка туганакларида қишлияди. Картошка экин майдонларидан ҳар йили тамаки ўсимлигига шафтоли битининг (*Myzus persicae* Sulz.) қанотли авлоди ва дуккакли экинлар бити (*Aphis tabace* Scop.) орқали ўтади. Ушбу турдаги битлар нафақат картошка У – вируси ташувчиси, улар тамакида бодринг мозаикаси, тамаки нақшинкор вируси (гравировка) ва бошқа вируслари ҳам юқтиради. Вирус сўрувчи зараркунанда организмларга бир соат мобайнода бутунлай мослашади.




54-расм. Касаллик кўринишлари: а) иккиламчи барг томирларининг картошка У-вируси заарланиши, б) заарланган барг томирларида хлоротик доғларнинг вужудга келиши ва барг томирларининг оқариши.



55-расм. Тамакида картошка У-вируси (KYV) белгилари: а) Вирджиния тамаки баргларида кўп сонли хлоротик доғлар билан қопланганлиги; б) баргларда хлоротик ҳалқалар ва барг томирларидаги хлороз; с) Вирджиния тамаки барглари хлороз билан қопланганлиги.

Зааркунанда вирусни юқтириши учун тамаки баргидаги бир неча сония бўлиши кифоя. Сўрувчи зааркунанда бир соат тамакида озикланиши мобайнида қонотли бит жуда кўп ўсимликга вирусни юқтириш мумкин. Битнинг қанотли авлодини кўпайини инфекцияни бутун тамаки майдонида тарқалишини тезлаштиради. Битнинг қанотсиз авлоди эса битта ўсимликда яшаганлиги сабабли инфекция тарқалишида катта салоҳиятга эга бўлмайди.



56-расм. Тамаки баргларидаги картошка У-вируси (KYV) белгилари: а) баргларда тартибсиз қопланган кўп сонли жигарранг доғлар; б) асосий ва ўрта барг томирларидаги некротик доғлар.

Тамакида картошка У-вирозига қарши кураш чоралари: 1. Тамаки кўчатхонаси ва майдонлари картошка майдонларидан узоқроқда (2 км дан узоқроқ) бўлгани маъқул.

2. Тамаки кўчатларини далага эрта муддатларда (апрель) ўтқазиш ва ўтмишдош экин галла экинлари бўлиши муҳим. Картошка ёки бошқа сабзавот, дуккакли экинлар тамаки учун яхши ўтмишдош эмас. Тамакини тавсия этилган азот, фосфор ва калий ўғитлари билан тўлиқ озиқлантириш агротехник тадбири муҳим хисобланади.

3. Кузги тунламга карши агротехник ва кимёвий ишловни ўз вақтида мунтазам ўтказиш, ушбу зааркунанда тамаки майдонларидағы үсімліктерні камайишига олиб келади, туб сони камайган майдонларда тамаки үсімлігіні вирус билан кучли заарланади.

4. Тамаки майдонларидан вирусни ташувчи сұрувчи зааркунандаларга (тамаки трипси ва шафтоли бити) карши мунтазам ва самарали кимёвий препараттар билан кураш олиб бориш зарур.

Тамаки мозаика касаллигы. Тамаки майдонларидан вирус касалларидан тамаки мозаикаси ҳам кенг тарқалған. Тамакининг касалланған баргларидан түрли даражали ва үлчамли мозаика тузи пайдо бўлади. Асосан тўқ яшил ва оч яшил ранглар барг сатҳида алмашиб мозаика ҳосил қолади. Бунинг натижасида барг юзасида қовариқ бўртиклар ёки ичкарига ботган тўқималар пайдо бўлади. Барг сатҳи ғадир-будир бўлиб, барг учи тораяди. Вирус штаммининг кучли вирулентлари тамакини заарлагандан барг сатҳини мажрух ҳолатга келтириб кўяди.


Хаво ҳарорати юқори ($35 - 37^{\circ}\text{C}$) ва паст ($5 - 10^{\circ}\text{C}$) бўлганда мозаика туслари билинмай қолади, гўёки яширин ҳолат кузатилади. Касаллик белгилари барглар пишиши билан ҳам яширин ҳолатга ўтади. Тамаки мозаикаси үсімлікни ўсишига кучли таъсир кўрсатади, бунинг натижасида ҳосилдорлиқ кескин пасайиб кетади.

Ургули инфекцияда ёш баргларда томирларининг оч тулага кириши ва ола-чипорлик кузатилади. Барг чети юқорига қараб енгил қайрилиши мумкин, сўнгра йирик пулфаксимон қавариқликлар пайдо бўлади.

Баъзан барг япроғи редуцияга шу қадар кучли учрайдик, у ипсимон бўлиб қолади. Катта ёшли үсімліклар заарлагандан ҳосил бўлган мозаика тузи аста-секин йўқолади ва факат некротик доғлар қолади. Бу ҳолат хаво ҳарорати ва намлигининг юқорилигига кузатилади.


Касаллик маҳоркани заарлагандан энг ёш барглар ривожланишдан тўхтайди, бужмаяди ва сарик тулага киради. Барг томирлари некротик тус олади ва кўпинча энг ёш барглар нобуд бўлади.

Касаллик – *Tabaco mosaic virus (Nicotiana virus I Smith)* вируси келтириб чиқаради. Унинг қисмчалари таёқчасимон шаклда, узунлиги 300 нм ва эни 18 нм.



57-расм.
Тамаки
мозаикаси
вирусининг
тузилиши.


Вирус шарбат инокуляцияси билан берилади ва у энг кучли патоген хисобланади. Ўсимликка барг ва бошқа аъзоларнинг жуда кичик шикастлари орқали киради. Ку ритишга жуда хам чидамли, кўпинча бит ва бошқа хашаротлар билан кўпаяди.



58-расм. Тамаки баргларида вирусли мозаика белгилари: а)
соғлом барг; в, с) тамаки вирусли мозаикаси билан
зааралangan барвлар.

Вирус тамаки хом ашёсини сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мозаика билан зааралangan барвлар таркибида оксил микдори кўп бўлиши, никотин миқдорини камайиши билан

тисифланади, оксилли бирималарини күпайиши хом ашё сифатини пасайтиради. Бундан ташқари, мозаика билан шакастланган барглар уни дастлабки қайта ишлаш (куритиш, саклаш, навлаш, тойлаш) даврида эзилиб кетади ва натижада ҳосил нобудгарчилиги олади.




59-расм. Тамаки мозаика вирусининг барглардаги белгилари.

Вирус мозаикасининг 3 штамми қайд этилган: оддий (яшил), аукуба (сарик) ва некротик (ҳалқали) штаммлар, улар тамакичилик ҳўжаликларида кенг тарқалган.

Тамаки мозаикаси вирусининг юқори вирулентлиги ва ташқи муҳит ўзгарувчанлигига чидамлилиги унинг ўзига ҳос хусусиятларидан ҳисобланади. Вируснинг бу хусусиятлари унинг кенг таркалишига имкон яратади. Тамакининг вирус билан дастлабки заарланишининг асосий манбай касалланган ўсимлик қолдиқлари (поя, барг, илдиз тизими) ҳисобланади.

Тамакининг қуруқ баргларида вирус 10 йиллаб фаол ҳолатини йўқотмай сақланади, ўсимлик қолдиқлари парчаланиб (чириб кетиши) билан вирус ҳам секин аста емирилиб кетади.

Илмий тадқиқот ишлари натижаларида тупроқда вирус узоқ вақт сақланиши аниқланган ва қишлиб чиқган вирус инфекция манбай бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабли тамаки экилган майдонга яна тамаки экилиши ўсимликларда инфекцияни дастлабки ўчоклари билан заарланишига олиб келади.



60-расм. Тамаки баргининг вирусли мозаика билан заарланиши.

Тамаки мозаикаси вируси зааркунанда ва уруғ орқали таркалмайди, шу сабабли уни тарқалишида одам фаолияти асосий омил ҳисобланади. Бунда, мозаика ўсимликдан ўсимликга асосан тамакикорлар майдонларда агротехник тадбирларни (чопик, ўток қилиш, культивация, чилпиш, бачки навдаларни юлиш ва бошқалар) бажариш вактида юктириши мумкин, яъни инфекция хужайра шарбати орқали соғлом ўсимликларга ўтади. Одатда мозаика вируси билан заарланган ўсимликлар сони тўпгулни чилпиш ва бачки новдаларини юлишидан кейин кескин ошганлиги аниқланган.

Тамаки мозаика вируси кишлоқ хўжалик асбоб – ускуналари, кўчатхона ускуналарида ҳам йилдан йилга сакланиши мумкин. Шундай қилиб, тамакини кўчат даврида инфекция манбаи пайдо бўлади. Шу сабабли, тамаки кўчатини саралаш, ташиш ва ўтқазиш давридан кейин ўтқазилган кўчатларда вирус билан касалланган ўсимликлар сони ошади.

Тамаки мозаикасига қарши кураш чоралари. Тамакида учрайдиган вирус касалликларига қарши курашишда юқорида қайд этиб ўтилган қарши кураш чораларини қўллаш, алмашлаб экиш ҳамда агротехника тадбирларига тўлиқ риоя қилиш натижасида вируслар тарқалишини анчагина камайтириш мумкин.



61-расм. Тамаки мозаика вируси билан заарланган ўсимлик.

Тамакидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун касалликларга қарши бутун ўсув даври давомида курашиб келиниши лозим. Асосий кураш усусларини ўз вақтида тұғри бажариш ва касалликларга чидамли навларни экиш хисобланади.

Үйғундашган кураш табдирлар тизимида күйдагиларни амалга ошириш зарур: 1. Тамаки экилгап майдонга қайта – қайта тамаки экилиши вирусни тұпланиши ва ривожланишига имкон яратади. Тамаки учун бошоқли дон экинлари энг яхши ўтмишдош экии хисобланади. Тамакини итузумгуллілар оиласига (тамаки ҳам шу оиласа мансуб) мансуб экинлардан (помидор, қалампир, бақлажон, картошка) кейин экиш мүмкін эмес, чунки улар тамаки билан бир турдагы касалликлар билан касалланади;

2. Тамаки майдонларини ўсимлик қолдикларидан ўз вақтида тозалаш ва кузда эрта муддатда чукур (30 – 35 см) шудгор қилиш;

3. Тамакини вирусга чидамли навларини экиш;

4. Огохлантириш ва олдини олиш табдирлари:

- күчатхона учун ишлатиладиган барча асбоб – ускуналарни формалин (1:25) ёки бошқа заарсизлантириш препаратлари билан юқумсизлантириш уларни 3-4 кун плёнка тагида эритмада сақлаш;

- күчатхона озиқ аралашмасини формалин ёрдамида юқумсизлантириш;

- мозаика вируси билан заарланган күчатлардан күчатхонани тозалаш ва уларни йүқотиш;

- күчат ўтқазилган майдонларни мозаика билан касалланғанligini текшириб чиқиш, касалланған ўсимликларни (1 % гача) юлиб олиб ташлаш ва даладан ташқарига күміб ташлаш; майдонларни бачки новдаларни юлишгача бұлған даврда мунтазам равиша текшириб туриш;

- мозаика күчли заарлаган майдонлардаги ўсимликларни чилпиш ва бачки новдаларини юлишни алоҳида ўтқазиш, бұ ўсимлик баргларини ҳам алоҳида йиғиш лозим. Бунда соглом ўсимликларни баргларини узишни бир күн олдин ўтқазиш, кейин эса касалланған ўсимлик баргларини йиғиш тавсия этилади.

Бодринг мозаикаси. Бодринг мозаикаси хавфли касаллық саналади. Дала шароитларыда одатта күчатлар ўтқазилғач, бир ойдан сұнг пайдо бўлади. Баргларда мозаика тузи пайдо бўлади, аммо тамаки мозаикасидан фарқли равиша тўқлик майдонлар фақатгини барг томирларида эмас, балки уларнинг орасида ҳам жойлашади. Кейинчалик заарланған баргларда пуфак кўринишидаги күчли каварикликлар пайдо бўлади, уларнинг учи бигизсимон қискаради.

Бу баргларга хунук кўриниш беради—улар буралади ёки ланцетсимон шаклга киради, баъзан уларда думалоқ ёки ёйсимон некроз доғлар пайдо бўлади.



62-расм. Бодринг мозаикаси касаллиги билан заарланған тамаки барги.

Махоркада касаллик мозаика тузи ва баргларнинг шуфакланишини келтириб чиқаради. Унинг таъсирида кўпинча ўғим ораликлари ва ён шохлар кисқаради, гулларининг сони камаяди. Баъзан ўсимлик пакана кўриниш олади.

Касалликни – *Cucumber mosaic virus* (*Cucumis virus 1 Smith*) вируси келтириб чиқаради. Унинг вирионлари думалоқ, изометрик, диаметри 30 нм. Вирус шарбатнинг тиндирилишини 6 дан 19 кунгача ўтказади, инфекцион хусусиятини тозаланган препаратларда 0-4°C ҳароратда ва pH=9 да бир неча ойгача сақлайди. Юқори антиген фаолликка зга. Бодринг мозаикаси вируси данакли меваларнинг кўчатлари, ток, беда, петрушка, шунингдек қоқиўт, ланцетсимон зуттурум, сачратки ва бошқа бегона ўтларда қишлияди. Касаллик кишда иссиқхоналарда етиштириладиган бодринг ва помидорда хам кўплаб кузатилади. Патоген шафтоли бити ва бошқа бит турлари билан тарқалади.



63-расм. Бодринг мозаикаси билан заарланган тамаки.

Барглар куритилганда вирус инактивацияланади, уруғ билан берилмайди. Ўсимликлар ривожланишнинг эрта даврларида (илдиз отиши ва жадал ўсиши) заарланганда ҳосилдорлик 14-26% гача пасаяди, унинг сифати кескин тушиб кетади: баргларда азотли моддалар кўплаб тўпланади ва эрувчан углеводлар миқдори камаяди.

Тамаки навларида касаллик ўзига хос мозаика ва баргларни мажрухлиги билан тавсифланади. Касаллик белгилари тамаки мозаикасига жуда ўхшаш бўлиб, кўпинча мутахассислар ҳам уни ташқи белгиларидан ажратишга қийналишади. Бодринг мозаикаси вирусини аниклашда диагностика (ташҳис қўйиш) усулларидан, яъни индикатор, серологик, электрон микроскоплардан фойдаланилади.

Вирус билан касалланган барг йирик қавариқ бўртиклар пайдо бўлади. Барглар кескин деформацияланади (шакли ўзгаради), улар ўзига хос бўлмаган турли шакллар кўринишини олади. Баргин мажрухлиги юкори қават баргларида кескин кўринади, улар буралган, торайган, учлари бигизсимон шаклга киради. Айниқса, ёш ўсимликлар жуда кучли заарланади. Ўзбекистонда кишунча совук бўлмаган йиллари Вирджиния навида бодринг мозаикаси вируси авж олади ва майдондаги ўсимликлар кучли заарланади.



64-расм. Тамаки барглардаги бодринг мозаикаси симптомлари.

Бодринг мозаикаси вирусини асосан шафтоли бити ва бошқа турдаги битлар ўсимликга юқтиради. Маълумки, битлар ҳаммахўр заарқунанда ҳисобланиб, 50 дан ортиқ ўсимликларни заарлайди. Битлар тамакидан ташқари, жуда кўп дала экинларини, жумладан полиз экинларини (қовун ва қовок), ловия, нўхат, картошка, бодринг, помидор, лавлаги ва бошқа экинларни заарлайди. Шафтоли бити бир қатор кўп йиллик ўсимликлар ва дараҳтларда ҳам ҳаёт кечиради ҳамда улар билан бирга вирус ҳам қишилаб чиқади. Баҳорда вирус инфекцияси бит орқали тамаки ва бошқа экинларга ўтади. Бодринг

мозаикаси вируси ўсимликларнинг курук колдиклари ва уругида сақланмайди ҳамда улар орқали юқмайди.

Вируснинг кишилаб чиқиши учун қулай шароит иссиқхоналарда бодринг, помидор ва бошқа вирус заарлайдиган экинлар сгиштирганда бўлиши мумкин.

Бодринг мозаикасига қарши кураш чоралари. 1. Тамаки майдонларини бодринг мозаикаси вируси кучли заарлайдиган экинлардан (бодринг, ошқовок) узокроқда (500 – 1000 м) жойлаштириш тавсия этилади;

2. Тамаки кўчатларини эрта муддатларда (15 – 30 апрель) далага ўтқазиш ва бегона ўтлардан тозалаш;

3. Чилпилган тамаки гули ва бачки новдаларини майдонлардан чиқариш ва уларни йўқотиш;

4. Вирус юқтирувчи сўрувчи зааркунандалар шафтоли бити ва тамаки трипсга қарши самарали кимёвий препараторларни қўллаш.

Доғли ҳалқа. Бу касаллик барча тамаки экиладиган майдонларда учрайди. Тамакининг кўчатхонадаги ёш кўчатлари ва йирик ўсимликлари бараварига касалланиши мумкин. Хусусан, баргда доғлар пайдо бўлади, доғнинг шакли ҳалқасимон, ёйсимон бўлиб, сарғиш тусга киради. Касалликни *Nicotiana* вируслари чакиради. Бу касаллик, асосан, уруғда учрайди.

Энг аввало, соғлом ўсимликлардан уруғлик тайёрлаш ва тамаки трипсларига қарши курашиш лозим.

4.2.3. § Тамакининг бактерияли касалликлари.

Тамаки ўсимлигига учрайдиган бактериал касалликларининг турларини, зарарини аниқлаш, касаллик қўзғатувчиларининг биологик хусусиятларини, касалликларнинг ташки ва ички белгилари асосида ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ўсимликларда учрайдиган бактериал касалликлар ҳақида проф. В.П. Израильскийнинг “Бактериальные болезни растений” (1960) ва проф. М.В. Горленконинг “Бактериальные болезни растений” (1966) монографияларида батафсил маълумотлар берилган. Тошкент Давлат аграр университети олимлари проф. А.Ш. Шералиев, доцент У.Х. Рахимов ва доцент К.Х. Бухоровларнинг “Бактериология” китобида фитопатоген бактерияларини умумий характеристикаси, бактериал касалликлар, уларни ўсимликларга таъсири ва қарши кураш усуслари атрофлича ёритилган. Бу боради ўсимликларни



химоя қилиш илмий тадқиқот институти олимлари ҳам бир қатор илмий ишлар олиб боришган ва ҳозирги вақтда ҳам ушбу йұналишда илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмокда.

Фитопатоген бактериялар тамакини үсув даврида ва хом ашёни саклаш даврида ҳам зарар көлтиради. Бактериялар тамаки үсімлігіні физиологик жараёнларига, хусусан фотосинтез махсулдорлигінің, унинг үсіш ва ривожланишига салбий тәсір күрсатыши оқибатида унинг ҳосилдорлигіні ва хом ашё сифатини пасайтиради.

Бактериялар ва уларнинг биологик хусусиятлари. Бактериялар ҳужайра пүсти, перiplазма, нуклеид ва цитоплазмадан иборат бўлади. Ундан ташкари улар организмида фимбрилар, хивчинлар, капсула ва доначалар кўринишида ҳам жойлашган. Бактериялар озиқланишига кўра гетеротроф организм бўлиб, бир ҳужайрали хлорофиллсиз бўлади. Бактерия протоплазма ва ядродан иборат, ташки қавати ҳужайра пүсти (бактерияларга шакл беради) ва перипласт деб аталадиган зичлашган қаватдан иборат, улар орасида капсула ва хивчинлар орқали ташки муҳит билан боғланади. Улар ҳужайрасида ядро цитоплазма таркибида майда доначалар тарзда бўлади. Бактерияларни кўпчилиги ташки томондан шилимшик модда билан қопланган, бу уларни ташки нокулай шароитдан ҳимоя қиласи.

Бактерияларни озиқланиши ҳужайра пустидаги осмотик босим орқали амалга ошади. Уларда озиқ моддаларни ҳосил қилувчи ферментлар иавжуд. Протоплазма ичида плазматик мембрана, рибосомалар, ДНК молекулалари жойлашган. Айрим бактериялар спора ҳам ҳосил қиласи, уларнинг кўпчилиги аэроб ҳолатда фаолият ҳаёт кечиради.

Бактериялар ҳужайрасининг шаклига қараб шарсимон кокклар, спирал шаклидаги спириллар, спирохеталар, таёқчасимон спорасиз бактериялар, таёқчасимон спорали бациллалар, эгилган таёқчасимон фибронлар грухларига ажратилади. Кокклар жойлашишига қараб стафилококклар, стрептококклар, микрококклар, диплококлар ва планококклар турларга бўлинади.

Қишлоқ ҳұжалик әкинларига зарар етказувчи бактериялар асосан таёқчасимон бўлиб, улар тузилишига кўра бацилла (споралар ҳосил қиласи) ва бактериялар (споралар ҳосил қымайди) грухига ажратилади. Бактериялар бир бирига нисбатан жуфт бурчак ҳосил қилиб ва занжирсимон бўлиб жойлашади.

Бактериялар ўсимликларни заарлаши учун ташқи мухит ва ўсимлик ҳолати мухим ҳисобланади. Фитопатоген бактериялар 5°C ҳароратдан бошлаб 40°C гача ҳароратда яшайди, уларнинг фаолияти учун 20-25°C ҳарорат қулай ҳисобланади. Кислородли мухит ва нейтрал ҳамда кам ишқорли мухит ($\text{pH} = 7,0-8,0$) бактериялар учун қулай ҳисобланади. Бактериялар ҳаёт фаолияти тирик ва тиним даврларга ажратилади. Тирик даврда модда алмашинув жараёни фаол ва тиним даврида эса сусайган ҳолатда бўлади.

Электрон микроскопда қаралганда бактериянинг хужайра пардаси бир неча (одатда, учта) қават эканлиги аниқланган. Унинг таркибиға мурамин кислота, аминокислоталар, липидлар, глюкозамин ва бошқа бирикмалар киради. Хужайра пардаси остида цитоплазматик мембрана бор, шу мембрана моддалар алмашинувида мухим аҳамият касб этади. Цитоплазмада рибосомалар бўлиб, улар таркибиға РНК киради. Бактерия хужайрасида ДНК иплари бор, улар қобиқсиз ядро, яъни нуклетоид ҳосил қиласди.

Бактериялар юқори ҳароратга, одатда, чидамсиз, қуритиш, офтоб, кимёвий моддалар (дезинфекция, стерилизация) уларни нобуд қиласди. Бактериялар совуққа чидамли, шу туфайли тупроқда қишлиб чиқа олади.

Кўпгина бактериялар овал ёки юмалоқ шаклли споралар ҳосил қиласди. Улар юқори ҳарорат ва заҳарли моддалар таъсирига жуда бардошли. Споралар қулай мухитга тушганда улардан таёқчасимон ёки вегетатив хужайралар пайдо бўлади.

Бактерияларнинг ривожланиш цикли ҳар хил. Айрим бактериялар (масалан, микобактериялар) бўлиниш йўли билан ҳам, куртакланиш йўли билан ҳам кўпайиши мумкин.

Бактериялар асосан органик моддаларни, баъзилари анорганик модддаларни оксидлаш йўли билан энергия олади. Фақат кислородли мухитда яшай оладиган бактериялар аэроблар, кислородсиз мухитда яшайдиган бактериялар анаэроблар дейилади. Аэроб нафас олиш вактида органик бирикмалар оксидланиб, карбонат ангидрид ажralиб чиқади. Анаэроб шароитда органик бирикмаларни парчаланиши натижасида энергия ажralиб чиқади (бижғиши жараёни).

Табиатда ва халқ хўжалигида бактерияларнинг аҳамияти катта. Улар тирик хужайралар таркибиға кирадиган ҳамма кимёвий элементларнинг табиатда айланишида иштирок этади.

Шубилан бирга, бактериялар ёввойи ўсимликларда ҳам, қишлоқ хұжалик әкинларида ҳам күпгина касалликларни вужуда келтиради.

Ўсимликларда бактериялар құзғатадиган юкумли касалликлар бактериал касалликлар – бактериозлар дейилади. Бактериялар таъсирида ўсимлик организмидаги хаёттің жараёнлар бузилади, тұқима ва хұжайраларнинг физиологик функциясы ҳамда уларнинг тузилиши үзгәради. Ўсимликларда бактериал касалликларнинг бир неча хили фарқланади: чириш (тұқималарнинг юмшаб, куришиб, парчаланыб кетиши, илдиз чириши); дөглар (барг ёки ёш новдалар ва меваларда дөглар пайдо булиши); куйиш (гул, тугунча, барг ва новдаларнинг құнғыр тусга кириб, корайиши); бактериал рак (илдиз, поя ва новдаларда шиши ҳамда яралар пайдо булиши); шира оқини (гоммоз) ва бошқалар.

Бактериялар ўсимлик ичига барг оғизчалари, нектар ажратувчи без тешикчалари ёки жарохатланган жойлардан кириши мүмкін. Улар ўсимлик организми ичига киргач, хұжайралараро тұсқынни эритиб, тұқималараро йүллар орқали тарқалади. Натижада тұқима чириган картошка ёки сабзи каби юмшаб қолади. Бактериал касалликнинг ўсимликларда бундай кечиши тұқима касаллиги деб аталади. Бошқа тур бактериялар ўсимликнинг үтказувчи наїт тутамларыда (томирларыда) тарқалиб, томир бактериал касалликларини келтириб чиқаради. Бунда ўсимлик факат найларнинг тиқилиб қолиши туфайли эмас, балки бактериялар ажратған захарли моддалар – токсинлар таъсирида ҳам сұлийди.

Бактериал касалликлар билан касалланган ўсимлик қолдиқлари мавжуд бүлган тупроқ асосий инфекция манбаи хисобланади. Бактерияли касалликлар уруғлик, касалланган ўсимлик қолдиқлари, шамол, шунингдек, атмосфера ёғынлари, ҳашаротлар ва бошқа йүллар билан тарқалиши мүмкін. Барг ва пояларни дұл таъсирида шкастганиши ҳам бактериал касаликларни тезда авж олишиға сабабчи булиши мүмкін.

Тамакини бактериал касалликлари. Дунёнинг тамаки экиладиган мамлакатларыда бактериал касалликлар кенг тарқалған.

Тамаки баргларини дөгланиши “рябуха” номи билан аталади. Күпгина хорижий олимлар барглардан сувни транспирациясии бузилиш холатини вирус касалликлари – оқ пестрица ва гравировкага үхшатишиади. Шундай қилиб, узок вақт тамаки баргидаги турли дөгланиш кассаликларини бактериали, вирусли,

юкүмсиз кассалликлар бўлишидан қатъий назар “рябуха” деб номланиб келинган.

Тамакида оддий бактериал рябуха, бурчакли доғланиш, вискосин бактериал доғланиш, жигарранг бактериал доғланиш, қора доғланиш каби бактериал доғланишлар қайд этилган .

Тамакининг бактериали чўтири (рябуха) касаллиги. Касаллик тамаки ва махорка етиштириладиган деярли ҳамма жойда тарқалган, аммо кўпинча намлиги юқори худудларда юзага келади.



65-расм. Бактериали чўтири (рябуха) (*Pseudomonas syringae* pv. *Tabaci* (Dowson)) касаллиги билан кучли заарланган барглар.

Чўтири асосан баргларда, аммо баъзида уруғ кўсакларида ҳам кузатилади. Кўчатларда баргларининг учидаги ёки четларида мойсимон намиқкан доғлар пайдо бўлади. Кундузи улар қурийди ва қўнғир ёки деярли кора ранга киради. Кейинчалик доғлар думалоқ (диаметри 1 см гача) ва хлоротик тус олади.

Сўнгра улар катталашиши (2-3 см гача) ва қўшилиб кетиши ҳам мумкин. Заарланган барг япроқлари нобуд бўлади. Барг бандида оч жигарранг эзилгансимон доғлар пайдо бўлади.


Катта ёшли ўсимликларнинг баргларида бактериал чўтири одатда сарғиш-яшил гардиш билан ўралган кичик, ялтироқ, наммиқкан доғ кўринишида пайдо бўлади. Кейинчалик баргнинг заарланган тўқимаси нобуд бўлади, доғлар оч жигарранг ёки қўнғир тусга киради, уларнинг марказида қавариқ қўтирча пайдо бўлади. Куруқ об-ҳавода доғлар қурийди ва осон тўқилиб кетади. Нам об-ҳавода эса улар катталашади, кўпинча қўшилиб кетади ва бутун баргни қоплади. Уруғ кўсакларида кичик эзилгансимон доғлар пайдо бўлади.



66-расм. Бактериали чўтири (рябуха) касаллигининг баргдаги симптомлари.

Касаллик қўзғатувчиси - *Pseudomonas syringae* *pv. Tabaci* (*Dowson*) *Young et al* бактерияси. У 3-6 кутбий хивчинларга эга спора ҳам хосил қилмайди. Бактерияларнинг ривожланиши учун нокулай шароит юзага келганда улар хивчинларини йўқотади уч йилгача сакланиши мумкин. Ўсимлик қолдиқлари чириганда улар нобуд бўлади. Бактериялар кўпинча уруғларда, тамаки чангти тушган кўчат идишларида ҳам бўлиши мумкин.

Бактериал чўтири- жуда ҳавфли касаллик. Барг сатқининг 20-30% и заарланганда ўсимликлар 20 % дан ортиқ, 50% гача заарланганда эса- 30-35% дан ортиқ вазнини йўқотади. Бунда тамаки ҳом ашёси на маҳорканинг сифати кескин пасайиб кетади.




67-расм. Бактериали чўтири (рябуха) (*Pseudomonas syringae* *pv. Tabaci* (*Dowson*)) касаллиги.

Оддий бактериал рябуха. Бу касалликни *Bacterium tabacum* Wo. Et Fo қўзғатувчиси бўлиб, тамакичилик худудларида кенг тарқалган. Асосан ёғингарчилик кўп бўладиган худудлардаги асосан

тамаки күчатхоналарида кўп учрайди. Касаллик ҳамма ёшдаги баргларни, косача барг ва уруг кўсакчаларини ҳам шкастлайди.

Тамаки ёш күчатларида 2 тадан 3-4 тагача чин барглар пайдо бўлганда барг учи ва барг сатҳи атрофидаги мойсимон ёки намланган доғлар пайдо бўлади, бу доғлар айниқса эрталаб яққол намоён бўлади. Бу доғлар қўёшда қурийда ва қўнгир ёки қора ранг ҳосил килади. Нам ҳавода эса барг чирий бошлайди. Одатда далага ўтказилган ўсимлик баргларида диаметри 1 см бўлган айлана оқиш доғлар пайдо бўлади, улар катталашиб диаметри 2-3 см гача етади. Қуриган тўқимани маркази бироз кўтарилигандан бўлиб, ёнлари айлана бўйлаб қурийди.



68-расм. Оддий бактериал рябуха касаллиги.

Ҳавонинг намлиги юқори бўлганда қуриган тўқима атрофи окаради ва қуруқ ҳавода тўқима ўлчами катталашади. Барг ўзагида оч рангли чукур доғлар пайдо бўлади, касалланган уруғ кўсакчасида эса қўнгир чукур доғлар ҳосил бўлади.

Оддий бактериал рябуха билан касалланган барглар давлат стандарти бўйича пастки товар навларга оид бўлади, тамаки баргларидаги ҳосил қуруқ доғлар баргларни узиш, қуритиш ва дастлабки қайта ишлаш жараёнида тешилиб тушиб кетади ва бунда ҳосил 40-50% гача камайиши кузатилади. Касалланган баргларни эрта узиб олиш ҳам ҳосил микдорини камайишига олиб келади.

Бурчакли доғланиш. *Bacterium angulatum* Fromme et Murray қўзғатувчиси келтириб чикаради. Касаллик бактериал рябуха тарқалган худудларда кам учрайди. Шкастланган баргларда одатда баргни учки қисмида 1 см гача диаметрдаги бурчаксимон, занг тусдаги жигарранг ёки тўқ жигаррангли доғлар пайдо бўлади.

Доғлар атрофи сарик яшил рангли ингичка ҳалқа билан үралган бўлади. Қуриган доғларни маркази бужмайиб, тушиб кетади. Косача барг ва уруғ косача шкастланганда тўқ рангли доғлар пайдо бўлади.

Вискосин бактериал доғланиш. *Bacterium mellum* Johnson қўзғатувчиси келтириб чикаради. Тамакида жуда кам учрайди Шкастланган баргларда олдин унча катта бўлмаган қўнғир айланы доғлар пайдо бўлади, улар сарик яшил ҳалқа билан үралган бўлади. Доғ бўлган жойдаги тўқималар нобуд бўлади, катталашади жигарранг ёки оқиш тус олиб, маркази қўнғирлашади ва концентрик айланалар ҳосил бўлади.

Жигарранг бактериал доғланиш. Қўзғатувчиси бактерия – *Phytomonas heterocea* Wsorow. Қўпгина намгарчилик юкори бўлган тамакиличик худудларида учрайди. Бу касалликда баргларда нотўғри шаклдаги жигарранг доғлар пайдо бўлиши билан тавсифланади, айрим ҳолларда доднинг маркази ёки четлари оқини тус олиб, концентрик айланмалар ҳосил килади.

Кора доғланиш. Ушбу касалликни *Bacterium pseudozoglocas* Но'ning бактерияси қўзғатади. Касалликда шкастланган баргларда қўнғир, айланы доғлар, қўнғир жигарранг тусда ёки кора рангда бўлиб, концентрик айланага эга бўлади.

Бактериал касалликларни белгилари бир – бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларнинг қўзғатувчи бактерияларни хусусиятлари ҳам ўхшаш бўлиши кузатилади. Доғларни шакли бўйича бурчакли доғланиш ажралиб туради. Уларни бактериал рябуха доғларидан доғлар шаклланиш даврида осон фарқлаш мумкин. Шаклланган доғлар орасида деярли фарқ қолмайди. Сунъий озуқа орқали етиштирилган бактерияларнинг тамаки баргларини шкастлаш ташки белгилари бир – бирига жуда ўхшаш бўлади. Бу фикрни бир катор олимлар ўтказган тажрибаларда аниқланшган. Улар бактериялардан турли хилдаги доғланишларни пайдо бўлиши токсинларни таъсири натижасида эканлигини таъкидлашган.

Тамакининг (*Nicotiana*) айрим турлари *B.tabacum* бактериясига чидамлиликга эга. Тамаки турларидан *Nicotiana: alata, reranda, rustica, longiflora, plumlaginifolia, viscosa* турлари бактериали касалликларга чидамли эканлиги тадқикотларда аниқланган. Ҳозирги вақтда тамакини экиладиган навларидан Трапезонд навлари бактериал рябуха касаллигига чидамли, Самсун навлари эса нисбатан чидамсиз эканлиги аниқланган. Ўзбекистонда экиладиган

навлардан Дюбек ва Басма навлари бошқа навларга нисбатан бактериозга чидамли эканлиги аниқланган.

Илмий адабиётларда келтирилишича, патоген бактериялар барг түқималарига баргни узиш даврида ва ҳашаротлар орқали жароҳатланган жойлардан киради. Бундан ташқари, бактериялар барг оғизчалари орқали ҳам кириши мумкин.

Бактериозда нисбатан катта доғлар бактериялари токсинлари шкастлаш жадаллигига боғлик. Токсин хлорофилни бузиб, баргда хлоротик доғларни пайдо килади ва бактерияларни бутун түқималарга тарқалишига имкон яратади. Токсинлар пайдо бўлиши учун кислородли муҳитда ҳаво ҳарорати 25°C атрофида бўлиши қулай ҳисобланади (С.Е.Грушевой, 1971).

Россиянинг Кубань ўлкаси шароитида бактериал рябухани кўчатхонада пайдо бўлиши ўртacha ҳаво ҳарорати $15,0 - 18,7^{\circ}\text{C}$ ва уни суткалик ўзгариш $5,2 - 9,9^{\circ}\text{C}$ дан $25,6 - 27,4^{\circ}\text{C}$ гача бўлиши аниқланган. Тамакини кучли заарланиши ўртacha суткалик ҳаво ҳарорати $22,7 - 24^{\circ}\text{C}$ ва уни суткалик ўзгариши $14,5 - 23^{\circ}\text{C}$ дан $25,0 - 33^{\circ}\text{C}$ оралиғида бўлганда кузатилади (Филипчук, 2000).

Шундай килиб, бактериал касалликларни пайдо бўлишида ҳаво ҳарорати ва намлик муҳим аҳамиятга эга. Тамакини кўчат етиштириш даврида одатда ҳаво ҳарорати бактериал касалликларни ривожланиши учун нокулай бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон шароитида тамаки кўчатхоналарида бактериал касалниклар жуда кам учрайди. Фақат кечки кўчатхоналарда касаллик пайдо бўлиши мумкин. Тамаки кўчати далага ўтқазилгандан кейин ўсимликни ўсиш ва ривожланиш даврида ҳаво ҳарорати бактерияларни ривожланиши учун қулай бўлади ва бу даврда ўсимликларда бактерияли касалниклар учрайди. Шуни эътиборга олиш керакки, бу даврда ҳаво намлиги жуда паст бўлиши эса аксинча, бактерияларни ривожланиши учун нокулайлик туғдиради.

Бактериал рябуха ёғингарчилик даврида, туман ва шудринг пайдо бўлганда жадал ривожланади. Бу ҳодиса шу билан тушинтириладики, тамаки барги оғизчалари ҳаво намлиги ошиши билан очилади ва барг сатҳидаги сув билан бирга бактериялар барг түқималарига киради ва ривожланади.

Тамаки уруғини янчиш ва тозалаш даврида чанг билан уруғга тушган патоген бактериялар одатда 9 ой яшовчанлигини сақлайди, 1 – 2 йил сақланган уруғларда бактериялар бўлмайди (А.С.Яковук,

1987). Тамаки уруғ қобигидаги бактериялар уруғ униб чикиши билан майсаларга ўтади.

С.Е.Грушевой, И.П.Худина маълумотларига кўра, тамаки барглари қуёшда қуритилганида бактериялар 1 – 2 йилгача сақлашини аниқлаганлар. Шу билан бирга бактериялар кўчатхона асбоб ускуналарида, қуритиш майдончаси ва тамаки омборхоналари фарматура қолдиқларида ҳам сақланиши мумкин. Тамаки майдонларида поя ва барг қолдиқлари колганда келгуси йили тамакида бактерияли касалликлар кўпайганлиги аниқланган. Шу сабабли, майдонларни поя қолдиқларидан тозалаш бактериал касалликларини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Тамакининг бактериали касалликларига қарши кураш чоралари. Тамакичилик хўжаликларида бактерияли риябуҳа касаллигига қарши курашда қуидаги тадбирлар тавсия қилинади:

- тамаки уруғини кўчатхона юза тупроғи ва кўчатхона асбоб ускуналарини зарарсизлантириш;
- кўчатларга бордос суюклиги ёки мис купороси сепиш;
- тамакини азот – фосфорли ўғит билан биргаликда калийли ўғит билан озиқлантириш;
- алмашлаб экиш ротациясига қатъий риоя қилиш;
- факат соғлом кўчатларни далага ўтқазиш;
- кузги шудгорни 30 – 35 см чуқурлиқда ўтқазиш;
- техник пишган баргларни ўз вактида узиб олиш;
- бактериал риябуҳа билан шкастланган баргларни далада қолдирмаслик;
- тамаки барги қуритиш майдончасидаги фарматура ва барг қолдиқларидан тозалаш;
- тамаки омборхонасини қолдиқлардан тозалаш ва зарарсизлантириш;

Тамакичилик хўжаликларида ушбу тадбирларни тўлик бажарилиши бактериал касалликларни ривожланишини олдини олади ва ва бу тадбирларни хўжаликда бажариш кўп харажат талаб килмайди.

Тамакини гранвил сўлиши (Уранвилле вилт). Тамакини ушбу касаллиги уни ўсиш ва ривожланишини ҳар қандай даврида шкастлаши мумкин, одатда тамаки кўчати далага ўтқазилганидан 25 – 30 кундан кейин пайдо бўлади. Шкастланган ўсимликни пастки баргларидан бошлаб сўлий бошлиайди. Улар сарғаяди ва куриб қолади, поя кўндалангига кесиб кўрилганда унинг утказувчи

найлари (томирлари) сарғайғанлиги, корайғанлиги күрінади, бу холат поянинг ўрта қисмига ҳам тарқалади. Поя юзасида курук корамтирилентасимон чизиқлар пайдо бўлади, поя секин аста чирий бошлайди, бу холатни илдиз тизимида ҳам кўриш мумкин.

Айрим адабиёт манбаларида касаллик қўзғатувчиси *Bacterium solanacearum* Smith эканлиги ёзилади ва бактерия ўсимлик тўқималарига жароҳатланган жойлар орқали ўтиши баён қилинади (Филипчук, 1999).

Тамаки баргини сўлиши бактерия токсини таъсирида бўлса, уни корайиши эса тури экземлар (оксил парчалаши натижаси) таъсирида рўй беради.

Ўсимлик тўқималарида бактерияларни харакати минимал ҳарорат 32°C ва максимал ҳарорат 42°C да содир бўлади. Шкастланиш ҳаво намлиги юқори бўлиб, ҳаво ҳарорати 35°C атрофида, тупроқ муҳити pH 6,0 дан 8,1 гача бўлганда кучаяди. Бактерия қўзғатувчилари тамаки қолдиқларида 7 ойгача, тупроқда 1,5 йилгача сақланади (Иваненко, 1980).

Тамакини гранвил сўлиш касаллиги иссиқ ва нам бўлган мамлакатларда кенг тарқалган. Ушбу касаллик Узбекистонда тамакининг Вирджиния навида айрим йиллари учрайди.

Бактериал сўлиш касаллиги билан итузумдошлар оиласига кирувчи бошқа ўсимликлар, шунингдек кунгабоқар, фасоль, ер ёнғоқ ва бир қатор бегона ўтлар зарарланади. Қарши кураш тадбирларидан қуидагилар тавсия қилинади: кўчатхона майдонини чукир хайдаш, кўчатхона тупроғини куритиш ва зарарсизлантириш, алмашлаб экиш ротациясига риоя қилиши.

Ковакпоя ва корасон (Hollow stalk and Black leg). Тамаки кўчатида ушбу касаллик корасон сифатида намоён бўлади. Бунда ерга тегиб турган баргларда ҳўл чириш пайдо бўлади, чириш барғ ўзаги орқали пояга ўтади. Чириган поя қорамтирилганда олади.

Тамаки майдонларида одатда гул тўплами чилпилгандан ва барча новдалар узиб олинганидан кейин пайдо бўлади. Касалланган поялардаги барглар сўлий бошлайди. Тамакини чилпиши ва бачки новдалари узишдан ҳосил бўлган жароҳат жойидан поя юмшайди, кейин ўрта қисмидан бошлаб чирий бошлайди ва поя қуриб, ковак ҳосил бўлади. Чириш баргларни тизиш ва қуритиш даврида соғлом баргларга ўтади, шу билан касаллик баргларни қуритиш, сақлаш ва дастлабки ишлов даврида ҳам давом этиши мумкин.

Касалликни қўзгатувчиси айрим муаллифларнинг фикрича, *Bacterium carotovorum*, бошқалар *Bacillus aroideae* Townsend деган фикрни билдирганлар. А.А.Ячевский маълумотларига кўра, иссик тамакичилик худудларда касалликни *B. aroideae*, нисбатан совуқроқ худудларда эса *B. carotovorum* бактерияси қўзғатади.

Ушбу касаллик бир қатор хорижий мамлакатларда кенг тарқалган. Ўзбекистонда тамакини Вирджиния навини етиштирили бошлаганини инобатга олсак, бу касаллик (уруг ва хом ашё орқали) Ургут тумани тамакичилик хўжаликларида хам қайд қилинини мумкин.

Тамаки пелаграси. Касаллик қўзгатувчиси бактерия — *Bacterium gummos* Comes. Касалликни асосан хорижий мамлакатларда тамакини Вирджиния ва Берлей навларида тарқалган. Пеллагра билан касалланган тамаки илдиз пўстлоғиди қора доғлар пайдо бўлади, илдизининг қаттиқ қисми бузилади, натижада илдиздан ингичка ўзак ўсимта ва бўртиқлар қолади. Айрим ҳолларда ўсимта поя ва баргларда ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Букоқланиш касаллигини *Bacterium tumefaciens* Smith yet Townsend бактерияси қўзғатади. Бунда касалланган ўсимликларда галл ҳосил бўлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон шароитида тамаки ўсимлигида бактерияли касалликларни турлари ривожланиши ва биоэкологияси, унинг ўсимликда намоён бўлиши, заари, этиологияси ҳамда қарши кураш усуслари бўйича илмий тадқиқотлар деярли ўтказилмаган.

V-боб. ТАМАКИННИГ ПАРАЗИТ БЕГОНА ЎТЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ.

4.1. Шумгия (Orabanche).

Шумгия - паразит бегона ўтнинг авлоди автотроф ўсимлик бўлиб, яшил барглар ва илдиз тизимига эга бўлган. Жуда кўп йиллар мобайнида эволюция жараёнида ўсимлик паразит ҳаёт кечиришга мослаша борган, унинг барглари кичрайиб, хлорофиллни йўқотган, жуда кичик сариқ ёки оч сиёҳ ранг тусдаги барг қобиги қолган. Илдизлари эса қисқа этли толага айланиб, хўжайн-ўсимлик илдизларидан озиқ моддаларни сўришга мослашган. Унинг ўзгарган пояси ва турли хил тусдаги гуллари сакланиб қолган. Шумгия ўсимлигида узоқ йиллар эволюция ва ташки муҳитга мослашиш жараёнларида бир катор биологик хусусиятлар шаклланган:

- ташки муҳит шароитига жуда юқори мослашиш қобилияти;
- юқори уруғ ҳосил қилиш коэффициентига (битта ўсимлик поясид 10 - 15 минг дона уруғ ҳосил бўлади);
- уруғлари 10 – 15 йил тупроқда унувчанигини саклаган ҳолда сакланиши;
- хўжайн - ўсимлик илдиз тизими чиқарган чиқитлар таъсирида маълум тупроқ шароитида ўсиш қобилияти;
- жуда кўп маданий ва ёввойи ўсимликлар илдизида ўсиши.

Шумгия кўп йиллик ўсимликларда паразитлик қилганда, худди кўп йиллик ўсимлик сифатида ўз фаолиятини давом эттиради. Агар хўжайн-ўсимлик нобуд бўлса, паразит бегона ўт ҳам нобуд бўлади.

Шумгия биоэкологияси. Айрим тадқиқотчилар фикрича , кўп йиллик ўсимликларда паразитлик қилган шумгия вегетатив усулда ҳам кўпайиш хусусиятига эга бўлиши мумкин. Бунда иккиласми гаусторияларида (сўрғичларида) куртак ўсимтаси ҳосил қилиб, бу кейинроқ она ўсимликдан ажратилиб мустақил паразитлик қила бошлайди.

Бир йиллик ўсимликларда эса хўжайн ўсимлик нобуд бўлиши билан паразит ҳам фаолиятини тұхтайди. Ўзбекистонда кенг тарқалган миср шумгиясини гаусториялари икки ёки кўп йиллик бегона ўтларда паразитлик қилиб ер тагида қишлиб чиқганлиги түгрисидаги маълумотларни проф. Ж.Т.Қобулов ўз илмий ишларида келтириб ўтади.



69-расм. Шумгия
(Тамакининг
Виржиния нави)

Эфелар ўсимликларда паразитлик қилган шумгия хўжайин-ўсимлик каби қисқа умр кўради, айрми ҳолларда гуллаш даврида ёки пишмаган уруғлар ҳосил қилиш даврида нобуд бўлади.

Шумгиянинг кўп турларида ташқи муҳитга мослашиши (адаптация) ва полиморфизм жуда кескин характерга эга бўлғанилиги учун уларда морфологик ўзгарувчанлик кучли бўлишилиги кузатилади.

Ўзбекистон шароитида шумгиянинг морфологик белгилари хўжайин ўсимликга боғлиқлигини проф. Ж.Т.Қобулов ўрганган ва унинг натижалари 46 -жадвал маълумотларида келтирилган.

Маълумотларни таҳлил қилганимизда шумгияни систематик (морфологик) белгилари турли комбинацияларда бўлиб, хилма-хил шаклларни яратади. Бу шакллар авлоддан-авлодга ўтмаслиги, ирсий модификация эмаслигини тадқиқотчи таъкидлаб ўтади.

Шумгия бўйича Марказий Осиё мамлакатларида тадқиқотчи олимлар А.В.Загоровский ва Ж.Т. Қобулов ҳамда уларнинг шогирдлари илмий тадқиқот ишларда миср шумгиясини хўжайин-ўсимликларда ривожланишини ўрганган.

Шумгия уруғи куртагда жуда кичик уруғ (0,4-0,5 мм) жойлашган бўлиб, илдиз ва пояга ажралмаган. Унда уруғпалла йўқ ва у бир грух хужайралардан иборат, бу хужайраларни озиқланиш хужайралари ўраб туради.

**Миср шумғиясини морфологик белгиларини хұжайин
ұсимлигига бағындырылған (Ж.Т.Қобулов, 1978)**


Хұжайин- ұсимлик	Поя баландилги, см	Гүллаган новдалар сони, дона	Мева элементлари, дона	Гулининг ұлчами, см	Гулкоса доналари, см
Қовун	43,0	19,3	352,2	2,9	2,5
Тарвуз	41,0	21,7	318,0	2,7	2,6
Ош қовок	30,6	8,3	69,6	3,1	2,0
Бодринг	40,6	13,6	209,8	3,1	4,0
Помидор	38,4	14,8	217,4	2,8	1,8
Тамаки	36,2	12,4	198,6	2,6	1,7
Кунгабокар	37,4	14,4	143,6	2,4	2,4

Уруг куртак үсиш жараёнида ҳам уни илдизи, поя ва баргларини фарқлаш мүмкін бўлмайди. У илонсимон ирга үхашаш бўлиб, нозик хужайралардан ташкил топган. Ұсимтани бир учидан уруғ қобик билан копланган. Уни проф Д.Т. Қобулов поя қисми, унга қарама-карши бўлган томони илдиз қисми деб атаган. Ипсимон уруғ пастга қараб үсади, унинг учи винтли чизикга үхашаш бўлиб, хұжайин-ұсимлик илдизини излайди. Агар илдиз топилмаса, у захира озиқдан фойдаланиб туради, озиқ тугаса, үсимта сўлийди, корайиб қуриб қолади.

Унинг пастки қисми унга тўғри келадиган ұсимлик илдиз тизимига жисп бўлиб озиқ моддаларни сўриб кенгая боради. Унинг учки қисмида маълум вақт уруғ қобиги сақланади ва вақт үтиши билан изсиз йўқолади. Унинг кенгайған қисми хұжайин-ұсимлик илдиз тизимига мустаҳкамланиб, тугунлар ва сугаллардан иборат бўлади.

Ҳосил бўлган сўгаллардан узун сўрғичлар үсиб чиқади ва бу вақтда хұжайин-ұсимлик илдизида ёш шумғия юлдузли тўғнағичга (чўқмор) үхшаб жойлашади. Сўрғичлардан бири илдиз пўстлоги ичига киради ва ўса бошлайди, пўстлоқ ичидаги хўжайраларни силжитиб, илдизни қаттиқ қисмига томон ҳаракатлана бошлайди.

Шумғия поясида томирлар ривожланади ва у томирлар хұжайин-ұсимлик илдизида жойлашиб олган сўрғич орқали ұсимлик илдизи билан уланади.



70-расм. Ўсимлик илдизида ўсаётган шумғия.

Хўжайнин-ўсимлик билан паразит шумғияни уланган жойида окнилуфар пиёзбошига ўхшаш куртак ривожланади. Ундан йўғон поя ўсиб чиқади ва у тупроқ юзаси томон ҳаракатланади ва тупроқ юзасида гуллаётган бошоқ чиқаради.

Шумғия хўжайнин-ўсимлик илдиз билан биргалиқда туганаклар ҳосил қилиб ўса бошлайди. Биргалиқдаги яшаш фоалияти шунчалик ривожланадики, унда хўжайнин-ўсимлик илдиз пўстлоғи билан шумғия пўстлоғи умуман бирлашиб кетади. Шундай ҳолат юзага келадики, бунда шумғия шохини гўё хўжайнин - ўсимлик ҳосил қилгандай тасаввур ҳосил бўлади.

Шумғия танасининг ён томонларида ҳосил бўлган йўғон ва гўштили толалар хўжайнин-ўсимлик илдизи томон қайрилади ва учи билан илдиз ичига кириб, ўз фаолиятини дастлабки сўргич каби давом эттиради.

Самарқанд вилояти Ургут ва Тайлоқ туманларида тамаки ва сабзавот-полиз майдонларида миср шумғияси уларнинг ўсиш ва ривожланиш даврида жуда кўп бўлиб, сер поя бўлиб шаклланади. Бунда улар хўжайнин-ўсимликни яхши ривожланган ён томирларидан бирига ёки илдиз бугзи атрофига мустаҳкам ўрнашиб

олади. Одатда уларни биттаси йўғон ва семиз жуда кўп сўргичли туганаклар ҳосил қиласди. Уларни бир қисми хўжайнин-ўсимликнинг ингичка илдизларига ёпишиб олади.

Бизнинг тажрибаларимизда Самарқанд вилояти Ургут тумани тамаки ва помидор илдизида 100 га яқин шохлар ҳосил қилганлиги аниқланади. Проф. Ж.Т.Қобулов кузатишларига қараганда, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида қовун, таруз, қовоқ ва помидор илдизида миср шумғиясини шохланиш сони 200 дан бошлаб 350 тагача етганлиги аниқланган. Бундай ҳолат айниқса унумдор тупроқда шаклланган йирик ўсимликларда кўп учраганлиги қайд этилган.

Шохли шумғияларга хос хусусиятлардан-илдиз туганаклари ва сўргич сонларини сонини кўп бўлиш ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотчилар шумғиянинг сўргичларини кимёвий таркибида крахмал кўп бўлишларини аниқланганлар ва бу эса поя ҳосил бўлиши ҳамда паразитни ҳаёт фаолияти давомида фойдаланилади.

Кўпгина ҳолларда, шумғияни ер остида жойлашган пояларини ҳосилни камайтиришдаги аҳамиятига унча эътибор қаратилмайди.

Кўпнча олимларнинг илмий тадқиқотларида шумғия билан зааралangan майдонлардаги ер юзасидаги гуллаган паразит ўсимтаси юлиб ташланганда ҳам хўжайнин ўсимлик илдизида ҳосил бўлаверади. Бунда паразитнинг пайдо бўлиш радиуси хўжайнин-ўсимлиқдан 20-30 см, айрим ҳоллаода 50 см. гача бўлади.

49-жадвал


**Шумғия уруғлари турли хил чукурликда уялаб экилганида
унинг пояларини ер юзасида ҳосил бўлиши
(Ж.Т. Қобулов маълумоти, 1978)**

Хўжайнин-ўсимлик	Шумғия уруғини экиш чукурлиги, см	15.VI	30.VI	15.VII	30.VIII	15.IX	30.IX
Помидор	20	4	6	12	15	18	22
	30	-	1	5	5	5	5
	40	-	-	1	2	2	2
	50	-	-	-	-	-	-
Тамаки	20	1	3	7	9	11	14
	30	-	1	2	3	5	7
	40	-	-	-	1	2	2
	50	-	-	-	-	-	-

Шумғия уруғлари тупроқнинг 30-40 см, чукурлигидан ҳам униб чиқиши қобилиятига эга, бунда диаметри 3 см гача бўлган кучли ўсган сўргичлар хосил қилиши мумкин. Агар тупроқ қатлами жуда сиқилган бўлса, эгри-буғри шаклини олиши мумкин. Айрим ҳолатларда, каттиқ тупроқда ҳам заарлаш мумкин. Хўжайин-ўсимликларга шумғия асосий заарини тупроқ остида ўтказади. тупроқ юзасида эса у яшаш фаолиятини охирги даврини, яъни гул хосил қилганидан сўнг қуриб нобуд бўлиши ер юзасида содир бўлади.

Профессор Ж.Т.Кобулов помидор ва тамаки ўсимликларида шумғиядан тоза бўлган майдондан (илгари 15 йил дараҳтзор бўлган) 60 см чукурликда ҳайдалиб, унинг турли чукурликларига шумғия уруғлари уялиб экилган (49 - жадвал).

Тажрибадан шу нарса кўриниб турибдики, шумғия уруғи тупроқ қатламида канча чуқурда бўлса, уни ер юзасига униб чиқиши шунча қийин бўлар экан. Асосан, тупроқнинг 20 см қатламидан прразит уруғлари энг кўп микдорда ер юзасида униб чиқар экан. Тупроқнинг 50 см қатламидаги уруғлар умуман унуб чиқмаслиги аниқланган. Тупроқнинг чукур қатламида шумғия уругини униб чиқиши қобилияти кескин ёмонлашади.



71-расм. Тупроқда шумғия уруғини тарқалиш ареали.

Шумғия уруғи. Шумғиянинг уруғи жуда кичик бўлиб, узунлиги 0,4-0,5 мм, эни ва қалинлиги 0,025 мм. 1000 та уруғининг оғирлиги 0,075г.

Миср шумғиясининг уруғи бошқа турларига қараганда каттарок бўлиб, бир грамида 60.000 дона уруғ ташкил қиласди. Миср шумғиясининг 1000 дона уруғининг оғирлиги 0,104 г. Паразит кўсакчасида 1500-2000 дона уруғ бўлади.

А.В.Загоровский маълумотларига кўра, 25x25 см майдонда миср шумғиясининг 41 дона гули борлиги аниқланган. Унда 600 минг дона уруғ борлиги ва ҳисобларга кўра 1 кв.м майдонда 9 млн. донадан зиёд паразит уруғи борлиги аниқланган. Унинг кичик уруғлари шамол, одамлар ва ҳайвонлар орқали осон ҳаракат қиласди.

А.В. Загоровский Марказий Осиё мамалакатларида шумғия турларини тарқалиши ареалини ўргангандан ва бу худудда миср ҳамда кунгабокар шумғияси кенг тарқалганлигини баён қиласди. Миср шумғияси заарлайдиган маданий ўсимликларни қайси тури бўлишидан қатъий назар, агар агротехник қоидалар бузилган ҳолатларда (донли экин майдонларга ишлов бериш кечиккандан, беда яхши парваришланмаса, қатор ораси ишланадиган экинларни бегона ўт босгандан ва бошқа агротехник қоидалар бузилганида) алмашиниб экиш майдонларида осон тарқалиш хусусиятига эга. Айниқса, экин майдонларида бегона ўтларни йўқотмасдан шумғияга қарши курашиб бўлмайди. Ушбу талабни тўлиқ бажармасдан туриб, фитоценоздан паразитни тўлиқ чиқариб бўлмайди.

Шумғия гуллари одатда ҳашоратлар ёрдамида чангланади. И.Г.Бейлин маълумотларига кўра, шумғия изолятор ичида ҳам уруғ ҳосил қилиш қобилиятига эга.

Паразит поясининг узунлиги ва қалинлиги гулларининг сони ва ўлчами, кўсакча ва ундаги уруғ сони унинг турига, хўжайн ўсимлик ўсиш шароитига тупроқ унумдорлигига, тупроқнинг сув ва озиқа режимига, шу билан бирга паразитнинг илдизидаги сўрғичлар сонига чамбарчас боғлиқ эканлигини профессор Ж.Т.Қобулов (1978) сабзавот, полиз ва тамаки экинларида олиб борган тадқиқотларда аниқлаган.

Миср шумғияси барча хўжайи-экин турларида, айниқса полиз экинларида яхши ўсиб ривожланиб жуда кўп шохлар ҳосил қиласди. Куз ойларида (сентябрь, октябрь) паразит битта-иккита шох ҳосил қиласди.

Миср шумғияси билан кучли заарланган майдонларда хўжайн-ўсимлик илдизда ривожланиш даври турли хил бўлган 25-30 та гача паразит пояси, уларни узунлиги 15-55, айрим холларда 70 см гача бўлганлигини тадқиқчилар аниқлашган.

Кўпгина фермер хўжаликларида паразит бегона ўт-шумғияни мева тушишигача уни юлиб олиб ташлаш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолларда хўжайн-ўсимлик илдизи жароҳат олади, ва турли

касалликлар инфекцияси учун йўл очилади, бундан ташқа паразит илдиз ва поя куртакларидан яна ўсиб чиқади.

Проф. Ж.Т.Қобулов шумғия поясини ер юзидан 3-4 см қолдириб кесганда ён шохлар пайдо бўла бошлаган, улар 15 кунда гуллаб, 20 кундан сўнг 10-15 дона уруғ кўсаги ҳосил қилганлигини тажрибаларда аникланган. Тадқиқотчи шундай холосага келганки, шумғия поясини кесганда уларда жуда тез ён поялар ҳосил бўлади ва кулагай шароитда ўсиш ҳамда ривожланишини давом эттиради. Пояни кесиш янги пояларни пайдо бўлишини тезлаштиради ва паразитни хўжайн-ўсимликга заарини кучайтиради.

Шумғияни ривожланиш даврлари хўжайн-ўсимлик турига боғлиқ эканлиги тадқиқотларда аникланган. Бир қатор эфемер ўсимликларда паразит жуда қиска 20-22 кун деганда ривожланишини тұхтатади. Бундан холоса қилиш мүмкінки, эфемер ўсимликлардан майдонларни паразитдан тозалаш учун алдамчи (прованаціон) экин сифатида фойдаланиш мүмкін.

Пояси йирик ва узоқ вақт давомида ўсуви маданий ва ёввойи экинларда (тамаки, помидор, кунгабоқар, бодринг, полиз экинларида, шувоқ ва бошқалар) шумғия яхши паразитлик қиласи ва 200-250 дона ён поялар ҳосил қилиб, уни ривожланиш даври ҳам узаяди.

Миср шумғиясида шароитга мослашиш (адатация) ва полиморфизм хусусиятлари жуда кучли ифодаланган, шу сабабли уларда кенг морфологик ўзгарувчанлик кузатилади.

Паразит бегона ўт шумғияда узоқ вақт паразитлик ҳаёт фаолияти давомида бир қатор биологик хусусиятлар пайдо бўлган, жумладан кўп уруғ ҳосил қилиши, уруғни тупроқда жуда кўп йиллар сақланиши, пояси жароҳатланганда ён пояларни жуда тез ҳосил бўлиши, қиска вақт гуллаб уруғ бериши, хўжайн-ўсимликларини кўплиги ва бошқалар.

А.В.Загоровскийнинг Қирғизистонда ўтказган кузатувларига қараганда, экинларни суғорганда ҳам шумғия уруғлари тарқалар экан. Ариқ суви фильтрдан ўтказилганда, 30 метр сувда 1-3 донагача шумғия уруғи борлиги аникланган. Агар суғориш меъёри 600 куб.м бўлганда, гектарига суғориш орқали 20 мингдан 60 мингтагача шумғия уруғи тупроқни ифлослантириши аникланган.

Шумғия уруғи тупроқ юзасига тўкилади, унинг бир қисми нақулай ташки шароит туфайли нобуд бўлади, унинг асосий қисми ер ҳайдаш орқали тупроқни турли қисмларига тарқалиб кетади.

Тамаки майдонларида шумғия паразитини ўрганган проф. С.Е.Грушевойнинг (1950) таъкидлашича, паразитнинг уруғлари совуқ таъсирида унувчанлигини йўқотади. Ҳакикатан ҳам шумғия уруғлари совуқ таъсирида нобуд бўлади.

Кўпгина олимларнинг фикрича, шумғия уруғи бир қатор ўсимликлар таъсирида ҳам нобуд бўлиши мумкин. Шумғия паразитлик қила олмайдиган ўсимликлар илдизидан чиқаётган илдиз чиқитлари паразит уруғи учун нокулай шароит туғдиради ва уруғ нобуд бўлади.

Одатда кузги шудгор вактида тупроқ юзасидаги жуда кичик шумғия уруғлари бутун тупроқни ҳайдалма қатлами бўйича тарқалиб кетади. Улар тупроқнинг ҳайдалма қатламининг турли чукурликларида ўз унувчанлигини сақлайди. Бу фикр кузги шудгор шумғияга қарши курашда самарали восита эканлигига шубҳа туғдиради ва кўпгина олимларнинг бу борадаги фикрларини тўлиқ тасдиқлайди.

Паразит бегона ўт шумғиянинг уруғини униб чиқиши тўғрисида жуда кўп олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Лекин хозиргача унинг униб чиқиш механизми ҳақида аниқ фикрлар айтилмаган. Ушбу масалани илмий асослаш шумғияга қарши самарали кураш усулини яратишга замин яратади.

Бир қатор тадқиқчилар шумғия уруғини униб чиқиши тупроқ эритмасининг pH кўрсаткичиги боғлиқ экинлигини кўрсатиб ўтган. Рихтернинг кўрсатишича, шумғия уруғи ишкорли тупроқларда униб чиқмаслиги айтилган. pH нинг шумғия учун кулагай кўрсаткичи 6,7 бўлиб, 8,5 кўрсаткичда уруғ униб чиқмайди. Проф. С.Е. Грушевой (1950) таъкидлашича, шумғия уруғи тупроқ эритмасининг реакцияси тахир ва нейтралга яқин бўлганда униб чиқади. Бошқа бир қатор олимлар тупроқ эритмасини реакцияси уруғ учун иккинчи даражали кўрсаткич эканлигини баён қилганлар. Барцинский шумғия уруғини униб чиқиши учун илдиз тизимидағи стимулятор асосий омил бўлиб хизмат қиласди.

С.Е.Грушевой (1950) тадқиқотларида шумғия уруғини униб чиқиши учун хўжайн-ўсимлик илдизи билан контактдан ташқари шумғия турлари бўйича турлича ҳарорат ҳам зарурлигини қайд этган. Шумғия паразитини уруғи 20°C дан паст ҳароратда униб чиқмаслиги аниқланган. Энг кўлай ҳарорат 25°C бўлиб, 30°C дан юқори ҳароратда миср шумғияси уруғи жуда суст униб чиқади ёки умуман униб чиқмайди. А.В.Загоровский (1956) Қирғизистон

Республикаси тупроқ-иқлым шароитида миср шумғияси уруги тупроқ ҳарорати 25 °C бўлганда, уруғ 11 кундан сўнг униб чиқған, 20-20°C тупроқ ҳароратида эса 20 кундан сўнг униб чиқганлигини кайд этган. Миср шумғиясини ушбу биологик хусусиятидан келиб чиқган ҳолда, паразитни зарарини экинларни экиш муддатларини бошқариб камайтириш имконияти мумкин эканлиги аник бўлади.

Шумғиянинг физиологик хусусиятлари. Шумғия (*Orobanch*) туркуми юксак ўсимликларга мансуб бўлиб, қишлоқ хўжалини экинларининг облигат паразитлари хисобланади. Шумғия ўсимликларнинг илдизларига ёпишиб олиб, ўзи учун керак бўлган сув ва озиқа моддани хўжайин организмидан олади ҳамда экинларни нобуд бўлишига сабабчи бўлади.

Республикамизда паразит ўсимлик шумғия (илонўти) сабзавот полиз экинлари ва тамакига катта зарап етказади. Ушбу паразит begona ўти ковун, тарвуз, помидор, картошка, тамаки, кунгабокар, ерёнғоқ, кунжут ва бошқа экинларнинг ашаддий паразит begona ўти хисобланади.

Шумғия минг йиллаб давом этган эволюция натижасида паразит ҳаёт тарзига мослашиб, бир қатор биологик хусусиятларга, яъни ташқи муҳитга юқори мослашиш даражаси, катта кўпайин коэффициентига (1 ўсимлик 150-200 минг дона уруғ ҳосил қиласди), унинг уруғлари тупроқда узоқ вақт сакланиши (10-12 йил), кулаи шароит пайдо бўлганда хўжайин ўсимлик илдиз тизимига ўрнашиб униб чиқиши каби бир қатор биологик хусусиятларни шакллантирган.

Кўп йиллик ўсимликларда паразитлик билан яшаб келаётган шумғия турлари кўп йиллик паразит сифатида ҳаёт кечиради. Унинг айрим турлари вегетатив кўпайиш хусусиятига эга.

Шумғиянинг бир йиллик ўсимликларда паразитлик қилувчи турлари хўжайин ўсимлик билан бирга яшайди ёки кўп йиллик ўсимликларга кўчиб ўтиш ҳоллари ҳам учрайди. Улар хўжайин - ўсимлик нобуд бўлгандан кейин 8-14 кунгача яшаши мумкинлиги аниқланган. Айрим жойларда паразитнинг икки йиллик турлари ҳам учрайди. Биринчи йили хўжайин – ўсимлик илдиз тизимида тугунакка ўхшаш этли тўқима ҳосил қиласди ва иккинчи йили ундан поя униб чиқади.


Миср шумғияси асосан бир йиллик ўсимликларда паразитлик қиласди ва одатда, хўжайин-ўсимлик билан бирга вегетациясини

тутатади. Айрим холатларда паразит эфемер бегона ўтларда ҳам яшаши мумкин (А.Ш.Хамраев, К.Насриддинов, 2003).

Профессор Д.Т. Қобулов (1969) томонидан қовун, тарвуз, ошқовок, бодринг, помидор, тамаки ва кунгабоқар экинларида миср шумғиясининг морфологик белгилари турли хил кўринишда бўлишлиги ва бу белгилар наслдан-наслга ўтмаслиги аниқланган.

Тамаки ўсимлигига миср шумғияси жуда кўп шох ҳосил қиласди, айниқса ўсимлик жадал ўсиш даврида буни яққол кузатиш мумкин. Бунда паразит тамакининг яхши ривожланган ён илдиз ёки илдиз бўғзига яқин бўлган қисмига сўргичлари билан ёпишиб олади. Паразитнинг сўрувчи қисмида жуда кўп микдордаги крахмал моддаси бўлишлиги уни ўсишини жадал бўлишини таъминлайди.

Миср шумғияси паразити тупроқда хўжайн-ўсимлик илдиз тизимиға жойлашганларидан ер юзасига чиқиб поя ҳосил қилганлари қовунда 40,5 %, тарвузда 10,7% ва помидорда эса 13,9 % ни ташкил қиласди. Қолган паразитлар илдизни тупроқни чуқурроқ қисмида жойлашади ва улар хўжайн-ўсимликни бутун ўсув даври мобайнида униб чиқа бошлайди, шу билан ўсимликка бутун ўсув даври давомида зиён етказади. Паразит уч марта юлиб ташлагандага ҳам яна униб чиқиши қобилиятига эга.



72-расм. Шумғия уруғини тупроқ қатламида жойлашуви ва уни хўжайн ўсимлик ўсимтаси билан дастлабки муносабати.

Тамаки ўсимлиги атрофидан 30-40 см радиусда ва айрим холатларда ундан узоқроқ жойларда ҳам паразит униб чиқади. Шумғия уруғлари тупроқнинг 30-40 см чуқурлигига ҳам униб чиқиб, сўргичларининг диаметри 3 см гача боради. Д.Т. Қобулов (1978)

тажрибаларида тупроқнинг 20 см чукурлигидан энг кўп паразит униб чиқиши аниқланган. Паразитнинг ушбу хусусиятини ҳисобга олиб, унга қарши курашда чукур шудгорлашнинг аҳамияти катта.

Миср шумғияси хўжайин-ўсимликларда яширин ҳолатда тупроқ тагидаги илдиз қисмида ер юзига чиқмасдан паразитлик қиласди. Унинг хўжайин-ўсимликка асосий зарари тупроқнинг паразит жойлашган қисмида содир бўлади, ер устига уни униб чиқиши охирги боскич бўлиб, гуллагандан кейин у қурий бошлайди.

А.В.Загоровский (1956) маълумотларига кўра, тамаки майдонининг 1 m^2 майдонида 9 млн. дона шумғия уруғи ҳосил бўлиши аниқланган. Уруғи жуда кичик бўлганлиги сабабли шамол, одам, ҳайвонлар, шу билан бирга суғориш суви орқали тарқалиши мумкин.

Шумғиянинг гуллари ҳашаротлар орқали, асосан фитомиза пашшаси орқали чангланади. Лекин, И.Г.Бейлин (1947) маълумотларига кўра, шумғиянинг уруғи изоляторда ҳам ҳосил бўлганлиги баён этилган.

Шумғия поясининг бўйи ва эни, гулининг сони ва катталиги, қўсакча сони ва ундаги уруғ сони паразитнинг турига, хўжайин-ўсимлик ўсаётган табиий ва агротехник шароитларга ҳамда хўжайин-ўсимлик илдизида ўсаётган паразитларнинг сонига боғлиқ.

Одатда, тамакида миср шумғияси кучли шохланган пояга эга бўлиб, сентябрь-октябрь ойларига келиб битта поя ҳосил қиласди. Ушбу пояга фитомиза пашшаси тухум қўяди. Тухумдан чиқкан личинкалар шумғия уруғи билан озикланади ва шу йўл билан уни авлод колдиришини кескин камайтиради. Ушбу йўл билан унинг уруғ маҳсулдорлиги 60-65% камаяди.

Тамаки миср шумғияси билан кучли заарланганда ҳар бир ўсимлик илдизида 15-20 тадан турли ривожланиш даврлардаги паразит бўлиб, уларни бўйи 10 см дан 40 см гача бўлиши аниқланган (С.З.Файзиева, 1975).

Тамаки майдонларидаги шумғия одатда турли ривожланиш даврларида тереб ташланганда, тамакининг илдизи жароҳатланади, паразитнинг илдизга ёпишиб турган қисми қолади ва қулай шароитда қисқа давр мобайнида ундан янги поя ўсиб чиқади ва 15-20 кунда гуллаб қўсакча (уруғ) ҳосил қиласди.

Миср шумғиясининг ривожланиш даврларининг давомийлиги одатда хўжайин -ўсимликнинг вегетациясига боғлиқ. Айрим эфемер ўсимликларда шумғиянинг ривожланиш даври 20 кунгача

бўлса, тамакида эса 40-45 кунгача ривожланиб, поясида жуда кўплаб шохлар ҳосил қилиши билан тавсифланади. Тамаки ўсимлигида паразит ўсимтаси пайдо бўлганидан кейин 12-14 кундан сўнг гуллай бошлайди ва қийғос гуллаш даври 16-18 кундан сўнг кузатилади. Гуллаш даври тугаши билан кўсакчалар ҳосил қилиш даври бир ҳафтагача давом этади. Шумғия паразитининг кимёвий таркибида бир қатор заҳарли моддалар – глюкозид ва алкалоидлар (ринантин, аробанхолин) бўлганлиги сабабли чорва моллари уни емайди.

50-жадвал.

Шумғия ва тамаки ўсимлигида нуклеин кислоталарнинг микдори (Т.П. Михайлова, В.Е.Биенко, 1980)

Тадқиқот объекти	Тахлил олиш муддати	МГ/Г қуруқ модда			РНКнинг ДНКга муносабати
		ДНК	РНК	РНК+ДНК	
Тамаки-барги (зараарланмаган)	1	0.75	2.76	3.51	3.68
	2	0.70	2.35	3.05	3.33
	3	0.64	3.04	2.57	3.01
Тамаки – барги (зараарланган)	1	0.90	2.76	3.94	3.42
	2	0.61	2.21	3.37	4.52
	3	0.43	4.97	2.64	5.13
Тамаки – илдизи (зараарланмаган)	1	1.59	4.14	6.56	3.12
	2	1.52	3.31	4.83	2.17
	3	1.26	1.93	3.19	1.53
Тамаки –илдизи (зараарланган)	1	1.33	4.97	6.30	3.73
	2	0.99	4.14	5.04	4.60
	3	0.93	3.04	3.97	3.96
Шумғия	1	0.54	5.54	6.07	10.24
	2	0.26	3.87	4.13	14.88
	3	0.13	3.31	3.44	25.14

Изоҳ: 1- шумғияни ер остидаги ривожланиш даври;

2- шумғияни гуллаш даври.

3- шумғия уруғини пишиш даври.

Бутунrossия тамаки ва маҳорка экинлари илмий –тадқиқот институти профессори Т.П.Михайлова ва В.Е.Биенко (1980) шумғияни нуклеин кислоталар ва оқсил фракциясига таъсирини ўрганишган (50-жадвал).

Шумгия уруғлари хұжайин ўсимлик илдизи билан тұқнашганда аввал тупроқнинг юза қатламидаги, кейин эса пастки қатламлардаги уруғлар униб чиқады, шунинг учун хам шумгия ниҳолларининг тупроқ юзасида пайдо бўлиши бутун вегетация даври давомида содир бўлиб туради. Бу борада М.С.Сивцев (1960) нинг ишлари диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, шумгия билан зааррланган далаларда шумгия юлиб олингандан кейин 7-10 кун ўтгач янги ниҳоллар пайдо бўлади, улар шумгиянинг хұжайин ўсимлик илдизида қолган қисмларидан ҳосил бўлади. Янги ўсимликлар ҳатто уч марта юлиб олингандан сўнг ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бунда паразитнинг помидор илдизи атрофида пайдо бўлиш радиуси 30-40, баъзида 70 см ни ташкил қиласи.

Тамаки шумгия билан зааррланиши унинг таркибидаги нуклеин кислоталар ва оксил фракциясини камайишига олиб келди. Шумгия таркибида тамакига қараганда ДНК микдори кам, лекин РНК микдори кўп экинлиги қайт этилди. Шумгия тўқималарида тамаки таркибида учрамайдиган қўшимча оксил компоненти борлиги тадқиқотчилар томонидан аниқланган.

Гули икки лабли осмон ранг оч кўк бўлиб, бошоқсимон гултўпламга бириккан, гуллагандан кейин мева- 10-40 донагача кўсакча ҳосил қиласи, икки чаноқ бўлиб очилади, ҳар бир кўсакчада жуда кичик 0,2-0,3 мм ўлчами 50 минг донагача уруг ҳосил бўлади.

Шумгия – четдан чангланувчи факультатив гулли ўсимлик бўлиб, 100 мингдан 500 минг тагача уруғ ҳосил қиласи, улар тупроқда 10 йилдан 20 йилгacha унувчанлигини сақлади, улар хұжайин ўсимлик илдиз тизимидан кислотали ажратма хис қилиши билан унга ёпишиб уна бошлади. Унинг уруғи ва кейинги ўсиши учун қулай ҳарорат $15-25^{\circ}\text{C}$ хисобланади. Ҳарорат 10°C дан паст бўлганда ёки 25°C дан юқори бўлганда уруғи униб чиқмайди.

Шумгияга қарши уруғни ундирувчи стимуляторлар кимёвий назоратнинг истиқболли йўналиши хисобланади. Маълумки, шумгия уругини униб чиқиши кунгабоқарни илдизидан чиқган моддалар таъсирида бўлади. Ушбу моддаларни сунъий аналогларини ишлаб чиқиш ва уларни тупроқга солиш шумгия уругини униб чиқаради ва хұжайин- ўсимлик бўлмаганлиги сабабли улар нобуд бўлади.

Шумгияга қарши кимёвий усулда курашишда Альфа химгруп компаниясининг Девайс ультра гербициди яхши самарали восита

булиб, у шумғиянинг ҳамма расаларини ва бегона ўтларини йўқотади, уни кунгабоқарни гибридларини 4-8 барг даврида қўллаш тавсия этилган (<https://sai2007.com/a/97234-zarazihametob-yborby.html>)

Пустовайт номли Бутунrossия мойли экинлар ИТИ олимлари шумғия билан кучли заарланган майдонларга маккажӯҳори экиши тавсия қиласди. Маккажӯҳори шумғия уругини унишини таъминлайди, лекин уни ривожланиши ва уруғ ҳосил булишига имкон бермайди. Ушбу усулни Испанияда дастлаб қўллаш тупроқдаги шумғия уругини 50% гача камайтиради.

Шумғия уруғига бундай таъсири зифир, рапс ва сурепица экинларида ҳам кўриш мумкин.

Кўпгина ҳашаки экинлар (беда, себарга) шумғия уругини униб чикиши учун стимуляция қиласди, лекин шумғияни уруғи ҳосил бўлгунча улар йигиштириб олинади ва майдон паразит уруғидан тозаланади.

Бизнинг тажрибаларимиз натижалари кўрсатадики, шумғияни жадал ўсиши ва ривожланиши асосан полиз экинларида кузатилади. Жумладан, Булунғур туманининг полизчилик фермер хўжалиги далаларида 2016 йил сентябр-октябр ойларида ўтказилган тажрибаларда ковун ва бодринг ўсимликларида шумғиянинг бўйи мос равиша 38,3 ва 37,1 см, гул берадиган пояси 16,8 ва 14,2 дона, гуллар сони ни 239,1 ва 200,2 дона, гулининг ўлчами 2,7 ва 2,5 см ни ташкил қиласди. Демак, шумғия Самарқанд вилоятининг шимолий туманлари шароитида тамаки, помидор ва кунгабоқарга нисбатан ковун ва бодрингда яхши ўсиб ривожланади ва бу ўсимликларга кўп зарар етказади (51-жадвал).

51-жадвал

Миср шумғиясининг морфологик белгиларини хўжайнинг ўсимликларига турига боғлиқлиги

№	Хўжайнинг ўсимлиқ	Шумғия бўйи, см	Шумғиянинг гул берадиган пояси, дона	Гуллар сони, дона	Гулининг ўлчами, см
1	Тамаки	32,5	10,8	203,5	2,3
2	Помидор	35,3	12,2	221,8	2,5
3	Кунгабоқар	33,8	13,5	172,4	2,2
4	Қовун	38,3	16,8	239,1	2,7
5	Бодринг	37,1	14,2	200,2	2,5

Тажрибалар натижалари күрсатадыки, шумгия билан энг күн заарланиш тупроқда 2-, 3- ва 5-далаларда тамакининг Виржиния на Дюбек 4407 навларида кузатилди ва бу далаларда мос равища хар бир тамаки ўсимлигиде 10, 10 ва 9 донани, жами эса бу далаларнинг барчасида 13 донани ташкил қилди. Шумгиянинг ўртача қалинлиги хар бир ўсимликда тупроқ юзасида 2,8 донани, тупроқда 8,8 донани, жами эса 11,6 донани ташкил қилди (52-жадвал).

52-жадвал

Тамаки майдонларида хар бир ўсимликка тұғри келадиган шумгия сони (Ургут туман “Облокул Бойматов құрғони” фермер хұжалиғы)

№	Тамаки майдони	Тамаки нави	Тупроқ юзасида	Тупроқда	Жами
1	1-дала	Виржиния	2	8	10
2	2-дала	Виржиния	3	10	13
3	3-дала	Дюбек 4407	3	10	13
4	4-дала	Басма	2	7	9
5	5-дала	Виржиния	4	9	13
	Ўртача		2,8	8,8	11,6

Шумгия уруғлари тупроқда 30-40 см чуқурлиқдан ўсади, бунда диаметри 3 см гача бұлған сұрғичли новдалар ҳосил қиласы. Тупроқда гул ҳосил қилувчи новдалар ҳам ўсади, лекин тупроқ қатламининг қалинлиги сабабли улар кисилади ва қинғир-қийшик новдалар ҳосил қиласы. Натижада бәзzi бир тупларыда ер остида оқиши рангли гул новдалари пайдо бўлади.

Кишлоқ хұжалик ишлаб чиқариши тажрибасида одатда шумгияга қарши курашда механик усул қўлланилади, яъни шумгия уруг ҳосил қилмасдан олдин қўл билан юлиб олинади. Бу усул хар доим ҳам яхши самара беравермайди, чунки бунда хўжайнинг ўсимлик илдиз тизими шакастланади. Бундан ташқари шумгиянинг ўсимлик илдизида қолган қисмлари ўзини-ўзи тиклаш қобилиятига эга.

Биз ўз тадқиқотларимизда шумгия ривожланиш босқичларининг бошланиш даврини аниклаш бўйича тажрибалар ўтказдик (51-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, шумгиянинг униб чиқиш даврининг бошланиши энг аввал қовун (14.07) ва бодринг (18.07) да кузатилган бўлса, энг узоқ вегетация даври тамаки,

помидор ва кунгабоқарда кузатилди, бу ўсимликларда шумғия ўсиш даврининг давомийлиги мос равища 42, 40 ва 41 кунни ташкил қилди.

53-жадвал

Шумғия ривожланиш босқичларининг бошланиш муддатлари

№	Хўжайин ўсимлик	Униб чинини	Гуллаш		Мева тугиш		Униб чиқишдан ўсишининг охиригача булган давр, кун
			бошла-ниши	тўлик гуллаш	бошла-ниши	тўлик тугиш	
1	Тамаки	21.VII	1.VIII	5.VIII	12.VIII	18.VIII	42
2	Помидор	25.VII	5.VIII	9.VIII	16.VIII	22.VIII	40
3	Кунгабоқар	28.VII	6.VIII	11.VIII	15.VIII	19.VIII	41
4	Ковун	14.VII	23.VII	27.VII	29.VII	3.VIII	38
5	Бодринг	18.VII	27.VII	2.VIII	4.VIII	9.VIII	35

Қишлоқ хўжалик экинларининг шумғия билан заарланиш даражаси шумғиянинг хўжайнин ўсимлик танасида ўсиш суръатларига ҳам маълум даражада боғлиқ бўлади. Бизнинг турли хўжайнин ўсимликларда шумғиянинг ўсиш суръатларини аниқлаш бўйича ўтказган тажрибаларимиз натижаси кўрсатадики, шумғия тамаки, кунгабоқар ва қовун ўсимликларида энг баланд ўсиши мумкин. Бу ўсимликларда вегетация охирига бориб шумғия пояларининг баландлиги мос равища 39,2; 41,2 ва 42, 4 см ни ташкил қилди (54 - жадвал).

54-жадвал

Турли хўжайнин ўсимликларда шумғиянинг ўсиш суръати

№	Хўжайнин ўсимлик тури	Шумғия поясининг баландлиги, см				
		10.VII	22.VII	4.VIII	14.VIII	25.VIII
1	Тамаки	2,1	8,5	17,3	34,3	39,2
2	Помидор	1,7	7,8	16,5	31,8	37,4
3	Кунгабоқар	1,1	7,5	15,2	34,0	41,2
4	Қовун	2,9	8,9	19,3	34,2	42,4
5	Бодринг	1,3	6,5	16,1	34,1	38,8

Шундай қилиб, юкорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, шумғиянинг баъзи бир турларида, айниқса Миср шумғиясида, паразитликка мосланиш хусусиятлари кескин равища амалга ошган, бунинг оқибатида уларда морфологик ўзгарувчанлик кучли намоён бўлган. Гулининг катталиги, уруғлар

миқдорининг кўплиги, поясининг шохланиши ва бошқалар бунга мисол бўлади. Паразит ҳаёт тарзига мосланиши жараёнида уларда бир қатор биологик хусусиятлар вужудга келган. Жумладан, жуда кўн миқдорда уруғ ҳосил килиши, уруғларининг узок муддат унувчанлигини йўқотмаслиги ва бошқалар.

Шумғиянинг бъязи бир турлари маданий ўсимликлар вегетациясининг охиригача гуллаб, уруғ ҳосил қилишга мослашган, Бодринг, қовун, помидор, тамаки ва кунгабоқар ўсимликларида паразитлик қиласидиган Миср шумғиясининг ўсиш жадаллигига бошқа турларга нисбатан катта фарқи сезилмади.

Миср шумғияси хўжайин ўсимлик асосий илдизларидан бирга ўрнашиб

олганда ўз поясидан кўплаб ён новдалар ҳосил қиласиди, бу ҳолат маданий ўсимлик вегетация даврининг охирига (август, сентябр) тўғри келади. Паразитнинг заарлилиги фақат тупроқ юзасидаги новдалари ва гулларига боғлик бўлмай, балки тупроқ остидаги ёш новдаларга ҳам боғликдир. Шумғия уруғларининг асосий қисми 20-30 см чуқурлиқдан ўсиб чиқади. Шунинг учун шумғияга қарши курашда чукур (30-35 см) шудгорлаш тавсия қилинади.

55-жадвал

Самарқанд вилояти Ургут тумани фермер хўжаликларида шумғия паразит бегона ўтининг тамаки ҳосилини камайтиришга таъсири, га/т (Виржиния нави)

№	Фермер хўжаликлари	Ҳосилдорлик		Фарқи, га/т	Ҳосилни камайиши, %
		заарланмаган	заарланган		
1	“Ахроркул Акбарали”	2,1	1,7	0,4	19,0
2	“Дўсанбек порлок диёри”	2,3	2,0	0,3	13,0
3	“Максуджон порлок замини”	1,9	1,6	0,3	15,8
4	“Чорвок яшил даласи”	2,2	1,8	0,4	18,1
5	“Шерзод Насимбоев нурли даласи”	2,2	1,6	0,6	27,2

Самарқанд вилояти Ургут тумани фермер хўжаликларида шумғия паразит бегона ўтининг тамаки ҳосилини камайтиришга таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар туманнинг 5 та тамакиличик

фермер хұжаликлари далаларыда үтказилди. Тажрибалар тамакининг Виржиния навида олиб борилди. Улар орасида “Шерзод Насимбоев нурли даласи” фермер хұжалиги шумғиядан энг күп зарар күрди, унда тамаки ҳосилининг камайиши ҳар гектар майдондан 27,2% ни ташкил қилди.

Махсус илмий манбалардан олинган маълумотларга қараганда паразит үсимлик хұжайраларининг сүриш кучи ҳар доим хұжайн үсимлиқдан юқори бұлади. Паразит хұжайн үсимликни кучли сувсизлантиради, озиқа моддалар билан түйинишини камайтиради ва қуригади. Кечки пайтда ҳаво ҳароратининг пасайиши ва намлигининг ортиши туфайли паразит заарлаган үсимлик транспирация жараёни яна тикланади ва сув йүқотилиши камаяди.

Полиз экинлари ҳар хил навларыда транспирация жадаллигини шумғия билан заарланишга боғлиқ ҳолда үрганиш натижалари шуни күрсатады, полиз экинларининг үрганилаётган деярли барча турларыда шумғия билан заарланмаган үсимликларда 1m^2 барг юзасида 1 соатта бұладиган транспирация жадаллиги заарланган үсимликларга нисбатан бир неча марта камайган (Кабулов Д.Т., Мукумов Х.М., Файзиева С.З., 1981).

Тамаки майдонларыда шумғияга қарши биологик усулда кураш. Үсимликларни биологик ҳимоя қилишда бұғимоёқлилардан үсимликни генератив органлари билан озиқланадиган турлар истиқболли ва аҳамиятли ҳисобланади.


Фитомиза паашалари (*Phytomiza orobanchia* Kalt.) абориген фитофаг сифатида маълум. Унинг личинкаси шумғияни пишмаган уруғи, гул тұқымалари ва пояси билан озиқланади ва шу сабабли ушбу пааша паразитни самарали күпайишини бошқаради. Фитомиза Марказий Осиё шаралыда 5-6 та, Европада эса 1-2 авлод беради.

Үсимликларни биологик ҳимояси бүйіча таниқли олим О.В. Ковалев маълумотига күра, фитофагни колонияси пайдо бұлған жойда паразитни юқори зичлиги, фитомизаны табиий популяциясини агроценозда күпайиши, уларни паразитлар билан касалланиши мухим омиллардан ҳисобланади.

Бу паразиттинг энг самарали усулини топиш мақсадида унинг табиий күшандалари – гербиғаглари олимлар томонидан үрганилди.

Бу борада фитомиза паашаси (*Phytomyza orobanchia* Kalt.) энг фойдады бұлып чиқди (Бронштейн, 1970). Унинг личинкаси шумғия уруғини ейди ёки уни заарлайды, натижада уларнинг униб чиқиши көбилияти йүқолади.

Фитомизани шумғияга қарши қўллаш. Фитомиза - *Phytomyza orabanchia* Kalt., (Иккиқанотлилар туркуми, Agromyzidae оиласи). Гумбаклари кишни уруғ қобиги ичидаги ўтказади. Қишлоғ чиққон гумбакдан фитомиза суткалик ўртача ҳарорат 20⁰С дан юкори бўлганида учига чиқади (73-расм). Қисқа давр озикланишдан сунг улар жуфтлашади ва ургочи фитомиза ўз тухумларини шумғияни очилган гулига қўяди. Бир ургочи фитомиза 200 га яқин тухум қўйиб, 1,5-2 кундан сунг тухумлардан личинкалар очига чиқади, шумғия тугунчалари ичига кириб олиб унинг хом уруғларини бошлади.



73-расм. Фитомизия пашшасининг етук зоти.

Личинкаларнинг бир қисми ўз ривожланишини гул кўсагидаги тамомлайди ва шу ернинг ўзида гумбакка айланади; улар кўсақ деворчасини кемириб тешиб, юпқа пардача қолдиради. Бу пардачани фитомиза осонлик билан йиртиб учига чиқади.

Личинкалар поя бўйлаб ҳаракат қилиб, шумғия тугунининг асосини еб битиради. Ўз ривожланишини тамомлаб, у эпидермисин ёриб чиқади. Фитомизадан қаттиқ зарар кўрган поя илма-тешик бўлиб кетади.

Личинкалик даври (иқлимий шароитга қараб) 14-20 кун; гумбаклик даври 7-9 кун; фитомизанинг тўлиқ ривожланиш даври эса 20-36 кун давом этади. Вояга етган фитомиза 3-4 мм ўлчамдаги ҳашарот бўлиб, у 6 хафтағача яшайди.

Табиий шароитда шумғиянинг тарқалишига фитомиза кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Фитомизанинг бутун ривожланиш даври факат шумғия оиласига кирувчи паразитларда ўтади.

Фитомиза билан шумғияларнинг ривожланиши синхрон бўлади.
Фитомиза Ўрта Осиёда 5-6 насл бериши аниқланган.

Сабзавот-полиз экинлари ва тамаки агротехникаси (сугориш, чопиш, юмшатиш, ўғитлаш ва бошқалар) шумғиянинг уруғдан кўпайишига ёрдам беради ва қишлош даври узоқ давом этадиган фитомизани, уни йўқотишдаги аҳамиятини кескин камайтиради.

Шу сабабли, фитомиза қишлошдан чиккан кам сонли ғумбаклардангина учиб чиқади, уларнинг кўп кисмини йирткич ҳашаротлар ва касалликлар қириб юборади, ғумбакларнинг асосий кисми эса далаларни ҳайдаш мобайнида нобуд бўлади.

Фитомизанинг шумғияни йўқотишдаги аҳамиятини ошириш мақсадида, унинг табиий захираларидан фойдаланилади. Ундан ташқари гербиғаг лаборатория шароитида ҳам кўпайтирилади.

Фитомизанинг табиий запасларидан фойдаланиши.
Фитомизанинг табиий запаслари қўриқ ва партов ерларда ўсадиган ёввойи ўсимликлардаги шумғияларда ҳосил бўлади; фитомиза шумғия тарқалган ҳамма далаларда учрайди.

Фитомизанинг кузда ҳарорат 20°C дан паст шароитда ривожланадиган охирги насли - личинкалари унинг келаси йилга авлодини қолдиради. Қишлоччи личинкалар шумғия пояси эпидермиси остида ва унинг илдиз яқинида кўплаб йигилади; личинкаларнинг бир қисми шумғиянинг уруғ кўсакчаларида қишлияди.

Сентябр охири, октябр бошларида далани ҳайдашга тайёрлашдан олдин табиий фитомизани йига бошлаш керак.

Бунда қишлошга кета бошлаган личинкалар билан тўлган шумғиянинг қуруқ поя ва уруғ кўсакчаларини ҳамда кеч ўсиб чиккан, ичида ғумбаккина эмас, балки турли ёшдаги фитомиза личинкалари ҳам бўлган шумғия гулбандини йиғиши керак кузги паст ҳароратларда ва ернинг биринчи бор музлашида бу личинкалар нобуд бўлади, бироқ сунъий яхши шароит яратилса, улар ўз ривожланишини нихоясига етказади ва ғумбакка айланади.

Пояни суғуриб олишда илдизни тупроқ билан бирга илдиз қисмiga жойлашиб олган ғумбакларни тушириб юбормаслик учун эҳтиётлик билан суғуриб олиш керак. Йигилган шумғия пояларини айвонда ёйиб қуритилади, сўнг қофоз қопларга босмай солинади. Бу қоплар қишида ярим ёритилган, яхши шамоллатиладиган, қуруқ цемент полли омборларда $6-7^{\circ}\text{C}$ ҳарорат ва 55-60% дан ортик бўлмаган нисбий намлиқда сакланади.

Фитомиза ғумбаклари солинган қоплар омборда осиб күйилади ёки 0,5 метрдан паст бўлмаган сўкчакларга жойлаширилади.

Чумоли ва бошка йиртқич ҳашаротлар ғумбакларни ташиб кетмаслиги учун деворга ҳамда сўкчакларга 10 см ли йўлчалар қилиб, смола суркаб кўйилади. Қоплар устига поя йигилган жой ва вақтни ҳамда шумгия босган экин номини кўрсатувчи ёрлиқча ёпиширилади.

Фитомиза билан заарланган шумгияни экин экилмаган далаларда унинг ҳар икки диоганали ва бир ён томони бўйича ўтиб, экин экилган далаларда эса экин қаторлари бўйлаб юриб йигилади. Бир ишчи гербиғаг билан заарланган шумгияни йигиш учун, бир иш куни давомида, у билан қаттиқ зарар кўрган участкалардан (3-4 балл) 50-60 гектар учун, камроқ зарар кўрган участкалардан эса (1-2 балл) 25-30 гектар ерга ишлов беришга етадиган миқдордаги биологик маҳсулотни йигиб олиши мумкин.

Фитомиза заҳирасини ортириш учун илонўт билан энг қаттиқ заарланган помидор, бодринг, ковун ва тарвуз экилган участкаларда фитомиза урчиши майдони яратилади. Уларга меъёридагидан 5-6 марта кўпроқ фитомиза тарқатилади. Бундай участкаларда жуда кўп фитомиза йигилади ва шумғиянинг гербиғаг билан заарланиши жуда кучли бўлади. Натижада ҳар бир гулбаданга 150 тагача ва ундан ортиқ личинка тўпланиши мумкин, бу эса келгуси йил учун фитомиза заҳирасини яратишни бир мунча осонлашириди. Бир фитомиза урчиши майдонидан (0,01 га) шумгия билан заарланган 1000 га сабзавот-полиз экинларига ишлов бериш учун, етарли миқдордаги фитомизани тўплаш мумкин.

Далага фитомиза тарқатиш технологияси. Дала шароитида шумгия биринчи кўчатларининг ва гулининг пайдо бўлиши тупроқ ҳарорати $+20^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг ўртacha суткалик ҳарорати эса $22-23^{\circ}\text{C}$ бўлганида бошланади. Бу диапаузадаги ғумбаклардан фитомиза учеб чиқиши даврига мос келади. Шунинг учун далага фитомиза тарқатишни барвактроқ, ҳавонинг ўртacha суткалик ҳарорати $17-18^{\circ}\text{C}$ га этиши билан, тахминан фитомиза учеб чиқишидан 2 ҳафта аввал ўтказиш максадга мувофиқdir. Далага фитомиза тарқатиш гектар бошига: 500 ғумбак (экинзор 1-2 балл заарланганда) ва 1000 ғумбак (3-4 балл заарланганда) хисобидан амалга оширилади.

Фитомизани далага икки усул билан тарқатиш мумкин. Биринчи усул: диапаузадаги фитомиза ғумбаклари бўлган шумгия поялари қопларга, яхиси қофоз қопларга жойланади. Ёзда тез-тез ёмғир

ёғиб турадиган туманларда эса полиэтилен пленкадан тикилган қопларга жойланади.



74-расм. Тамаки майдонларига қопларни жойлаштириш.

Бу қоплар ердан 60-80 см юқорида дарахтга ёки маҳсус қозиқларга ҳар гектарга битта қоп ҳисобидан илиб қўйилади. Қоп шамолда тушиб кетмаслиги учун уни юқори ва пастки қисмидан боғлаб қўйилади.

Копнинг 2/3 юқори қисмida унинг ўрта линиясида эни 8 см ва бўйи 10 см тўғри бурчакли дарча очилади ва ажратилган кесма олиб ташланмасдан ташқарига эгиб, майдонча хосил бўладиган килиб кайтарилади. Бу майдончага юпқа килиб 20% ли шакар ёки асал шарбати суркалади. Диапаузадаги ғумбаклардан учиб чиқаётган пауша бу ерда қўшимча озиқлантирилади, улар тезда жуфтлашади ва гуллаб турган шумғияга тухум қўйишга киришади. Ғумбакли илиб қўйилган қоплар, албатта кузгача сақланиши керак. Сентябр охирида бундай қоплар йиғиб олинади ва унинг ичидағи қолдиклари билан бирга ёқиб юборилади.

Иккинчи усул: фитомизанинг 3 сутка давомида 2,5-3 км учишини ҳисобга олиб, фитомизарий қути конструкция қилинган. Бу қутига 25-30 гектар экин майдонига етадиган биологик маҳсулот жойлаштирилади.

Биологик восита сифатида фитомизадан узлуксиз фойдаланиш, сабзовот-полиз экинларининг шумғиядан заарланишини 3-4 йил ичида ва тамакизорларда эса 4-5 йил ичида хўжаликда иқтисодий сезилмайдиган даражагача камайтириш имконини беради.



75-расм. Гуллаш
давридаги шумғия
(Тамакининг Виржиния
нави)

Сабзавот ва тамаки майдонларидағи үсіб турған шумғия пояларини ҳам териб олиб уни қуритиб майдонларида құлланилғанда тамаки майдонларидағи паразит бегона үт-шумғиянинг сони кескін қамайиб кетгандығы ва тамаки ҳосилдорлиғи 14-17% га ошғанлығы аникланди. Шу билан бирға шумғия пояларини құлда териб чикилиши ҳисобига харажатлар миқдорининг қамайиши бу табдирнинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Ургут тұманидаги “Облокуł Бойматов құрғони” ва “Насимбай Қурбонов саховати” фермер хұжаликтарининг Виржиния нави әкилған тамаки майдонларида үтказилған тажрибалар аосида биологик самарадорлик аникланди. Биологик үсул самарадорлигини аниклашда фермер хұжаликтарда алоқида майдонлар танлаб олинди ва бу майдонларга 2 йил мобайнида тамакининг Виржиния нави әкилди.

Ушбу майдонларда шумғия бегона үтінинг сони аникланиб борилди. Шумғия гули ва уругини фитомиза пашшаси билан максимал заарланиши пашшанинг ёзги ва күзги генерациясыға (авлод) тұғри келади. Бу вактта келиб тамаки майдонида шумғия сони максимал миқдорда пайдо бўлади.

Сабзавот ва тамаки майдонларини мунтазам равишда фитомиза пашшаси билан ишлаш үз вактида ва қулай об-ҳаво шароитида үтказилғанда, паразит бегона үт-шумғиядан бутунлай ҳалос бўлиши

имконияти мавжуд. Бу эса ўз вақтида, асосий экинлар хосилдорлигини ва маҳсулот сифатини ошишини таъминлайди.

Шумгия гули ва уруғини фитомиза пашшаси билан максимал заарланиши пашшанинг ёзги ва кузги генерациясига (авлод) тўғри келади. Бу вақтга келиб тамаки майдонида шумгия сони максимал микдорда пайдо бўлади.

Хисобларда аникланишича, тамаки майдонида фитомиза пашшасини микдорий сонини максимал даражада ўсиши майдонлардаги заарланган шумгия кўсакчаларини кескин ошишига олиб келди. Июнь ойида шумгия пояси ва илдиз бўғзида пашша гумбаклари сонини ошиши кузатилди. Заарланган кўсакчалар ичидаги уруғлар билан фитомиза озиқланиши натижасида улар пуч холатга келиб қолганлиги кузатилди. Шу сабабли, фитомиза пашшаси заарлаган шумгия уруғлари пуч бўлиб, унувчанлигини бутунлай йўқотади.

56-жадвал

Тамаки майдонларида шумгияга қарши биологик усулда курашнинг иқтисодий самарадорлиги.

(Самарқанд вилояти Ургут тумани “Насимбой Курбонов саҳовати” фермер хўжалиги, Виржиния нави бир гектар хисобида)

Тажриба майдони	Хосил-дорлик, т/га	Хосилни ошиши		Фитомиза билан ишлапш харажатлари, минг сўм/га	Жами харажатлар, минг сўм/га	Маҳсулот киймати, минг сўм/га	Софойда, минг сўм/га	Рента-беллик даражаси, %
		т/га	%					
Назорат (фитомиза билан ишланманга)	1,7	-	-	-	7130	15640	8510	119,4
Фитомиза билан ишланган	2,1	0,4	23,8	8	7210	19740	12530	173,8
Фитомиза билан ишланган	2,0	0,3	17,6	8	7200	18800	11600	161,1

Фитомизанинг қишловчи захира гумбаклари асосий қисми обҳаво шароитига қараб сентябрь ойининг охирги ва октябрь ойининг бошида шаклланади. Фитомиза билан сунъий ишланган

майдонларда шумгия гулини заарланиш даражаси 90% ва ундан ортик бўлганлиги кайд этилди. Бунда битта шумгия ўсимлигидан ўнлаб ва юзлаб фитомиза ғумбагини кўришимиз мумкин.

Фитомизани сунъий қўллашнинг биринчи йили ҳам ҳосил ва маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аникланди. Фитомиза личинкаси шумгияни заарлаб уни хўжайн – ўсимлик илдизи билан боғланиб турган тизимини ишдан чиқаради ва бу эса унинг хўжайнин – ўсимлик илдиз тизими билан алокасини бутунлай йўқолишига олиб келади.

Тамаки майдонларида шумгияга қарши уйғунлашгани кураш тизими ва унинг иқтисодий самарадорлиги. Шумгия жуда кўп маъданий ўсимликларни, шу жумладан тамакини ҳам кучли заарлайди. Ушбу паразитни биологияси ҳақида қатор адабиётлар чоп этилган ва чуқур илмий- тадқиқотлар ўтказилган. Лекин унга қарши кураш бўйича тадқиқотлар чегараланган.

В.Г. Лукаснинг “Тамаки касалликлари” монографиясида шумгиянинг дунёда тарқалиши, зарари, морфологияси, физиологияси, ривожланиши ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ушбу китобда ҳам қарши кураш бўйича материаллар кам берилган.

Шумгияга бағишлиланган адабиётларда паразитга қарши кураш бўйича тавсиялар жуда кам. Дунё мамлакатларида, жумладан Ҳиндистон ва Покистон мамлакатларида шумгия поясини қўлда узиб ташлаш, Калифорния штатида бромид билан тажрибалар, шумгия уругини унишини алдоқчи усувлар билан ундириш, тамакини ўсув даврида алил спиртини қўллаш, Болгарияда шумгияни ейиш учун ҳатто ғозлар ҳам синааб кўрилган.

Шумгия хўжайнин - ўсимлик билан биргалиқдаги ўсиши унга қарши курашни анча қийинластиради. Паразитни нокулай шароитга мослашиш хусусияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, шу сабабли унга қарши курашда кўпгина тадбирлар кутилган натижани бермайди.

Марказий Осиё тамакичилик майдонларида шумгиянинг миср тури (*Orobanche aegyptiaca*) кенг тарқалган. Ушбу турдаги шумгия уруғлари тупроқ яққол қизигандан кейин униб чиқади. Шу сабабли, Ўзбекистонда тамаки кўчкатларини эрта муддатларда экилса, уларга шумгия кам зарар келтиради. Чунки, шумгия униб чиқғунча, тамаки яхши ўсиб олади ва маълум даврга келиб шумгияни таъсири кам бўлади.

Шу билан бирга, шумгия уруғларини 30 см чуқурликдан пастда униб чиқмаслиги аниқланган. Шу сабабли, тамакичилик

худудларида шумғия билан ифлосланган майдонларни 30 см дан чукур ҳайдаш тавсия этилади. Бунда тупрокнинг инфекцияланган қисми шумғия уруфини униб чиқиш горизонтидан паст қисмида жойлашади. Бу тадбирни ҳұжаликларда жорий қилиш шумғияга қарши самарали усул ҳисобланади.

Киргизистонда Г.А.Евтушенко (1961) тамаки майдонларидан шумғияга қарши кимәвий усулда курашни синаб құрган. Тамакини гидразид малеин кислотасининг (ГМК) тузини эритмаси сепилиши шумғияни йүқтади, бунда эритма тамакига салбий таъсир құрсатмайды.

Бутуниттифок (хозирги Бутунроссия) тамакичилик институти Киргизистон тажриба станциясида ГМКни шумғияга қарши құллаш бүйіча илмий тадқиқотларда олиб борилған. Үзбекистонда шумғияга қарши ГМК ни құллаш технологиялари проф. Э.Умурзаков томонидан ұтқазилған (1984).

Синаб құрылған пестицидлар шумғияга қарши үз самарасини бермаган. Фақат гербицидлардан трефлан паразитта қарши ижобий натижа берган (А. Пономаренко, 1980).

Маълумки, шумғияни табиий популяциясини бошқаришда биологик омиллар муҳим аҳамиятта эга. Бунда чидамли навлар биологик усулда асосий омил ҳисобланади. Кунгабоқар үсімлігидан фарқли равища селекционерлар тамакин шумғияга чидамли навларни яраты олмадилар.

Тамакини генетик потенциалида чидамлилик белгилари топилмади.

1911 йилда “Сельскохозяйственный вестник Юго-Востока” журналида Н.Л.Сухарев томонидан ёзилған мақолада фитомиза пашшасига таъриф бериліб, уни кунгабоқардаги шумғияга таъсири ёзилған. Кейинги йилларда фитомиза тадқиқотчилар назарига тушди ва уни шумғияга қарши фойдаланиш бүйіча тадқиқотлар олиб борилди (Н.П.Антонец, 1970; С.А.Богоявленский, 1931; Ц.Г.Бронштейн, 1970).

Бу йұналишда Самарқанд давлат университети доценти Ц.Г.Бронштейн ва унинг шогирдлари көңг күламдаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришиган.

Тамакини эрта муддатда екиш (апрель ойида) ҳар йили ҳам самара бермайды, күчатни далага ҳар йили эрта муддатда екишга обхаво имкон бермайды. Тамаки күчатини камида 30 күн ичіда график асосида далага ұтқазиши керак. Акс ҳолда, күчатни ұтқазиши, йигиши,



Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турнидикӣ, битта тамаки ўсимлигига тўғри келадиган шумғияни ошиши билан ҳосилни камайиши кузатилган.

58-жадвал

**Тамаки майдонларида шумғия зичлигининг унга қарни куранш тадбирларини иқтисодий самарадорлигига боғликлиги
(Самарқанд вилояти Ургут тумани, тамакини Вирджиния нави).**

Шумғияга карши тадбирлар номи	Битта тамаки ўсимлигига тўғри келадиган шумғия пояси, дона						
	0,2	0,3	0,4	0,5	0,7	1,0	1,5
Чукур кузги шудгорлаш (40-50)	150	228	305	383	433	767	1150
Тамаки кўчатини ўтқазиш даврида трефлан гербицидини сепиш	60	93	127	158	223	320	482
ГМК (гидразид малеин кислотасини натрийли тузи) 2-марта сепиш+фитомиза	30	50	65	77	107	150	305

Самарқанд вилояти Ургут тумани фермер хўжаликларида шумғияга қарши бир неча тадбирларни иқтисодий самарадорлиги аниқланган. (58 -жадвал). Суғориладиган текислик худудларда шумғияга қарши иқтисодий томондан самараали усул бу кузди шудгорни чукур 40-50 см чуқурликда ўтқазиш ҳисобланади. Бунда битта тамакига 1,5 дона шумғия пояси тўғри келса, йўқотилган ҳосил атига гектаридан 24 кг ни ташкил қиласди. Бу иқтисодий жиҳатдан шумғияга қарши курашда жуда яхши кўрсатгич ҳисобланади. Битта тамаки ўсимлигига 0,2-0,3 дона шумғия тўғри келганда кузги чукур шудгорлаш (40-50 см) хўжалик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бундай майдонларда шумғияга қарши тамаки кўчати ўтқазиш даврида трефлан гербицидидан фойдаланиш тавсия этилади.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, шумғияга қарши кураш тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги унинг зааралланганлик даражасига боғлиқ. Ушбу боғлиқлик Б.Г.Иваненко формуласи орқали аниқланади (1980):

$$F = \frac{d}{c} \text{ ёки } \frac{\sum d_1; d_2; d_3; \dots; d_n}{c}$$

бунда, F - иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик;
 d ёки $d_1+d_2+d_3+\dots+d_n$ битта ёки бир неча карши кураш усуллари мажмуасини иқтисодий самарадорлиги;

С - шумгия билан заарланганлик даражаси.

Келтирилган ушбу формуладаги күрсатгичлар анча соддалаштирилган, чунки бу боғланишларни аниклашнинг асосий мақсади шумгияга қарши курашнинг маълум бир ёки мажмуасини назарий жиҳатдан асослаш ҳисобланади. Табиий шароитда бу боғланишлар анча мураккаб бўлиб, лекин бундай усулдаги таҳлил ўсимликларни ҳимоя қилишда амалий масалаларни ҳал қилишда қўллаш мумкин.

Масалан, жадвалда битта ўсимликга 1,5 дона шумгия тўғри келганда $d = 1150$, $c = 1174$ (заарланганлик даражаси) бунда :

$$F = \frac{1150}{1174} = 0.98$$

Кузги шудгорни 40-50 см чуқурликда ўтказиш тадбири шумгияга қарши курашда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик даражаси жуда юкори (0,98) эканлиги аникланади. Бунда шумгия таъсирида йўқотилган ҳосил бутунлай копланади.

Битта тамаки ўсимлигига 0,2 дона шумгия тўғри келганда кузги чуқур шудгорлаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бунда қарши тадбирларни мажмуасини иқтисодий мувофиқлиги қўидагича бўлади:

$$F = \frac{\sum d_1; d_2}{c} = \frac{\text{трефлан + ТМК ишлари}}{163} = \frac{60 + 30}{163} = \frac{90}{163} = 0,55$$


Бунда шумгияга қарши ишлатиладиган тадбирлар мажмуаси 50% дан зиёд ҳосилни сақлаш имкониятини беради. Хўжаликни ҳамма тамаки майдонларида чуқур шудгорлаш тадбирларини ўтказишга имкони бўлмайди.

Шумгияга қарши дифференциялашган кураш усуллари комплекси ҳар бир майдонинг хусусиятларини ва ҳар бир хўжаликнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш тавсия қилинади.

5.2. Зарпечак (*Cuscuta L.*).

